

84(59)/4  
K.59

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

ҚИССА


ҚИЛ УСТИДАГИ  
ТАҚДИР

V

Азамат ҚОРЖОВОВ

# ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР

V КИТОБ  
Қисса



Тошкент  
«ИЮД-PRESS»  
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)

Қ 59

Қоржовов, Азамат

Қил устидаги тақдир: *V китоб (қисса) / А.Қоржовов. –Т.: «IJOD-PRESS», 2016. – 280 б.*

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)

*Эрининг қиморбозлиги туфайли ҳаёти бутунлай ўзгариб кетган Лобар исмли адашган аёл қисматини ҳикоя қилувчи «Қил устидаги тақдир» қиссасининг V китобида Европада юз берган жинойий воқеалар қаламга олинган. Тўғри йўл туриб, ўз мақсадларини қинғир йўллар билан амалга оширмақчи бўлган кимсалар таназзулга юз тутадилар.*


*V китобга «Бир одамнинг икки сояси» ва «Ёш хотиннинг гуноҳи» номли XI–XII қисмлар киритилган. Лобар ўз саргузаштларини яқунлашга, атрофидагиларга яхшилик улашишга уринади, аммо жиноят гирдобидан чиқиши учун бу камлик қилади. Унинг янги хатолари янги саргузаштлар саҳифасини очади*

#### Тақризчилар:

Э. ВАЛИ – ёзувчи, доцент

Б. АВЕЗОВ – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-994-35-5



## ХИ ҚИСМ БИР ОДАМНИНГ ИККИ СОЯСИ

Лобарни Москвадаги осуда ва бежавотир кварталлардан биридаги янги қурилган етти қаватли бинонинг учинчисида, ҳамма иш бинойидек кетаётган дамда отиб кетишган кун Лондоннинг худди шундай сокин мавзесида бир одам қўнғироқ кутиб ўтирарди. Бир вақтлар буюк қироликка, кейинчалик капитализм, империализм тараққиётига нисбат берилган, аммо ҳаммиша ўз иқтисодиётини жаҳон цивилизацияси билан чамбарчас боғлаб, ўзида шу цивилизацияни мужассам этган салтанат пойтахти бугун компьютерлашган улкан ўйингоҳни эслатарди. Полиция бинолар пештоқи-ю светофорлар устунига ўрнатилган минглаб видеокамералардан бахт ва бахтсизлик, ҳуқуқ ва жиноят, дам олиш ва ташвиш манзараларини кузатиб ўтирар, жиноятчини пайқаб қолишса, ўйинлардаги каби изидан тушишар, албатта уни тутиб, ғолиб бўлишга ҳаракат қилардилар. Капюшон кийган, қиёфасини ўзгартирган ёки Англияга қадами етмасдан бурун сохта ҳужжат билан ўзини жиноятчилар рўйхатидан ўчирган кимсаларгина чап беришга муваффақ бўлишарди. Жиноят тақиқланганига минг йиллар бўлган эса-да, ҳали-ҳануз айримларнинг қалбида муқаррар ҳибс келтирувчи ишларга тақиқ йўқ эди: ўғирлик, қотиллик, товламачилик содир бўлаверади. Хусусан, Лондон кўчаларида ҳам халқаро жиноятчилар, жосуслар, қотиллар, паспортининг муддати ўтганлар барибир кезиб юраверадилар.

Телефон кутиб ўтиргувчи ҳам тақдир ўйинларида жонидан тўйгунча иштирок этган, эндиликда хийла тинч ҳаёт кечириб, аммо эндиликда яна бир ишни бошлаб қўйган ашаддий жиноятчи, шу билан бирга полиция учун оддий хорижлик тadbиркор, кичик ресторан соҳиби Пўлат Фазлиаҳмедов эди.

Ниҳоят, телефон жиринглади.

— Алло, — деди кўнғироқ кутувчи. У эллик ёшлардан ошган, соч-соқолига оқ оралаган, қирғийбурун киши эди, гушакни кутарганда кўзларида совуқ шуъла йилт этгандек бўлди.

— Саломалайкум, Пулат оға, — деган овоз эшитилди гушакдан. Кейин русча сўзлай бошлади: — Анча вақтдан бери рақамингизни ахтариб юргандим, ахийри топдим. Мен ҳам Англияга бориб, бир неча йил ишламоқчиман. Иш масаласини ҳал қилиб берасизми?.. Танидингизми ўзи? Жиянингиз Мирзоман.

— Э, Бишкек? Одам деган аввал ўзини таништирамайдими?

— Ҳозир Россияга кўчиб ўтдик, — узрхоҳ оҳангда гапирди.

— Россиягами? Эшитмаган эканман? Москвага шекилли?

— Ҳа.

— Хўш, Вадиа нима қилаяпти? Отанг билан ҳалиям ярашмадими?

— Отам уйланган, русга.

— Аблаҳ, Володя кал! Барибир хиёнат қилибди-да!.. Майли, Мирзо, сен кўп куйинаверма. Инглиз тилини биласанми?

— Мактабда инглиз тили ўтилган.

— Демак, ҳеч вақони билмайсан, — кулди Пулат. — Бу ерда нафақат инглиз тилида гапира олишинг, балки шевасини ҳам тушунишинг шарт. Шунақа тез сўзлашадики, инглиз тилини билган чет эллик талабалар гоҳида шошиб қолишади. Сен эса ҳеч қаерда ўқимаган бўлсанг кераг-а?

— Шароит тўғри келмади, — деди жиян.

— Шунинг унутма, Лондонда хорижлик коса-товоқ ювувчиларга эҳтиёж йўқ. Бу деганим, сен Англияга нима мақсадда бир неча йилга боришингни ҳужжатларда кўрсатишинг зарур. Коса-товоқ ювиб ёки куча супуриб пул ишламоқчиман, демайсан. Ўқишда ўқимоқчиман...

ва ҳоказо. Бироқ ўқишда ўқишинг учун ҳужжатларинг тўғри келармикан?

— Мен шунинг учун... ёрдам сўрамоқчиман. Йўлкирага ҳам пулим йўқ. «Вестерн юнион»дан номимга пул юбороласизми? Лондонга борсам, ишлаб қайтараман.

— Сенга ишонаман. Кўп йиллар кўришмаган бўлсак ҳам, барибир менга ўхшаган таптортмас, мард йигит бўлиб вояга етгансан. Отанг биздан бўлмаса-да, сен билан менинг қонимиз бир, қаёққа ҳам қочардинг!. Айтгандай, опанг ўқияптими?

— Ҳа, — деди йигит, — чет тиллар бўйича.

— Э, устоз ёнингда экан-ку! Нега тил ўрганмадинг? — куйинди Пўлат.

— Биринчидан, опам бошқа шаҳарда, жуда кам учрашамиз. Иккинчидан, у итальян тили бўйича мутахассис. Менга эса инглиз тили керак.

— Опанг Италияга бормоқчими?

— Бормоқчи эди, шамоллаб қолди.

Пўлат ихраб юборди, сўнг дарҳол ўзини қўлга олиб, деди:

— Нима бўлди унга? Битта опанг бор, шунга ҳам қараёлмадингми? Қаерда ётибди ҳозир?

— Москвада.

— «Кам кўраман, бошқа шаҳарда», демадингми, пандавақи?! — ғазаби қўзиди Пўлатнинг.

— Бизни кўришга келганди. Италияга, Рим шаҳрига июннинг ўн учинчисида бораман, деганди, афсус...

— Аҳволи яхшими?

— Реанимацияда ётибди, беҳуш.

— Англия масаласини кейин гаплашамиз. То соғаймагунча, — жилма! Менга хабар жўнатиб тур.

Пўлат қизил тугмачани босди. У «жиян» қиёфасидаги хуфиясининг худди шу кўнғироғига интиқ эди. Бироқ «опа»нинг, яъни Лобарнинг Италия сафари олдидан отиб ташлангани («шамоллаш» уларнинг тилида «ўқ ейиш» дегани эди), реанимацияда оғир аҳволда ётгани кутилмаган хабар бўлди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Шу пайт «смс» эшик қоққанини билдириб, телефонда мусиқа жаранглади. Пўлатга бошқа телефондан худди ўша «жиян» хабар жўнатган эди. Уқиди: «Via Vittorio Veneto».

— Оз қолибди, — пичирлади Пўлат.

У ресторандан чиқаётганда, хизматчиларидан бири ортидан югуриб келди.

— «Диджей» ишдан бўшаяпти, — деди у, — янги олайликми?

Англия ресторанларидаги идиш-товоқ ювувчиларга «диджей» лақаби берилган эди. Негаки, улар диск ўрнига тинимсиз ликобча айлантириб туришарди-да.

— Бурка кетаяптими? Нега? — сўради Пўлат.

— Меҳмонхонадан иш топибди.

— Унда нега янги олайликми, дейсан? Сменада икки киши бўлиши керак, бугуноқ ҳал қилинглр.

— Номзод қиз бола-да.

— Қиз? Бундай қараганда, фарқи йўқ. Эплоладими?

— Кўринишидан жуда дадил. Аввал ҳам ишлаган экан. Асли Абхазияда туғилган, кейинчалик Москвага кўчиб кетишган, исми Мадина, ёши ўн еттида. Англияга мартнинг бошида келган, коллежда ўқийди.

Машина қулфига калит солган Пўлат тўхтаб, ходимига бурилиб қаради.

— Мусулмон қизими?

— Онаси муслима, отаси рус — «метиска».

Пўлат россиялик хуфияси билан бир неча дақиқа муқаддам гаплашганида қўллаган ёлгон тимсолларга нақадар ўхшаш тақдирни учратиб, беихтиёр кифт учирди. Кейин машина эшигини очиб, рулга ўтирди. Ўйланиб қолганини кўрган ходим:

— Қайтарворайми? — деб сўради.

— Йўқ, у билан ўзим гаплашаман, — деди Пўлат. — Мени кутсин.

Машина қўзғалиб, бир зумда кўчадаги оқимга қўшилди ва икки қаватли автобусни қувиб ўтгач, кўздан йўқолди.

\* \* \*

Лондондаги «Кавказ» кичик ресторанининг соҳи-би Пўлат Фазлиаҳмедов россиялик чечен — аслида тийрамоҳдан буён халқаро жиноят саҳнасида кўринмаётган Шомилнинг шахсан ўзи эди. У Москвадаги одами билан телефонда қилган суҳбати, яъни «жиян» ва «тоға»нинг дардлашуви бошдан-охир махфий маълумотларга тўйинганди. Жумладан, Италия пойтахти Римга ўн учинчи июнда жўнаш арафасида турган «опа»нинг борар манзили «смс»даги «Via Vittorio Veneto»га ҳамоҳанг бўлиб, барчаси жамланса, Фолкстон қарталарида йўқолиб-битган махфий манзилгоҳ — «Via Vittorio Veneto, 136 Roma» келиб чиқиши Шомилга энди сир эмасди. Қандай қилиб дейсизми? Лобар Москвага бориб, казиноларда кезиб юрганида, Шомилга хабар етди. Шунда Шомил «муқаддаслар рўйхати»га киритилган қиморбоз аёлни қайси шамол учириб келганини аниқлашни буюрди ва ҳеч қутилмаганда Римдаги манзилгоҳ қайсидир жиҳатдан Лобарга ҳам алоқадорлигини сезиб қолди.

Ҳа, Шомилнинг хатоси — одамларга қирон келтирган Бурбон чол умрининг сўнгги дамларини ўтказаетган Римдаги манзил Лобарга маълум эканини билмагани эди. У жувонни қимор чоҳига ўзи истамаган ҳолда итариб юборгани учун ҳали-ҳануз виждон азобини чекмоқда эди.

Энди Лобарни тинч қўйишни, бошқалар ҳам безовта қилмаслигини истарди. Хусусан, қидирилаётган Фолкстон қарталари қисмат чархпалаги ила Лобарнинг қўлига тушиб қолганини эшитиб, шу қадар ғазабландики, пешонасига битилмиш бу кунлар учун илк бор ўзига ўзи лаънатлар ёғдирди.

Бундан сал аввалроқ Бурбон чол Италияда экани, Римда яширингани, ҳатто Витторио Венето кўчасида истиқомат қилишигача аниқлашди. Бироқ қайси уй? Ва баайни қайси санада учрашиш керак у билан?



Лобар Фолкстон қарталаридаги «136» рақамини яшириб, жиноий гуруҳларни чалғитган, яъниким «13-кун, 6-ой» ҳамда «136-уй» маъноларини берувчи асосий рақамни бекитишга муваффақ бўлган эди. Дарҳақиқат, Москвада Нояга мазкур рақамларни айтган заҳоти бежиз отиб ташланмаганди. Сир оғзидан чиқдимиди, тамом, аёл қашқирлар тудасига ортиқ керак эмасди.

Кеча бир китобда ўқиди: Иккинчи жаҳон урушида Гитлернинг қўшини фақат немис-фашистлардан иборат бўлмаган. Дунёни забт этиш учун шунчалик кўп аскар талаб қилинганки, немис миллатига мансуб фашистлар етмаган, шу вайдан Италия, Руминия каби мамлакатларнинг аскарларидан ҳам қўшинлар тузилган. Брянск остонасида эса қароқчиликдан воз кечган Венгриянинг 2-армиясига қарашли учта дивизиянинг фюрерга қарши чиққан исёнкорлари гитлерчилар томонидан қирғинбарот қилинган. Сабаб ойдин: «Мен ортиқ фашист бўлолмайман! Бегуноҳ одамларга қарата ўқ узиб, шаҳарларни вайрон этолмайман!..» Бунинг жавоби эса ўлим эди.

Лобар-чи? Гўёки «нега қарта ўйинларини ўргатиб, тақдиримни қаро қилдинг?» дея қимор дунёсини тарк этаётганда, унинг ҳам ёстиғини қуритмоқчи бўлишмадимиди? Шомил ким деган одам энди? Ёвузлик дунёсига йўлланма берган раҳнамомиди?

— Гена! — бақирди Лондоннинг хилват гўшасидаги икки қаватли уй остонасини ҳатлаб. — Моғор босиб ётибсанми, дейман?! Қанисан, жин ургур?

Ортидан пилдираб келаётган хизматкор:

— Хўжайин тепада, — деб манзират қилди.

— Нима шовқин? — пешвоз чиқди эгнига халат ташлаган барваста эркак.

— Улар Лобарни отиб ташлашибди! — хитоб қилди Шомил. — Ўлдирмаслик ҳақидаги шартномага «Викинг» бўйсунмайдими? Бўйсунмаса, Римда янги уруш бошланади. Санаси ҳам аниқ: ўн учинчи июнь!

— Наҳотки, Лобар ўлган бўлса? — ичкари хонага таклиф этди мезбон.

– Йўқ, – деди Шомил эгнидан тутиб, – оғир яраланган! Ҳозир реанимацияда! «Викинг» бу билан менга, сенга – ҳаммамизга қарата ўқ узган ҳисобланади! Ўзини Шомил деб таништириб юргани учун анави Нояни аллақачон ўлдиртириб юборишим керак эди.

– Менга қара, Лобар ўлмабди-ку, нега оламни бузиб, доллаб келаяпсан, Пўлат? Ё сен Бурбонни қўлга олишни эмас, эски муҳаббатингни ўйлаб юрибсанми?

– Уруш тегирмонига сув қуйиш энди менинг қўлимда! – Шомил изига қайтиб, зинадан гурс-гурс туша бошлади. – Лобарга тегинмаслик ҳақида Гаждарга яхши тушунтирмаган кўринасан!

– Гаждар устаси фаранг... – деб Гена гап бошлаган эди, Шомил қўл силтади.

– Тупурдим ўша устаси фарангингга!

– Нега келиб, нега кетаяпсан, тўхта! – Гена Шомилга эргашди.

Шу дамда Шомилнинг телефони жиринглади – ресторандан эди.

– Нима гап? – жаҳл билан сўради Шомил.

– Ҳалиги... Мадина бору, боя айтганим... абхазиялик... – чайналди ресторан ходими. – Ўша келиб, сизни кутиб турибди... Ҳозир гаплашиб кетмоқчиман, келармикан, деяпти.

– Ҳеч қаяққа кетмасин, – Шомилнинг рангига қон югурди.

Уй соҳиби Гена халати боғичини куч билан тортди, шунга яраша қовоғи ҳам бир қарич осилиб тушди. Ҳашаматли уй, қимматбаҳо безаклар, оёғи остидаги ёғоч зина – барчаси унга ҳалол йўл билан келмаганидек, ўзи ҳам дунёда адашиб пайдо бўлиб қолганлардан эди: на черков, на масжид биларди Худонинг шунақа бандаси борлигини.

– Ўрта осиелик оддий бир аёлга шу қадар боғланиб қолган кимса яшайди дунёда, дейишса, асло ишонмасдим, – сўзлади у. – Афсуски, ўз кўзим билан кўриб турибман. Қаршимда, менинг уйимда!.. Ҳей, сенга гапираяпман! Қаяққа?

Шомил бирдан тўхтаган эди, Гена сезилар-сезилмас сесканиб тушди.

— Ўша аёл ўзбек... ўша аёл сен айтгандек Ўрта Осиёдан... — деди Шомил. = Мён билан шундай чорраҳада тўқнаш келганки, у эмас, камина синовлардан ўтолмади, қоидаларни бузди. Нега деганда, бир вақтлар ашаддий қиморбоз бўлганман, ютқазган пулларимни ўз вақтида тўлолмаганим учун оиламни сўйиб кетишган. Шунинг учун қанчадан-қанча қиморбозларни ер тишлатдим! Ўчимни олдим! Бироқ кунларнинг бирида Лобарни қартабозга айлантирдим-қўйдим. Айт-чи, бу нима деган гап? Юзимга туфласа ҳам кам, — тишлариниғижирлатди у, — отиб ташласа ҳам! Наҳотки, хушомад ураётган ёки севиб қолганга ўхшасам?! Айбимни ювмоқчиман, Гена, ҳеч қачон кечириб бўлмас айбимни! Лекин бу айбни ювиб бўлмайдиганга ўхшаяпти.

— Тўнғизлар қўлидан халос этганинг айб иш экан-да? — деди Гена.

— Кичикроқ савоб қиламан, деб бутун келажагини йўқ қилиб юбордим. Лобар аёл сифатида эмас, қимор оламидаги мавжудлик-жиҳатидан ҳамшиша менинг виждон азобим.

— Мана сенга савоб! Ким сенга савоб қил деганди?.. У мусулмон қизими?

Шомилнинг пешанасида ажин рассомлари солмиш дастлабки чизиқлар кўринди. Бир қанча вақт аввал Россиядаги хуфияси билан телефонда «тоға-жиян» ролини ижро этиб, «метиска» тимсоли хусусида гапирганларидан сўнг лип этиб Мадина исмли қиз иш сўраб келди. Англияга бориб, қора меҳнат қилиб, пул ишловчи сохта «жиян»нинг сохта «опа»сига жуда-жуда ўхшарди таржимаи ҳоли. «Мусулмон қизими?» деб ҳайрон қолди Шомил Мадина ҳақида эшитиб. Энди Гена Лобар хусусида шу саволни бераяпти. Бу ўхшашликлар нимадан далолат?

— Лобарми?.. Ҳа, у мусулмон қизи, — жавоб берди Шомил паришон алфозда.

Уй соҳиби Шомилнинг рўпарасида бир неча сония

## Қил устидаги тақдир V

сўзсиз тургач, икки қадам наридаги диванга ўтирди. Хизматкор патнис кўтариб кела бошлади, кўриқчи шовқин-суронни эшитиб, ойнаванд эшик олдида кўз узмай турарди.

— Балки, сени дин боғлар? — сўради Гена.

Шомил бошини сарак-сарак қилиб, шиша стол устидаги қартага нигоҳ қадади.

— Ўттиз олти варақли қарта.

— Кел, ўтир, беш дақиқа ишдан гаплашайлик. — Гена хизматкорга буюрди: — Чиқиб кетинглар, эшикни ҳам ёпинглар!

Шомил ўтираётганда, пиджак бари хиёл очилиб, тўппонча дастаси кўринди. Гена хитоб қилиб юборди:

— Жин урсин, Пўлат! Меникига нима учун қуролланиб келдинг? «Замбарак»ка бало борми? Сени Фазлиаҳмедовга айлантириб, Лондонга жойлаштиргунимча она сутим оғзимга келганди-ку, ахир! Махфий хизмат, полиция, балои баттарлар изингга тушса, бирйўла мени ҳам йўқ қиласан!

— Бу бомба эмас, нега капалагинг учади? Билиб қўй, мени полиция эмас, шахсий қуролим қутқаради.

— Англиядасан. Бир бўлак темир учун ҳамма ишни расво қилмасанг гўрга эди.

— Ўргатма! Бу оддий бўлак эмас, ҳаётни давом эттириш учун металдан қилинган титул. Бир ёнимда тобут, иккинчисида қурол. Сенингча, қайси бирини танлашим керак?

Гена қадахдан хўплади.

— Мени менсимайсан, биламан! — деди. — Бироқ бошлаган ишимизни охиригача етказишда ортиқча лашлушларга берилмаслигингни илтимос қиламан. Истасанг, оёғингга бош уриб, ялиниб-ёлвораман. Аммо Лондонда қуролланиб юрма. Сен «хорижлик тадбиркор»сан, холос. «Кавказ» ресторанини очдингми, тинчгина ишла. Қурол, Лобар, қасос, Москва жиноятчилари... Йиғиштир ҳаммасини! «Бурбон» операциясидан кейин билганингни қилмайсанми!

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Лобар лаш-луш эмас, иккала кулоғинг билан ҳам эшитиб ол. Керак бўлса, «Бурбон»га этак силтаб, бугуноқ Россияга учаман, «Викинг»ларга аёлга ўқ узишни кўрсатаман.

— Айнан Россияга учолмаслигингни эслатиб қўймоқчиман, азиз дўстим.

Шомилнинг қўллари мушт бўлиб, лаблари қимтилди. Гена сигарета тутатиб, юқорига пуфлади. Уша кунлари Шомил ичмасди ҳам, чекмасди ҳам. Аламини ичига ютиб, бирпас индамай қараб ўтирди. Англияда вақтинча яшаб туриш ва Римдаги қасос онлари учун Гена керакли шахс эди, ҳарқалай тортишиб қолмасликни лозим топиб, деди:

— Мени бекорга ушлаб ўтирма, ишларим кўп. Лобар масаласини эса чуқурроқ ўйлаб кўриб, бир тўхтаб келиб, жавобини айтаман. Ҳозирча мен ўйлаганчалик бўлмайдиганга ўхшайди, лекин сен ўйлаганчалик ҳам эмас.

— Лобар билан сени боғлаб турган риштани шу вақтгача кўрмагандим, шу боис отишга—рухсат—берганимдан афсусдаман, — деди Гена маҳзун товушда.

— Тушунмадим, — бир қоши кўтарилди Шомилнинг.

— Гажар сўради, мен рози бўлдим. Акс ҳолда, Ноя Лобарнинг пешонасидан дарча очарди. Ундан кўра «реанимацияга тушириш санъати»ни қўллаган дуруст эмасми?

— Демак, олифта Гажарингнинг ўзи отибди-да?

— Гап бундай, дўстим, — ётиғи билан тушунтиришга киришди Гена, — Римдаги манзилни қўлга киритишинг билан керакли одамга хабар бер, дедим, яъни сенинг хуфиянгга. Гажар шошилинич қўнғироқ қилиб, «Ноя қиморбоз аёлни ўлдирмоқчи, илло у «муқаддаслар рўйхати»да-ку, эртага менинг ҳам бошим кетмайдими?» деди. «Кетади», дедим. Кейин режасини айтди: «Лобарни ўлдиришни зиммамга оламан, лекин ўлмайдиган қилиб ўқ узаман...» Ҳойнаҳой, елка суягига отган кўринади. Ишонмасанг, бугун аниқла: Гажар фурсат топиб, «Тез

ёрдам»га кўнғироқ қилган, аёлнинг ҳаётини сақлаб қолган.

— Ноя!.. Ноя... — гижинди Шомил.

— Аниқ манзил ва санани сенга айтишдими? — яна тутун пуфлади Гена. — Ҳадеб бошимни балого кўйиб, у билан мен боғланавермайман-ку.

Шомил бош ила тасдиқлади.

— Унда ишга кириш, «ишларим кўп», деб бекорчи нарсаларга чалғима. Ахир, биз келишганмиз-ку! Билиб кўй, Гахар махфий манзилни кўлга киритгач, Нояни отиб ташлаши мумкин эди, лекин ўзингдан қолар гап йўқ, Ноя биз учун «Викинг» қароргоҳига элтувчи текин дарға. Кейин... яна шуни айтмоқчиманки, Россияга қадамнинг етган заҳоти кўлингга кишан уришади.

— Фақат Италияга йўлак очиб кўйибман, дегин? —

— Дунёнинг истаган мамлакатига бориш оддий одамларнинг иши. Биз эса давлат танлашга мажбурмиз. Зеро, ҳаётимиз шунақа, бундан ўпкаламасак ҳам бўлар. — У сигарета кулини бир чертиб туширди. — Италиядан кейин тўрт томонинг қибла, Пўлат-Шомил! Қолаверса, мени ҳозирча командир ҳисоблашга мажбурсан. Командир жангчиларига ишғол қилинадиган маррани кўрсатади, йўлак очиб кўймайди.

— Хайр, — дея Шомил газаб-ла ўрнидан турди.

— Ҳеч бўлмаса, тўппончангни почангнинг тагига яшир, — Гена Шомилнинг шимига ишора қилиб, мийиғида кулди. — Ошқора тақиб юришинг нимаси? Кинода роль ўйнамаяпсан-ку!

— Айтганинг бажо қилинади, — Шомил эшик сари мағрур одимлади.

— «Викинг» донолари қимордан тириклай қувғин этишни хоҳлашса, бармоқларни мажақлаб, қарта ушлолмайдиган қилишаркан.

— Лобар бармоқлар нафислиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради, — деди Шомил ортига ўгирилиб, кўлини ҳавога ниқтаркан. — Ҳар бир бармоғи учун улар калласи билан жавоб беришади, бир эмас, ичак-чавоқдан телпак кийган бир неча калла билан!

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Албатта, — иягини кўтарди уй соҳиби.

Шомилнинг юзида шафқатсизликка қоришган ғам-алам, шу билан бирга ҳорғинлик аломатлари ҳам зоҳир эди. Иккисининг-да кўзлари тубидаги сирларнинг тўлғониб, бижғиб, чарх уриб ётиши-чи! Жиноят дунёсининг бундайин лаҳзаларида нигоҳлар барибир асл мақсадни акс эттирмайди.

Сўнгра иккови ҳам ним жилмайишди. Омонат ишончнинг хотимаси эди бу.

\* \* \*

Кўнғироқ қилган ресторан ходими абхазиялик Мадина кутаётганини айтганида Шомилнинг рангига бежиз қон югурмади. У ўз ички дунёсини тўлиқ кашф этмаган эса-да, сезардики, баногоҳ ёрдамига зор қолмиш ёш қизлар, жувонлар, гўзал хотинлар тўсатдан юрагида алланечук оловларни гуриллатиб юборарди. Москва жиноий кўчаларининг ҳукмдори бўлган кезларда Лобарни халос этишига туртки берган куч ҳам шу эди (Анна Сергеевна масаласида ҳам тан олиш керак). Ҳарҳолда гаразли ният ҳисобламасак-да, буни мардлик намунаси ҳам деб бўлмасди.

Энди эса Мадина...

Тўғри, Мадина на асираликда, на ночорликда. У коллеждан бўш вақтларида коса-товоқ ювиб, пул ишламоқчи, холос. Албатта, кўчадан ўтиб бораётиб, «Кавказ» номли ресторанга кўзи тушгану кўнглида ғалати илиқлик уйғонган. Сўрасаки, коса-товоқ ювувчилардан бири бўшамоқчи.

«Ишга олармикан?» деган илинжда кутиб турган содда, ожиза, ҳалим қизни учратишни хаёл қилган Шомил бироз янглишди. Мадина бўйчан, қайрилма киприкли, нигоҳлари чақноқ, дуркун, ўт-олов қиз экан. Шомил томон худди модалар подиумида юрган каби икки-уч қадам ташлаб, рус тилида салом берди. Шомил ҳам русча сўзлаша бошлади. Қаердан, қачон келганини, коллежни суриштирди. Кўпчилик талабалар Лондонга

ўқиш мақсадида эмас, пул топиш пайида келгувчилар эди.

— Нега Англияда ўқишни ихтиёр этдинг? — сўради Шомил. — Москва устун бўлса устунки, кам эмас. Тўғриси айтсам, Москва мен учун идеал шаҳар.

— Менга Англияда ўқиш ёқади, — деди қиз, — азалий орзуйим шу. Идеал деганда йўқ нарсаларни, бўлмағур хомхаёлларни тушунаман.

Шомил абхаз қизининг қади-қоматига ошкора кўз югуртирди. Ташқи жиҳатдан енгилтаклик, сатанглик сезилмас, айни дамда эллик беш ёшли сўққабош кимсага у ҳозирги ҳолатидан бироз енгилтак бўлгани маъқулроқдек туюлди. Шу ондаёқ осий фикрларни қувиб солишни истаб, деди:

— Ресторанимга иш сўраб келганимга қараганда, оддий оиладансан. Ёки уйингдан пул сўрамаслик учун ҳар қандай хизматга тайёرمىсан?

— Ҳар қандай хизмат? Нима деганингиз бу? — деди Мадина.

— Фаррошлик, идиш ювувчилик...

— А, оддийроқ иш топсам, дегандим-да! Ёшман, қийинроқ ишларни ҳали эпполмайман. Инглизчадан ҳам бир оз оқсаяпман.

— Бунақа ишларда аввал ишлаганмисан?

— Ҳа.

— Москвадами?

— Москвада, — деди Мадина, — «Луиза» ресторанида.

— Тушунарли. Демак, ота-онанг Москвада ҳам пул топиб беришмаган экан-да! Узр, оиланг ҳақида сўрашга ҳаққим йўқ, лекин... — чайналди Шомил.

— Ҳечқиси йўқ. Сизга бемалол айтишим мумкин. Биз Сухуми яқинидаги посёлкада яшардик, дадам кўп ичарди. Москвага кўчиб келганимизда ҳам эски одатини ташламади: мастлик, жанжал, етишмовчилик...

Шомил ҳафталик маошни бошқа ресторанларникидан бир оз юқори белгилади. Кўнглини забт этаётган илиқликдан ҳузур қилаётган бўлса-да, кечаси хуфиянинг



электрон почтасига қуйидагича хат битди: «Салом, Андрей. «Луиза» ресторанига бор-да, асли абхазиялик бўлган Мадина исмли қиз ишлаган-ишламаганини суриштир. Агар ниманидир сезсанг, зудлик билан хабар бер».

Дарҳол жавоб қайтди: «Тушундим. Кетаяпман... Бугун Лобар хушига келиб, Нояни тилга олибди. Фотосуратини милицияга кўрсатиб, фош этмаслиги учун Ноя тез орада клиникага қотил юборади. Нима қилай?»

Шомил ёзди: «Ўлдир!»

Интернет-почтага шу заҳотиёқ жавоб хати тушди:

«Кимни?»

«Нояни! Агар қотил ёллашга улгурган бўлса, қотилни ҳам! Мен Лобарни тирик ва соғ-саломат кўришим шарт! Тушундинг, деб ўйлайман», — деган жавоблар ёзди Шомил.

«Албатта, тушундим. Бироқ Ноя ҳозирча керак-ку. Ўлдириб юбориш учун бир неча марта имкон келган эди, кераклиги учун ҳам индамагандим».

«Инсон ҳамиша ўлимини ўзи сотиб олади. Ноя бу борада ҳам чаққон чикди. «Викинг»ларни усиз ҳам топиш қўлимдан келади!»

Эртасига Шомил Генанинг уйига борганида, тунги мактублар хусусида лом-мим демади. Ўн учинчи июндаги қонли тўқнашувга ҳозирланиш учун Гена италиялик жиноятчилардан ўқ отар қуроллар харид қилиши, Шомил ва бир неча йигит учун Рим атрофидан ижара уй ҳозирлаб қўйиши, агар лозим топилса, ўша ердан ёрдамчи-айғоқчи ёллаши лозим эди. Зеро, буларсиз тажрибали Шомилдан ҳам ҳеч бир иш чиқмаслиги мумкин эди.

— Мени маъзур тутасан, — деди Гена оёқларини чалиштириб, — Лобаринг ҳақида совуқ хабар айтишга мажбурман. Бу фақат сенинг шоирона хотираларинг учун совуқ, аслида эса оддий бир хабар, яъни буйруқ... десак ҳам бўлади.

— Кулоғим сенда, — столга ястаниб ўтирди Шомил,

«Наҳотки уни ўлдиришга улгуришган», деб инграб юбораёзди.

— У... — деди-ю, Гена бармоқларини ўйнатди.

— Гапирсанг-чи! — депсинди Шомил бардош беролмай; бир лаҳза ичида хаёлидан минг хил ўй ўтди, хусусан, Римдан воз кечиб, ҳозироқ Шарқий Европадаги «викинг»ларга ҳамда қаршисидаги сурбет нусхага уруш эълон қилиш, уруш эълон қилганда ҳам, шиддатли ҳамладан бошлаш, бир неча жиноий галани янчиб ташлаш, офисларининг кулини кўкка совуриш, эртаиндин ўзи ҳам ҳалок бўлиш...

— Асабларингни асра, Пулат, — дея Гена Шомилга ҳар доимгидек сохта исм билан мурожаат қилди. — Совуқ хабар шуки, Лобарни майдондан бутунлай четлаштирамиз. Буни мен ўйлаб топганим йўқ, тепамдагилар уқтиришди. Сенга маълум, бошимда кимлар борлигини ўзим ҳам билмайман. Мен кимман ўзи? Қисқаси, уларга «Бурбон» операцияси арафасида яна бир «фронт»нинг борлиги ёқмаяпти. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда профессионал қиморбоз аёлнинг яшаётгани ортиқча муаммо туғдираётган эмиш.

— Фурсат келганда сўрай, — деди Шомил хурпайиб, — сен ўзи қайси мамлакат хавфсизлик хизматининг жиноят оламидаги ячейкасан? Америка, Англия, Исроил? Ёхуд яна ўша Россия?.. Хўш?

— Мен ячейка эмасман.

— Мафиянинг ҳам қўғирчоғи эмассан!

— Майли, кел, очикчасига гаплашиб олайлик. Лас-Вегасдаги отишмадан сўнг Американинг эшиклари сен учун ёпилди, Россия эса аллақачон тўнини тескари кийган. Италиядаги қама-қамалар оқибатида у ердаги мафиянинг ҳам кўрарга кўзи йўқ сени! Хўш, шундай вақтда нега хавфсизлик хизматига тутиб бермадим? Шомил, унутма, аслида менга ҳам керак эмассан, дунёда жамики одам зоти борки, ҳеч бирига... Йўқ-йўқ, балки Лобарга ҳамон зарурдирсан? Менимча, у фанатингга айланган, шекилли. Нима демокчи эканимни тушунтириб беролаяпманми?

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV. № 168520-10/95

— Маъносини чақса бўлади.

— Чақса бўлади эмас, очиқчасига гапиряпман-ку, ахир! Уйлайсанки, қайсидир давлатнинг хавфсизлик органи Европада менга ўхшаган жиноятчини сақлаш, муҳофаза қилиш, фойдаланишдан маънафатдор, шунинг учун бемалол яшаб юрибман, деб. Йўқ, яна айтаман — йўқ! Уларга менинг алоқам бор, яширмайман, яширолмаймаман ҳам. Сенга дўстона меҳрим уйғонгани учун ҳам тақиқдан холи, бемалол яшаб юрибсан. Улар менга Шомилни қўлингда сақлаб тур, фойдалан демаган, ўзим мустақил равишда сенга ёрдам қўлини чўзганман. Акс ҳолда, аллақачон қамоқда ёки гурда ётардинг.

— Лобар-чи? — ер остидан ўқрайди Шомил. — У кимга керак эди-ю, энди кимга керак бўлмай қолди? Халқаро битим рўйхатини барча жиноий тўдалар бузмасликка келишган эди. Янги қарор жиноий тўдаларга асло тегишли эмасга ўхшаяпти.

— Лобар ўта тажрибали, омадли қартабоз, холос, — Гена гапни айлантираётган кишидек сохта тўлқинланиб қўйди. — Қуруқ қарталар билан ҳамиша ҳам масалани ҳал қилолмайсан киши. Шунинг учун қартабоз қачон ҳаракатга тушса, шундагина уни йўқ қилиш мумкин. «Музласин» — тамом... Пўлат, ўзингни унга нисбат бераверма. Қарорга келсак, сен кўп ҳам жиноят оламидаги ваъдаларга ишонма.

— Қаланғи-қасанғиларнинг ваъдаларига ўлсам ҳам ишонмайман, — заҳарханда қилди Шомил. — Мен ҳам ваъда берганман-да! Мана, гап қаерда! Нега айрим йигитларимга Швеция, Испанияда дам бериб қўйибман? Ваъдам бўлгани учун! Марҳамат, келишувни бузар экан, мен ҳам ваъдамдан тонаман. Йўқотадиган ҳеч нарса қолмаган одамдан кўрқиш керак. Лобарни ўлдириш ҳақидаги ҳар қандай қарорнинг охири вой эканлигини тушуниб етмаган галварслар...

Гена хохолади.

— Нима, бу сенга кулгилими? — Шомилнинг кўзларида ўт чақнади.

## Қил устидаги тақдир V

— Ким уни ўлдираман, деяпти? Гапни охиригача эшитсанг-чи!

— Мазах қиляпсанми?

— Мазах қилишга кўзим учиб турибдими! Лобарни четлатиш учун эрга бериш фикри олға сурилди, уқдингми? Куёв ҳам топилган. Ҳозир Москвада яшайдиган тузуккина одам, асли Лобар туғилиб-ўсган шаҳардан. Бунинг устига келишган, бадавлат. У қиморбоз хонимни орқаваротдан таниркан. Агар Лобарга уйланса, тўла-тўқис бахтли қилади. Ҳеч қачон жиноят оламига қадам бостирмайди, ўзи ҳам бурнини суқмайди. Бизнесмен ҳаром тирикчиликни бошига урадими? Унга бизнес керак, бизнес. Чиройли хотин, фаровон ҳаёт! Хотин бўлганда ҳам карьераси борларини ёқтираркан. Кўряпсан-ку, ҳаёт ўзгариб боряпти, шу жумладан эркаклар ҳам. Энди улар ичқуёв, альфонс ёки машҳур аёлнинг йигити бўлишни кўпроқ исташади.

Шомил қовоғини уюб бир зум ўйга толди.

— Сенга ҳеч қачон турмушга чиқмайди, билиб қўй, — деди Гена. — Лобар бир адашди, қайтиб бу хатосини тақрорламайди. Эшпитишимча, у тинч, осуда, бахтли турмушни соғинган. Неча йилки ўтмишидан азият чекади. Аёлгинани қимордан умрбод четлаштириш учун қўлини кесиш, миясини суйилтириб, жиннихонага қаматиш, ўлдириб юбориш каби чораларни ҳам кўриш мумкин эди. «Муқаддаслар рўйхати»нинг ҳурматини қилиб, қутулишнинг осонгина йўлини топганлари яхши иш бўлди, албатта.

— Бу совуқ хабар эмас... — Шомил иягини қашиди. — Римдан гапир.

— Рим неча йиллардан буён ўз жойида турибди.

— Қанотимни силтар эканман-да. Қачон?

— Рим-Лондон рейсида, индин, — деди Гена ва пешонасини тириштирди. — Мен Ноядан хавотирдаман, Пўлат.

— Машина босиб, ичак-чавоғига ўралашиб, ўлолмай ётибдими? Нега хавотирдасан?

— Изини топишолмаяпти. Аллақачон Италияга жўнаб қолмаган бўлсин-да.

— Уёғи менинг муаммом, — деб Шомил соатига қаради.

— Кел, иш режасидан гаплашайлик. Уйлайманки, Бурбон Фолкстон қарталарига яширган сирига содиқ қолиб, Нояга ўхшаган итваччаларга муддатдан олдин изини ҳидлатмайди.

— Ҳа, у эшакдек қайсар, бўридек мағрур. Ишқилиб ҳаммамизга томоша қўймаса эди.

Гена ўн учинчи июнда Римдаги махфий манзилгоҳда Бурбон чолни Ноядан аввал қўлга олишни ва гувоҳларни ўлдириб кетиш ҳақидаги мудҳиш режасини баён этди. Бурбонни бир вақтлар миллиардер даражасига етишган дейишарди. Ёшлигини кўча безорилиги, йўлтўсарлик билан ўтказган, бир неча марта қамоқ тузини ялаган, айниқса, гангстерлиги учун салкам умрбод панжара орғида ўтиришдан мўъжиза туфайли қутулиб қолган бу француз кейинчалик йирик сармоя эғасига айланди. Учига чиққан қиморбоз экани кўплаб жиноятчиларнинг хирапашиша бўлишига йўл очиб берди. Охир-оқибат қимор ўз ишини қилди: жаноб Бурбон лақабли давлатманд кимса миллиардерлар рўйхатидан ўчирилди. Кейинчалик миллионерлар сафидан ҳам бадарға этилажаги хусусида гап тарқалди.

Алҳосил, у ҳақда мишмишлар сон-мингта эди. Ҳақиқат эса шуки, Бурбон барибир пулдорлигича қолди. Фақат энди уни дунёнинг бирорта казиносида учратиш амри маҳол эди, ҳатто ўз офисларига ҳам қадам босмай қўйди. Кўп ўтмай узлатга чекиниб, роппа-роса ўн олти йил оммага қорасини кўрсатмади. Муассис, ижарадор, акциядор ҳамда катта фоиз туғадиган бир неча миллион долларнинг соҳиби эди у.

Чолнинг хулқи масаласи мафияни ҳам, қиморбоз-жиноятчиларни ҳам асло қизиқтирмасди. Бироқ ўлими-дан сўнг Бурбон ўз танасини куйдириб, кулини Алп тоғларига сочишни васият қилганмиш, деган гаплар қашқирларнинг-да афтини бужмайтириб юборди. Жиноятчилар ҳам Худонинг бандаси, аммо шаккоклик эви

билан-да. Наҳотки, у омонат жон тарк этгач, танасини гўрга ювиб-тараб қўйишларини, иззат-икром ила дафн этиб, ҳеч қурмаса, сўнгги кунда ҳаққига муқаддас каломлар айтилишини истамаса?

Умр тугаяпти. Бола-чақа, севимли ёр, дўст-биродар йўқ теварагида, нима қилмоқ даркор? Шунча пулни еб-ичиб, уйлар қуриб, фоҳишаларга сарфлаб, тугатол-маслигини теранроқ ўйлади чоғи («хайрия» сўзи луғатидан топилмади), итига тўртта тилла тиш қўйдирди, бир миллион доллар мерос қолдириш ҳақида унда-бунда гапириб юрди. (Бир куни итни қайсидир хизматкори боғ айлантеришга чиқарганда, ўз-ўзидан ғойиб бўлди-қолди. Полиция ахтарди бу машҳур итни. Ниҳоят, қайтиб келганида, миллион долларлик меросхўр жонивор чоллар каби кемшик эди: кимдир тўрт тишини ҳам қоқиб олибди.)

Гена ҳам, Шомил ҳам шу дамгача Бурбон билан юзма-юз келмаган эди, негаки улар кейинги авлод жиноятчилари. Ўзига ўзи истеъфо бериб, жиноят легионидан тўппа-тўғри узлатга чекинганда, Шомил эндигина Москвада танила бошлаган, Гена бепарда фильмлар ишлаб чиқарадиган киносаноат билан машғул эди.

— Нега итига миллион доллар мерос қолдирмоқчи? — деб сўраганди кунларнинг бирида Гена Бурбонни танийдиган бир одамдан.

“Бурбон биз ўйлаганча телба эмас, — деганди у, — одамзот ичида шундайлар борки, итимчалик ҳам бўлолмайди, демоқчи. Қолаверса, пул одамни итга хизматкор қилиб қўйиши мумкинлигини кўрсатмоқчи. Қария охирги вақтларда инсон ва дунё устидан кўп кулмоқда. Масалан, жинсини ўзгартириб, аёлга айланган қандайдир «собик эркак»ни итига келин қилиб, расмий равишда никоҳдан ўтказиш учун икки миллион доллар сарфлашга тайёрлигини айтган эди. Хабарингиз бор, айрим мамлакатларда, штатларда ғалати-ғалати никоҳларга қонун йўл қўяди. Лаънати касал — демократия дунёнинг кулини кўкка совурадиган энг даҳшатли ғоя эканлигини одамзот юз йилдан кейин тушуниб етади. Бурбон шу жиҳатдан тентак эмас”.

“Танасини кулга айлантириб, Алп тоғларига сочишдан мақсад-чи?”.

“Қабримни зиёрат қилишга ҳам арзимаиди булар, деса керак. Балки ерни дўппайтириб ётишдан ор қилар. Ахир, ундан ҳар нима кутса бўлади, оғайни. Бурбон соғларнинг жинниси, жинниларнинг соғи”.

Фурсат ўтиб, телба-тезик чол жинойт оламига сўнгги қарорини эълон қилди: «Мен Европадаги мамлакатлардан бирининг пойтахтида жамики бойлигимнинг меросхўрини кутаман! Макон ва вақт Фолкстон қарталарига битилган!»

Кейин унинг Лондондаги уйидан хийла вақт Фолкстон қарталарига буюртмалар келиб турди. Уч юз қути қарта ичидан биттасига манзил ва вақтни махфий белгилар орқали битиб, энг йирик қиморхоналару казиноларга совға қилди. Буни қарангки, Бурбоннинг изидан аллақачон «Викинг» мафияси айғоқчилари тушишган эди. Улар қарталар қаерга жўнатилаётганини кечаю кундуз назорат қилиб туришди. Бу орада Бурбон бор-будини сотиб, пулга айлантириб, банкларни семиртирди-да, изсиз йўқолди. Мафиянинг полициядаги одамлари Бурбон на ўғирланганини, на ўлдирилганини, у гоҳида қандайдир ҳужжатлар масаласида қонун идораларига мурожаат этиб туришини, яъниким тирик эканлигини маълум этишди.

Ниҳоят, «Викинг» белги қўйилган Фолкстон қарталарини қулга киритишни уддалади. Бироқ шотирлардан бирининг хатоси ила қарталар қутиси алмаштириб юборилди ва Россияга равона бўлди. Кейинчалик уни жинойтчилар қўлида асирликда юрган тоғлик чўпон Иқрор ўғирлаб, олис қишлоғига олиб кетди. Қайнопаси Омонгул опа эса синглисининг сирли ўлимидан сўнг (Иқрорнинг хотини кечаси уйи орқасида ўлган, қарталар сал наридаги эски қудуқ ичидан топилганди) бир йил ўтиб, ўша хосиятсиз кечада Лобарга қарта сирларини билиб беришни илтимос қилди. Шу тариқа Бурбон чолнинг Фолкстон қарталари баҳор кунларининг бирида тажрибали «қора қарта соҳибаси» — Лобарнинг қўлига

тушди. Пировард-оқибатда мазкур қарталардаги сирни Москвада Нояга айтган заҳоти Гаҳар орқадан ўқ узиб, оғир яралади.

Мана, Лобар икки кундан бери ўлим тўшагида ётарди.

\* \* \*

Ўша куни кечқурун реанимацияда кўзини очиб, «Ноя... мен...» дедию яна хушидан кетди. Бу гал зулмат қўйнига фарқ бўлмади — оппоқ туман ичра сўзиб, ногоҳон бўм-бўш мрамар хонадан чиқиб қолди. Рўпарасида мархума Омонгул опа жилмайиб турарди.

«Сени у ёққа ўтказмайман, Лобар, — деди арвоҳ. — Бор ҳақиқатни шу ерда айтиб, изингга қайтариб юбораман. Чунки сен Шомилни ўлдира оладиган охирги аёлсан...»

«Ҳа, мен уни ўлдирмоқчиман, аёллар ичида мендан бошқа кушандаси йўқ, — деди Лобар, — лекин сиз буни қаёқдан биласиз?»

«Билмайман, бизнинг ўй-хаёлларимиз бир хил, холос».

Шундан сўнг сўзсиз термулиб қолишди. Бу хона хона эмас, ҳавода муаллақ турган деворсиз, тўсиқсиз учар саҳнга ўхшар, оҳиста чайқалар, остию устида тубсиз осмон борлигини тасаввур этарди киши. Туман ҳам кўкдаги булутлардан ҳеч фарқ қилмасди. Мана, фалакдаги шамоллар қистовида булутлар оҳиста сузиб ўтаяпти, ҳозир чеқ-чегарасиз бўшлиқ намоён бўлса ажабмас.

Балки мен вафот этгандирман, деган хаёл Лобарни сергак торгитди. Бироқ Москвадаги реанимацияда ётганини, Нояга махфий манзилни айтган чоғи кимдир ўқ узганини эслаёлмади, то хушидан айирилгунча атрофда нималар бўлаётганини бир неча сония ҳис этиб ётганди, шуни-да хаёлига келтиролмади у. Агар эсласа, беҳушликдаги тушнинг тушлиги қолмас, танасидан учиб чиққан руҳи ростдан ҳам Омонгул опанинг арвоҳи билан учрашган бўлиб чиқарди. Туш бошқаларнинг кўзига кўринмагандек, руҳ ҳам, нариги дунё ҳам кўринмас эканлигини Лобар бирмунча вақт муқаддам ўзича мушоҳада этганди.



«Нега мени ўтказмаяпсиз?» — сўради Лобар.

«Жонинг узилмоқда», — деди Омонгул опа.

«Жоним узилмоқда... Мен ўлаяпманми?»

«Ахир, сенга тўрт қадам наридан ўқ узишди, яхшиям, чеккароғидан отишди. Акс ҳолда, ростдан ҳам ҳозир ўлган бўлардинг... Қўрқма, сен икки дунё оралиғидасан, ўлмаслигинг мумкин. Мен шунга тиришяпман».

«Бу гапларингизни кўнглимдан ўтказгандим... Ҳақиқатан бир хил ўйлаяпмиз, Омонгул опа».

«Сени аср намози қутқаради, — деди бахши аёлнинг шарпаси. — Шаҳрингдаги меҳмонхонада илон чақиб ўлдиргунча тоғлар орасидаги Бешқиз қишлоғида бахшилиқ, фолбинлик, табиблиқ қилганман, негадир ҳозир ҳам келажагинг кўринаяпти менга...»

«Келажагим кўринса, нега аниқ гапирмаяпсиз? Ҳозир ўламанми, йўқми? Аср намози қутқаради, деганингизга тушунмадим...»

«Аср намози ўлимдан қутқаради, демоқчи эмасман. Жамики бало-қазолардан қутулишингга сабабчи бўлади... Айтганман-а?...»

Ўртадан куюқ-булут-парчаси-сузиб ўта-бошлади ва Омонгул опа кўзга зўрға чалинди. Лобар уни йўқотиб кўйишдан қўрққан каби шошиб, овозини баландлатди:

«Нимани айтгансиз, Омонгул опа?... Омонгул опа-а-а...»

«Фолбинлигимни, бахшилигимни...»

«Айтгансиз!.. Сизни шаҳар ўртасида қандай қилиб илон чақиб ўлдирди? Туманда йўқолиб бораяпсиз... Тўхтанг! Кетсангиз, ҳеч қачон билолмайман...»

«Кўлларига қалин пахтали кўлқоп кийган кимса маҳкам ушлаб турди, иккинчиси халтадан заҳарли илон чиқариб бўйнимдан тишлатди. Илон оч экан, бир қанча вақт қоғимни, жонимни сўриб, заҳрини солиб, биланглаб-биланглаб турди. Кейин қотил оғиз-бурнимдан кўлини олди, гиламга гурсиллаб қуладим».

«Қарта учун ўлдиришдими?»

«Сабаблар кўп, айланай. Сен тушунишинг учун айтишим мумкин, қарта учун ўлдиришди, қарта учун...»

«Менга берганингизни айтмадингизми?»

Омонгул опа пиқ этиб кулиб юборди, аммо юз-кўзида кулгидан асар ҳам сезилмади.

«Улар билан биринчи учрашишим эмас, иш пишиб қўйганди. Тоғ йўлидаги учрашувда «Қартани топиб бер», деб талаб қилди. Мен: «Шаҳарлик қиморбозга бериб юборганман, исмини, манзилини билмайман, фақат лақабини айтган», деб алдадим. Оғзимга келган лақабни айтвордим».

«Қандай лақаб?»

«Сафсар деган қартабоз олиб кетди, дедим. Тавба, бинафшарангни яхши кўрганимдан оғзимга шу лақаб келганини қара! «Сафсар деганинг аёлми, эркак?» деб сўради. «Қиморбоз ҳам аёл бўладими?» дедим жўрттага. Ўша пайтда сен ҳақингда эшитгандим, Лобар. Сендан бошқаси қарталарнинг сирини очиб беролмаслигини тушларимга кирарди. Барибир уйини топиб бораман, қарталарни бераман, деб кўнглимга маҳкам тугдим. Синглимнинг ўлимига алоқадорлигини аниқлашингни эса жинларим ҳам шипшийдиган бўлди...»

«Ўша одамни милицияга тутиб бермадингизми?»

«Нима деб даъво қиламан? Ҳаммаси сезгиларимнинг, жинларимнинг, тушларимнинг хулосалари-ку! Уйингга қарта сўраб келган одамни ўтган йили ўлган синглингни қотили дея айблаш айтишгагина осон. Қолаверса, Саида юраги ёрилиб ўлган, қотиллик ҳисобланмаган...»

«Хатога йўл қўйгансиз».

«Худди сенга ўхшаб! Доим бир ишни ўзинг ҳал қилмоқчи бўласан...Хуллас, қотилим «чет эл қарталарини топиб беринг, сизга нима керак у?» деб туриб олди. Ҳеч нарса билан кўрқитгани йўқ. Саида синглим ҳақи-да гапирсам, «туҳмат қилманг, Худодан кўрқинг, қарталар қанақасига синглингизнинг ўлимига алоқадор, шубҳангиз бўлса, беринг милицияга!» деди. Барибир эски ҳаммом, эски тослигича қолишига, бир одамни қаматганим билан иккинчиси пайдо бўлишига ишондим. Мени момоларимнинг жинлари, сени эса қиморнинг

жини кўллайди, Лобар. Қиморнинг жини сенга нима деса, ўшанга қараб иш тутмоқчи эдим».

Лобар меҳмонхонадаги ўлим тафсилотидан мутаассир бўлиб сўради:

«Демак, қотиллар меҳмонхона ичкарасида бўлган экан-да?»

«Улар аввалроқ жойлашган. Бир аёлнинг гапига учиб, айнан ўша меҳмонхонада тунадим. Энди билсам, аёлгина хоин экан. Арзон деди, арзон кетдим, айланай!»

«Ўлиб кетгандан кўра қарталар мендалигини айтмадингизми, опа?» — юракдан куюниб сўйлади Лобар.

«Қайсарлигим тутди; сингилжон. Сен билан учрашганимнинг сабабини сўради, Сафсарни суриштирдим, дедим. Ростдан илонга чақтиришини билибманми! Мен бир қишлоқи, тоғ аёли бўлсам...»

«Ўша кеча меникига келганингизни кўриб, нега овлоқ кўчада индамади? Сиздан сал аввал қандайдир шарпа турганди кўчанинг ўртасида, ходадек...»

«Ёлғиз келдим, деб алдаганман сени. Уйингни топишимга ёрдамлашган бир шеригим бор эди, эпчил йигит. Ўлганимни эшитиб, милицияга яқин йўламади, думини тугиб қолди, қўрқоқ. Уйингнинг орқасида турган новчани икковимиз ҳам пайқадик...»

«Ким эди?»

«У ўлган. Фирт бегона».

«Ўғлимнинг хатна тўйида уйку қочирадиган дори берган аёл-чи? Унинг кимлигини айтоласизми?»

«У ҳам бегона, ўлган — деди Омонгул опа. — Ўзимнинг қотилларим ҳақида эса ҳеч нарса дегим келмайди. Ўзи шундай бўларкан: айтмайсан, айтмайсан, сўнг барибир бошига етасан. Шу боис, яхшиси, ҳеч кимни ўлдирма, Лобар. Тиканни билиб босдингми, билмайинми, суғуриб ташлаб, малҳам қўймасанг, азобини ўзинг тортасан».

Гап оҳангида ачиниш, қайғуриш, оддий ўкинч ҳам йўқ эди. Шу пайт Лобарга у қаттиққўл ўқитувчини эслатиб юборди. Саволларингга пайдар-пай жавоб берган одам муаллимни ёдга соларкан гоҳо.

«Нега ёмғирли тундаги узун шарпа Бешқиз афсонасига боғлиқ, Омонгул опа?»

«Содда жиноятчилар эски сценарийлардан фойдаланишади, кейин тажриба ошади ва ўзлари янги усуллар ўйлаб топишади. Бора-бора энг мукаммал ўйланган жиноятлар ўша содда усулларга жудаям ўхшаб қолади...»

«Меҳмонхонадан эрталаб чиқиб, мулла ҳақида сўраган экансиз? Нима учун мулла керак бўлиб қолди? Бошқалар ҳам, мен ҳам ҳар хил хаёлга бордик».

«Ҳар хил эмас, бир хил хаёлга, де. Ким биландир яширинча никоҳ ўқитмоқчи бўлган, деб хулоса чиқардиларинг. Эри бор хотин ҳақида шундай хаёлга бориш тентакликдан бошқа нарса эмас. Улсанг ҳам тўғри ўлишинг керак, бу дунёда! Мен шаҳарлик мулладан Дилруҳ синглим ярим кечаси эшитган йиғи қандай маънони англатишини сўрамоқчи эдим. Бу ҳақда кўп мулалардан сўраганман. Бор-йўғи шу...»

Туман қуюқлашди.

«Вафотингиздан кейин қишлоғингизга бордим, — деди Лобар. — Дилруҳ етти кун куёви билан бир хонада ухлаёлмагани рост экан. Энди айтинг-чи...»

Шунда олис-олисдан гувиллаган овоз эшитилди, туман худди шамолда қолган пардадек тебраниб, сўнг янада қуюқлаша бошлади.

«Бас, сингилларимни тинч қўй, — деди Омонгул опа хиёл дағаллашиб, — сендан бошқа нарсани кутаяпман...»

Туман пардалари Омонгул опани бот-бот тўсиб, ҳатто товушини ҳам ютиб юборди.

«Менга нима бўлади?!» — қичқирди Лобар оппоқ бўшлиққа.

«Кўзингни оч, шунда ҳеч нима бўлмайди, синглим... синглим...» — сас эшитилди йўқлик қаъридан.

«Сиз Омонгул опа эмассиз, хаёлотимсиз!.. — деди Лобар алам билан. — Чунки... чунки ҳаммасини билардим, қачонлардир арвоҳингизни учратсам шуларни гапиришингизни орзу қилардим... Ҳой-й... Шошманг... Нега мен Шомил акани ўлдиришим керак?.. Ёвуз ниятни хаёлимга келтирганим учунми?...»

Энди ҳеч ким жавоб қайтармади. Шифохона апаратининг бир маромдаги товуши секин-секин яқинлашиб, ахйири шундоқ боши устидан кўним топди. Лобар қаддини ростлашга уринди-ю, зил-замбил юк босгандек қилт этолмади, томоғи қақраб, ичи куйди, бошидаги оғриқ кучайгандан кучайиб борарди.

— Ким бор? — пичирлади Лобар кипригини зўр-базўр қоқиб. Сўнгра туманли муаллақ саҳн ғойиб бўлганини, бир вақтлар руҳий касаллар шифохонасидаги каби ўлган одам билан гаплашганини англади. Англади-ю, ўзининг қаердалигини фаҳмлади.

— Нима деди? — рус тилида сўради бир киши.

— Ўзбекча гапирди. Т-с-с... — жавоб қайтарди бошқаси.

Бўлиб ўтган воқеаларни ўйлаган Лобар яна ҳушидан айрилишни, бошқа маконда кўз очишни истаб, бироз ётди. Терговчиларнинг нигоҳини кўриш, овозини эшитиш унга тийрамоҳдаги тентирашларни, гавжум шаҳарда кўзига Шомил кўринган хосиятсиз онларни эслатарди.

Оғриқлар кучайгач, чидаёлмай деди:

— Қаердаман? Пулларим-қани?

— Сиз кимсиз? — бошига энгашди биров. — Исмингиз нима?

— Мен... мен бизнесчи аёлман... улар алдашди...

— Ким ўқ узди? Танийсизми?

— Ўзини Володя деб таништирди, бошқа ҳеч нарса билмайман, — аллади Лобар.

Реанимациядаги дастлабки тергов муваффақиятсиз якунланди. Агар Лобар фош этиш ниятида бўлмаса, Ноя яна қотилликка амр этиш фикридан қайтишини айтган эди. Тез орада хос одами клиникада каламушдек тентиради ва суиқасдчилар ҳақида қиморбоз аёл милицияга лом-мим демаганидан хабар топди. Нояга етказгач, ёлланма қотиллар вақтинча қўл қовуштириб ўтирадиган бўлишди. Бироқ ногоҳоний буюртмани бой бермаслик учун телефонларини ўчиришмай Москванинг хилват кўнгилочар гўшаларидан бирига жўнаб қолишди.

Лобарнинг ҳаёти ҳар жиҳатдан қил устида турарди.

\* \* \*

Футбол ўйини муносабати билан шанба куни Лондон улкан намоёнишгоҳ тусини олди. Бир зумдан сўнг намоёниш маскарад қиёфасини касб этди, кейин худди рождестводагидек байрам шодиёнасидан терисига сиғмаган одамлар ҳаммаёқни босиб кетди. Шомил тўппончадан отмаганига эллик саккиз кун бўлганини ҳисоблаб ўтирар, хаёлотининг асосий қисми Москва билан, Лобар билан банд эди. Кишида гоҳида шундай бўлади: бир ишни бажараётганингда яна бирининг хаёли миянгда айланиб юраверади.

— Мадина нега қаҳва олиб келмади? — эшикдан қаради Шомил. Яқинда «Кавказ» ресторанига ишга олинган абхазиялик қизга коса-товоқ ювишдан ташқари баъзи бир юмушларни ҳам топшириб, яхшигина ҳафталик маош тўлаётган эди.

— Кавказлик футбол ишқибозлари ресторани тўлдириб юборишди, у коса-товоқ ювиб улгурмаяпти, — деди хизматчи. — Қаҳвани мен олиб кираман, ҳозир.

Шомил жойига ўтириб, суянчиққа ўзини ташлади. Римдаги «Бурбон иши»дан сўнг қандай қилиб она юртига қайтишни ўйлай бошлаган эди. Дунёни ағдар-тўнтар қилиб нима топди? Ҳеч вақо. Ҳатто жувонмарг бўлган хотинию бола-чақаси учун олган қасосидан ҳам бугун мамнун эмас. Нимадир етишмаяпти: ватан, оила, осуда макон... Агар вақт орқага қайтса эди, ҳеч қачон қимор ва қасос йўлини танламасди.

— Ватан, оила, тинчлик, — пичирлади лаблари. Кейин эшитилар-эшитилмас бир сўз айтди: — ... севги.

Гарчи ўнлаб одамларни ўлдирган жинойтчи бўлса ҳам нега баъзида юрагида ишққа эҳтиёж сезишини тушунолмай чуқур уҳ тортди. У барибир осуда ва бахтли ҳаёт кечиролмаслигини ҳам англайди. Лобарни кўришни, ҳамсуҳбат бўлишни кўнгли тусайди, шу билан бирга ўн етти ёшли Мадина ҳам ёқиб қолди. Йўқ, қўл остидаги ходимасини йўлдан уриш ниятида эмас, тез-тез

кўришишни; хонасига уни иш билан чақириб туришини истайди.

— Темзада сайр қилмаган бўлса керак, — деди Шомил.

Кечга яқин Лондон-Брижга бориб, Мадинага кўнғироқ қилди.

— Алло, — деди қиз алланечук ҳаяжон билан.

Шомил телефон рақамларини бермаган эди, лекин айни дамда қиз рақамлардан хабардорлиги ўйлантириб қўйди. Бу қиз ким ўзи? Нафақат чет элларда ўтган умри давомида, балки Россияда кечган ҳар бир кунда жосуслардан, хоинлардан эҳтиёт бўлавериб ўрганиб қолган эса-да, ҳозир шу қиз қайсидир давлатнинг ташқи разведка хизмати, баайни Лубянка бошқарадиган айғоқчи бўлиб чиқишини хоҳламасди. Москвадаги «Луиза» ресторанига борган хуфияси, эртасига Мадинанинг оиласини ҳам зимдан текширди ва Шомилга хабар жўнатар экан, деди: «Ҳозирча тоза, аммо фақат молнинггина оласи сиртидадир».

Олимлар «аора қатлами» деб атайдиган «инсон сфераси», яъниким Шомилни ўраб турган «тириклик қатлами» Мадинанинг кўзга кўринмас тўлқинларини ютоқиб қабул қилганди, талаба қиз ўз-ўзидан кўнглига ёқа бошлаганига ҳам важ шу эди гўё. Бўлмаса, (бу албатта Шомилнинг ўша кезлардаги ўйлари эди) қизга ишқи тушмаганди, феъли ҳам ҳали нотаниш, на бир жигарбандлиги бор, ўз-ўзидан ёқиб қолаверадими?

— Кимман? Топ-чи? — сўради Шомил телефонни чап кулоғидан ўнгига оларкан. — Сюрприз!

— Сюрприз? Йўқ, нега энди...

— Ҳўш, ким эканман?

— Ресторанимиз хўжайини, менга иш берувчи жаноб.

— Қойил. Мен таниган жамики қизлар, аёллар ичида, Мадина, сен жудаям бало чиқдинг. Чин дилдан айта-япман.

Қиз хавотир билан:

— Нега ундай деяпсиз, Пўлат Фазлиаҳмедович? — деди. — Агар тўғри тушунган бўлсам, нимададир айбламоқчисиз?

— Нега айблар эканман? — Шомил дарё томон ўгирилиб, сўзлай бошлади: — Ҳозир нимани кўраяпман, биласанми?

— Йўқ.

— Пойимда Темза мавжланиб оқаяпти. Кўчага чиқда, такси ушла, тўғри Лондон-Брижга кел. Таксига пул тўлама, кўкаламзор ёнидаги йўлакка чиқиб, ўзим кутиб оламан.

— Пўлат Фазлиаҳмедович... мен... — чайналди абхазиялик.

— Ножўя хаёлга борма. Лондонга яқинда келгансан, ёмон ниятли киши кема сайрига таклиф этиб ўтирмайди. Муҳим гапим бор сенда.

Шомил кўкаламзор ёнидаги йўлакка ўрнатилган ўриндиққа чўкди. Хаёл оғушида беихтиёр майсаларга тикилиб қолди. «Агар инсоннинг жуссаси чумолидек бўлганида шу ўтлоқ унинг учун чек-чегарасиз ўрмон эди, — деди ичиди. — То аллақандай махлуқ янчиб кетмагунча дориломон кунлар кечиради, истаганча кезади дунёни. Ер, сув, ўрмонлар ҳаммага етади, ортиб ҳам қолади. Дунёдан кўнглинг қолса, олис-олисларга бош олиб кетасан, ҳеч кимнинг қадами етмаган ўлкалар ҳамиша топилади. Бизнинг бўй-бастимиз нега айнан ҳозиргидек? Филдек ҳам эмас, чумолидек ҳам. Сичқончалик бўлсак борми, неча миллиард инсонни боқа оларди Ер шари? Юз миллиард, икки юз миллиард... Кимлар яшаб ўтган? Қандай шаҳарлар бор? Қандай мамлакатлар... Тугмадеккина мияга сиғмасди шунча ахборот. Биз шу жуссамиз билан ҳам тарих олдида ҳеч киммиз... Қизиқ... Қизиқ хаёллар... Тавба, нега хаёллар эртақларга яқинроқ туради-я?..»

Шомил болалигини эслади чоғи, ним жилмайиб, муҳташам биноларга, атроф-жавонибда сайр қилиб юрганларга, сўнг булутлар орасида хиёл очилган феруза осмонга тикилди. У Грознийда ўтган олис болалик хотираларини эшлашни ёқтирмасди. Бироқ мудом бир ўй қийнайди: ёмон тарбия кўрмади, табиатан ҳам ёвуз эмасди, кучсизларга неча бор ёрдам қўлини чўзган, ҳатто



## Азамат ҚОРЖОВОВ

кексалардан дуо олган. Шу билан бирга қонга белангунча муштлашмаганман, мактабда сигарета чекмаганман, безориликка кўл урмаганман ҳам деёлмайди. Ёшликда билиб-билмай кўплаб ишларнинг муаллифига айланиб қоларкан киши. Ва нега у аввал-бошда қиморбоз, рекэтчи, кейин халқаро жинойтчи, ёлланма қотил бўлди? Болаликдаги тенгқурлари бинойидек яшаб юришибди-ку. Ҳатто ҳалигача шўхлик қиладиганлари, ёқалашадиганлари, пичоқлашадиганлари бор.

— Мен учун энди ортга йўл йўқ, — хотиралар қалбини қалампирдек ачиштирди, кўзларида ёш ҳалқалангандек туюлди. Шомил йиғи нималигини унутиб юборган эди. Кўзларини ишқалаб, ўрнидан турди.

Шу пайт қора такси сал нарида тўхтаб, Мадина эпчиллик ила тушди ва сумкасидан пул олиб узатди.

— Ҳой, ўзим тўлайман, — шошилди Шомил.

Қиз унга иш қолдирмай, қаршисида саволомуз, жилмайиб турарди. Кўзлари бу қадар шаҳло ва чақноқ кўринмаганди ҳеч. «Шуни айтади-да қиз бола шайтон деб» — кўнглидан ўтказди Шомил.

— Нега дарёга таклиф этдингиз? — деди қиз. — Кабинетингиздасиз десам, бу ёқларда ҳаёл суриб юрибсиз.

— Мен фақат ресторанчи эмас, ярим шоирман, — дея Шомил унинг кўзларига теран синчковлик-ла боқди. — Ким деб ўйлагандинг? Ҳисоб-китобдан бошқасини билмайдиган тош қалбли бизнесменми?

— Йўқ. — Қизнинг юз-кўзида заррача ўзгариш сезилмади. — Шеърлар эшитарканмиз-да, Пўлат Фазлиаҳмедович. Лекин... ҳозир эмас. Эртанги дарсга тайёрланишим керак.

— Унда нега келдинг?

— Чақирдингиз-ку!

— Бу ҳаётда қаерларга чақиришмайди, Мадина. Энди бир соат вақтингни ажратасан. «Кавказ» ресторанининг таомили шунақа.

— Таомил бўлса майли. Қайиқ сайрига аввалдан қизиқаман.

— Мен ҳам, — қизга тирсагини тутди Шомил;

улар қўлтиқлашиб кета бошлашди. — Бор ҳақиқатни айтсам, Лондонда шунча вақтдан бери яшаб, қайиққа ўтирмаганман. Бир замонлар Москвага борган ҳамшаҳаримдан: «Мавзолейга кирдингми?» — деб сўрашган. Москвага борган одам албатта Мавзолейга киради, деб ўйлашган-да. Лондонга келганлар эса Букингемни кўриши, кўприк олдида суратга тушиши, Темзада сайр қилиши керак.

— Узунлиги ўн чақирим чиқар?

— Ниманинг? Қайиқ сайри учун белгиланган жойнингми? Унчалик эмас, икки-уч чақирим... Мадина, нега мени кабинетда деб ўйладинг?

— Машинангиз турган экан.

— Кўнғироқ қилганимда, менлигимни қандай билдинг? «Алло» деганингда ҳаяжонланиб кетдинг.

— Ростини айтсам, ишдан ҳайдавормайсизми?

— Аксинча, ёлғон гапирсанг, ҳайдаласан.

— Бошошпазимизкимгадир рақамингизни айтганини эшитиб қолдим. Ҳар эҳтимолга қарши ёзиб қўйдим. Бу жиноят бўлмаса керак, Пўлат Фазлиаҳмедович?

— Бас, расмий равишда мурожаат қилаверма. Мени Пўлат оға десанг ҳам майли. Рақамимни олишга улгурганинг, албатта, жиноят эмас. Телефон рақамимни ўз ходимларимдан ҳам яшираманми?

Улар қайиққа чиқишди. Асосий ўриндиқларни хорижлик сайёҳлар банд этишиб, икковига қайиқ тумшуғидан жой қолдиришди.

— Мендан негадир шубҳаланаёпсиз? — деди Мадина. — Ҳайронман, Пўлат оға.

— Нега энди шубҳаланаман? Қайси сабабга кўра? Нима, сиёсий қочоқманми, террорчиманми ё бутун дунё ахтараётган аллақанақа товламачиманми? Ёки ўшалардан биримисан? Лондонда жиноятчиларни тезда тутиб олишади, кузатув камералари итлардан ҳам садоқатли.

— Исмнингиз нега Пўлат? Тўғриси айтсам, илк бор россиялик Пўлатни учратишим. Билишимча, Урта Осиё ёки Туркия халқи яхши кўради бу исми.

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Айтдим-ку, балосан деб, — кулимсиради Шомил, сўнгра алдади. — Бобом турк.

— Чеченларга ўхшайсиз.

— Онам чечен.

Қиз сумкасини тиззасига қўйиб, чиройли ўтириб олди, мийиғида шўх кулги жилоланмоқда эди. Қайиқ ўз жойида тургандек, бинолар секин сузаётгандек, кўҳна Англиянинг асрий томирлари узилиб, қаёққадир йўл олаётгандек эди.

— Кўринишим ҳақиқатан анча-мунча шубҳа уйғотади, — деди Шомил. — Аэропортларда алоҳида хонада текширган дамлар ҳам бўлган. — У қизнинг қулоғига энгашди.

— Ҳатто «Моссад»нинг эътиборини тортганман.

— «Моссад» нима дегани?

— «Моссад ле Модиин ве ле тафкидим ме юхадим». Яъниким Исроил разведка хизматининг номи. Уларга худди менинг қиёфамдаги одам керак экан. Қани, булар қандай ишлашар экан, дея хизматларини бажаришга розилик бермоқчи бўлдим. Бироқ бирдан йўқолиб қолишди.

— Нега? — кўзлари пирпиради Мадинанинг.

— Турк, чечен, рус, инглиз тилини биламан, арабчани билмаслигим панд берди, шекилли.

— Вой, қизиқ экан, «Моссад» хорижий тиллар институти шекилли?

— Тахминимча, улар мендан қайсидир араб давлати одами билан учрашув уюштиришда фойдаланмоқчи бўлишган. Аслида ўлсам ҳам рози бўлмасдим. Яҳудийларга ҳушим йўқ. Билсанг, «Моссад»нинг шиори ёқмайди: «Урушни айёрлик ва ёлғон билан олиб бор!» Бунинг устига мен Эйхман ҳам эмасман.

— Эйхман? Ким у?

— Коллежда нима ўқитишади-я? Шўрлик хорижлик талабалар! — деди Шомил.

Мадина сезилар-сезилмас қизариб, юзини терс бурди. Англия пойтахтида қизаришдек тўзал ҳолатни асло сир тутиб бўлмасди.

— Мен жосуслар тайёрланадиган мактабда эмас, сэр, санъат коллежида ўқийман, — кинояомуз оҳангда сўйлади қиз.

— Бўпти, бўпти, жаҳлинг лип этиб чиқиб кетаркан. Бу — жуда яхши. Қиз болани жаҳл кўп нарсалардан халос этади.

— Бу гапингизга ҳам қўшилмайман.

— Охиригача эшит. Мен Европада демоқчи эмасман, Осиёда.

— Ҳарқолда биз Англиядамиз, ҳозир шу ҳақда гаплашишни истайман, — деди Мадина. — Мавзунгиз очиқ қолмаслиги учун айтишим мумкин: одамнинг жонига баъзан жаҳл, баъзан кулги, кўп ҳолларда сукут оро киради.

— Баҳонг беш, — елкасига оҳиста уриб қўйди Шомил.

Афсонавий Жеймс Бонднинг ишхонаси — «МИ-6» деб аталмиш инглиз махфий разведкаси хизмати қароргоҳи ҳам Темза дарёси бўйида жойлашган эди. Замонавийлик ва кўҳна иморатсозлик услублари сезилиб турган бино хусусида Шомил ҳеч нарса демади. Бу бинога ирланд республикачилари гранатамётдан ўқ узишгани шовшув бўлгани боисми, Буюк Британия ташқи разведка шукуҳини эслашдими, сайёҳлар шу ҳақда инглизча гаплаша бошлашди.

— Бу шунчалик машҳур биноми? — энсаси қотди Мадинанинг.

— Машҳур бўлса керакки, сайёҳларнинг фотоаппаратлари тинимсиз ишлаб қолди, — бепарво бўлишга уринди Шомил.

Қирғоқ бўйида юрганлар бино яқинида суратга тушишар, томоша қилишар, Миср эҳромлари пойида ўралашган каби бир нафас кўз узмай қолишар эди. Мадина телефонининг фотоаппаратида бир неча бор суратга олди, кейин олд томонда ўтирган сайёҳга суратга туширишни илтимос қила бошлаган эди, Шомил сергак тортди.

— Йўқ, керакмас, — туйқус юзини тўсди у. — Башарамни қоғозда ёки экранда кўрсам, жиним кўзийди... Мадина, кел, сени ўзим тушириб қўя қоламан.

— Сайрга таклиф этасизу, биргаликда суратга тушмайсизми? — ўпкалади қиз телефонини араз билан сумкасига соларкан.

— Тушмайман, тамом-вассалом.

— Узр, суратлардан чўчишингизни билмагандим.

Шомил чўнтагида кўнғиздек безовта — бўлаётган телефонни кўлга олган эди, Мадина ҳам юзини тўсди. Қувлик билан ҳисобни биру бир қилмоқчи эди, хўжайини гаплашмоқчи эканини кўриб, «МИ-6» штаб-квартирасига юз бурди ва ёнидаги йигитдан унинг қандай аломат бино эканини сўрай бошлади.

Кўнғироқ қилаётган киши Шомилнинг Москвадаги хуфияси эди.

— «Холам» ўзига келди, — деди у Лобарга ишора этиб.

— Хавф ўтиб кетди. Барча тафсилотни интернетдан юбормоқчи эдим, фотосуратлари билан, лекин «лимит»им тугаб қолди.

— Кўнғироқлашиб яхши қилибсан.

— «Луиза» масаласида биров адашибман, у бошқа экан.

Шомил мийиғида кулиб, инглиз ташқи разведка хизмати штаб-квартирасига кўшни бўлмиш, Воксхолл-кросснинг баланд иншоотларидан бири — йигирма қаватли оқ иморатга қарай бошлади. Ростдан йигирма қаватми, ўн бешми, санаётганга ўхшарди. Дикқат-эътибори Мадинада эканини иблис ҳам сезмасди.

— Нега рестораним ҳақида бундай деяпсан? — сўради у гўшакнинг нариги томонида сақич чайнаётган хуфиясидан. — Бунча чалпиллатмасанг, а?

— Отаси кекса қартабоз чиқиб қолди. Қизлари соғ эмас, дейишади, — сақич чайнашда давом этди хуфия. Кейин бирдан туфлаб, бурнини тортди. — Кеча роса отибман, шундай иссиқда шамоллаб қолмасам гўрга эди.

— Қайси маънода?

— Қизларми?

— Ҳа.

— Яхши маънода эмас, албатта. Катта қизи ўтган йили «қоп»га кирган. Кенжаси, яъни танишингиз ўзини

ўқимишли кўрсатиб юргани билан ишончли кишилар уни бир неча марта «паскалхона»да кўришган.

— Ў-ў, яхши жой, — кесатди Шомил.

Мадина қайиқ четига суяниб, ресторан хўжайинига нозли нигоҳ ташлади. «Сайрда ҳам иш, бечора бизнесменларга осон эмас», деб ўйлади чоғи, куйиниш зоҳир бўлди нигоҳида. Ёнидаги сайёҳ йигит инглиз тилида дона-дона қилиб «МИ-6» биносининг нега машҳурлигини тушунтирмоқда эди. «Бу йиртқич шер, ҳайвонлар шоҳи, шунинг учун ҳам ундан ҳамма кўрқади», деб қафасдаги шерни таништираётган овсарга ўхшарди.

— Хуллас, келин қилишга шошилманг, демоқчиман, — суҳбатга якун ясади хуфия.

— Яхши. Кечқурун батафсил гаплашамиз.

Шомил қизил тугмачани босиб, Мадинанинг ёнига ўтирди. Сайёҳ йигит ўз жойига ўтаркан, чеченга ҳайронлик-ла қараб қўйди.

— Ерда ҳам, кўкда ҳам, ҳаттоки сувда ҳам тинчлик йўқ, — деди Шомил.

— Ўзингиз доим нималардир қилиб юрадиганга ўхшайсиз, — фикрига кўшилмади қиз.

— Менми? Умрим бино бўлиб, биринчи марта шундай таъриф эшитишим. Ахир, бу ҳақорат-ку, Мадина.

Қиз жавобан беғубор кулги ҳада этди. Шомил бундай кулгиларга ишонмасди. Қиморхоналарда ўзининг разиллигини ёки ҳеч нарсадан тап тортмаслигини исботлаш учун ичидаги бор кирлару маънавий ашқол-дашқолларни кулги тариқасида оғзидан пуркайдиганларнинг қаҳқаҳасигагина инонмоғи мумкин эди. Қолаверса, ҳозиргина етарлича маълумот олди. Шундан кейин қизни ҳайдаб юбориши ҳеч гап эмасди. Бироқ кимдир норасида қиз орқали тузоқ қўяётган экан, ҳайдаш билан иш битмайди, ўша «кимдир»ни топиши лозим эди. Яна шуни айтиш даркорки, хуфияси «қопга кирмоқ» ибораси билан Мадинанинг опаси диний оқимлардан бирига алоқадор эканлигини маълум қилди, ўзи эса бутунлай бошқа йўлда, яъни Москва казиноларида (Шомил ва хуфияси

шартли равишда казинони «паскалхона» деб аташга келишиб олганди, рулетка қоюдаларини Блез Паскаль ўйлаб топган деган афсона таъсири бўлса керак) кезиб юради, ҳойнаҳой, қарта ўйнашда ҳам беназир шекилли бу талаба қиз.

Қайиқ сайридан сўнг Шомил кичикроқ қаҳвахонага таклиф этганди, Мадина қатъий рад этиб, деди:

— Нега сайрга чақирдингиз, Пулат оға? Илтимос, фақат ростини айтинг.

— Менинг оилам йўқ.

— Меники бор. Агар нотўғри фикр уйғотган бўлсам, ҳозироқ узр сўрайман. Пулга сотиладиган энгилтак қизлардан эмасман. Ота-онам тўйимни кўраман деб орзу-ҳавасда яшашади. Истасангиз, бугуннинг ўзида ишдан бўшатинг. Ишга олиш — қадр-қимматни ерга уриш ҳуқуқини бермайди, деб ўйлайман.

— Тўғри, сени ёқтириб қолдим, — деди Шомил.

Ўнеттиёшлиқизэлликдан ошган «ошиғи»га ҳайратланиб боқди. Мазкур ҳодиса тарих учун ҳам, замон учун ҳам янгилик эмасди. Ёшларида улкан тавофуқ бўлмиш не-не вужудлар подшо ҳарамларию исловоthоналарда учрашмаган! Қанча-қанча мажбуриятлар, ихтиёрлар, хирслар рақсга тушмаган дейсиз!

— Сайр учун раҳмат, — деб Мадина ортига бурилдию шахдам қадамлар билан жўнаб қолди.

Пошнаси Лондоннинг бегуноҳ кўчасидан аламини олиб, найзадек урилар, чўғ сачрамаётганига ҳайрон қоларди киши. Италия сафаридан аввал Шомил шундайин бир романтик саргузаштларга бош суқиб юргани эса ҳаммасидан ҳайратланарли эди. Унинг Римдан омон қайтишига ҳеч ким кафолат бермасди. Ўқлардан галвир бўлган вужудига репортёрлар пашшадек ёпишиб, эртасига Италия газетларида сурати чоп этилса, биров йиғламасди ҳам. Дарҳақиқат, илгари Шомил жиний режалари устида кечаю кундуз ўйлар, ўнлаб, юзлаб мудҳиш ва айёрона гоёлар туғилар, ҳар бирини муҳокама қилишга кўпни кўрган шериклари истаганча

вақт ажратарди. Тараққиёт одамларни банд қилиб қўйиш йўли билангина жиноят илдизига болта урмоқда эди. Тўғри-да, Шомил таниган айрим жиноятчилар ҳалол бизнесменга айланиб қолишди. Меҳмонхона қурилишига пул тикиб, эртага улуш сўрагандан кўра кредит олиб, меҳмонхонанинг қонуний соҳибига айланган дуруст эди. Шунингдек, бир қанча оддий киссавурлар ҳам камайиб, деярли йўқолиш арафасига келганини-да йирик жиноятчилар мағрур тан олишарди. Тиқилинч автобусларда чўнтак кесгандан кўра савдога тумшуғини суқса, тез орада машинали, уйли-жойли бўлиши турган гап эди-да.

– Тўхта, Мадина, – Шомил етиб олиб, билагидан тутди. – Ножўя хаёлга бординг. Сени ёқтирсам-да, ҳеч қачон уйланмайман.

– Эй худойим-ей, – нола қилди Мадина, – нималар деяпсиз? Бас қилсангиз-чи, шу мавзун! Эшитишни ҳам истамайман!

– Хотинбоз эмасман. «Оилам йўқ», деганимни бошқача тушундинг. Мен... дўстлик таклиф этмоқчи-эдим, холос. Ҳаётимда бўшлиқ бор, каттагина. Сен ҳеч қандай сайрга чиқмасанг-да, уни тўлдириб турасан. – Шомил шошганча қўшиб қўйди: – Лекин ишдан бўшамайсан. Ресторанимдан кетишингни истамайман.

Булут феруза осмон жамолини ёпиб, ёмғирдан ваъда берди. Улар ҳамон бир-бирига тикилиб, йўлакда туришарди.

– Қизиқ ишлар бўлди, кутмагандим, – деди қиз. – Мени яхши билмайсиз, Пулат оға.

– Юр, анави қаҳвахонада бирор дақиқа ўтираминиз, эртанги дарсларингни кечаси ҳам тайёрлайверасан.

Улар шифт бўйи келадиган улкан ойна ортидаги стулни эгаллашди.

– Барибир сиздан хафаман, – қайсарлик ила деди Мадина. – Мен қиз боламан, абхаз фарзанди. Кимдир гап отмаса-да, қўлини теккизмаса-да, мени кўрганда ҳаётидаги бўшлиқни тўлдириб, ҳузур-ҳаловат олишини хоҳламайман! Бу сизга ярашмайди. Ахир, Буюк Британия



қироллигининг пойтахтидек улкан шаҳарда ресторан очгансиз, топиш-тутишингиз зўр. Нега энди бирор хотинни-төпиб, уйланмайсиз? Биласизми, мен нимани жинимдан ёмон кўраман?

— Сууюқоёқ эркакларни, — жавоб айтди Шомил.

— Йўқ, қартани.

— Қартани? — Шомил ногоҳон лотереядан ютган каби ранги қув ўзгарди. — Тушунмадим, нега энди айнан қартани? Айтмоқчисанки, ўйин қартасини, тўғрими?

— Ҳа, ўйин қартасини.

Шомил ястаниб ўтириб, қизга завқ билан тикилди. Ўзини бу қадар осон тутиб берадиган жосусни учратмаган эди.

— Тушунтириброқ гапирарсан? Нима гап ўзи?

— Мен ўн етти ёшли қиз бўлсам-да, қарта ўйнаб, Москвада кўп ағдар-тўнтар ишларга, аралашиб қолдим. Ота-онам уйдан узоқда бўлишимни исташиди. Ресторанимга қанақа қизни коса-товоқ ювишга ишга олибман, деб афсусланманг. Англияга келишдан аввал пешона терим билан кун кўришга қатъий қарор қилганман.

Шомил қаҳвахонадагиларга зимдан қараб кўйди. Жосуслар ови сувга қармоқ ташлаб ўтирган кишини эслатарди. Аслида қайси бири ҳақиқий овчи — қир-ғоқда ўтирган одамми ё сувдаги акси, то сўнгги лаҳза-гача ноаниқлигича қоларди. Абхаз қизи хусусида шошил-маслигини яхшигина тушуниб, оёғини тапиллатган одам ҳақидаги воқеани эслади. Бир европалик олим ўзини мусулмон кўрсатиб, ҳажга борибди. Мақсади, ўзи қизиққан сирларни аниқлаш экан. Бироқ ундан шубҳаланишибди. Синаш учун европача кўшиқ кўйишибди. Ҳамма тақводорлар қилг этмай, жим ўтиришган эмиш, европалик олим оёқ учини беихтиёр кўтариб-тушираётганмиш. Шу нуқтаи назардан Мадина ҳам қимордан гап очиб, ҳамсуҳбатини сайратмоқчидир?

«Сен ўйлаганча бўла қолсин, — деди Шомил ичида. — Гапга солмоқчи бўлсанг, гапирамиз-да».

Шуни айтиш лозимки, баъзи ўринларда Шомил эҳтиёткорликни йиғиштириб қўяр, кимлигини бемалол ошкор этарди. Бир гал Туркия жандармерияси айғоқчиси уни хуркитиб юбормаслик учун гап орасида: «Сизни россиялик деб ўйлабман, бошқа ерликка ўхшайсиз?» деганда, «Бекор гап, мен россияликман, миллатим чечен», деб жавоб берганди.

Бир лаҳзалик ўйдан сўнг:

— Хўш, Москвада нима қароматлар кўрсатгансан? — деб сўради Шомил.

Айни дамда қиз барибир хуш ёқмоқда эди.

— Эсимни таниганимдан бери отам ичади, оғзидан сигарет, қўлидан қарта тушмайди. Бу бизнинг тарбиямизга таъсир қилмасдан қолмади. Онам қанчалик асраб-авайламасин, мен шартаки бўлиб ўсдим. Отам ҳам, онам ҳам доим койирди, опамни намуна қилиб кўрсатишарди. Тавба, уларнинг назарида опам ювош, қобилгина қиз эди. Мен яхши биламанми, уларми?! Опам ҳамма дардини ичига ютадиган аламзада бўлиб вояга етди. Бир кун келиб ўзини ўлдириб қўймасмикан, деб хавотир билан яшардим. Худога шукр, динга кирдию хавотирларим тарқаб кетди. Диндорлар ўз жонига қасд қилмайди.

— Шунақа дейишади, — ним кулимсиради Шомил.

— Нега куляпсиз?

— ... Агар ундан камикадзе чиқмаса, деб қўшимча қилмоқчи эдим.

— Худо сақласин. Опам шунақа ҳалим, шунақа куюнчак. Қарганинг ўлигини кўриб, бир ҳафта йиғлагани ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Қарғалар бегуноҳ куш, — деди Шомил. — Менга Москвадаги жанжалингдан гапир, Мадина.

— Узр, Пўлат оға, чалғиб кетдим. Шундай қилиб, қимор ўйнашни ўрганиб олдим. Аввалига роса ютдим, қиморбозларни эмас, синфдош йигитларни. Ажойиб йигитлар.. атайин ютқазिशганини кейинчалик билганман. Нима бўлганда ҳам қарта ўйнаш бобида тажрибам ошди. Баъзи ҳолларда отам билан ҳам ўйнардим.

— Қиморми ё оилавий ўйин?

— Отам оилавий ўйинни жинидан ёмон кўради. «Қарта эрмак эмас, қарта, бу — қисмат», дейди. Қартани қисматига айлантириб олган, шунинг учун ўзидан келиб чиқиб, мақол бичади. Агар мен ютсам, ўрнидан сакраб туриб, столни муштларди ва: «Қаердан ўргандинг, шум қиз?!» — деб бақирарди. Ойим: «Бир соатдан бери ўйнаяпсиз, энди етиб бордими?» — деб эшикни алам билан ёпиб, нариги хонага чиқарди. Бир куни кўчадан хурсанд қайтсам, ойимнинг кўзи қизарган, хомуш ўтирибди. Нима гаплигини сўрасам, отам бир қиморхонада уйимизни ютқазиб қўйганини айтди. Ижарага уй излар эмишимиз! «Йиғламанг! — дедим. — Отам қани? Мени ўша ерга олиб борсин! Қарта ўйнашни пандавақи қиморбозларга кўрсатиб қўяман!» Онаминг эхонаси чиқиб кетаёзди. «Энди сен ҳам қиморбоз бўл-да, тириклай гўрга тик мени!» — деб йиғлади. Жанжални кечаси давом эттирдим. Отам кириб келганида, бор алаимини тўкиб солдим: бошқалардай яшолмаётганимизни, доимий муҳтожлик жонга текканини, қиморни деб онам бир умр юрак ҳовучлаб яшаётганини, ва албатта, уйни ютқазиб қўйганини... Отам бир тарсаки тушириб: «Онангга тортма, ярамас!» дея сўқинди. Онам бошини чангаллаб, бурчакдаги стулда ўтирар, опажоним ортиқ қўл кўтармасликни ёлвориб, отамга ялинарди. «Бас қилинг, опа, — дедим, — нега ёлвораяпсиз? Қимор учун қўл кўтарса, майли, истаганча ура қолсин. Ўлдирса ҳам розиман! «Онангга тортма», деди. Хўп, онамга ўхшамайман, отамнинг ўзидай бўламан. Ахир, ҳар бир фарзанд отасига ўхшаши керак-ку!..» Шундан кейин отамнинг юз-кўзи қанчалар ўзгариб кетганини кўрсангиз эди!.. «Агар қарта ушлаганингни кўрсам, сени ўлдираман!» деди. «Нега сизга ўхшашдан ирганишим керак?! — ўжарлигимни қўймадим. — Бўлмаса, кимга ўхшайлик? Айтинг!.. Ё сиз бирор нима дерсиз, она?» Отам яна урди. «Фоҳиша», деб қаттиқ ҳақорат қилди. Сумкачамни олдим-да, эшикни қарсиллатиб

ёпиб, подъезд зиналаридан йиғлаган кўйи чошиб кетдим. Онам эшик олдида: «Мадина! Қайт орқангга!» — деганича қолаверди. Бир соатдан сўнг дугонамникидан қўнғироқ қилиб, онам ва опамни тинчлантирдим. Бироқ аҳдимдан қайтганимча йўқ эди. Опамдан астагина илтимос қилдим. Қайси казинода, қайси қиморбозга ютқазганини аниқлаб берсин. Эрталаб телефон жиринглади. Казиноларда уй, машина, одам, ит-бит тикиб ўйналмас экан, ўйни қандайдир ноқонуний қиморхонада, дордан қочганларга ютқазибди. Қанчалик уринмай, ифлос қиморхонанинг манзилени топишнинг иложи бўлмади.

— Кейин-чи? — ичимлик хўплади Шомил.

— Дугонамнинг йигити мени яхши танирди. «Бу хунаринг билан нафақат Москвадаги, балки Европа, Америкадаги казиноларда ҳам яхшигина пул ишласанг бўлади», деганида, ҳаммамиз кулишган эдик. Ростдан ҳам ўшанда ҳазиллашиб гапирганди. Афсуски, чинга айланди. Мен, дугонам, йигити ва ёш бир бизнесмен — тўрталамиз казинога бордик...

Мадина шу жойда Шомилга синовчан боқди. Чечен «қайси казино?» деб сўраса, қармоқдаги хўрак билан ўйнашган балиқ ҳолига тушадигандек сизди ўзини.

— Романовлар казиносига, — деди қиз бир лаҳзалик сукутни бузиб.

— Эшитмаган эканман, — деди Шомил.

— Биринчи кун ютқаздим, аммо маҳоратимни кўриб, бизнесменда умид уйғонди. Эртасига бизнесмен тиккан жамики пулларни қайтадан ютиб олдим, учинчи кун шов-шувли ютуққа эришдим. Менга эллик фоизини берди. Уйга қайтганимда, харидор келган, онам йиғлаган, опам қалт-қалт титраб, нуқул Худога илтижо қилади. «Пул керакми? Мана!» деб сумкани стол-устига ташладим. «Ўйни сотмайман!» — деди отам ва ҳашпаш дегунча харидорларни чиқариб юбориб, эшикни кулфлади. Кейин яна бир бор сумкадаги пулни ағдартунтар қилиб: «Ўйнадингми?» — деди. «Ҳа, — дея кўзига тик қарадим. — Мен тириқ эканман, онам ҳам, опам ҳам

ижарада яшамайди. Агар иккинчи марта уйни тикиб, қарта ўйнасангиз, менга омад қайтиб куладими, йўқми, ҳеч ким кафолат бермайди. Уй, мен, опам — ҳаммамиз гўрга керамиз. Хоҳлайсизми шуни?» Отам бир нафас қотиб қолди, қовоғи асабий учди. Мендан кўз узмай гўшакни кўтариб, рақамларни терди ва пул тайёр эканини айтди.

— Қарта бобида шунча кучлимисан? — сўради Шомил.

— Пўлат оға, иқтидоримдан нафратланаман, — Мадинанинг пешонасида чизик кўринди. — Қарта ҳақида оғиз очишимдан мақсад шуки, одамни ҳалол яшашга ундайдиган ҳаёт, бу — гўзаллик. Кўшиқчиларни олайлик. Кимнидир ўлдиришни, қийнашни, пора олишни касби тақозо этмайди. Худо уларга мўмай гонорарлар, хизмат ҳақлари тушадиган қилиб қўйибди. Кимгадир мансаб беради. Бу мансаб умрида пора олмаган одамни пора олишга мажбур этиши мумкин. Агар мен қарта ўйнамаганимда, ҳозир сиздай олижаноб инсон билан Лондонда эмас, Москвада қандайдир қиморбоз хобхонасида ўтирармидим. Ўйлайманки, сизга ҳам ҳалол бизнес раво кўрилган. Ҳаётингиз гўзал. Сиз бахтлисиз... Энди мени ҳеч қачон хафа қилмайсизми?

— Агар хафа қилсам, Англияни сув боссин, — деди Шомил.

— Қўйинг, ресторанингиздан айириласиз-ку, — кулди қиз.

— Казинодаги омаддан сўнг Москва алғов-далғов бўлмагандир? Воқеанинг давомини билмоқчиман, кулогим сенда.

— Дугонамнинг йигитига ўртоқ бўлмиш бизнесмен хиралик қила бошлади. Мен ҳақимда эшитган отамнинг ҳамтовоқлари ҳам кун ора тинчимизни бузишар, кўчада юргани, уйда дам олгани қўйишмасди. «Сенга ўхшаган қартабоз қизлар кўп», — дейишди. Ҳатто Арабистондек ислом мамлакатларидан ҳам топилармиш... ва ҳоказо... ва ҳоказо... «Ютқазсам, мендан кўрманглар», деб ёш бизнесменнинг пулларига яна ўйнадим. Буни қарангки,

бир кечада битта машинанинг пулини ишлаб олдим. Эртасига дўкондан чиқаётганимда кимдир пиротехника бомбачаларини йўлакка иргитди. Агроф қасир-қусир товушларга тўлган дамда биқиним туйқус чимиллаб оғриди. Гўёки илон ёки қандайдир захарли жонзот ичимга кириб, ғарчча тишлагандек эди. Вой, дея қарасам плашим ўйилган. Шовқиндан фойдаланиб, менга ўқ узишган эди, Пўлат оға! Яхшиям, ялаб ўтган экан. Шунда кўрқинч билан рўпарамга кўз ташладим. Пиджагини кўлига ташлаб олган турқи совуқ бир нусха мени ўн қадамлар наридан ўққа тутаётган эди. Иккинчи ўқ сумкамни тешиб ўтиб, ерга кулатди... Бир ўлимдан қолдим.

— Ўқ хато кетгани яхши иш бўпти. Энди қачон ўйнамоқчисан?

— Қартаними? Ҳеч қачон!

— Ўзинг каби қартабоз қизларни кўрганмисан?

— Йўқ. Қиморбозлар мени авраш учун Ўрта Осиё, Туркия, Америка, Европа қиморбоз аёллари ҳақида афсоналар ўйлаб топишган. Ҳеч замонда аёлдан ҳам қиморбоз чиқадими?

— Ўрта Осиёда ҳам бор дейишдими? — очиқ хужумга ўтди Шомил. — У ерда ҳатто казинолар фаолияти тақиқланган. Қозоғистонда, Қирғизистонда ўйин автоматларидан роса фойдаланишди, казинолар ҳам очила бошланди. Кейинчалик ҳукуматлар тушуниб етишди: пулга ўйналадиган ўйинлар, ҳатто пул тикиладиган бильярд ҳам, шубҳасиз, жиноят келтириб чиқаради. Боз устига қимор минтақа танлайди. Ўрта Осиёда казинолар Европадагидан кўра оғир оқибатларга олиб келади. «Фурур», «рашк», «ҳасад», «ишонувчанлик», «қасос», «ўлим» тушунчалари фарқ қилдими, тамом, қимордан келадиган оқибатлар ҳам фарқ қилади.

— Опам «қимор — ҳаром» дейди.

— Тўғри-да, отанг сени ютқазиб қўйиши ҳеч гап эмас. Ўз қизини, синглисини, хотинини, ҳатто онасини ютқазиб қўйганлар бор.

— Йўғ-е! — деди Мадина.

— Лекин осиелик бир қиморбоз аёл ҳақида эшитганман, дунёнинг яримини забт этган.

— Лобарми?

— Ҳа-ҳа, — бармоғини ҳавога нуқиди Шомил, — исми Лобар эди, яхши эслатдинг.

— Пулат оға, — Мадина кўлларини чалиштиради, — гапларингиздан ҳечам ресторанчига ўхшамайсиз. Кимни гапирсам танийсиз-а?!

— Сен ҳам танир экансан-ку?

— Исминини эшитганман, холос. Ростини айтинг, бизнес бошлашдан аввал қаерда ишлагансиз? Боя суратга тушмайман деб қайсарлик қилган жойингиз инглиз ташқи разведка биноси экан. Сиз билан гаплашишга кўрқиб қолдим.

— Мендан ҳамма кўрқади, бекорга аэропортларнинг алоҳида хоналарига таклиф этишадими! Иш жойимга келсак, ресторан очгунимча бир умр бекорчи бўлганман.

Учрашув анча давом этиши мумкин эди, лекин телефон жиринглади. Бу Гена эди, Италия, миллион доллар ва ўлим ташвиши!

— Кутаяпмиз, — деди у. — Келишилган жойда.

Шомил ўрнидан турди. Римга бирга борадиган икки жиноятчи — ҳамроҳлари кутишмоқда эди.

— Мадина, буйруқ шуки, бугундан бошлаб коса-товоқ ювмайсан, — деб Шомил стол устига қаҳвахона ҳақини ташлади.

\* \* \*

Шомил уйига боришдан аввал мисрлик муҳожирникига кирди. Муҳожир яхшигина ҳақ эвазига баъзи нарсаларни сақлаб берарди. Уникида ўқutmас нимчани кийди, тўппонча ўқдонига кўз югуртирди. Гена ўзини қўшиб гапирдим, демак, иштирок этмайди. Икки йигит билан эса Шомил умрида учрашмаган, фирт нотаниш каллакесарлар эди улар. Машинасини кўзга кўринарлироқ жойда тўхтатди-да, шошилмасдан тушди. Ёқасини текислаган киши бўлиб, бир неча қадам юргач, ортига кескин

ўгирилиб, пуьлт тугмасини босди: машинаси «вийт» этиб овоз чиқардию кулфланди. Тан олиш керак, Шомил бу сафар негадир юрагининг бир бурчида ҳадикни ҳис этди. Яна бир бора тўппончасини пайпаслаб қўйди. Ёқа текислаш, пуьлт босиш баҳоналарида кўчани кўздан кечирган эса-да, барибир кимдир кузатаётгандек туюлди. Ҳар қандай жиноятчи, қочоқ, жосус кўп ҳолларда атрофдаги нарсалару жонлиқларга қарашдан тўймаслик азобини бошидан кечириши Шомилга қирқ йилдан бери маълум эди. Яна бир қарашинг керак, сўнгги бор кўз ташласанг нималигини аниқлайсан, шу билан ҳаммаси тамом бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Зинадан тез кўтарилди. У бундай учрашувларда тўппончасига овоз тиндиргич ўрнатишни лозим топмасди. Баъзан одамга ўқ овози ҳам асқотади, хусусан, ҳозир отишма содир бўлса, шовқин-сурон полициянинг етиб келишига кўнғироқ вазифасини бажарар эди. Модомики, Шомил ёлғиз, боз устига рақиблари номаълум шахслар экан, полиция кўпроқ Шомилнинг жонига оро кириши мумкин эди.

Уйига кириб, хоналарни бир-бир кўздан кечирди. Ҳеч ким йўқ. Шу пайт уй хизматчиси келадиган кун экани ёдига тушиб, рақамларни терди.

— Алло, бу мен, — сўйлади Шомил нариги томондаги гўшак кўтарилганда. — Бугун келмасангиз ҳам майли. Уйда қиладиган шахсий ишларим бор, халақит беришингиз мумкин.

— Хўп, — деди хизматчи, — уйда қоламан.

Орадан кўп ўтмай эшик кўнғироғи чалинди. Кўзчадан қараган Шомил икки бўйдор кавказликни кўриб, Генага боғланмоқчи эди, телефони «смс»дан дарак бериб гинғиллади. Ўқиди: «Шулар! Яхши кутиб ол!»

Шомил тўппончасини камарига қистириб, эшикни очди.

— Саломлар бўлсин, қардош, — жилмайди бири; иккинчиси бош қимирлатиб қўя қолди.

Ҳар иккиси ҳам нари борса ўтгиздан ошган эди.



Шомилга махсус гуруҳларда хизмат қилган, жангу жадалда, қонли тўқнашувларда қатнашган, албатта, пихини ёрган йигитлар керак эди. Бироқ булар Италия сафари учун айна дамда ёшлик қиларди. Ахир, ўттиз ёш атрофидаги йигит махсус хизмат сафидан кетганига кўп бўлмаган, бу эса ўз навбатида ишонч уйғотолмасди. Ўнта душман ўтирган хонага отилиб кириб, ҳар иккала қўлидаги тўппончалар билан икки сония ичида пешоналардан дарча очиб қўядиган абжир йигитлар хизматдан бўшайдию хавфсизлик хизмати идоралари кўздан йўқотишармиди?

— Ўтиринглар, — деб Шомил жой кўрсатди, ўзи рўпарадаги диванга чўкиб, оёқ чалиштирди.

— Танишганимдан хурсандман, — деди суяги бузуқ, қирра бурун йигит.

— Биз ҳали танишганимиз йўқ, — Шомил кифт учирди. — Балки кўрганимдан хурсандман, демоқчидирсан?

Салом берган йигит хушчақчақ экан, дарҳол вазиятни юмшатишга тиришиб, шеригининг хатосини изоҳлади:

— Бу — унинг одати, қарға ҳам «қағ»-дейди-ку, оға.

— Келинлар, бошидан очикчасига гаплашиб олайлик. Фаррошим шундай бир оҳангда сўзладики, гўё унинг ёнида сенлар тургандек таассурот қолдирди. Ҳозир унинг уйида эдиларингми?

— Ҳа. Лекин «йўқ» деб жавоб беришга мажбурман.

— Бу гапингга мантиқ бор, аммо тутуруқсизларча сўзляяпсан.

— Яширмайман, биз уч кишимиз. Учинчимиз унинг ёнида... — Йигит соатига чаққон қаради. — ... эди.

— Нима қилдинглар?

— Уйку дори.

— Нега ишга аралаштириб юрибсанлар? Уйғонганидан сўнг полицияга кўнғироқ қилмаслигига ким кафолат беради?

— Сиз ҳақингизда ул-бул сўраб олдик, — гапга қўшилди суяги бузуқ. — Полицияга кўнғироқ қилгунча, унинг уйига бориб, ҳаммасини тушунтирасиз. Узоқ ухлайди.

## Қил устидаги тақдир V

— «Танишганингдан хурсанд эканлигинг»га қараганда мен ҳақимда аввалдан кўп эшитиб юргансан. Худо билади, федерал хавфсизлик хизматида ишлаганингда эшитганмисан, ички ишларнинг тезкор хизматидами, ҳарбий разведкалами ё Лебедев дегандек, а?

— Ким у Лебедев? — сўради йигит кўрс оҳангда.

— Жиззахлик йигит, асли Ўрта Осиёдан. Ўзингни гўлликка солишга ҳам уста экансан, бола.

— Яна қанақа Жиззах? Шомил оға, нима ҳақида гап кетаяпти ўзи? — ўртага тушди хушчақчақ. — Биз Лондонга нега келдик? Уришганими?

— Мен Шомил эмасман, Пўлатман, тушундингми? Қани, хатти-ҳаракатларингни изоҳла.

— Фақат ўзимга ишонаман, ахборот масаласида ҳам, албатта. Генани эса яхши танимайман. Шунинг учун хизматчингизни қўлга олишга, сиз билан учрашишдан аввал бир-икки оғиз маълумот тинглашга мажбур бўлдик. Қолаверса, хизматчингизга қўнғироқ қилиб, ишга келмаслигини айтишингизни ҳам кутдик. Ростини десам, бу йигит, — у шеригига ишора қилди, — етти йилдан бери қидирувда. Формали одамлардан аллергияси бор. Лондон тентаклар макони, истаган киши қурол олиб юриши, истаган ишини қилиши мумкин, сен ўзингни боодоб тутсанг, бундай жойда авлиё қатори ҳисобланасан, биров мушугингни пишт демайди, деб зўрға ишонтирдим. У Рим масаласида беназир, оға.

— Чўпчакни бас қил. Қайси мамлакатда қидирувда?

— Грузияда.

— У грузияликми?

— Иккимиз ҳам асли озарбайжонликмиз. Умримиз Қорабғда ўтди. Яширмайман, Россияда ҳам анча-муңча вақт яшаганман. Сезаяпман, биздан шубҳаланааяпсиз. Ҳеч қанақа органларда ишламаганмиз. Ҳайрон қолганим, нега энди сизни танимаслигимиз керак? Ҳар ким аввало ўз соҳасининг одамани танийди, кейин бошқаларни. Боз устига кавказлик кавказликни танимай ўлган экан.

— Қачондан бери менинг соҳам одамисан?

— Мен вақтни ҳисобламайман, — деб жавоб берди йигит.

— Худо урди-ку, — қулочини ёйди Шомил, — Гена кимларни юборди менга?! Вақтни ҳисобламайман эмиш! Эртанги ишда ҳар бир сония ҳисобда бўлади. Бир сонияга хато қилсанг, ўласан-кетасан.

— Қачондан бошлаб бу йўлга кирганман, Боқудаги «Амроҳбанк»ни соат нечада ўмарганман, ишрат қилиш сонияларим қанча — ҳисоблаб ўтирмайман. Ишга келганда биз «ас» бўп кетамиз. Отишма чоғида автомат даҳшатли қурол дейишади, лекин автомат билан бирга ҳамиша ўқни ҳам тилга олиш керак. Ўқсиз автоматнинг нимаси даҳшатли?!

— Ақлинг бутунга ўхшайди, — заҳарханда кулди Шомил. — Аммо автомат ўқларининг вақтга нима дахли бор? Файласуфлик даъво қилмоқчи бўлсанг, адашасан. Бизнинг «соҳа»да ақли ошиб-тошганларни хушламайдилар.

— Айтмоқчи бўлганим, фақат қуролга қараб ҳукм чиқариш яхшimas. Аввало унда ўқлар бор-йўқлигини текшириш керак. Кўриб турибсиз, бизда, — у ўз пешанасига нуқиди, — ҳамма нарса мавжуд...  
Ҳамроҳликка қабул қилдингизми?

— Рози бўлганга ўхшайман.

— Исми Айдамир, бу эса Рауф, — деди хушчақчақ.

— Рауф, — такрорлади суяги бузуқ.

— Қуролларинг борми?

— Шунчаки... — деб Айдамир чарм камзули барини очди, Россияда яқинда урфга киритилган «ГШ-18» маркали тўппончанинг қорамтир дастаси кўринди. Бу Шомилнинг Тула маҳсулотларидан бирмунча орқада қолганини англатиш билан бирга иккиламчи шубҳани ҳам уйғотарди. Тўғри-да, қаердан ҳам ола қолишди? «Қора бозор»га чиқишга улгурмагани аниқ.

— Сир бўлмаса... — Шомил шу ҳақда оғиз очганди, Айдамир бармоғини қарсиллатди.

— Уруш бор жойда қурол савдоси ҳам бор, истасангиз сизга ҳам топиб беришимиз мумкин. Лондонга денгиз орқали келтириб беришади.

## Қил устидаги тақдир V

— Менга ҳозир Нояни топиш муҳим. У қаерда экан?

— Айтишмадимми? У Римга учиб кетибди, Домадедоводан.

Кўнглида ғашлик ғимирлаётган Шомил ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Умрида меҳмонга қаҳва ёки чой дамлаган эмасди, бу гал ҳам дарҳол «иш»га ўтиб кўя қолди. Римдаги Витторио Венето кўчасини тилга олмасдан, умумий режани муҳокама қилишди. Рауф топган маълумотларга кўра Бурбон чолни икки кун аввал Цюрих банкида кўришган. Бунга ишонмаган Айдамир зудлик билан Швецариядаги танишига, яъниким АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси жосусларига малайлик қилиб юрадиган дўкондорга кўнғироқ қилган. Дўкондор кеча сим қоқиб, Бурбон чиндан ҳам банкдан катта пул кўчирганини айтган.

— Ўн уч рақами хосиятсиз бўлса ҳам, — деди Айдамир, — мўмайгина пул ишлаб оладиган кўринамиз. Сизга қанақа усулда тўлашмоқчи, Пўлат оға? Ахир, биз асосий одамларга айландик, бир-биримиз ҳақимизда билсак ёмон бўлмасди.

— Бурбонда шахсий адоватим бор, — қовоқ уйди Шомил. — Пул учун бош бўлаётганим йўқ.

— Лобар исмли аёлни деб, — Рауф тишининг оқини кўрсатди.

— Лобар учун ҳам эмас... Тўхта, сен Лобарни қаёқдан танийсан?

— У ҳақда кўп нарса билмайман, — тишини ковлади Рауф. — «Бурбон» операциясига бурнимни суққанимдан кейин ўз-ўзидан маълумотлар тўплана бошлади. Бурбон чол қариган сайин романтиклашиб қолган. Уни Ўрта Осиёда яшовчи Лобар исмли қартабоз аёл қизиқтириб қўйганини эшитиб, «бир титкилаб кўрай», дедим ва Лобар... уҳ-ху, уҳ-ху... собиқ хотинингиз эканини аниқладим. Менимча, сиз ва Бурбон ўртасида халқаро қимор ўйинлари масаласи эмас, хотин турган бўлиши ҳам мумкин. Гапимни тасдиқламасангиз ҳам майли. Битта тасдиқ учун онамни ўлдиришган, ҳе-хе-хе-е...

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ, — жеркиб берди Айдамир.

Бир соатча ўтиришди. Шомил тузган режага кичик ўзгартиришлар киритилганини айтмаса, ҳаммаси ўша-ўша эди. Алалхусус, улар манзилга боришади, бадавлат чолни ушлашади ва ваъдага мувофиқ мероснинг ҳужжатини тахт қилиб беришни сўрашади. Ноя ёки аллакимлар Бурбонни овлашга уринишса, Рауф ва италиялик йигит даф этишади. Ҳаммаси ҳал бўлгач, Шомил Бурбонни олиб чиқиб кетади ва шаҳар ташқарисида суд қилиб, отиб ташлайди.

Рауф этни жунжиктирувчи бир қўшимча киритиб, ўзининг кимлигини намойиш этди: агар чол ва ёнидаги гумашталар ҳужжатга имзо чекишдан бош тортишса, осииш керакмиш. Осганда ҳам ўладиган қилиб эмас, оёқ учида тургазиб қўйиб, чўртанбалиқ тутадиган игнани тилига илдириб, ипни шифтга боғлаш ва... Охири даҳшат: шўрликнинг оёғи толиб, товонини ерга қўйса, шу заҳотиёқ тили танглайдан узилиб тушармиш.

— Нима бало, фашизмисан? — афтини бужмайтирди Шомил.

— Гестаподан баттар, — дея мақтанди Айдамир. — Бунинг ҳунарлари кўп. Эшитиб қайт қилиб юборганман.

— Одам тўғри юрса, тўғри ўлади-да, — ишшайди ўзидан беҳабар жаллод.

Римга учадиган самолёт рейслари, Сан-Валентинодаги ижара уйда учрашиш вақти — барчаси келишиб олингач, Шомил Айдамирга қўл узатиб, деди:

— Омад тилайман. — Кейин Рауфга рўпара келди. — Сен айтган гапнинг тагига етаман, наҳотки, Бурбон Лобарга қизиққан бўлса? Ундан нима наф?

— Ҳақ гап, — Рауфнинг кўзлари ҳиссиз боқди. — Энди ўша аёлдан сизга ҳам нима наф?! Билишимча, бугун сўнгги кун!

— Нима демоқчисан?

— Гувоҳ кимга керак?! — деди Рауф зардала оҳангда ва худди шундай важоҳат билан эшикка юрди. — Айниқса, Нояга!.. Ҳе-ҳеҳ-ҳе...

\* \* \*

Одам қиёфасидаги қашқир янглишмаган эди. Бирпасдан сўнг Гена йўқлади. Иккови супермаркетда шошилинч учрашдилар.

— Тез бўл, вақтим тигиз, — деди Шомил.

— Нега шошилсан? Вақтни мен белгилайман, — пичирлади Гена.

— Агар хизматчим уйғониб қолса, вақтни полиция белгилайди. Топган йигитларинг хизматчимникига бостириб кириб, мен ҳақимда суриштиришибди, кейин уйку дори бериб, қотириб кетишибди. Ҳозироқ уйига бориб, полицияга мурожаат қилма, деб ялинишим керак.

— Аҳмоқлар.

— Агар Римда ҳам шунақа томоша кўйишса, отиб ўлдираман. Одам деган қаерда юрганини ҳамиша фарқлаши керак.

— Менга қара, — дея Гена Шомилга кўз қирини ташлаб кўйди-да, ўзини шампунь олаётган қилиб кўрсатди, — нолиш сенга ярашмайди... Бу ёқда бир муаммо чиқиб қолди. Гахарнинг сири фош этилганга ўхшайди. Уни тез орада ўлдиришади... Лекин бундан ҳам муҳим бир гапни айтмоқчиман. Хуллас, Лобарни ўлган дейишяпти. Унинг ўрнида ётган аёл жосус экан.

— Бекорни айтибсан, — деди Шомил Генанинг ёқасидан тутиб.

— Кўйвор ёқамни.

— Кузатув камераси ўрнатилган супермаркетни танлаганининг падарига лаънат!

— Сўкинма, — силтаб ташлади Гена.

Шомил ошкора нафрат билан қараб, уриб юборишдан ўзини зўрға тийди. Ҳарҳолда тақдири Гена билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, можаро тугул, оддий келишмовчилик ҳам бошига оғир кунлар солиши мумкин эди. «Йигитларимга Испания ва Швецияда дам бериб кўйибман», деган гапига ёлғон аралашганини аввало Гена ҳаммадан яхши биларди. Ахир, энг яқин маслакдошлар, ҳамтовоқлар,

бир қўйнинг бўғзидан қон ичган тумшукдошларнинг ажралиб кетиши қанчалар мажбурият юзасидан содир бўлганини у нафақат биларди, бевосита гувоҳи ҳам эди. Ҳар ким ўз жонига оро кирадиган ўнгирни ахтарди. Ўша кезлари халқаро жиноятчиликда Шомилнинг обрўси икки-уч қитъага соя солгудек бўлгани боис дарҳол Гена ўз ёрдамини таклиф этди, Пулат Фазлиаҳмедовга айлантириб, ҳатто Лондондан ресторан очишга кўмаклашди. Мабодо яхшилик қилган зотга сапчийдиган бўлса, жойи қаердалигини кўрсатиб қўяди. Айниқса, бўйинини тобора сиртмоқ қисиб, ҳадемай оёғи остидан курси тепиб юбориладиган дами яқинлашаётган кимсadan у чўчимаётганди.

Супермаркет хизматчиси зимдан нигоҳ ташлади.

— Икки эркак роса шампун талашаётганга ўхшадикда, — деди Гена тишлари гижирлаб. — Нарн турсанг-чи.

— Айт, бу гапни қаердан олдинг?

— Ишончли одамдан эшитдим.

— Биламан, интернетда ўқимагансан, «Евроныйос»да ҳам кўрмагансан.

— Узр, сенга айтолмайман. Гўшт маҳсулотлари бўлимига ўтайлик, негадир қайсидир ҳайвоннинг гўштини ғажигим келаяпти.

— Ўзингни роль ўйнаётгандек тутаяпсан, — кесатди Шомил, — балки ростдан роль ўйнаётган чиқарсан? Лобардан бошқа ҳаммасига тупурганимни унутма. Шунинг учун Бурбоннинг пули, унинг азиз жони, қанақадир халқаро мақсадлар, сенинг «шарофатинг» билан ҳибс этилишим — бирортаси қизиқтирмайди. У ўлган бўлса, ўқ узган кимса — Гахар ҳам, Ноя ҳам, албатта, сен ҳам жазоларингни оласанлар.

Гена оғзининг таноби қочиб, деди:

— Реанимацияда ётган аёл Лобарми, жосусми, аниқлашни сенга топшираяпман, холос. Ким билади, Лобар ўлмагандир. Уни бошқа шифохонага ўтказишиб, қотилларни кутишаётгандир? Сени бу ерга шунинг учун чақирдимки, Рим сафаридан кейин Россияга боришингнинг ғамини еймиз, бугундан тайёргарликни

бошлайман. Қандай паспорт билан, ким бўлиб, қанақа қиёфада борасан, ҳал қиламиз. Россия масаласида қўлим узунлигини яхши биласан. Кейин Нояни Римда учратсанг, шу масалада...

— Уни кўрган жойимда ўлдираман, — гапни чўрт кесди Шомил. — Менинг номимни булгаб, тирикчилик қилгани — бир, Лобар масаласи — икки...

— Бурбон қарталари — уч, — кўшимча қилди Гена.

Шомил унга синовчан тикилиб қолди. «Лобар ўлмаган, — ўйлади чечен, — лекин бу қандай томоша? Агар Лобарни ўлдиришган бўлса, нега ўрнига бошқа аёлни ётқизиб қўйишибди? Рост айтади, Ноянинг одами келишини кутишаётган бўлиши мумкин? Балки мени ушлашмоқчидир? Бундоқ олиб қараганда, битта балиқ илиндими, иккитами, федералчиларга нима фарқи бор?!»

— Лобарни кўришим учун Россияга боришим шарт эмас, — деб Шомил колбасалардан бирини олиб, арава-чага солди. — Мана бунинг гўштини фажисанг ярашади.

— Менга ишонмайсанми?

— Ишонаман. Агар ишонмаганимда, иккита деб юборган одамнинг учта бўлиб чиққанини билган заҳотим барчаси «икс» бўларди-да!

— Э, улар икки киши. Хизматчининг уйғониб қолишидан хавотирланмаслигинг учун учинчи одамни ўйлаб топишган.

— Майли, бундан ташвишланганим йўқ. Римда ҳисоб рақамингга Бурбоннинг пуллари ўтиши керак, кейин эса менинг Россия сафарим... Бунда истакларингга мустаҳкам боғлиқликни кўраяпман. Билиб қўй, агар қаердадир, қачондир тузоқ тайёрласанг, сени албатта ахтариб топишади. Шахсингга алоқадор маълумотни жўнатганман. Яшириб ўтирмайман, маълумот Швецияга равона бўлган. Тутқич бермайман, деб калта ўйлама. Кўп ўтмай дунё телеканаллари даҳшатли фожиалар ҳақида намоишлар тайёрлашини истамасан? Лондондан, Будапештдан, Брестдан, Калининграддан... Хўш, нима дединг?



— Ҳали орқамни суриштириб юрибсанми? — қоши чимирилди Генанинг. Зеро, Шомил тилга олган шаҳарларда унинг яқинлари, хусусан, Будапештда суюкли сингиси — яккаю ёлғиз жигарбанди истиқомат қиларди.

— Мени ночор деб ўйлаб, хатога йўл қўйма. Тўғри, шундай вазиятлар юзага келаяпти, аниқроғи, юзага келтираяпсанки, тақдиримни ҳал этиш қўлингга ўтиб қолаяпти. Севимли кишиларингнинг ҳимояси ўз қўлингда эмаслигини бир сония ҳам ёдингдан чиқарма.

Шомил Швеция ва Испанияда кайфи-сафода яшаётган шериклари билан ҳозирча бирдам эмаслиги борасида Гена адашмаганди. Хоинлик юз берса, қасос олиш режаси пухта тузиб қўйилгани шу фурсатгача унга қоронғи эди. Шомил — Лондонга ўрнашиб олган Гена лақабли шахсга ишониб топширилган одам. Мана, унинг жиноят оламидаги ҳозирги мақоми.

— Сен бундай қилолмайсан, Пўлат, — деди Гена.

— Тўғри айтасан. Дўстимнинг кўзига мен ҳам чўп суқмайман, албатта у ҳақиқий дўст бўлса.

Бир-бирининг қўлини сиқиб, жилмайиб қўйишди; илло икковининг-да жилмайиши уруш шамолида ногоҳон ҳилпираб кетган байроқларни эслатди.

— Москвадаги одамингга ҳозироқ етказ, у ёқда нималар бўлаётганини Римга қўнгунигча аниқласин. Лобарнинг ўрнида бошқа аёл пайдо бўлганини биласану, мендан сир тутаяпсан, деб асабийлашдим. Менинг ҳам тақдирим сенинг қўлингда. Шундай экан, Лобар муаммоси пайдо бўлиши, унинг «шарофати»га қандайдир махсус хизматларнинг жосуслари ишга киришгани албатта кишини ташвишлантиради.

— Раҳмат, — бош силкиди Шомил узрли иқрорни қабул қилиб. — Мезбонга мендан қайноқ салом деб қўй. Тез орада учрашамиз.

Мезбон, бу — римлик ёлланма йигит эди, бурноғи йилларда Гена билан ишончли ҳамкорлик қилган. У Шомилнинг ижара уйига қурол-яроғ етказиши, Вит-

тория Венето кўчасидаги уй билан таништириши, дарғалиқ қилиши лозим эди.

Совуққина хайрлашаётганларида, Генанинг ёдига нимадир тушди.

— Тўхта, ресторанингга янги келган қиз ким?

— Коса-товоқ ювувчини сўраяпсанми? Исми Мадина, асли абхазиядан. Бу ерга Москвадан келган. Коллежда ўқийди.

— Шунақа бўлиб чиқишини Худодан сўрайман.

— Сенинг хизматкоринг ҳақида ҳеч нарса сўрамаганман, — деди жавобан Шомил. — Менинг ходимларимдан эмас, ўзингникидан эҳтиёт бўл.

Шомил ажал куваётгандек шошилмоғи лозим эди. Лондон-Рим рейсидаги самолётда жўнаб кетишдан аввал биринчи галда уй хизматчисини тинчлантириши керак, кейин мисрлик муҳожирга ўқўтмас нимча ва тўппончасини топшириши, пул бериши, сўнгра ресторанига кириб, баъзи ишларини битириб қўйиши, уйдан зарур буюмларини олиб чиқиши даркор.

Хизматчиникига йўл олганида омад ҳамроҳи бўлди. Даставвал зинада ётган калитни кўриб қолган бўлса, бироз ўтиб, шу калит иккинчи қаватдаги эшик қулфига мос тушди. Айдамир билан Рауф сиртдан қулфлаб, калитни итқитиб юборишган кўринади.

Уйга кирган заҳоти афтодаҳол хизматчисига кўзи тушди. Ранги мурдадек оқарган аёл қалт-қалт титраб, ўрнидан туришга уринарди.

— Ўзингизни қийнаманг, Сара, — дея Шомил тирсагидан тутди. Сал бўлмаса, бор кучини тўплаб, тумбага осилиб, ҳадемай полицияга сим қоқишга муяссар бўларди.

— Худойим... тирикмисиз?.. — йиғлоқи оҳангда сўради хизматчи.

— Аслида бу саволни сизга беришим керак эди. Даҳшатли туш кўрдим деб ҳисобланг.

— Даҳшатли туш?! Йўқ-йўқ... Уйимга бостириб киришди, дўқ-пўписа қилишди, уйку дори бериб... зўрламоқчи

бўлишди. Эрим вафот этганидан кейин менга эркак зоти кўл теккизмаган.

— Буни ҳам туш деб ўйланг.

— Н... нимани?

— Эркак зоти кўл теккизмаганини. Мана тўрт ярим минг фунт стерлинг, нақд! Синов ўтказганим учун товон пули.

— Бу ҳаммаси сизнинг ишингиз эдими? — йиглаб юборди Сара.

— Илтимос, йиғини ҳам, арз-додни ҳам бас қилинг. Сиз ҳақиқий англиялик эмассиз. Мен ҳам келгиндиман. Ва ҳаммаси учун оёғингизни кучиб, узр сўрайман! Тушунинг, шундай қилишга мажбур эдим.

Аёл кўллари қалтираб, пулни қайтарар экан:

— Сизни сотдим, — деб йиглаб юборди, — синовингиздан ўтолмадим... мен...

— Уйимнинг калити сиздами?

Сара бош силкиб, қайғуваш нигоҳ қадади. Ишдан ҳайдалдим, деб ўйлаётганини уқиб олиш қийин эмасди. Кутилмаганда Шомил жилмайди:

Сафарга кетаяпман, уйимни озода сақланг. Инсон умри давомида кўп уйларнинг калитини йўқотади, иймоннинг калити эса битта. Уни асло йўқотманг. Бир куни шаҳар четидаги сариқ вилла ҳақида гапиргандим. Яқинда ўша ерга кўчиб ўтамиз.

Шомил то самолётга ўтиргунча хуфияси билан на телефон, на интернет орқали боғланишни истади. Шундоқ ҳам Ер шари полициянинг улкан тўрига чирмалиб ётар, сўнгги дамларда у тўрга тез-тез ўралашиб қолаётган эди. Шундай эса-да, Хитроу аэропортига боргач, чидаб туrolмади. Соат 19:00 эди, бир соат вақт бор. Сумкасини юкхонага жойлаб, шартта аэропортдан чиқди-да, экспресс поездга ўтириб, жўнаворди. Шаҳар ичкарасига кириб, бир кўча пиёда юрди. Дўкондан сим-карта сотиб олди (ўша вақтларда паспортсиз олишга рухсат этилганди). Телефонига ўрнатиб, хуфиянинг рақамларини терди.

— У қандай? — сўради Шомил.

— Ўрнидан турди.

— Ақли-хуши жойида бўлган бир қадрдоним шундай гап айтдики, ҳазм қилолмаяпман. Сен эса ўрнидан турди деяпсан.

— Охирги маълумотим...

Шомилнинг ичидан ғазаб вулқони отилиб чиқди:

— У ўлган! Реанимацияда эса «кўғирчоқ» ётибди! Тушундингми?! «Кў-ғир-р-ч-о-оқ»!... Бу гапни қандай ҳазм қилай? Лобарни тирик қолди, деб гап чиқариб, унга ўқ узган қотил ўз оёғи билан келишини кутишмоқда!

— Менга айтишдики, у бир соат аввал ўрнидан турибди. Эртагача телефонда видеога олдириб, лавҳани жўнатаман.

— Палатага шахсан ўзинг кира оласанми? Ақалли бир марта кўрганмисан уни ўз кўзинг билан?

— Нималар деяпсиз, ҳатто йўлакни ҳам кўриқлашаяпти.

— Ана, кўрдингми!

— Ўрнига бошқа аёлни ётқизиб қўйишса, қўйиша-версин, ўлдирмоқчи эмасмиз-ку!..

— Ҳой итвачча! — сўкиниб юборди Шомил. — Менга у керак! Ўрнига кимни ётқизади, нима ишим бор?! Ҳозироқ бориб, соқчиларни отиб ташласанг ҳам, Лобарга нима бўлганини аниқла! Эшитдингми?!

— Аниқлайман, — деди хуфия.

Телефонни ўчириб, сим-картани улоқтирган Шомил поездга чиқишга ҳафсала сезмади. Изидан тушишганми, кузатув камералари орқали ахтариб топишадими, ҳаммасига қўл силтаб, таксига ўтирди. Балки ҳеч ким кузатмаётгандир, деган хаёл йўқ эди, шу билан бирга юрагидаги ҳадик ҳам йўқолиб қолганди.

Хитроу Лондондаги энг гавжум аэропорт, бироқ Шомилнинг кўзига ҳеч нима кўринмади, қулоқлари эшитмади. «А-320» самолёти ҳавога кўтарилгандагина хушига келди. Сал ўтиб, эълон қилишди:

— ...учиш вақти икки соату ўттиз дақиқа.

Мазкур бир юз эллик дақиқа мобайнида Лобар

## Азамат ҚОРЖОВОВ

хаёлидан бир сония ҳам нари кетмади. У чиндан ўлган бўлиб чиқса, Шомилнинг устидан ҳам ҳукм ўқилиши муқаррар эди. Бу ҳукмни на қонун идоралари, на жиной гуруҳ ўқийди. Бу ўз-ўзини суд қилиш ва ҳукмни ижро этиш...

— У ўлса, мен ҳам яшамайман, — деди Шомил пичирлаб. Овози суд залида жаранглаган каби қулоқларини ларзага солди, қалб деворларида узоқ вақт акс-садо бериб турди.

\* \* \*

Лобар кўзини очганида, отиб кетилган дамдан бери илк бор ўзини енгил ҳис этди. Лўқ-лўқ қилаётган жароҳат ҳам битиб қолган эди, гўё. Ҳаммаси хотима топгандек негадир кайфияти ҳам кўтарилди. Қачонлардир бу дамлар учун тайёрлангандек хонани кузата бошлади. Шу пайт ниқоб таққан, оқ халатли, басавлат киши кириб келди.

Бу одамни у қаердадир учратганди, бошидан ўқ еган, эслай олармикан? Йўқ-йўқ, эслашга не ҳожат? Уни учратмаган, шунчаки кўзига таниш, шунчалар танишки, нафақат турқ-таровати, балки қай йўсинда сўзлаши, мақсад-муддаоси, ҳатто луғатидаги сўз захираси — барчаси олдиндан аён эди. Негаки, бундай нусхаларни кўп учратаверганидан феъл-атвор ва гапларнинг ўхшашлиги аллақачон меъдасига тегиб, кўнглини айнитар ҳолга етказганди.

— Ит ётишни бас қил, — деди кимса. — Агар дам олгинг келаётган бўлса, ҳали вақт-соати бор. Икки қулоч оқ сурпга ўраб, ер остидан яхшигина жой қилиб беришади. Насроний эмаслигингни жуда яхши биламан, сенга ёғоч қути насиб этмайди. Бу ер ўликлар куйдириладиган мамлакат эмаслигини ҳам яхши биласан, оловда куймаслигинг аниқ. Умринг қай тарзда тугаб, мурдангинг ҳоли нима кечишини башорат қилайми?

Лобар гапиролмасам керак, деган ҳадикда жағини секин қимирлатди, тили худди бегонаникидек бемажол ва бетаъсир тўлғонди:

— Кимсан?

## Қил устидаги тақдир V

— Менми? — энгашди кимса. — Шайтонман!

— Шайтон сендақа кимсанинг шаклига киришдан ҳазар қилади.

— Вақтимиз оз, кел, лўнда ва ақлли гаплар билан гаплашиб олайлик. Сен тижоратчи аёл эмассан.

— Мақсадингни айт, — деди ингроқ товушда Лобар. — Ўлдириш бўлса, ўлдира қол... Биляпман, милициядан эмассан... Лекин қандай ўлишим, ўлигимнинг тақдири сенга боғлиқ эмас. Аксинча, сенинг ўлиминг... мурданг... боғлиқ.

— Мени уюборди, — пичирлади эркак. — Тушунмадинг-а? Сени нариги дунёга жўнатмоқчи бўлганлар буюртма қилишди. Бир вақтлар шу шифохонада ишлаганман, ўзини шифокор қилиб кўрсатиш санъатини пухта эгаллаганман... Тўғриси, менга пул керак, чет элга кетмоқчиман. Сени ўлдирсам, тез орада тутиб олишади. Ахир, қоровулларинг шунчаки пул учун отилган бечора банда, деб ўйлашяпти-да сени. Ўлдирилсанг, иш кенгайди, атрофимни қуршаб турган ҳалқада оловлар ёна бошлайди, қопқонлар кўйилади: менга, унга, ғирт алоқаси йўқ шўртумшуқларга. — У шундай дея қўлқопларини кийди. — Икки минг доллар учун бошини балога қўядиган аҳмоқ эмасман. Қисқаси, йигирма минг доллар бероласанми? Берсанг, мени ҳам, ўзингни ҳам қутқарардинг.

— Беролмайман.

— Жиннилик қилма, кунимни икки минг долларга қолдирма, бойвучча. «Муқаддаслар рўйхати»даги аёл эканингни яхши биламан, эшитишимча, ўтган йили ҳисоб рақам орқали, тахминимча, юз минг доллар атрофида пул ҳады қилинган экан. Бир сент ҳам фойдаланмабсан чоғи. Бу феълинг жуда ёқди.

Эшик очилиб, милиция ходими бўй кўрсатди.

— Бўлдимми? — деб сўради у.

— Кўраяпсиз-у, муолажаларим рангига ранг киритди. Яна беш дақиқа, илтимос, ўтинман.

— Қаллам кетмаса эди.

Барваста эркак чўнтагига кафт урди:

— Мендан кетади, сиздан эмас.

Ходим охирги гапни эшитмаганга олиб, эшикни норозилик билан ёпди. Ҳамшира кириб, уқолга тайёргарлик кўра бошлади.

— Ҳизимиздан, — деди кимса Лобарга кўз қисиб кўяркан, сўнг янада паст овозда пичир-пичир сўйлади: — Менга ишонмасанг, бир гапни айтай: буюртмачининг исми Ноябрь, яъни Ноя деган иблис. Ё нотўғрими? У сенга гапираётганида, орқадан шотири ўқ узган. Ҳисоб рақамдаги пулдан фойдаланмаслигинг шунинг учун ёқдики, сенга керак бўлмаса, менга керак ўша пуллар. Жуда оддий фалсафа-я?.. Ҳўш, ўйлаб кўрдингми? Сени бу ердан чиқариб, уйингга жўнатиб юбораман.

— Ишонмайман.

— Ишонининг нима кераги бор? Пулларни уйингга боргандан кейин берсанг ҳам майли. Нима, шунчалик туллак бўлиб кўринаяпманми? Боз устига оқ халатда-я?

— Майнавозчилик қилма. Яхшиси, тинчгина кет.

Кимса ишшайиб, бош чайқади.

— Гапингда маҳкам туриб-ол. Бизнес-қилишга келгандим, ўша уйда учрашдим, менга ўқузиб, пулларимни олиб кетишди, де. Бирини скинхед қилиб тасвирласанг, иш унчалик чигаллашмайди. Миллатчиларнинг мухлислари шапкалиларнинг орасида исталганча топилади, улар скинхедларни эшитиб, бу жиноятда йирик жиноятчилар иштироки йўқ экан, деб ўйлашади. Мен ҳам қараб турмайман, гувоҳ топаман, сохта бўлса-да, кунимизга ярайди. У айтадики, сен ростдан қандайдир эркак билан бинога кираётганингни кўрган, кўчада бир калбош изғиб юрганига кўзи тушган. Маъқулми?

Лобар кўзини оҳиста юмди ва:

— Қўлингдан келмайдиган иш ҳақида гапирма, — деди.

— Хайр, — деди кимса ўрнидан туриб. Ҳамшира шприц игнасидан дорини фаввора қилиб отган эди, кимса яна ишшайди ва фавворага кафтини тутиб, дорини ялади. — Фу-у, бунча аччиқ бўлмаса!

Эшик олдида телефони жиринглаб қолди.

— Алло, — деди у ҳиссиз, тўнг оҳангда. Кейин нариги томондаги одамнинг гапларига жавоб бера бошлади: — Мени унга, сени эса менга юбордими, лаънати? Кел, иккимиз иттифоқ тузайлик... Э, сени бошқа одам юбордими? Ким?.. Эшитганман... Чечен... Узр, хоҳол демоқчи эдим...

Лобар бу кун умумий палатага ўтказилди. Терговчи келганида худди нотаниш кимса айтганидек иш тутди. Сохта гувоҳ ҳам дарров қорасини кўрсата қолибди: шифохонага келтирилди, «ҳа, худди шу аёл эди», деб Лобарни «таниди» ва терговчиларни бошлаб лақиллатди.

Ниҳоят, уни холи қолдиришгач, ўглини соғиниб бола етаклаб юрганларга деразадан узоқ термилиб қолди. Орқа ҳовлидаги кичик боғдан кўз узолмас экан, бир парча бўлса ҳам, боғ инсонга қанчалар ҳузур ва ҳаётини кучқувват бахш этишини англаб, маҳзун жилмайди.

Кечга яқин палатани тозалашга кирган хотин кутилмаганда телефон видеокамерасида Лобарни суратга ола бошлади.

— Нима қилаяпсиз? Йўқотинг! — деди Лобар.

— Вой, узр, лекин... — аёл сурбетлик билан телефонни Лобарнинг юзига яқинлаштирди. — ... лекин эсдаликка олиб қўймасам, ўлиб қоламан. Феълим шунақа! Бир гал бу ерда Желиховская ётган! Ким эканлигини, ўлай агар, билмайсиз. «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» фильмини кўрганмисиз? Кўргансиз! Яқин эсингиздами, анави режиссёр-да, ахир?! Ушанинг суюкли актрисасига куйиб қўйгандек ўхшардим. Эсиз, ёшлигим! Умрим пол артишга қолди энди.

Фаррош шоша-пиша телефони чўнтагига тикиб, алламбало гапларни қалаштириб ташлагач, палатадан думини тугди. Кечқурун бемор аёллардан иккитаси қарта ўйнашга тушиб кетди. Лобар уларга бир неча бор қараб қўйгач, бири деди:

— Мабодо даврамизга қўшилмоқчи эмасмисиз?

— Жоним билан, — деди қимор бандаси.

Лобар илк бор ўзини ҳаваскор қартабоз қилиб кўрсатди



ва мазза қилиб ўйнади. Афтидан палатадагиларнинг бирортаси унинг қарта жодугари эканини сезмади. Сезмади эмас, хаёлларининг овлоқ кўчасига ҳам келтиришмади.

\* \* \*

Ўша куни Шомил эрталаб Римнинг Сал-Валентино кўчасидаги ижара уйда уйқудан тиниқиб уйғонди. Кам ёки кўп ухлашнинг, йўл чарчоғи ёинки Рим ҳавосининг бунга боғлиқлик жиҳати йўқ эди. У Бурбоннинг изидан бир йил пайт пойлаб юрди, Парижда қўл чўзса етгулик қадар яқинлашишга-да ноил бўлди. Бироқ чолни сўзсиз отиб ташлаш дунёқарашига хилоф эканлиги важдан тўппончага қўл ҳам югуртирмай омон кетишига йўл қўйиб берди. Қолаверса, Европа ва Америкада тўқчиликдан келиб чиққан айрим иллатларга чолнинг тиш-тирноғи билан қарши эканлиги суиқасд фикридан қайтиш ҳақида бетиним бонг урарди. Қиморбозликка сарфланган миллионлар учун калласи билан жавоб бериш, қарталардан бунёд бўлган ишрат оламини қон билан ювиш, қиморбозлар шоҳини дўзахга юбориш ёки алалоқибат барча кирдикорларини тушуниб, ўлим олдидан афсус чекиб, оёғига бош уриши — шу эди Шомилнинг асл муддаоси.

У бежиз қушдек енгил уйғонмади. Гўёки узоқ кутилган шафқатсиз қасос онлари келган эди — Бурбоннинг куни битди. Ва лек Шомилсиз ҳам тавба-тазарру қилган бўлсачи? Чол ўз жинсини ўзгартириб, эркаклар оғушига кирмоқликни орзу қилган йигитни миллион доллар эвазига итига келин қилиш хусусида бежиз матбуотда сўзламагандир? Ўлигини ёқиб, Алп тоғларига сочиб юбориш ҳақидаги васият ҳам киноя эканлиги сезиларди. Худо берган вужудни турли мақомга солаётганлардан нафратланувчи киши ҳеч замонда мудҳиш васиятга имзо чекармиди?

Бурбон чол хаёлида жонланган сайин Шомил қайсидир жиҳатдан рақибни ўзига ўхшаш эканини тан ола бошлади. Иккиси-да бадбўй ҳид таратаётган, айниган инсоний

хулқ-атворларга қарши курашаётган эди: бириники истеҳзо, иккинчисиники қиморбозларни қатл этиш.

— Ҳаммаси учрашувда маълум бўлади, — деди Шомил ўзига-ўзи.

Соатга қаради. Англиядан учиб келажак «А-320» самолётининг гилдираклари Италия заминини ўпадиган фурсат яқин эди. Айдамир Лондоннинг Хитроу аэропортидан эрталаб 6:00 даги биринчи рейсда, Рауф жаллод эса иккинчи аэропорт — Гэтвикдан 6:50 даги рейсда келиши, сўнгра ҳар иккови Фюьмичино аэропортидан алоҳида таксиларга ўтириб, тўғридан-тўғри Сан-Валентинога қадам ранжида қилишлари лозим эди. Шомил пардани суриб, кўчага бир зум кўз югуртирди. Римда Лондондаги каби ҳорижликлар бижғиб ётар, оғир сумкаларни кўтариб, атрофга алангламасдан, кўп ҳам ивирсимасдан юришса; ит ҳам боқмаслиги турган гап эди.

Тўппончалар кароват тагига бекитилганига кечанинг ўзидаёқ ишора берилганди. Шомил жомадонни каравот тагидан тортиб чиқарди. Ўқдонларни текширди, овоз тиндиргичнинг қўлбола эканига бир оз тумшайиб қўйди. Начора, Генанинг Римдаги ишонган ҳамкори Андреа қўли калта жиноятчига ўхшайди. «Ҳечқиси йўқ, — деди хаёлан, — бундоқ олиб қараганда, ҳаммамиз бир хилмиз, фақат жиноятларимиз ва тажрибаларимиз ҳар хил».

Аслида бугун ҳал қилувчи воқеа тўппончаларни ишга солиш эмас, омад эканини у тушунарди. Яна деразага яқинлашди, энди пардани очмади. Римни баҳузур ва бахтиёр кезишни қанчалик кўнгли тусаётганидан изтироб чекиб, қаҳва дамлаш учун ошхонага кирди. Шомилни кўпинча ортиқча хатти-ҳаракатлардан ошхона кутқарарди. Лобарнинг ўғлига ўликдек қотирувчи «Ши-Марго 500» дорисини беришгани, бечора болани «ўлди» деб дафн этишгани, олти соатдан сўнг қабрдан қазиб олиб, «тирилтиришгани», тақдир чархпалаги чир айланиб, гўдаккина унинг қўлига тушгани, ва ниҳоят, умрбод ширин хотиралар тухфа этган Италия сафари...

Шомил Парвизга кўрсатган ёрдамлари билан фахр-

ланиб, қахва хўплади. Рим энди бола учун шахсий тарихий гуша, Шомилга эса жиноят сахнаси эди. Ҳа, ҳозир у айёр Айдамир ва афтига туфлашга тайёр Рауфни кутиб олиши, Андреа ёрдамида Витторио Венето кўчасидаги 136-уйни забт этишлари керак. Жиноятга қўл ураётган кишига ҳамиша икки қисмат соя салади: бири – ҳалок бўлиш, иккинчиси – қамоқ. Балки умри охирида қолгани учун кўзига болакай ва қилган яхшиликлари кўринаётгандир?..

Соатига қаради: Москвага кўнғироқ қилишга ҳам, шерикларининг келишига ҳам ҳали вақт бор эди. Италия телеканалларидан бири намойиш этаётган кўрсатувни томоша қила туриб, студияга таклиф этилган кишининг кўйидаги гапларини эшитди:

– Бизга нур сочиб турган қуёш битта. Шундай экан, соямиз ҳам битта. Агар соянг иккита бўлиб қолганини кўрсанг, билки, яна қаердандир сенга нур ёғилаяпти. Болалигимда кинодан қайтаётиб, қизиқ воқеа юз берган. Кўчада биргина чироқ порлаб турарди, соям узундан-узун эди. Безорилардан ҳадиксираб кетаётган эмасманми, тўсатдан ёнимда пайдо бўлган шарпадан ўтакам ёрилиб, қичқириб юбораёздим. Не тонгки, у девордаги иккинчи соям экан. Унг томондаги пештоқда эса чироқ порларди. Инсонлар ҳам ўз маънавий умрида икки сояга эга. Бири яхшилик, иккинчиси ёмонлик. Қани, айтинг, кимнинг битта сояси бор?

Шомил пулътни ўйнаган кўйи ўйга толди. «Бор гапни айтди, ярамас. Кимнинг битта сояси бор? Ҳеч кимнинг! Мени қанчалик ёмонламасинлар, қилган яхшиликларим тез-тез кўзга ташланаверади. Ёмонлик қилишга ҳуқуқ берилмаган, аммо мен шундай яхшилик қилаяпманки, бундай яхшиликларга ҳам ҳуқуқ йўқ...»

Айдамир билан Рауф етиб келганида Шомил ҳамон ўй-хаёллар гирдобида эди.

– Айтиб қўяй, менга хўжайин эмассиз, – деди Рауф жомадондаги тўппончадан бирини олиб, стол суянчигига ўзини ташларкан.

— Самолётда қутурган ит қопдими бунни? — Шомил Айдамирга юзланди.

Айдамир ҳам ўзгариб қолган эди.

— Йўқ, албатта. У айтмоқчики, ҳаммамиз тенгмиз. Гап учга бўлинажак пул ҳақида, Пўлат оға.

— Учга бўлинажак пуллар қаерда бор экан? — сўради Шомил.

— Лақиллашни бас қилайлик, — Рауф ошкора ўқрайди.

— Бу ерда тўнкалар ўтиргани йўқ.

Шомилнинг қўли қичиди, Рауфнинг пешонасидан дарча очиб қўйиш истаги бутун вужудини ўт бўлиб қамради. Бунинг учун сониянинг учдан бир бўлаги кифоя эди. «Пулнинг учдан бир бўлаги эмас, сониянинг», — деди ичида Шомил.

— Гап бундай, Гена ўз вазифасини бажариб бўлди, — деди Айдамир баҳоли қудрат мураса руҳида. — Имконият борида ишни битириб, жуфтакни ростлаб қолайлик. Қачонгача унинг ҳукми остида яшайсиз, Пўлат оға? Ахир, Шомил эканингизни билади, истаган вақтда полицияга чақиб, йўқ қилиб юборади. Наҳотки, индамай юрганини яхшидикка йўяяпсиз? Сиз-а? Ишонмайман!

— Тузган режанглар шуми?

Айдамир ва Рауф кўз уриштириб олишди.

— Ресторанингиздан ташвишланыяпсизми? — деди Айдамир. — Балки Рауф Лондонга қайтиб, Генани ўлдирса, кўнгилингиз тинчир? Нима дедингиз?

— Ўлдирилиш учун Гена етарлича «балл тўплаган» эмас, — жавоб берди чечен. — Сенларни профессионал деб тавсия қилишган эди. На тактикада, на қуролдан фойдаланишда тажриба кўраяпман. Муаммони кўндаланг қўйган ҳар қандай одамни ўлдириб кетавериш аҳмоқлик. Айтиб қўяй, кўпга бормайсанлар.

Йигитлар яна нигоҳ чўқиштиришди. Айдамир:

— Бурбон чолни ушласак, пулини учга бўламиз, — дея тушунтира бошлади. — Гена бу ерда ким? Жаноб ҳеч ким! Майли, одамгарчилик юзасидан унга улуш берамиз, ахир бизни шунга йўналтирди, Римдан одам, жой,

қурол топиб берди. Хизматлари учун катта ҳақ олади, албатта биз белгилаган меъёрда. Ҳақини олгандан кейин ҳам сизга даъво қилса...

— Йўқ-йўқ, фикрингни ўзгартирма, — деди Шомил, — учга бўлинадими, демак, учга бўл! Эркак битта гапиради!

— Мен ҳам шуни айтаяпман-да, — Айдамир қулочини ёйди, Рауф эса беўхшов ишшайди.

— Мен, Гена, сен, манави тентак, Андреа. Хўш нечта бўлдик? — иккисига аланг-жаланг боқди Шомил.

— Бешта! — деб Рауф тўппонча ўқталганча ўрнидан сакраб турди. — Гапларинг умуман ёқмаяпти! Сен — қари шоқол аслида ҳамма пулни ўзингга олмоқчисан! Генани, бизни, италиялик болани шунчаки кўғирчоқдек ўйнатиб юрибсан, қимор учун ўч олишим керак, деб! Лекин хотининг дунёдаги энг аблаҳ қиморбоз! Ўч олсанг, аввал ўша Лобарни ўлдиришинг керак эди, осиеликни! Билдингми?!

Шомилнинг тоқати-тоқ бўлиб, овозиндиргични кўлида ўйнатди, кўздан кечирди, пуфлади, сўнг тўппончасига бураб ўрната бошлади.

— Нима қилаяпсиз, жин урсин?! — бақирди Айдамир.

Рауфнинг кўзлари олайди, лаблари қимтилди. Гарчи тўппончани қўшқўллаб тутиб турган эса-да, қалтираётгани сезилар, афсонавий жиноятчини отиб ташлаш осон эмаслигини ҳис этаётган эди чоғи.

— Овозиндиргич ўрнатаёпман, кўрмаяпсанми? — деди Шомил хотиржам. — Бу матоҳдан фойдаланишнинг уч сабаби бўлади. Биринчидан, ўқ овозини ўзгалар эшитмаслигини хоҳлашади; иккинчидан, агар кечаси ўқ ўзилса, чақнаб кетадиган ёлқинни пайқаб қолмасликлари керак; учинчидан...

— Эй, эй!.. — хитоб қилди Айдамир. — Бир-бирларингни ўлдиarmoқчимисиз? Марҳамат, лекин ҳозир эмас! Аввал ишни битириб олайлик.

— Нега қичқирасан? — Шомил қаҳрли тусга кирди. — Учинчидан...

— Учинчидан, жойинг дўзахда!.. — Шундай дея Рауф

тўппонча тепкисини босди, тепки тақ этди, бироқ ўқ отилмади. Айдамир ток ургандек сапчиб тушди. Рауф мурдадек оқариб, оний жазава ҳукмида икки, уч, тўртинчи марта ҳам тепки босишга улгурди.

Ҳа, жомадондаги қуроллари Шомил, ҳар эҳтимолга қарши, отилмайдиган қилиб қўйган эди, аэропортдан келганданоқ «қуролландик» деб ўйлаган кавказлик ёлланмалар чучварани хом санаган бўлиб чиқди.

Шомил шафқатсиз эди.

Шомил душманларини ҳеч қачон аямасди...

Рауфнинг кўксини кетма-кет учта ўқ тешиб ўтди. Йигит ёввойи чўчқадек чидамли экан, ҳиқ этдию оғзидан қони келгунча йиқилмади. Сўнгра тўппончасини ташлаб, Айдамирга умид кўзи билан тикилди ва гурс этиб полга қулади.

— Учтинчидан, ўқ овозини жиним суймайди, — гапини яқунлади Шомил.

— Тушундим... жуда яхши тушундим, — ортига чекинди Айдамир. — Мен унга минг марта айтганман, сиз билан ўйнашиш — ажал билан ўйнашиш.

Шомил Айдамирни ўлдирмоқчи эмас эди. Йигитнинг кўзларида ватанининг хира бўлса-да, суратидан бир парча зоҳир эди. Қандай қилиб унга ўқ отади?

— Минг марта айтдинг, бир марта риоя қилдинг, — дея қуролининг тепкисини кўтариб қўйиб, камарига қистирди. — Бу биринчи ва охири сабоғим бўлсин, қардош. Кўтар, пойимда ўлик ётишини истамайман.

Эшик тақиллаганида, мурдани целлофанга ўраб, шкафга яширишга улгуришган эди. Андреа итальянларга хос талаффузда бинойидай русча сўзлаша оларкан. Ҳаддан ташқари очикчеҳра, хушсуврат, ҳаттоки қизлардек чиройли эканини Шомил етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди.

Ўтқир ҳидли атир хонани тутганида, Айдамир эътироз билдирди:

— Буни бекор сепибсан, дўстим. Байрамга бораётганимиз йўқ.

— Сизни «спецназ»да ишлаган, мастликда муштлашиб,

ишдан ҳайдалган, қамалган, дейишди. Ростми? Агар рост бўлса, билиб қўйинг, биз байрамга ҳам, диверсияга ҳам бормаяпмиз. — Кейин Шомилга оғзи-тинмай-бидиллади: — Ҳар ким ўз ишининг устаси бўлгани яхши. Ҳарҳолда Римни мен яхши биламан, атир ҳам аслида чалғитиш мақсадида «қўшимча эффект». Айдамир махсус хизматда ишлаган бўлса, ҳидни ёқтирмаслигини аъло даражада тушунаман. Диверсантлар душман исковуч итларини чалғитиш учун сассиқ ҳидлардан фойдаланишади. Бечора итлар!

— Мен шунча вақт ҳидсиз ишлаганман, — Шомил уни бошдан-оёқ кузатди.

— Ҳозиргина шкаф ичига тиқилган жасад ҳадемай бадбўй ҳид тарата бошлайди, — деди Андреа. — Ҳаёт, бу — ҳид демакдир.

— Камера қўйилган экан-да? — аланглади Шомил. — Бутун умр камералардан ҳадиксираб яшаш керак, минг лаънат.

— Микрофон, — митти кулоқчинни кўрсатди италиялик.

Шу билан вақтинчалик дўстлик шартномасига шайтон сиёҳи ила имзо чекиб, сохталик муҳрини босишди. Кишилар аҳён-аҳён бирлашиб қоладилар, яна ажрашадилар, яна бирлашадилар. Инсон тақдирини чизмакашлар қоғозга туширсаю уни экранда бир неча сониялик фильм тарзида жонлантиришса, бир ажиб рақс зоҳир бўлур эди, булутлар рақсига-да ўхшарди чунон.

Учови 136-уйга бостириб киришни муҳокама этиш учун кўшни хонага чиқишди. Шомил Андреанинг ёқасидаги микрофончани юлиб олиб, эзиб ташларкан, деди:

— Ажал келса, буларинг иш бермайди!

— Тўғри, биз ҳозирча тўрт кишимиз, — кўз қисди Андреа ҳазилни ўринлатиб, — биттамыз ортиқчамиз. Уйлайманки, ўша мен эмасман!

\* \* \*

Не-не қўллардан ўта-ўта ахийри Лобарнинг кафтига қўнган Фолкстон қарталарида битилган сир, яъни

## Қил устидаги тақдир V

Римнинг Витторио Венето кўчасидаги 136-уй хатосиз аниқланилган эди. 13 июнда худди шу манзилда Бурбон чол ўз меросхўрини кутиши ҳам беҳато айтиб берилди. Албатта, бунда марҳум қиморбоз, қрим татари Понтий жимжима ҳал этувчи роль ўйнади. Ўйнадию нафақат қимор, ҳаттоки ҳаёт саҳнасини тарк этди. Лобар эса қартабозликда ҳамма иш қўлидан келадиган жодугар қиёфасида қолди. Ваҳоланки, Понтийнинг кўмагисиз қарталардаги белгилар жумбоғини ҳали-бери чақолмас эди.

Бироқ унга ҳам боққан бало бор экан: сал бўлмаса, ўлимга юз тутди. Юз тутдию бахтли тасодиф туфайли ўлмади. Айни дамда минглаб чақирим фарба унинг қисматига алоқадор бошқа бир кўргуликлар томошаси қўйилаётган эди.

Кўчага чиққанларида Шомил олти қаватли сарғиш иморат ёнидаги пастак бино томида жойлашган усти очиқ мўъжазгина тамаддихонага бурилиб, столлардан бирини банд этди-да, Москвадаги хуфиясининг телефон рақамларини терди. Келишув бўйича нариги кўчадаги машинагача бегоналар каби боришлари лозим эди, Айдамир ва Андреа унинг бемалол ўтириб олганига ҳайрон қараб қўйишди.

Хуфия шу заҳотиёқ алоқа боғлади.

— Айтганимни бажардингми? — Шомилнинг овози бўғилди.

— Ҳа, у ҳақиқатан сиз айтган шахс экан. Видеолавҳани юбораяпман, олинг.

Шомил телефон экранчасига тикилди: Лобар каравот олдида турар, бошига оқ ўралган, хийла озиб қолган, хийла дармонсиз эди. Мана, жодуваш кўзлари, шарқона дид билан терилган камон қошлар, не-не сеҳрли сўзларни сўйлашда гўзаллик касб этган ақиқ лаблар...

— У ўлмайди, — шивирлади Шомил, — ўлишга ҳаққи йўқ.

Яна хуфиясига кўнғироқ қилди.

— Ноя қотил юбориши мумкин, сен эса ҳар қандай



## Азамат ҚОРЖОВОВ

ёлланмани йўқ қилишинг керак. Агар мен айтган манзилга эсон-омон етказа олсанг, оғзингга сиққан пулингни бераман. Қачон қўйиб юборишар экан ўзи? Терговлар авжидадир?

— Авжида.

— Йўл борми?

— Бор.

Шомил шарбат келтирган хизматчига ҳақини тўлаб, бир кўтаришда жиғилдонига қуйди ва зинадан йўлакка шошилишч тушиб, машина томон жўнади. Витторио Венето кўчаси турли меҳмонхоналар, қаҳвахоналар, ажойиб тери маҳсулотлари сотиладиган дўконлари билан уч жиноятчини мафтун этолмади. Шундай бўлсада, Лобарни ҳозиргина эсон-омон кўрган Шомилнинг кайфи чоғ эди.

— Уни ўйламаяпсанми мабодо? — Айдамирни турткилади орқа ўриндиқда ўтирган Шомил. — Рауфни айтаман-да. Ҳаёт қизиқ! У бор эди, энди абадий йўқ... Эҳ, зўр жумла-я! «Абадий! То абад!..»

— Тони аҳмоқ эди, шунинг учун ўлди, — деди Айдамир.

— Ким у Тони?

— «Юмага қатновчи поезд» фильмидаги қароқчи Рассёл Кроунинг гапи, — изоҳ берди Айдамир.

— Ў-ў, кинони кўрганман, ажойиб фильм! Мен Бенга ўхшамайман, чунки расм чизишни билмайман... Қаранглар, қандай чиройли қизлар! — Шомил йўлакда турган қора сочли, сарвқомат, дуркун қизларга ишора қилди. — Тинчгина яшасак бўларди, аттанг.

Айдамир дарҳол эътироз билдирди:

— Тинчгина яшаганлар бу қизларнинг ёнига яқинлашолмайди.

— Бир донишманд айтганидек, — деди Шомил, — жаннат бепул, дўзах пулли.

— Нега энди? — рулдаги Андреа Шомилга кўз қирини ташлаб қўйди. — Қайси томи кетган кас бепул жаннат турганда, пул билан дўзахга киради? Сафсата! Гапимга хафа бўлманг тагин, менга айтишдики, оддий эътироз

ҳам кавказликларга қаттиқ тегиши мумкин экан.

— Салга хафа бўладиган олифтага ўхшайманми?  
— Шомил Андреанинг елкасига қоқди. — Сен чуқур фалсафани тушунмадинг, холос. Одам бу дунёда бепул ибодат қилади, имон-эътиқодни сотиб олмайди, Худога ишониш ҳам бепул. Ҳеч қандай пули бўлмаган киши умр бўйи яхшиликлар қилиб, ўнг елкасидаги фариштага яхши ишларни кўп ва хўп ёздириб қўйиши мумкин. Бундай одам ўлса, жаннатга кириши айтилган. Хўш, жаннат унга қанчага тушди? Албатта, бепул. Энди ўйлаб кўр, дўзахга тушишинг учун қанча пул сарфлашинг керак? Минг-минг, миллион-миллион!

— Тўғри, — деди Айдамир.

— Қанақасига? — Андреа барибир тушунмади.

— Ўша қизлар билан ишрат қилиб юриш пуллими? — деди Шомил. — Пулли! Ароқ, нашани пулга оламизми? Пулга оламиз! Пул учун одам ўлдирамизми? Ҳисобла, Андреа, умринг давомида дўзах учун қанча маблағ сарфляяпсан? Ахир, ичганинг, фарлик қилганинг, адоғи йўқ маишатпарастликлар учун сени у дунёда дўзах кутади.

Андреа тўсатдан таслим бўлиб қўя қолди:

— Эҳ, гап бу ёқда денг! Нақадар телбалик!.. Нима қилсак ҳам, энди одам бўлмаймиз. Биз қатори сиз ҳам одам бўлмайсиз, жаноб Пўлат.

— Телевизорда бир кўрсатув кўрдим. Ҳар бир одамнинг икки сояси бўлармиш. Бири яхши, иккинчиси ёмон амаллар. Менинг ҳам иккита соям бор.

— Сояси нечта бўлишидан қатъи назар одам битта ва ўша битта одам ҳар иккала сояси учун ҳам ўзи жавоб беради, — деди шартта Айдамир. — Яхшилиги учун ҳам, ёмонлиги учун ҳам.

— Ў-ў, — дея Шомил унга нигоҳ ташлади, — учаламиз ҳам файласуфмиз чоғи. Нега босқинчиликка кетаяпмиз, тушунмаяпман! Кўрсатинглар, ибодатхона қаерда?

— Балки сизга монастирь керакдир? — деди итальян. — Деразалари панжарали.

Улар кулишди. Андреа кексаю ёш жиноятчилар билан

бир неча бор дучор бўлган, Шомил ҳам, Айдамир ҳам гапдан қолмай баҳслашадиган навбатдаги кимсалар эканини тушунган эди. Бу сафар маънили гап эшитган, юрагининг бир четига пушаймонлик игнаси санчилган эса-да, шайтоний куч билан ўзини қўлга олди, лабига сигарета қистирди. «Таласак ҳам ёмон одамларни талайпмиз-ку», деб ўзига таскин бериб, деди:

— Бошга тушганни кўз кўради. Жинойтчи бўласан, деб пешонамизга ёзилган экан, начора, бўламиз-да!

— Машинани шу ерга тўхтатмоқчимисан? — сўради Шомил.

— Бурбон ташриф буюрадиган уйнинг деразаларига қаранг, — деди жавобан Андреа машиналар тиқилинч тахлаб қўйилган жойда тормозни босиб. — Каттакон гул турибди. Менимча, гул хонадон эгасининг дидидан далолат бермайди, ким учундир белги! Биз бундан тузоқ ўрнида фойдаланамиз.

— Очиқ гапиравер, — атрофга кўз югуртирди Шомил.

— Бурбон ва ўзимиз ҳақимизда ҳеч нарса демасдан уч югурдак ёллаганман. Менга «Витторио Венето, бир юз ўттиз олти», деб шипшиб қўйилган захотиёқ йигитлар бу ерни кузатишяпти. Хув анави хонага ажнабийлар жойлашиб олишган деган тахминни айтишди. — Андреа кўчанинг нариги томонидаги айвонли уйнинг иккинчи қаватига ишора қилди. — Кундуз ичкарида нималар бўлаётганини билиш қийин, кўраяпсиз, ойнаси қорайтирилган, аммо кечқурун ичкарида чироқ ёниши билан деразада шарпани пайқашибди. Менимча, Ноя ва одамлари ўша ердан туриб, Бурбоннинг келишини кутишмоқда.

Шомил бу маълумотлардан заррача қоникмади.

— Деразага гул қўйиладиган замонлар ўтиб кетган, хавфдан огоҳлантириш учун уларда телефон йўқми? Қарама-қарши бинода шубҳали зотлар биқиниб ўтиргани фирт тентаклик! Нега тахмину гумонларга суяниб юрибсан? Аниқла-да-кўй!

— Эндигина вақт топиб турибман, — деди Андреа.

— Агар улар шу ерда бўлса, ҳаммасини отиб ташлаган маъқулмикан? — қайрилиб қаради Айдамир. — Тўппончаларга овозтindirгич ўрнатамиз. То Бурбон билан гаплашиб қўйгунимизча мурдалар халақит бермайди.

— Ҳали Бурбон квартирага келмасдан бурун отишма қилмоқчимисан? У тузоққа тушиши лозим бўлган жойда-я?

— Овозтindirгич...

— Бас қил! — койиб берди Шомил. — Овозтindirгич бизнинг тўппончаларга ўрнатилган, уларнинг қуролидачи? Эҳтимол, «Виңчестер» билан кутишаётгандир? «Калашников» ҳозирлаб ўтиришган бўлишса-чи? Ҳар бирининг қувурига овозтindirгич ўрнатиб чиқасанми? «Илтимоc, ҳозир ҳужум қиламиз, қуролларингнинг овозини қўшни хонадагилар эшитмасин, қичқирманглар, эшикка ҳам, ойнага ҳам ўқ узманглар», деб ялинарсан балки?!

— Буларни ҳал қилиш менинг ишим, — деди Андреа баҳсга яқун ясаб, кўз қисаркан. — Мени кутинглар ва мен қайтаман.

У машинадан тушиб, айғоқчиликка, афтидан югурдақларидан хабар олишга кетди, Айдамир рулга ўтирди. Андреа Лондондаги Гена учун ишончли одам эди. Шомил уни яқиндан билмас, садоқат кутмас, қандайдир югурдақлардан гап очилганда қайтанга шубҳаси бирмунча ортган эди. Ҳаял ўтмай Шомил ҳам машинадан тушиб, дўконлардан бирига кирди. Шу пайт кўчадан мотам машинасида тобут олиб ўта бошлашди. Ун беш чоғли мотамсаро киши тирбанд кўчадан пиёда ўтишга қарор қилишган шекилли, қора машинанинг изидан бир қатор тизилиб эргашдилар. Бу — Шомилга тузоқ бўлиб кўринди: сохта дафн маросими шу атрофда юрган жиноятчиларни фаоллаштириши мумкин эди ва бундан кимки маросимни уюштирган бўлса, етарлича фойдалана оларди.

Шомил Лобарнинг таниши Кувонни — бир вақтлар унга снайперлик қилган йигитни эслади. Шу тобда Шомилга снайпер кўмаги ҳаводек зарур эди. Баайни

## Азамат ҚОРЖОВОВ

қорайтирилган ойнани ҳам снайпер назоратга олса, ғалаба калити қўлга киритиларди, эҳтимол. Шундай ҳолат бўлганки, Копенгагенда дераза орқали кузатиб турган кимсанинг бошини снайпер ўқи тешиб ўтган, мурданинг шериги эса на қаршилиқ кўрсатолган, на полиция чақира олган. Ахир, ўзи ҳам икки ёқлама хавф остида турарди-да.

Кутилмаганда саҳнанинг иккинчи кўриниши намоёиш этилди. Аввалига уч-тўрт машина мотам маросими ортидан келиб, кўчани баттар тирбанд қилди, кейин бирининг мотори ўз-ўзидан шунақанги ванғиллай бошладики, телба ҳайдовчи қайси сабабга кўра газни бунчалик жазаво билан босаётганига ҳеч ким тушунолмасди. Сигналлар ҳам чалина бошлади. Шомил кўча қуйруғида, яъни машиналар оқими тўхтаб, мотор ванғиллаётган худудда Ноя ёки Бурбон одамлари лоп этиб юзага чиқишини англади. Жиноят дунёсига Шомил хўжайин эди. Демакки, Европанинг энг ашаддий каззоблари уни ёки йигитларини пайқаган экан, бекинишнинг ортиқ ҳожати қолмаганди. Тўппонча сақлагичини тушириб, қуролни шайлаган ҳолда йўлакдан тўғри бораверди. Баъзан хўжайинлар жамқи эҳтиёт чораларини йиғиштириб, майдонга шер каби чиқадилар, итдек ўлим топадиларми, аксинча, хавфга тик боққанлари учун ғалаба ёр бўлиб, янада обрўйи ошадими, бу энди ихтиёрдан буткул хориж, ўз жонини тикиб, нард тоши отиш билан баравар ҳодиса эди.

Қизиқ, Андреанинг машинасида Айдамир кўринмади. Ҳаёт-мамот ўйини учун нард тошлари улоқтирилган, ҳали қисмат тахтаси устига тушмай ҳавода чир айланиб, тобора пастлаб борарди. Атрофга синчиклаб нигоҳ югуртирди: Айдамирнинг қораси ҳам йўқ. Шунда Шомил ҳайдовчи томондаги эшик тагидан бир учи осилиб турган чойшабга кўзи тушди...

Аниқ билардики, Андреанинг машинасида чойшаб йўқ эди. Бундан чиқдики...

Шомил машина ёнига бориб, салонига назар солди ва олд ўриндиқда нимадир дўппайиб турганини, устига қора

чойшаб ёпилган бўлса-да, бир чети қондан ивиганини кўрди. Айдамирни отиб ўлдириб, устига чойшаб ёпиб кетишган эди.

Шомил ўзи ҳам нишонда эканини фаҳмлади. Шу аснода телефони жиринглади.

– Алло, = атрофга аланглади Шомил.

Жимлик.

– Кимсан? Сени эшитаяпман? Бемақсад кўнғироқ қилмагандирсан?

– Овозингни эшитиб бир нафас эсанкираб қолдим, – деди нариги томондаги киши. – Нояман.

– Россияда менинг қиёфамда яшаган шоқол!

– Исминдан танишингни билардим. Ростини, изимдан тушинингдан жуда-жуда кўрққанман. Ҳатто нотаниш кимса кўнғироқ қилганда, ўтакам ёрилган. Энди эса... тақдир тақозосини қара, мен изингдан туша олдим. Ҳозиргина гувоҳ бўлдинг, козерлар менда.

– Қозерлар? Бу гапни чакки айтдинг-да!

– Йўқ-йўқ, энди ташаббус менинг қўлимда. Қартага қарши курашаман, шунинг учун қиморга хос атамаларни ҳам тилингга олма, демоқчи бўлсанг, қаттиқ янглишасан. Профессиналча иш тушинингга ишонгандим, афсус, қарибсан. Ўзингни-ўзинг тутиб бердинг.

– Ҳўш, ҳозир мендан неча қадам наридасан?

– Ўнг томонга қара.

Шомил шубҳали бирор кимсани пайқамади. Ноя деди:

– Дўкон ойналарига...

Чечен витрина ортида қатор турган тўрт дона реклама кўғирчоқларини кўрди. Ҳар бирига эрқақларнинг оқ кўйлаклари кийдирилган эди.

– Сўл томонингда бутунлай тескари рангда кийинган киши телефонда гаплашиб қетаяпти, изидан бор. Лекин отиб қўйма, у мен эмасман. Муволишда учрашамиз. Ўйлайманки, душманзимиз бир киши, яъни итальян.

– Машинадагини у отди, демоқчимисан?

– Йўқ, қардошингни мен ўлдирдим. У ўлгани учун ҳам душман битта қолди.

Шомил пакетнинг ёнидаги ўйиққа қўлини тиқиб, тўппонча дастасидан маҳкам тутиб, қора кўйлакнинг орқасидан изма-из келаверди. Бир қарашда Шомил егуликлар тўлдирилган пакетни кўксига босиб, уйига шошилаётган оилапарвар италияликларга ўхшарди. Бирок бу ўткинчилар учунгина шундай эди, Ноя ва одамлари Шомилнинг қай тарзда куролланганини билишар, пиджак, нимча, плаш сингари кийимлар кийишга монелик қилган фаслга ҳамду санолар айтишса арзирди.

Муюлишда қора кўйлак тўхтаб, телефонини ўчирди. Кейин ортига бурилиб, Шомилга тик қаради, голибона илжайди. Шу дамда қора «Мерседес» тўхтади, у гўёки мотам карвонини ўтказиб юбормоқчи эди. Ойна туширилиб, Ноянинг боши кўринди. Қўлида Монтеस्कьенинг Италияда нашр этилган китоби бор эди.

— Биз танишмиз.

— Машинангга чиқайми? — сўради Шомил совуқ оҳангда.

— Албатта. Бирок пакетингни топширсанг, яхши иш бўларди.

Қора кўйлак пакетни олди, яна бир йигит пайдо бўлиб, кийими устидан пайпаслади. Шомил орқа ўриндиққа, Ноянинг ёнига ўтирди.

Машина жойидан кўзғалиб, миллионлар ваъда берилган гўшадан олислаб кета бошлади. Ноя китобни силаб, сўнгра қўлида ўйнатди.

— Китоблар яхшига ҳам, ёмонга ҳам йўл кўрсата оларкан. Бу фикримга нима дейсан? Сенга ўхшаган туғма жиноятчи эмасдим. Табиатан кўрқоқ, ҳисоб-китобли, келажакни ўйлайдиган, режали одам эдим. Кўп китоб ўқиганим оқибатида жиноят оламининг сирларини кашф этдим. Кўпинча ақлли одамлар дунё халтасининг тешик жойини топиб, оқиб тушаётган олтинларга ҳовуч тутса, жиноятчи деб ном олади. Лекин мен номларга тупуришни ҳам ўрганиб олдим. Хуллас, ўқиган киши бир оз бош қотирса, миллион-миллион долларни қийналмасдан топаркан.

Шомил нафратомуз кўз ташлаб қўйди.

— Фикрингга қўшилмайман, — деди у. — Чунки сен китоб ортилган эшаксан, холос. Айниқса, Монтеस्कьени қўлда тутиб, бу гапларни айтишинг эшакдан баттарлигингни исботлайди. Бошқа ҳеч нарса эмас.

— Мактабда жуда одобли бўлганман, — бурнини қашиди Ноя. — Тўғри, Грознийда ўқимаганман, умуман, Чеченистонда туғилмаганман ҳам.

— Лобарни отганинг учун ҳеч қачон тирик қолмайсан. У «муқаддаслар рўйхати»нинг бошида турадиган аёл. Таржимаи ҳолингни эса яқин кунлар ичида мункарнакирга сўзлаб берасан.

Ноя яна китобни силтади, сезиларли даражада асабийлашган эди у.

— Монтеस्कье мени «тарбиялади» демоқчимасман. Буни шунинг учун тумшуғингга нуқияпманки, унда гарбу шарқнинг тафовутини кўрасан. Лобарга қиморхоналарда пишириб қўйибдими, деб ўйлайди киши. У ким? Осиёлик мусулмон аёл. Яхшиси, гўрда ётгани маъкул. Умид қиламанки, у ҳозир...

— У гўрда эмас, нуфузли клиникалардан бирида. Қартабоз мусулмонми, насронийми, бунинг фарқи йўқ, — деди Шомил.

— Сен, албатта шундай дейсан-да! Хўп, бошқаларни қўяйлик. Иккимизни ҳеч бўлмаса миллат...

— Миллатимиз бирлигига келсак, сен шу сабаб билан ҳам оғир жазо оласан.

— «Биз» деган масалани кўтармоқчи эдим, майли, кўтарилмай қолаверсин. Ўқ тўғри учади, аммо-лекин тўппонча тутган қўл пана жойларга ҳам айланиб-эврилиб бора олади.

— Лобарда шунчалик катта ўчинг борми?

— Йўқ. Бироқ у барибир йўқотиб юборилади. Собиқ хотининг ҳақида бошқа нима ҳам дейман.

— Афсуски, сени ҳам, суиқасдда иштирок этган Гажар лақабли шотирингни ҳам аллақачон ўлимга ҳукм этиб бўлишган.



## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Кўрқитиб юборди-ку бу! — заҳарханда кулган Ноя руддаги йигитнинг елкасига қоқди (дарвоқе, ҳайдовчи бугунги рейсда Римга учиб келган Гажарнинг шахсан ўзи эди). — Сенингча, эй Гажар, қандайдир бир аёл учун дунёнинг турли бурчакларидаги тутқичбермас йигитларни ўлимга ҳукм этадиган махфий ташкилот борми? Булар камина тўқиган даҳшатли афсоналардан бири! Биласанми, Шомил, афсоналарни яхши кўраман, ҳатто қотилликларда ҳам афсоналардан фойдаланаман. Реал ҳаётга қайтадиган бўлсак, кучли давлатларнинг диверсион махфий хизматлари ҳақида эшитганман, улар бизга ўхшаганлар билан...

— Уннга бурилайми? — деб Гажар хўжайинининг гапини бўлди.

— Нега буни сўраяпсан? Сенга айтишган-ку!

Гажар миқ этмади. Машина тор кўчалардан бирига киргач, тўхтади. Бошқасига ўтирдилар ва яна Витторио Венето кўчасига — Бурбон чол қарталарга бекитган манзилгоҳдаги уй пойига қайтиб келишди. Ҳайдовчининг ёнидаги йигит машинадан тушиб, шошилганча қаергадир жўнаб қолди. Кўп ўтмай Ноянинг телефони жиринглади.

— Окей, bravo, салют Мария! — хитоб қилди Ноя. Кейин Шомилга хушхандон қиёфада ўгирилди. — Россияда сенинг номингдан иш тутганимда ҳеч ким «Ие, Шомил пайдо бўлиб қолибдимми?» деб безовта қилмади. Қизиқ ҳолат-а? Шундан билки, милиция сени ахтармай қўйган. — Лаби-лунжини буриштирди. — Балки ҳеч ким эмаслигинг ҳақидаги фикрим айна ҳақиқатдир-а?

— Милиция сени ахтарган, мени эмас, — гижинди Шомил.

Ноя уф тортиб, деди:

— Ўз билганингдан қолмаслигинг фожианг эканлигига умринг давомида юзлаб мисоллар кўргандирсан? Барибир ўзгаришни истамадинг. Майли, юр, бугун ҳаяжонли кун. Бойлик эшик қоқмоқда.

Шомил машинадан тушди.

— Уларнинг борлигини тасаввур қилолмаслигинг

бошингга етади ҳали, — деди Шомил вазминлик билан.

— Кимнинг? — аланглади Ноя. — Ҳа, Андреами? У аллақачон даммини олаяпти. Арқонни кенгроқ ташлашларинг керак эди.

— Арқонни биз эмас, сен кенгроқ ташлашинг керак. Мен қонунларнинг борлигини тасаввур қилолмаяпсан, деяпман.

— Нишонда турганингда кўп гапирма. Қонунлар чўкаётган одам осилишга уринадиган чўпларга ўхшайди. Афсуски, энди сени ўлдириш шов-шув бўлмайди.

— Шу гапларингни унутма, — деб Шомил унга ўқрайди.

Ноя ишора берган эди, Гажар тўппонча оғзини кўрсатди ва «юр» деган маънода имо қилди. Шомил Италия сафарида Генага ишонмаслик кераклигини, у қанчалик пуч режалар асосида иш тутишини англади, англади эмас, гувоҳ ҳам бўлди. Бироқ бундай хом-хатала ишларга Шомил ҳаминша чоралар кўриб қўйгувчи эди.

— Кетдик, — деди Шомил ҳам Гажарга имлаб. — Қарталардаги белгиларда Бурбон кун бўйи аҳмоқларни кутишга ваъда бермаган, кеч қолмайлик.

\* \* \*

Ноя ҳақиқатан ҳам тайёргарликка зўр берган эди. Фолкстон қарталаридаги сир аниқланадиган дам яқинлашганда, «Викинг» жиний тўдасидан ёрдам сўрашга-да ҳадди сифди. Шомил ҳақида маълумотлар тўплаш учун эса охириги куннинг ўзида йигирма етти минг доллар сарфлаб юборди. Бу воқеалар ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураётган очкўз, шунингдек, шошқалоқ, кўрқоқ кимсани эслатарди.

Шомил ҳам анойи эмас эди. Темза сайрига чиққанида, абхаз қизи унинг рақамларини ошпаз кимгадир айтаётганида билиб олганини гапиргандаёқ халтасига сичқон тушганини сизди. Бу сичқон Мадинанинг ўзи эмасди. Ошпаз хоин бўлиб чиқмаслиги ҳам мумкин эди. Дунё содиқлару сотқинлардан иборат эмаслигини яхши биларди. Ўртада яна бир тоифа бор: содда, ишонувчан,

лақма ва калтафаҳмлар. Бир замонлар разведкачилар машқ ўтказаетганда, фуқаро кийимидаги разведкачи бир ҳарбийдан постдаги аскарларни алмаштиришга қанақа машина келишини сўрайди. «Юк машиналарга жуда қизиқаман», деб алдайди. Аскар фақат юк машиналари келмаслигини, бронотранспортёрлар қачон, қандай вазиятларда ҳамроҳ бўлишини айтади, гўеки «чегарамиз зўр қўриқланади» мазмунида мақтанади.

Бу — оддий машғулот эди.

Бу — разведкачининг маълумот ола билиш қобилиятини имтиҳон қилишдан бошқа нарса эмасди.

Бу — оддий машғулот шаклидаги ҳақиқий фалокат ҳам эди.

Аскарни сафдошлари қайтиб кўрмадилар. У хоинликни мақсад қилмасдан хоин бўлиб чиқди. Шомил ҳам ошпази хусусида шундай деб ўйлади. Қандай бўлмасин, уни алдаб, маълумот ола бошлаганлар. Хўжайинининг телефон рақамини ҳеч кимдан сўрамасдан бериш хизматчининг ё гўллигидан, ё қора ниятли эканлигидан далолат. Мана, калаванинг учи, бот-бот қопмоқликка уринаётган итга боғланган ип. Гарчи бу ипнинг ўрта қисмлари навқирон ва кўҳна Лондон кўчаларида кўздан йўқолган эса-да, муҳими, бир учи топилган эди.

Иккинчи қаватга кўтарилишди. Зинапояда кутиб турган қуролли киши ичкарига охири бўлиб киргач, дарҳол эшикни ёпди. Полни гижирлатиб, хонама-хона оғир карвон бўлиб ўтишди. Андреа эътибор қаратган гул дераза ортида барқ уриб очилиб турар, куёш нурларидан баҳраманд бўлиш бахтидан масрур эди у. Шомил гулга кўз ташлаб қўйганини пайқаган тўрдаги кекса фаранги буришган бақбақасини силкитиб кулди.

— Ҳойнаҳой, сен чечен бўлсанг керак?

— Шундай ҳам бўлдим дейлик, хўш, бу билан нимадир демоқчимисиз?

— Изингдан бир каллакесар тушган, ҳаром-ҳариш ишларинг учун нариги дунёга жўнатиб, ёруғ оламини тозалайди, деб лоф уришди. Наҳотки, мен шунчалик

ифлос бўлсам?! Дунё менсиз тозаланиб қолса, юрагимни ўз қўлим билан суғуриб бермасмидим, биродар? Нима, ўзинг ҳам бандимисан? Нега бу алфозда серрайиб қолдинг? Исминг нима? Нега Италияда хор-зор бўлиб юрибсан?

— Бас, — деди. Ноя тўппончасини чиқараркан, — Шомил саволларингга жавоб бермайди... Қани қоғозлар? Ҳой адвокат! Тезда расмийлаштиринглар! Нимани кутаяпсанлар?

Бурбон қарталарга битилган манзилни топиб келган энг эпчил қартабозга бойлигининг бир қисмини мерос қолдиришни рост айтган, зарур ҳужжатларни тайёрлаган, кўриқчисиз, фақат адвокати билан етиб келган эди, шу тобда ҳам қанчалар мағрур ва масрур эди бу чол. Стол устидаги қоғозларга энгашганларга қарата паст овозда, худди хиргойи қилаётгандек шундай деди:

— Эй икки оёқли иблислар! Пул учун нималар қилмайсанлар-а?! Дастлабки қимор ўйинлари Исо масиҳ туғилмасидан уч ярим минг йил аввал пайдо бўлган дейишади, исботи сифатида фиръавн даҳмасидан топилган ўйин суякларини кўрсатишади. Қарталар ватани эса Испания эмиш. Гап қимор воситаларининг қачон, қаерда туғилганида эмас, уни ким туққанидаю ким асраб-авайлаб ўстирганида, абадият булоғидан суғориб турганида. Ҳа, унинг онаси ҳам, отаси ҳам жамият, энагаю канизаклари ҳам шу одамлар! Қотилию гўркови ҳам шулар бўлиши керак! Шумер шоҳлари ўлганидан сўнг неча асрлар ўтди? Йигирма беш-ўттиз! Қаранг-а, уларнинг сағаналаридан рақамли кубиклар топилди. Бу нима дегани? Ҳатто улар ҳам қимор ўйнаган, тош ташлаб, билмадим, ёш-ёш қизларни, қулларни, саройларни ютиб олишган, не-не умрлар хазонга айланмаган дейсиз! Отларга пул тикиш — тотализаторни менчалик ёмон кўрадиган одам бўлмаса керак...

— Марҳамат қилиб, овозингизни ўчирсангиз, — деди Ноя гижиниб. — «Биринчи миллионимни казинодан топганман» деган китоб ёзиб қолдирсангиз бўларди.

— Биринчи казино бир минг саккиз юз олтмиш биринчи йил Монте Карлода очилган, — деди Бурбон чол. — Рулетка ўшандан уч юз йил аввал ўйлаб топилган. Бизнинг оёғимизни ўпиб турган шу заминда эса биринчи лотерея...

Шу пайт қутилмаган воқеа рўй берди. Гахар Ноянинг пешонасига ўқ узди, қуролини чоғлашга уринган икки шеригини ҳам отиб ташлади. Унинг рўпарасида Шомил, Бурбон чол ва адвокат ҳайрону лол қараб турардилар.

— Пул Гена айтган ҳисоб рақамига ўтказилади, — деди Гахар. — Сиз эса, Шомил, бу чол билан ҳамма иш битганидан сўнг ҳисоблашасиз. Адашмасам, у Лобарни ўлдирган одамга бир миллион доллар ваъда берган.

Эшик тақиллади. Ҳойнаҳой, полиция бўлса керак, деб ўйлашди. Бироқ Андреа келган эди. У қўлидаги телефонни Шомилга тутқазди.

— Гап бундай, — деди Гена Лондондаги уйи ётоғидан, — Бурбонни ўлдириш ортиқча иш. Яхшиси, Лобарни ўз ватанига эсон-омон қайтариш билан шуғуллан. Лондонда қиладиган бошқа-ишинг қолмади.

Алоқа узилди. Шомил энди Лондонга на ўз исм-фамилиясида, на Пўлат Фазлиаҳмедов бўлиб боришни тушунди. Бурбон қиморхоналардан топган пулини Генага топширган заҳоти навбатдаги қурбон Генанинг ўзи эди. Буни биринчи бўлиб фаҳмлаган Бурбон ўрнидан туриб, Шомилга қўл узатди.

— Омад тилайман. Хайрият энди эркин яшайман.

Бурбон ва адвокат ишларини битириб, қон ҳиди аңқиётган хонани эсон-омон тарк этишди. Шомилга ҳеч ким қурол бермади. У кўчага чиқиб, негадир Мадина ва Лобар ҳақида ўйлаб, ғалати энтикди, сўнг ўпкасини тўлдириб нафас олди. Яқин кунлар ичида икки аёл ўртасида уруш бошланажagini хаёлига келтирмай, жилмайиб қўйди.

Римнинг тош кўчасида ҳозирча Шомилнинг биргина сояси унсиз эргашиб борарди.

## ХII ҚИСМ ЁШ ХОТИННИНГ ГУНОҲИ

Москва осмонини булут қоплади. Шифохона дерзасига бўй чўзган дарахтнинг сербарг шохлари шамолда оҳиста тебраниди. Зум ўтмай ёмғир барглари ялтиратди, бир неча томчи ойнага урилди. Кулранг булутлар тоқидаги бир парча қора булут ёз ёмғири санокли томчилари билан кифояланишини сўйларди. Лобар ўрнидан туриб, ташқарига термилиб қолди. Шу тобда у ўғлини ўйлади. Бундай дарбадар юргандан кўра якка-ю ёлғиз жигарбанди ила гўзал шаҳарларга сайру саёҳатга келса бўлмасмиди? Бироқ наилож Лобар ўзи хоҳламаган ҳолда қарта доналари орқали қиморга, қимор орқали жиноят оламига йиқилиб тушди. Неча бор тавба қилди. Тинч кунлар насиб этган чоғ зулмат ичидан бир шарпа чиқиб келиб, қўлини чўзди: «Ёрдам бер! Ёрдам бер!» Лобар ҳам қўл узатди. Ва барчаси қайтадан бошланди. Зеро, Лобарнинг қадам саси олис мамлакатларнинг қиморхоналарида мудраб ётган девларнинг қулоғига етиб, қонталаш кўзларини очишга, оғизларидан тутун пуркаб, ириллашларига сабаб бўлаётганди. Лобар халқаро жиноятчиларнинг асоратидан бутунлай қутуладиган кунни кутиб яшарди. Шу билан бирга беихтиёр ўз тирикчилиги билан ҳам банд эди. Хусусан, унинг дилида Шомил билан яна учрашмоқ истаги сўнмаган эди. Башоратда айтилганидек, Шомилни фақат Лобар ўлдира олиши мумкин. Ҳарҳолда ҳозирча Лобар бундай қилмоқчи эмасди, қотилликдан энди унга наф йўқ эди.

Шу пайт эшик очилиб, ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги баланд бўйли, пешанаси ярқираган, ҳаддан ташқари оқбадан рус йигит кириб келди. Эгнида оқ халат. Лобар бир қарашдаёқ у махфий хизматларнинг бирортасига ҳам алоқадор эмаслигига амин бўлди. Ахир, альбинос даражасида ажралиб турувчи, хотирада тез сақланувчи

## Азамат ҚОРЖОВОВ

йигитни милиция ҳам (ўша пайтларда Россияда полиция жорий қилинмаган эди), федерал хавфсизлик хизмати ҳам ўзларига жосус қилиб олишмас эди.

— Сиз билан кетаманми? — ҳаммасини тушунди Лобар.

— Ҳа, шиfoxонани тарк этишимиз керак.

— Паспортим ва самолётга чиптам қани?

— Ҳозирча сизга улар керак эмас, — деди йигит.

— Россиядан чиқиб кетишим тўғрисидаги буйруқ бекор қилинганига ўлсам ҳам ишонмайман.

— Гап сизнинг Россия ҳудудини тарк этиш-этмаслик ҳақингизда эмас. Бошқа масала чиқиб қолди.

Лобар йигитга бошдан-оёқ яна бир синчиклаб қаради. У оддий малай эди.

— Қиморга қўл урмаслигимни сизни юборган шахс биладими?

— Суперпрофессионал қартабозсиз, буни тан оламиз. Лекин гап қарта ўйинларига тақалмайди.

— Бошқа нимадир содир бўлдимми?

— Айтишга ижозат беришмаган... — эшикни очиб йўл кўрсатди нотаниш йигит. — Марҳамат! Ўзлари тушунтиргани маъқул.

— Милиция ходимлари йўқми? — йўлакка ишора қилди Лобар. Ҳадемай аэропортга кузатиб қўйишга ички ишлар ходимлари келиши керак эди.

— Гаплашилган.

— Мен қандай бандаргоҳга лангар ташлаяпман. Билсам бўладими?

— Вазирликка, — деди йигит совуқ оҳангда.

Лобар касаллар халатида эди. Бошидаги жароҳатни бугун қайта боғлатганича йўқ. Тўппонча ўқининг изи битиб қолаёзганди, спирт суриб, тоза дока қўйиб, бинт билан танғиб қўйишса енгил тортарди.

Нотаниш йигит уни зинага эмас, жарроҳлик бўлимига бошлади. Бурчакда оғир беморларни реанимация бўлимига туширадиган юк лифти бор эди. Одатда, нотаниш кишилар ёинки беморлар ўзларича бу лифтдан фойдаланолмасдилар.

— Мени ўғирлаб кетаяпсизми? — сўради Лобар лифт деворига суяниб.

— Исмиим Юра. Сизни ўғирлаш хаёлимга ҳам келмаган, келмайди ҳам. Хўжайиним киборлар оламидаги танишларига илтимос қилиб, шифохонадан янги худудга чиқишингиз учун иккимизга бир неча дақиқалик йўлак очтирди. Вақтдан унумли фойдаланяпмиз.

— Мени нималар кутаяпти? Олдиндан айтиб қўйй, тез орада Англияда бўлишим керак эди. Мени деб одамлар отиб кетилишини хоҳламайман.

— Кечикдингиз. Улар отиб кетилди.

— Россиянинг олди-қочди хабарлар тарқатувчи теледастурларида хабар берилган Римдаги қотилликларни назарда тутаяпсизми? Аввал Шомилнинг никоҳида бўлганман. Журналистлар Римдаги хунрезликда жаҳон статусига эга киллернинг қўли борлигини бонг уришяпти. Мен нари борса киллерни тўхтатиб қоламан. Унга ва бошқаларга ҳам ҳеч қачон на россияликларни, на бошқа мамлакат одамларини отиб кетишни илтимос қилмайман. Ҳатто маслаҳат ҳам бермайман. Қимор ўлим келтиради. Мен эндиликда қиморбоз эмасман. «Муқаддаслар рўйхати»га киритганларга, қачонки Ҳажга бориб поклансам, раҳмат айтаман. Акс ҳолда, ботқоққа ботиб, яшаганимдан кўра ўлганим яхши. «Муқаддаслар рўйхати» яшашга имкон берса бераётгандир. Яшаш ҳалол бўлиши керак.

— Сизнинг кўп атамаларингизни тушунмайман.

— Тушунмасангиз фойдангизга.

— Биз урушга қаршимиз, — деди Юра. — Сизни ниҳоятда катта одамгарчилик талаб этиладиган иш бўйича йўқлашган. Муслимамисиз?

— Ҳа.

— Миллатчимисиз?

— Йўқ.

— Ницшени эшитганмисиз?

— Сиз файласуф Ницше ҳақида гапираяпсизми ё лаванглар оламидаги қайсидир сўтак ўзига Ницшенинг номини лақаб қилиб олганми?



— Файласуфни гапираяпман. Ахлоқни шундай тушунтирганки, айримлар ундан фашизм ғояларини ясаб олган. Айниқса, Ницшенинг синглиси ва куёви Гитлерга «миллий социализм» ғояларини яратиш йўлида файласуфнинг назарияларини ўзларича мослаштириб, хом ашё қилиб беришган. Сиз мен ҳақимда ёмон хаёлга бордингизми?

— Йўқ.

— Ёмон хаёлга бордингиз. Ахлоқингиз йўл қўймагани учун айтмадингиз. Сиз ёмон аёлсиз, мен ҳам яхши эркак эмасман. Муслималик имон-эътиқодингиз, умумаёллик назокатингиз ва умр бўйи олган бошқа ахлоқий таълим-тарбияларингиз тилингизни ва хатти-ҳаракатингизни занжирлаб турибди. Бу занжир узоқ ушлаб туролмайди. Охир-оқибат занжирлар узилиб, сиз бузилиб кетасиз.

Лобар истехзоли кулиб қўйди.

— Ҳайдовчимисиз, файласуфмисиз, башоратчимисиз?

— Швейцарман, — лифтдан чиқиб, йўлакдаги эшиклардан бирини очди Юра.

— Шу ерда Лобар беморлар халатини ечиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган спортчилар кийимини кийди-да, қора кўзойнақ тақди. Кепка жароҳатга боғланган бинтни бекитди. Шифохона ҳовлисида такси кутмоқда эди. Москванинг сершовқин кўчасидан саккиз-ўн дақиқа юришгач, йўл ёқасига тушдилар. Қандайдир идора ёнида қора «Мерседес» турган экан, Юра пульг тугмачасини босди. Ҳаял ўтмай иккаласи «Мерседес»да, Москва канорасига элтувчи йўлда суҳбатлашиб кетишарди.

— Сизга ён босаман, Лобар, — деди у. — Шунинг учун хўжайиним нима ҳақида сўрашини билганимча тушунтираман. Мени сотмайсиз, деган умиддаман. Бир вақтлар Россияга ёш келин бўлиб келгансиз, эрингиз сизни қарта ўйинига тиккан ва кавказликларга ютқазган. Хўжайинининг ўғли бор, йигирма учга кирган. Унинг бошига ҳам шундай ташвиш тушган. Сиздан шу масалада ёрдам сўрайди. Маслаҳатим, қўлингиздан

келган ёрдамни дариф тутманг. Жиноят олами вакили кўмаклашишни сўраганида бошқа гап эди. Хўжайиним юқори даражадаги амалдор.

— Ё тавба, мен қандай ёрдам бероламан? — энсаси қотди Лобарнинг. — Хотинчасини қиморда бой берган ўғлига қартанинг сирларини ўргатишим керакми?

— Ўғли қарта ўйнамайди. Хотинчасини ҳам ютқазмаган, ҳали бўйдоқ. Ҳамма гап сизнинг бир юртдошингизга бориб тақалади.

— Ким экан? Танийманми?

— Танитайсиз. У ёш хотин.

— Ёш хотин бўлса-чи? Нега ёш эканига урғу бераяпсиз?

— Ницше, «миллий социализм» ва миллатчилик ҳақида бежиз гап очмадим. Бизда, Москвада хўжайиннинг ўғли билан боғлиқ ғаройиб, сирли, аниқроғи, мудҳиш воқеалар бўлиб ўтди. Хўжайин кўп суриштирди, ҳаммани жалб этди, лекин иш чиқмади. Кимдир сиз тўғрингизда гапирибди. Мана, топтириб келаяпти. Ҳеч қандай махфий топшириқ, буйруқ, дўқ-пўписа бўлмайди. Илтимос қилинади, холос. Ёрдам беринг, Лобар.

— Нима, мени детектив деб ўйлаяптими?

— Йўқ, сиз уларни танийдиган ягона аёл бўлиб чиқишингиз мумкин.

— Кимларни? — ҳайрон қолди Лобар. — Ёш хотинни танимаслигим маълум экан...

— «Қора қарталар»ни, — шивирлади Юра.

— Оббо! — хитоб қилди Лобар кепкасини хиёл кўтариб. — Гапни барибир лаънати қарталарга бориб тақаяпсиз! Ботқоқдаги янги кўзнинг билқиллаб қайнашини кўра-била туриб, қадамимни босаманми? Ҳе, йўқ, Юра, машинани орқага қайтара қолинг.

— Ёш хотиннинг тарихини эшитмасингиздан аввал сизга жавоб йўқ, — деди Юра. — Давлат одамлари қурол билан кўрқитмайди. Қамоқхоналар шай турганда қурол ишлатиш аҳмоқчилик.

Паспортсиз аёл нима ҳам қила оларди. Қолаверса,

Лобарни панжара ортига тиқиш учун баҳона ва сабаблар етарлича эди. Амалдор жамики эшикларни қулфлаб, фақат ўз қароргоҳига элтувчи йўлни очиб қўйган экан, Лобар жаноби олиларининг лакейи билан каретада кетишдан бўйин товламади. Ҳарҳолда сарой вакиллари қонли жиноятга бошламоқчи эмасди.

У ён ойнага ўтирилди. Машина таниш кўчаларни ортда қолдириб, сўлга бурилди. Лосино-Петровскийга бориладиганга ўхшаб қолди. Бироқ кўп юрилмасдан ўнгга қайрилди. Шу юришда Балашихага етиш мумкин эди. «Ўз уйига таклиф этмаган кўринади, — хаёлидан ўтказди Лобар. — Мени ишхонасига ёки уйига чақирришга бирор амалдор журъат этолмаслиги аниқ».

Ҳар икки ёқасида машиналар тизилган тор кўчадан юришди. Ниҳоят, «Мерседес» ҳам қатордан ўрин олди. Юра Лобарни кўпқаватли уйлардан бирига бошлади. Подъезд эшигига автомат қулф ўрнатилган эди. Юра уч-тўртта рақамни терган эди, карнайчадан аёлнинг «Кираверинглар!» деган овози эшитилди. Юра лифтнинг тўққизинчи тугмасига бармоқ босди. Лифтдан чиқиб, ўнгдаги панжарада тўхташди. Ҳар бир қаватда тўртта квартира бўлиб, икки қўшни ўз даҳлизларини панжара билан тўсиб олганди. Панжарани хушсурат, хушмуомала, оқ сочли аёл очди. Чапдаги эшикка киришгач, эшик гумбурлаб ёпилди ва бир неча қулф шарақ-шуруқ қулфланди. Ичкари хонага киришдан аввал тансоқчи ҳар эҳтимолга қарши Лобарни пайпаслаб, қуроли йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

— Келинг, ўтиринг, — деди ойнали стол ортидаги юмшоқ диванга чўккан эллик ёшлардаги тепакал, кўзойнакли киши.

Лобар уни танимади. Россиянинг кўзга кўринган ёрқин қиёфаларидан эмасди.

— Тўсатдан чақиртирганим учун маъзур тутасиз, — деди у. — Бугунги режаларингизни барбод қилдим. Яна ташвишдаманки, эртанги, индинги, ундан кейинги

режаларингизни ҳам ўзгартириб юбораман.

— Нима гап ўзи? — елка қисди Лобар. — Мен ҳақимда кўп нарса биладиган кўринасиз. Римдаги отишмаларда айбим йўқ. Уйга қайтмоқчиман.

Амалдор ўзини мажбурлаб кулиб, иккинчи марта узрини айтиб, деди:

— Ёлғиз ўғлим бор, ота-бобомнинг исмини қўйганман: Иван... У... У... хуллас, аввал мана буни кўринг. — Мезбон стол устига клёнка халтача қўйган эди, тарақлаб кетди. Клёнка ичида «Макаров» русумли тўппонча ўқининг гильзалари кўринди. — Ўғлимга суиқасд уюштирилди... Мен ҳеч кимга ёмонлик қилмаганман. У... ўғлим бир ишга аралашиб қолган. Иванни яширдим, кўриқчи тайинладим, суиқасд уюштирган жиноятчиларни топишни илтимос қилиб, вазирликка зир қатнадим. Хавф таҳдид солиб тургани аён эди. Яширин равишда Каменкага юбордим. Тўртта кўриқчи билан! Жиноятчи топилмагунча уйдан ҳеч қаёққа чиқмасликни, интернетга кирмасликни қаттиқ тайинладим. Барча чора-тадбирларни кўргандим, лекин... — Амалдор ёнидан иккинчи клёнка қопчани чиқарди. Унда пачоқланган биттагина, залворли сариқ ўқ бор эди. — Буни нима эканини биласизми, Лобар? Икки минг қадамдаги нишонни бехато урадиган снайпер милтигининг ўқи! Ўғлим иккинчи суиқасддан бахтли тасодиф билангина омон қолди. Каменкадаги уйимнинг деразасини снайпер нишонга олган. Менда бошқа йўл йўқ! Яна бир тасодиф, кўриқчилар, милиция, кўшин, черков... Қисқаси, ҳеч ким, ҳеч нарса ўғлимни учинчи суиқасддан омон сақлаб қолишига ишонмайман. Ўтиниб сўрайман, ўғлимни балои қазодан қутқаришга ёрдам беринг.

— Менинг қандай алоқам бўлиши мумкинки, аралашишим фойда беради, деб ўйлаяпсиз?

— Манави хат ўзбек тилида, оддий ручкада ёзилган, — деди амалдор дафтарни тутқазиб. — Суиқасдларга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб туюлади; сабр билан ўқиб

чиқинг. Хатни йигирма ёшли ўзбек келинчаги отасига, яъни Москвадан туриб Бухорога ёзган. Хат отасига жўнатилмаган. Менинг кўлимга тушгач, ўғлимнинг масаласи ҳал бўлганини тушундим.

Лобар хатни ўқий бошлади. Мактуб катак дафтар варақларига ҳаваскор қаламкашнинг ҳикоясидек анча кенг ва батафсил ёзилган эди:

«Ассалому алайкум, отажон! Соғ-саломат юрибсизми? Хатим тез орада кўлингизга етиб боради, деб Худодан сўрайман. Почта орқали жўнатмайман, бир иложини топиб, юртдошларимиздан бериб юбораман. Кўшни кампир уларни аэропортда ҳар кўни учратиш мумкин, деди. Уйдагилар яхшими? Онам, укамлар, сингилларим — ҳаммаси эсон-омон юришибдими? Кеча сизга кўнғироқ қилганимдан сўнг бу ерда — ертўлада ётиб, узоқ ўйладим ва ҳаммасини батафсил тушунтириш учун хат ёзишга қарор қилдим. Хатимни ўқиб, мендан ранжиманг. Ёлғиз ўтинчимни кеча айтдим, мени тушунмадингиз. Аслида бу ерда, Москвада нима воқеалар рўй берганини дoston қилиб ёзмасам, ўхшамайди шекилли. Ёзишни яхши кўрадиган қизингизга телефондан фойда йўқ.

Отажон, мен ҳақимда ёмон хаёлга боришингизни аввал-бошдан умуман хоҳламаганман. Қиз отага меҳрибон бўлади. Сизни ўла-ўлгунимча яхши кўраман. Дунёнинг қайси чеккасида юрмайин, соғинаман, тани-жонингиз соғ бўлишини сўраб, дуолардан чарчамайман. Ҳаётдан нолишга, ота-онанинг юзини ерга қаратадиган иш қилишга, эринчоқликка, сабрсизликка ўргатмагансиз. Сиз билан онам — менинг жону жаҳонимсиз. Мана, юртимиздан олисларда юрибман, айниқса, сизнинг роса қадрингизга етаяпман. Чет элда турли оталарни, фарзандларни учратар экансиз. Ўзимизга тенглаштиролмадим. Бирортаси менинг отамдек эмас, деб ўйлайман. Отам шу ерда ишлаганида ёки почта ходими эмас, катта бизнесменми, мансабдорми бўлганида маликалардек яшардим, дейман, соатлаб хаёл сураман.

Ҳеч қим менга ишонмаса ҳам сиз ишонасиз ва қўллаб-қуватлайсиз, отажон. Кудаларингиз оғзига келган гапларни гапираверсин. Муҳими, менинг суянадиган тоғим бор — отам бор!

Бахтга эришиш учун одам озроқ қаттиққўл бўлиши керак экан. Мендан кеча эшитганингиз нола-фигонларим бўшанглигимдан, енгил-елпи фикрлашимдан эмас. У (куёвингиз) мени бир қути «Пётр I»га алмашди! Тасаввур қилаяпсизми? Қизингизни бегона одам эмас, ўз эри сотиб юборди. «Пётр I» — Россиядаги энг арзон сигареталардан. Тўғри, мени кўчага чиқариб ёки бозордаги пештахтага қўйиб алишмади. Кеча сизга тўлиқ ҳикоя қилиб беролмадим, худди куёвингиз ва менинг ўртамда (ҳамтовоқлари иштирокида) қалтис ҳазил бўлгандек, қийинчиликларга чидолмаган эрка қизнинг ваҳимасидек туюлади. Ҳақиқатда эса бошимга тушган аянчли воқеа охир-оқибат қадрим, номус-орим, баҳойим бир қути сассиқ сигарета билан ўлчанганини англатади. Сиз бунга ишонмайсиз, ҳар доимгидек ўзингиздан хулоса чиқарасиз, бошқаларни ҳам ёшлигингиздаги тенгқурларингиз ўрнида кўрасиз. Бироқ ҳеч замонда эшитганмисиз аёлини гаровга қўйган эркакни? Қаердадир бир тентак эр ўз хотинини қиморга тикиб, ютқазиб қўйганини ўқиганман. Бу энг паст, айтишга ҳам арзимайдиган, жирканч иш! Улар ҳаёт саҳнасида қандай пайдо бўлиб қолишади, қандай яшашади, ҳайронман.

Хориждаги ҳаёт маҳалламиздагидан бутунлай бошқача. Хорижда бизникилар ҳам бутунлай бошқача. Бировнинг кўзига тик қарамаган айрим қизларни, жувонларни ресторанларда, истироҳат боғларида, майдонларда йигитлар билан қўлтиқлашиб юрганини кўрганлар йўқ эмас. Европача кийинган, артистлардек бўянган... Отажон, лекин мен юртимда кийган кийимларимни бу ерники билан алмаштирмадим. Сизга бугун бор ҳақиқатни очик ёзаётганим учун кечиринг. Кеча ҳақ гапни айтдингиз, менда уят қолмади. Россияга кетаман деган

ҳам менман, «опкетинглар» дея ялиниб-ёлворган ҳам менман. Пулим бўлганида, эҳтимол, кўшни кампир аэропортга кузатиб қўйса, ёлғиз ўзим бу дўзахдан қочиб қутулармидим. Лекин пул йўқ, паспорт йўқ. Жондан азиз жигарбандингиз қулга ўхшаб яшаяпти, отажон.

Куёвингизнинг пасткашона ишига тўхталишдан бурун у билан тақдирим қандай боғлангани ҳақида ёзмоқчиман. Иноятни ҳамма мақтади, сиз ҳам эътироз билдирмадингиз. «Кўшни маҳалладан экан, яқин жойга тушганинг яхши», деди аммамлар, холамлар, янгамлар. Унинг опаси бизнинг кўчага келин бўлган экан, мени уйига мақтаб бораверди, бораверди, охир-оқибат тақдирим кўшилди. «Қиз бола палахмоннинг тоши», дедим, қаерга тушсам, пешонамдан. Ҳа, мен ўзимизга ўхшаган оддий оилага, яқин жойга тушдим. Буларни сизга айтишга юзим чидамагани учун хат қилиб ёзаяпман, мақсадим — қизнинг тақдирида отанинг роли қай даражада эканига ҳам тўхталиб ўтиш. Сиз ошхонамиз тўрида, хонтахта ортида икки қават кўрпачангиз устида, икки ёстиқни қўлтиғингизга қистириб, ёнбошлаб гапирдингиз: «Майли, суриштиринглар, яхши бола бўлса, биз рози». Энди нега мендан норозисан, агар тегмайман, деб туриб олганингда тўй-пўй бўлмасди, деманг. Қиз ўз отасига норозилик билдириши тўғрими? Йўқ! Бундай тўйғуни тушунмайман, ҳазм ҳам қилолмайман. Бошқалар Иноятни қанчалик яхши йигит деб тасаввур қилса, мен ҳам шунчалик даражада танирдим уни. Иноят менга ҳам, сизга ҳам ёмон кўринмади. «Яхши йигит» тушунчаси «хорижга бориб бўлса ҳам пул ишлаб келадиган тиришқоқ» деган таърифнинг яқинига ҳам йўламаслигини кеч англадим. Сиз нима десангиз, шу бўлди, отажон! Бунда айбингиз йўқ. Тақдир дарёсининг суви гўзал водийга оқиш ўрнига ўпирилган соҳилни топиб олди-да, жарликлардан бутунлай бошқа манзилга оқиб кетди, оқизиб кетди мен — қизингизни! Иноят бир йил кутса, қайнонам бир йил

## Қил устидаги тақдир V

инсофини емай турса бўларди. Қўлимга чақалоғимни олсам, кейин ўлсам ҳам Иноятнинг орқасидан чет элга ахтариб бормасдим. Бировларнинг оилавий ишларига аралашиш яхшимас, аммо сиз отамсиз. Гоҳида ўйга толаман: қудаларингизгами, куёвингизгами: «Бир ойлик келинчакни ташлаб кетишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!» десангиз балки тўғри иш бўлармиди? Қўнмаса, оёқ тираб олганингизда бошимга бу кунлар тушмасмиди?

Хуллас, ҳаммаси кутилмаганда бошланди. Тўйимиз ўтганидан сўнг учинчи кун, кечки овқат вақтида қайнонам ўғлига шундай деди:

«Тўёнадан тушган қолган-қутган пулларга самолётга билет олиб қўй. Бўлмаса, шу пул ҳам рўзгорга кириб кетади, кейин кимдан қарз сўраймиз? Бир ой олдин билет олса, арзонга тушишини биласан-ку!»

Оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Ким, қаерга учмоқчи? Қайнонам эмасдир?

«Тўйда анча қарзга ботдик, — деди қайнонам «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» маъносида.— Ҳадемай экин-тикин вақти келса, ер ҳайдатишга, уруғликка, селитрага пул керак, деб эшикнинг тулумини бузади қарз берганлар! Холангларнинг ўғиллари ҳам тўйдан кейин Россияга кетиб, бир йилда кам-кўстларидан қутулди, бунинг устига икки йил ўтар-ўтмас уй олди, машинали бўлишди. Синфдошинг-чи! Уйланиб, бир ҳафта ҳам турмади уйида. Ишлаганнинг айби йўқ. Вақт ўтади-кетади. Ишлаган бир нимали бўлади.»

Қайнонам шунақа оҳангда гапирдики, ҳатто бир оғиз эътироз билдиролмадим. Хўрлигим келиб, кўзларимга ёш қуйилди. Кечки овқат қандай туггани, қачон коса-товоқларни ювиб, келинлик уйимга кирганимни билмайман. Куёвингизга йиғладим. Мени юпатишга уринди. У бир йилга, эҳтимол, ундан ҳам кўп муддатга кетар экан, кўз ёшларимни тийишим имконлимиди? Бир ойлик келинчак ҳали кўникмаган уйда куёвсиз қанчалар азобли яшашини ким ўйлайди? Уйга кетиб



## Азамат ҚОРЖОВОВ

қолсаммикан? «Арзимас» сабаб билан турмушни бузган кизни сиз кўчага кувиб солардингиз-ку, ахир!

Бошимдан не-не хаёллар ўтмади дейсиз. Бу хонадонга Иноятни деб келдим. Кўп йиллар умргузаронлик қилган, бола-чақа орттирган, уй-рўзғор, тўй-ҳашам ташвишида эри олисларга ишлашга кетганларни тушунаман. Иноятни-чи? Тўй ўтгач, қарзларини тўлаш учун уйини ва келинчагини номаълум муддатга ташлаб кетишини биларкан, уйлаңиб нима қиларди? Биз ошиқ-маъшуқ эдикми, мендан айрилишдан кўрқиб тўйни тезлаштирган бўлса? Бундайларнинг уйланишдан мақсади нима ўзи? Оила куриш мақсад бўлса, нега биргаликда яшамайди? Оила «битта уйда жамоа бўлиб, доим бирга яшаш» дегани эмасми, отажон?! Ё рўзғорнинг камчилиқларини, тўйнинг қарз-қурзларини тўлаш учун чет элда ишлашдан бошқа йўл йўқми? Хорижда АҚШ долларини топиш осонроқдир, бунинг учун бахт деб аталмиш улуғ неъматнинг ушоқлари билан тинимсиз равишда товон тўлаш кераклигини кимга тушунтирай? Умр кутиб ўтирмайди. Қизиғи, Иноят Россияда ишлаганига қарамай, тўйдан олдин деҳқонлардан қарз олган. Аслида куёвингизнинг ўзи ҳам деҳқончиликдан тузуккина бохабар. Шундан хулоса чиқариб, деҳқончиликнинг этагидан маҳкам тутса бўлмасмиди?

Икки ўт орасида ёндим. Ахийри, бошимга ёғилажак қора кунларим кутаётганини билмай мен ҳам хорижга жўнашга қарор қилдим. «У ёқда нима иш қиламан?» деб узоқ ўйладим. Уйдаги ёлғизликда қийналиб яшаганимдан кўра таваккал аъло дедим. Уйлай-уйлай, онамга йиғлаб кўнғироқ қилдим. Онам мени чангитиб қарғади. «Шунга ҳам кўз ёшми? Олти-етти ойда келади», деди. «Агар куёвингиз Россияга кетса, мен ажрашаман», дейишга тилим бормади. Ўшанда шу гап тилимнинг учида турганди, ота! Айрим ёш келинларнинг бошига тушган кўргилик менинг ҳам чекимга ёзилганига кўнмадим. Феълим, дунёқарашим, орзуларим йўл қўймади. Бир

ойлик куёвни Россияга қўйиб юбормасликка унинг хотини сифатида ҳаққим борми, йўқми? Бор, дея баралла айтаман! Ёш оиланинг тақдирини қайноналар эмас, келин-куёвнинг ўзи ҳал қилмоғи лозим. Майли, деҳқондан пул қарз экан, ўзи ҳам, мен ҳам юртимизда ишласак бўла-ди-ку. Қаерда пул топиш имкони чиқса, кетаверишса, бундай истакнинг охири вой эмасми?

У мени қон йиғлатиб кетди. Она ўз ўғлига куёвлик бахтини раво кўрмади. Назаримда, қайнонам дунёдаги энг калтафаҳм хотин эди. Нима деб қарғашни, аламимни қандай олишни билмасдим. Дамимни ичимга ютишим, қовоқ-тумшуқ қилишим, тўнғиллашим, ҳатто уйга аразлаб кетишимдан иш чиқмасди. Турмуш ўртоғимни дунёнинг нариги четига юборган аёлнинг қовоқ-тумшуғига ортиқ чидаб яшолмаслигим ҳам маълум эди. Бизни айирган «доно хотин» банкдан доллар олишга ўргангани шундоқ сезилиб турарди. Доллар келса, кўнгли тинчийди, ҳаловат топади, юзи ёришади. Акс ҳолда боши оғрийди, қон босими ошади, эрта-ю кеч уф тортади.

Отажон, куёвингиз кетганидан сўнг бир ҳафта ҳам ўтмай менинг исёнимдан хабар топдингиз. Гап-сўз кўчага чиқди. Сиз Россияда эр-хотин бирга яшашнинг мушкуллиги-ю ёш келинчаққа оғир меҳнат ярашмаслигини айтдингиз. «Ажрашишимни хоҳламас экансизлар, ё мен Россияга қетаман, ёки у уйга қайтсин!» деб туриб олдим. Қайнонам оқибатсиз келинга дуч келгани учун ҳасратидан тутун чиқиб, ҳаммага мени ёмонлади. Уғли даста-даста пул ишлашни хоҳловчи онани ҳам, хориждан иш топган фарзандни ҳам айбламайин, ҳар ким ўз йўлига. Оналарнинг орзу-ҳаваслари бор бўлсин, фарзандларнинг хорижда ишлаб келиши ҳам осон эмас, ҳар ким уддалаёлмайди. Бироқ «Нега турмушга чиқдим?» деган саволга ким жавоб беради? Эрта-ю кеч қайнонанинг хизмати, хувиллаган хонадон, шифтгача тахланган кўрпа-тўшақлари уйнинг

тўрини эгаллаган мебеллар. Инсоф билан айтганда, ота-она бағридан яқинда узилган қизга осонми? Ё эри керак, ё ота-онаси! У бөнжа-бир учинчи-шахс билан қайнонаси билан бирга яшолмайди. Мен учун ҳаммаси шундай эди. Эҳтимол, фарзанд кўрганимдан сўнг куёвингиз кетганида, сизнинг энг ақлли қизингиз бўлиб қолармидим. Оғир дамларда фарзанд эрнинг ҳам, отонанинг ҳам ўрнига ўриндош-да!

Ниҳоят, куёвингиз ўттиз беш кун деганда йўл харажатимга етгулик пул юборди. Қайнонамдан ҳам, Иноятдан ҳам қанча маломатга қолганимни тасаввур қилолмайсиз. Қайнонам ортимдан қаргаган бўлса, Иноят сўкиш билан қаршилади. Москванинг осмонўпар уйларида бош айланадиган мавзесидаги ўн олти қаватли уйга келдик. Юқори қаватдаги квартиралардан бири бизники, деб чучварани хом санабман. У Бухорога қўнғироқ қилганида: «Москвада яшашимга уй йўқ! Ертўлада каламушга ўхшаб тунайман!» деганида ишонмагандим. Қовоқ-тумшуғи осилган куёвингиз рост гапирган экан. Биз ўн олти қаватлининг тагидаги совуқ, зах хужрага жойлашдик. У ерда иккита сўлақмондай йигит ҳам яшар экан. «Агар хотининг келса, биз чиқиб кетамиз», дейишган экан, бошпана топгунларича беш кун кутдим. Келин-куёв ва икки йигит — тўрталамиз хужрада ётдик. Бегона одам иси, сигарет ва ароқ кўлансаси, кечалари дарча ойнасини зириллатадиган даражада хуррак отишлари — барчаси жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. «Москвада ҳам яшолмабди», дейишларидан кўрқиб, ғам-аламни ичимга ютдим.

«Нега ижарага уй олмаяпмиз?» — сўрадим Иноятдан.

«Маошим етмайди, гаранг! — сўқди у. — Чиқиндихонада оддий ишчиман! Ободончилик фирмасига алоқадорлигим учун шу хужрада яшаяпмиз. Ишим алмашса, хужра ҳам йўқ. Икқаламиз битта уйни ижарага олишга кўрбимиз етмаганидан кейин нима қиламиз? Сен аёллар квартирасида, мен эркакларникида, алоҳида-алоҳида

яшаймиз. Эрсиз ҳаёт керак эмас, деган ўзингми? Мана, эринг билан битта шаҳардасан. Энди чидайсан!»

Ҳалиги йигитлар кетгач, бир оз эркин нафас олдим. Ҳар куни қандайдир сантехниклар, электриклар, дурадгорлар келишарди. Чиқинди ташувчи йигитлар ҳам кўпинча исиниб олиш учун бирпасга бош суқишарди. Иноят хужрада ёш хотини билан истиқомат қилаётганини айтиб чарчади. Эшик тақиллашдан тўхтамади, ташқарида эркакларнинг гўнғир-гўнғири тинмади. Ҳаётдан беziётганимни ҳис этдим, отажон! Мен — бечора нима қилай? Бахтли бўлиш тугул бахтсиз бўлишга ҳам ҳаққим йўқ эди.

Кунларнинг бирида дийдиёларимдан чарчаган куёвингиз хужжатларимни кимгадир берди. Ишлашга рухсатнома теккан кун ўн олти қаватли уйнинг иккита подъездини тозаловчи фаррошга айландим. Тўйимдан аввал уйга ҳар куни хотин-халаж келарди, қўйлак тиктиришга буюртма беришдан тортиб, эркакларнинг шими почасини қайтаришгача мен қилиб берардим. Чеварлигим одамларга фойда эди. Москвада эса қўлим совуқдан кўкариб, тирноқларим синиб, ўн олтинчи қаватдан биринчи қаватгача зиналарни ювиб, латта билан артиб чиқувчи бўлдим. Эвазига, ҳатто, қулайроқ ижара уйда ҳам яшаш йўқ. «Ит азобида ишлаш» деб шуни айтсалар керак. Мен меҳнатга чидайман, турмуш қийинчиликларига ҳам бардошлиман. Бу — эри йиллаб хорижда юради, ўзи эса қайнонаси билан қолади ёки Москвадаги «подвал»да яшаб, подъездларни ювишга ҳам кўнади, дегани эмас-ку. Мен иродасиз эмасман, отажон! Ҳаётим ноҳақлик устига қурилганини тушуниб етдингизми? Бундай пайтда менга ёрдам қўлини чўзишингиз, одамларнинг «Бу ёқдаги рўзғорга чидамаган Россиядагига чидайдими?» каби шивир-шивирларига парво қилманг. Қизингизман, бошқаларга керак бўлма-сам ҳам сизга керакман.

Энди мудҳиш кунимдан сўз очсам. Иноятга турмушга

чиқмасимдан аввал бир гап эшитгандим: «У ичади!» Маҳалламизда ҳам, бошқа жойларда ҳам қанча-қанча йигитларароқ, пиво, винога ошна. «Ичиш билан ичишнинг фарқи бор», деган фикр овуларди мени. Куёвингиз борбудини сотиб майхоналарга сарфламаслиги, ҳар замонда томоғини ҳўллаб туриши, уйим-жойим деб ишлаши — булар бошқа қизларни чалғитгандек чалғитди мени.

«Бухорода юрганингиз йўқ, бегона юртларда бунақа ичманг», — дедим. Куёвингиз жавоб берди: «Россияда ишлаётганларнинг тўқсон фоизи кечқурун юз-юз қилади. Айниқса, мен ичмасам бўлмайди, шаҳар чиқиндихонасининг меҳнати осонмас».

Нималарга чидамадим! Бунисига ҳам «хўп» деб қўя қолдим. Бир куни ҳадеганда ишдан қайтавермади. Ниҳоят, соат миллари иккидан ўтганда «дом» олдида салобатли машина тўхтади. Юқорида яшайдиган руслардан бири деб гумон қилдим. Шунга қарамай, дарчадан илҳақ мўраладим. Машинанинг ҳамма эшиклари баравар очилиб, одамлар тушишди. Ораларидан бири Иноят эканини кўриб, ҳайрон бўлсам, тўрталаси ҳам гандираклаётганидан, оғизларидан чиқаётган беўхшов ҳазил-хузуллари пайдар-пай сўкинишлардан ёқа ушладим. Куёвингиз чиқиндихонада ишлаб, россиялик бойваччалар билан қандай жўра тутинганини ҳеч тушунолмасдим. Тойғониб йиқилганда, бири Иноятнинг қўлтиғидан тутиб қолди. Русчалаб: «Эҳтиёт бўл! Сен энди бизнинг ҳурматли дўстимизсан!» дегани эшитилди.

Юрак ҳовучлаб кутдим. Бир зумдан сўнг эшик тақиллади.

«О-о! Ўзингга ўхшаган хунук хотини бор десак, Осиё маликаси буюк мамлакатнинг ертўласида нима қилиб юрибди?» — кулишди хужрага кирганлар.

Иноят алланималар деб пўнғиллади, улфатлари дарҳол узр сўрашди. Уларнинг ёнида туришга чидолмадим. Эшикдан сирғалиб чиқиб, аёзда, биринчи подъезд олдида кетишларини кутдим. Беш-олти дақиқа валақлашгани

бир асрдек туюлди. Бойваччалар машинага ўтириб, жўнаб қолишгач, хужрага отилиб кириб, Иноятга:

«Булар кимлар? Нега улар билан ичиб юрибсиз?» — дедим.

«Ваҳима қилма-э! — жеркиди Иноят. — Мен сумкасини топиб бердим. Анави... қора пальтолисини кўрдингми? Унинг оти Иван. Отаси кимлигини тасаввур ҳам қилолмайсан. Вазирликда ишлайди! Катта одам!»

Иноят каравотга кийим-пийими билан юзтубан ётди. Қўлидаги сигаретани челақка ташладим. Қанақа сумка ҳақида гапирганини эрталаб сўрадим. Ароққўрликдан кейин бошини кўтаролмаётган Иноятнинг айтишича, бир ҳамкасби чиқиндилар орасидаги сумкадан фирманинг хужжатлари, алламбало тилхатлар топиб олибди. Кечкурун уч йигит чиқиндихонага келишганида, ҳамкасби ҳалиги сумкани уйига кўтариб кетган экан. Ҳеч кимга гулламанглар, деб зиёфат берганига қарамай куёвингиз бойвачча йигитларга яхшилик қилишдан ўзини тиёлмабди: сумка ва хужжатларни ҳамкасбиникидан келтириб берибди. Уч йигит — Иван, Руслан, Дюма (мен «Димами?» десам, «Йўқ, Дюма», деди) ёш тадбиркорлар экан. Тушунишимча, сумкадаги хужжатлар билан тилхатлар муҳим аҳамият касб этган...

Ўшандан сўнг куёвингиз рус йигитлар билан тез-тез бирга қайтадиган бўлди. Чиқиндихонада ишлайдиган қора ишчи билан «оқсуяк пулдорлар»нинг улфатчилигидан кўрқардим, кўнглим ёмонликни сезиб, кечалари босинқираб чиқардим. «Улар Иноятдан хўрак ўрнида фойдаланувчи товламачилар эмасмикан?» — дердим ичимда. Нигоҳларида менга нисбатан заррача самимийлик йўқ эди. Кимдан ёрдам кутишни, қайси меҳрибонимнинг панасига бекинишимни билмасдим. Иноят: «Уларнинг офиси иш жойимга яқин, кечкурунлари кўчада учратиб қолишади-да, барга олиб кириб, юз эллик-икки юз грамм ичмагунимча қўйворишмайди, учаласи ҳам сахий йигитлар», дерди. Ёш хотинининг хужрасига маст

улфатларини ярим кечаси эргаштириб келадиган одамни қандай тушуниш мумкин, ота?!

— Дилэзар кечаларнинг бирида яна «жин» келди. Куёвингизнинг кечаси қайтишига ўрганиб қолгандим, дарчадан қарамадим. Бироқ ичкаридан бекитилган эшикни очишим керак-ку. Ўрнимдан зўрға туриб, эшикка бордим-да, кимлигини сўрадим.

«Биз! — деди таниш овоз. — «Хўжайин»ни олиб келдик, Осиё гўзали! У бугун кўпроқ ичиб қўйди».

Зулфинни туширган заҳотим хужрага Иван, Руслан, Дюма бостириб киришди.

«Иноят ака қани?» — деб сўрадим ортга чекиниб.

«Биз билан кетасан», — биллагимга чанг солди Руслан.

«Торт кўлингни!» — силтаб ташладим.

«Эринг сени тунги барда бир қути сигаретага, «Пётр I»га алмашди, — деди Дюма. — Алдасам, тил тортмай ўлай! Биз билан кетишдан ўзга чоранг йўқ. Куч ишлатишга мажбур қилма!»

«У ҳеч қачон ўз хотинини сотмайди!» — дедим.

«Хоҳласанг, эринг билан юзма-юз қиламиз. Ҳозир ҳам ўша барда ичиб ўтирибди», — деди Иван.

Улар менга ташланишди, кўлимга илинган нарсаларни отиб, одамларни ёрдамга чақирдим. Афсуски, овозимни биров эшитиши даргумон эди. Руслан оғзимга рўмолимни бураб тикди. Шармандаи шармисор бўлишим, Россиядан ўлигим қайтиши ҳеч гап эмасди, отажон! Бахтимга кўли тирналиб кетган Дюма мени бир неча сонияга қўйиб юборди: чўмичга ёпишдим ва сув қувурини беш-олти марта урдим. Юқори қаватдагиларнинг суҳбати кулоғимга чалинган эди: бир куни қайси бирлариникига ўғри кирибди. Уй эгасини қувурга боғлаб, оғзини скотчлаб кетибди. Хонадон соҳибининг кўлида узук бор экан, бармоғи сингунча қувурни тақиллатибди. Қўшнилари сув қувурининг тинимсиз тақиллашидан сезишибдики, бу — сигнал, кимнингдир уйида фалокат рўй берган.

Зўравонлар мени хужрадан тортқилаб чиқаришганида,

ҳаётдан умидимни уздим. Россияга келган кунимга лаънатлар ўқидим. Бироқ жонимга оро кирган иккинчи воқеа содир бўлди: малъунлар мени машинага судраб келганида, биринчи қават деразаси очилиб, рус кампирнинг дағдағали овози эшитилди:

«Безорилар! Кўзим бир километр нарини кўради! Машинангнинг рақамини ҳозироқ милицияга айтаман!»

«Алжирама, ялмоғиз! Ётиб ухла! Тушингда чолингни кўрасан!» — масхара қилишди йигитлар.

«Сенлар ҳар ҳафта келасанлар, ҳаммангни танийман! — деди кампир. — Бир замонлар милицияда ишлаганман!»

«Ишлагаң бўлсанг, нима бўпти? Биз бу аёлни эрининг олдига олиб бораяпмиз!»

«Касал авлод! — сўкди кампир. — Машинангнинг русумини, рақамини, учалангнинг ташқи белгиларингни айтишга мажбурладинглар, энди ўзларингдан кўринглар! Гастарбайтер келинчак қувурни тақиллатдим, демак, бу тревога! Бечорани уй тагидаги ертўладан ўғирлаш сенларга қанчалар қимматга тушишини эртага билиб оласанлар! Отасининг пулига қутурган кўппаклар! Ҳолларингга маймунлар йиғлайди, янги фашистлар!»

Зўравонлар тўхтади.

«Бас қилайлик, — минғиллади Иван. — Кампир ростдан ҳам бошимизга бало бўлади».

«Ҳали келамиз, — қўйиб юборишди мени. — Эринг сени бизга сотди! Бу — факт! Биз олиб кетолмасак, ўзи элтиб беради! Тушундингми?! Ким гапида турмаса, ҳолига вой!»

Отажон, бахтим бор экан, қутулиб қолдим. Орадан бир соат ўтиб, Иноят оёқда зўрға турадиган ҳолда қайтди. Унга йиғлаб тармашдим. Айбини тан олмади, мени восвосга чиқарди. Одам ўғирлашларига бир баҳя қолганига бошқа кўшниллар ҳам шоҳид-ку! Юзим қора бўлганида дардимни кимга айтардим? Шармандаликка чидаёлмай ўзимни осиб ўлдирардим.

Эртасига сизга кўнғироқ қилганимда, кўёвингиздан



## Азамат ҚОРЖОВОВ

ғазабландингиз. У билан телефонлашгач, бирдан ҳовурдан тушдингиз. Иноят менга айтган сафсаталарни сизнинг ҳам қулоғингизга қуйди, иккимизни минг бир қасам ичиб алдади. Шанба куни бўлгани учун барда ҳар доимгидан кўпроқ ўтирганмиш, заҳар-заққумдан уч ҳисса ошиқча отганмиш. Бир пайт сигарети тугаб қолибди, бармен «Пётр I» йўқлигини айтибди. Ҳазил-ҳузул авжига чиққан эмасми, бойвачча улфатлари: «Агар хотинингни бизга берсанг, сўраган сигаретангни бир дақиқада топиб келамиз», дейишибди, гаров бойлашибдилар. Шу гапдан сал олдин Дюма деган улфати Иноятга: «Ўгай опамга уйланиб, Россиядан олиб кет, шу йўл билан ундан қутулмасам бошимга офтоб тегмайди» деган. Куёвингиз: «Биринчидан, ўлардек маст эдим, нима гапираётганимни яхши англамасдим, иккинчидан, улар билан яна ҳазиллашаяпман, деб ўйладим, ахир шунақа мавзуда ҳазил кетаётган эди», — деди. Ишондик ҳам дейлик, ота, аммо мастми, балои баттарми, ҳеч замонда эркак киши хотинини ўртага қўйиб ҳазиллашадими? «Иккинчи марта такрорланмайди», «Ўшалар билан алоқамни уздим» ва ҳоказо гаплар билан осонгина қутулмоқчи. Ҳозир юртга қайтсам, ғазаб устида қаматади, деб кўрқаяпти. Чиндан арз қилай, аэропортдаёқ бунақа одамфурушларнинг оёғини ерга теккизмай олиб кетишади...

Нима бўлганда ҳам қадримни бир қути сигаретага тенг қилган хотинфуруш билан яшамайман, ота! Мени кечиринг! «Россияга бораман», «Россиядан олиб кетинг» дея бошингизни қотириб юбордим. Ҳозир кўзимга фақат жоним кўринаяпти! Бугунги ҳазили эртага чинга айланади! Мен кўрқаяпман, жуда-жуда кўрқаяпман. Қанийди тинч, осуда маҳалламда эмин-эркин, бежавотир юрсам, тикувчилигим орқасидан аввалгидек аёлларга ёрдамим тегса, азиза бўлсам. Аёл кишининг, айниқса, ёш келиннинг ўрни уйда экан. Сиз: «Дарров қайтма! Бундан бу ёққа ҳеч ким хафа қилмайди!» дейсиз. (Ва буни йўл харажатларини ўйлаб

айтаётганингиздан хўрлигим келади!) Хўп, сизнингча, Иноят уларни дўст тутиб, ҳазиллашган экан, лекин бошимга бало ёпирилгани чин-ку! Шунинг ўзи менинг Россиядан кетишимга, касофатлардан узоқлашимга етарли эмасми? Иноят бу ерда паспортимни бермаётган экан, сиз у ёқда: «Аҳмоқчиликни йиғиштиради», деб ишонсангиз, кўнглим эса кўнмаса, нима қилай, айтинг? Иноятнинг мақсади, мени бир йил олиб қолиб, ҳовуриمدан тушириш! Сизники-чи, ота?

Кеча бир одам эшик тақиллатди. Узун қора пальто кийган, бўйинбоғли, жиддий киши. У: «Сизни манави суратдаги йигитлар ўғирлаб кетишмоқчи бўлибди, ростми?» — деб сўради зўравон бойваччаларнинг фоторасмини кўрсатиб. Мен чақирилмаган меҳмонни милициядан деб ўйлаб, Иноятнинг қамалишидан кўрқиб, ёлғон гапирдим. Нотаниш киши кетди. Кетаётиб, телефон рақамини қолдирди. «Фикрингиз ўзгарса, менга кўнгироқ қилинг. Биз учаласининг ҳам қулоғидан чўзиб кўямиз», деди. Гаплари тағмаъноли, кўзлари кўрқинчли эди. Қизиғи, нега у менга меҳрибончилик қилаяпти? Телефон рақами ёзилган қоғознинг орқасига: «Се у Римъ кричатъ подъ саблями Половецкими, а Володимиръ подъ ранами. Туга и тоска сыну Глебову!» деган сўзлар ёзилган экан. Рус тилини билсам-да, хатга тушунмадим. У киши нима демоқчи? Мени Россияда яна қандай кўргиликлар кутаяпти?..»

Дафтарнинг бир неча саҳифасига майда, бежирим ҳарфлар билан ёзилган мактуб шу жойда хотималанган эди. Лобар уҳ тортиб, варақларни ойна устига қўйди-да, амалдорга кўз тикди.

— Анатолий Иванович, — деди амалдор.

— У ким? — сўради Лобар.

— Мен, — ўзини орқага ташлади амалдор. — Хат билан ҳам, камина билан ҳам бирйўла танишдингиз. Икки йигитнинг бошига етган суиқасдлар ҳақида гапираман, қулоқ солинг. Шу йил май ойида, яъни гастарбайтер

аёлни ертўладан судраб чиққанларидан сўнг икки ой ўтиб, ўғлим ва икки ўртоғи Истра яқинидаги кичик ўрмончага ҳордиқ — чиқаришга беришади. Шундоққина дарё бўйидаги уйга қўнадилар. Кабобхўрлик, ичкиликбозлик бошланади.

Улар билан уч қиз ҳам бор эди. Дюма ёнидаги қизнинг истагига қулоқ солиб, ўрмон ичкарасига киради. Кирганда ҳам бор-йўғи уч юз қадам ичкарига. Ўша ерда ўрмоннинг эманзор қисми бошланадиган қияликда куённи кўриб қолишади. Бизда, май ойида ўрмонда куёнлар кўп учрайди. Табиий ҳол, қиз қувончдан қийқириб юборади, йигит сархуш эмасми, илҳоми жўшиб, куённи кува кетади. Қачонлардир ағанаб, чўзилиб ётган эмандан сакраб ўтган Дюма кўлларини ёйиб йиқилганини кўрган қиз янада қиқирлаб кулади. У «йигитим томоша кўйяпти», деб ўйлайди. Эмандан ўтиб қараса, Дюма қонга беланиб, ўлиб ётибди. Бошига Шимолий Америка ҳиндуларининг болтаси — томогавк қадалган эди. Қизнинг терговда айтишича, у ўрмонда ҳеч қандай одам шарнаеини кўрмаган, ҳаттоки, жанг болтаси қандай учиб келганини, Дюманинг бошига санчилганини ҳам пайқаман. Экспертлар томогавк кўлбола эканини, ўттиз қадам наридан, рўпарадан зарб билан улоқтирилганини аниқлашган. Овчилар этигининг изи милицияга ёрдам беролмади. Из бир ярим чақирим наридаги асфальтгача борган ва ғойиб бўлган.

— Нега айнан ҳиндулар болтаси билан ўлдирган? — сўради Лобар.

— Аввал иккинчи суиқасдни эшитинг, — жеркиб берди Анатолий Иванович. — Қотиллик шов-шув бўлди, Дюманинг душманлари исканжага олинди. Русландан ҳам шубҳаланишди. Иккисининг ўртасида кичик хусусий ошхона бўлган, ўшанинг кирим-чиқими бўйича фожиадан бир ой аввал талашиб-тортишиб қолишган. Ўғлим орага тушган, яраштириб қўйган, муаммо барибир тўлиқ ечимини топмаган. Қотил айнан

Дюмани ўлдириш учун Истра ўрмончасига келгани кундай равшан эди. Бошқаларда ҳам ўчи бўлганида, профессионал болта улоқтирувчига учта пандавоқини, уларнинг маъшуқаларини ўлдириш нима бўпти?! Бироқ барча тахминларни пучга чиқарган иккинчи суиқасд содир бўлди. Дюманинг аянчли ўлиmidан кейин ўзига келолмай юрган ўғлим ва Руслан кунларнинг бирида, аниқроғи, учинчи июнь куни ресторанда отамлашадилар. Кечки ўн бирларда ташқарига чиқишади. Русланнинг «Форд» машинасига етганларида, Иванга мен кўнғироқ қилиб қоламан. У тинимсиз сўкинаётган ўртоғидан узоқлашиб, мен билан икки дақиқача гаплашади. Ортига қайирилганида сўкиниш тинган эди. Қизил «Форд» олдида Русланнинг қораси ҳам кўринмасди. Ҳайрон бўлган ўғлим машина ёнига боради. Руслан кўлида машина калитини тутган кўйи филдирақлар олдида чўзилиб ётар, бўйнидаги жароҳатдан қон сизиб чиқмоқда эди. Бу гал қотил пичоқни ишга солганди. На ўғлим, на йўловчилар қотилни кўрган. Аксига олиб; кузатув камераси ўрнатилмаган худуд эди.

Анатолий Иванович уч дона қарта чиқарди. Қарталарнинг орқаси буткул қора, ички томонида қора либосли валет сурати акс этирилган, кўлидаги найза учида одам боши тасвирланган эди.

— Уч йигитга аталган уч дона қарта, — деди Лобар.

— Қора қарталар ҳақида нима билсангиз, гапириб беринг. Дюма ўлдирилган жойдан биринчиси топилган. Иккинчи қарта Русланнинг «Форд»ига қистириб кетилган. Учтинчиси асфальтдан, анави гильзалар ёнидан топилди. Ўғлим битта кўриқчиси билан қариндошимизнинг ресторанига кирган. Ресторандан чиққан заҳоти киллер «Макаров»дан устма-уст етти марта ўқ узган. Мен тайинлаган кўриқчи ҳам жавоб ўқи отишга улгурган. Бахтимизга шу пайт кўчага инкассатор машинаси бурилган. Киллер қуроқланган давлат хизматчиларидан чўчиб, мотоциклга ўтирган-да, катта тезликда кўздан

йўқолган. Ҳеч ким ортидан қувмаган. Шундай қилиб, кўлимизда учта қора қарта, Лобар! Каменкадаги суиқасд чоғида бирорта қарта топилмаган, демак, жиноятчилар ўз қурбонлари ёнига фақат бир марта бундай қартани ташлаб кетишади. Нега уч йигитга профессионал жиноятчи ёпишиб олди? Кимнинг кўнглини шу даражада қолдиришганки, ўлимга ҳукм этишган? Қанийди ҳаммаси фильм ёки китобдаги воқеалар бўлиб чиқса! Воқеалар сизга киноларни эслатмаяптими?

— Қисқаси, қотилликлар ҳужрада яшаган келинчакка бориб тақалади, демоқчимисиз?

— Гастарбайтер келинчак Иноят билан ажрашиб, иккинчи марта турмуш қурган. Иккинчи эри илк никоҳ кечасиёқ изсиз йўқолган. Ота-онаси куёвимиз деб ўйлаган одам бутунлай бошқа кимса экани хусусида бизга далил тушмагунча алоқадорлигига ишонгим келмади. Унинг сирли никоҳ кечаси ҳақида ҳам гапириб бераман. Диққат билан тинглашингизга тўғри келади, Лобар.

— Фалати тарих, — деди Лобар.

Ҳаққиға кўчганда, Анатолий Иванович сўзлаётган воқеалар, қуроллардан қолган гильзалар, қора рангли қарталар таъбини тирриқ қилганди. Булар етмагандек, никоҳ кечасида куёв ерга кириб кетибди-ю чимилдиққа бошқа нусха кирибди. Куёв тўй кунисидаги куёв эмаслигини келинчакнинг ота-онаси ҳанузгача билмасмиш.

— Аввал қулоқ солинг, фикрингиз ҳозирча қартмонингизда турсин, — деди Анатолий Иванович. — Ёлғиз ўғлимнинг ҳаёти устида гап кетаётганда, менга ишонмасликларини, пичинг қилишларини, бўлмағур хаёлларга берилишларини хоҳламайман.

— Тушунарли, аммо нақадар ишончсиз маълумот, — ниҳоят, Лобарнинг қоши чимирилди. — Бизнинг урф-одатларни, одамларнинг феъл-атворини билмасдан гапираётганингизни тушунинг. Куёвни алмаштириб қўйишади-ю атрофдагилар сезишмайдими? Сиз сафсаталарга ишонгансиз.

— Юра! — амалдор овозини баландлатди. — Иноятни олиб кириңлар!

Лобар ортига қизиқсиниб қаради. Очиқ эшикда мактубдаги ношуд эр намоён бўлди. Йигирма саккиз-ўттиз ёшлардаги қорачадан келган, меҳнатда пишган, кўзларида алланечук лоқайдлик, ҳиссизлик, таъбир жоиз бўлса, ақлсизлик зухурланган йигит кўринди. Тансоқчи бўсагадан қайтди, Юра Иноятни Анатолий Ивановичнинг рўпарасида тўхтатди. Юрага ишора қилинди, у сўзсиз чиқиб кетди.

— Хатда ёзилган Иноят шу, — деди Анатолий Иванович.

Лобарнинг қизиқиши дарров сўнган эди, у бир оз қаҳр инган кўзларини йигитга тикди. Йигит Лобарнинг ўзбек аёли эканини фаҳмламадими ё саломлашишни эдан чиқариб қўйганми, миқ этмади. Назарида, Лобарга ўхшаш аёллар кимларнингдир жазмани бўлиб туюлса керак. Нигоҳидан бошқа қандай маъно уқиш мумкин?

— Келинчакнинг сирли тарихини эшитинг, — деди амалдор. — У отасига мактуб ёзади-ю нима учундир юбормайди. Орадан бир ҳафта ўтгач, хужрадан паспортни ахтариб топади-да, ватанига ёлғиз жўнайди. Ўшанда маош олмаган, ҳеч кимдан қарз сўрамаган, қўлига қаердандир бир даста пул тушган. Тошкентга қийналмай етади. Сўнгра Тошкент-Бухоро самолётига чиқади. Умрида якка ўзи катта шаҳарларга бормаган, терминалларда юрмаган келинчак барчасини ҳеч бир қийинчиликсиз, довдирмасдан, аниқ, пухта бажаради. Иноятнинг уйига эмас, ота-онасиникига боради. Эри уни Москвада бир қути сигаретага алишганини пеш қилиб, ажрашади, Иноят билан энди яшамаслигини дадил, қатъий ва асабий ҳолда таъкидлайди, ота-онасининг насиҳатларини писанд этмайди. Кўрпа-тўшак, мебеллар, сандиқлар олиб кетилганини эшитган Иноят ҳам ажрашиш фикрини билдиради. Чизган чизигидан чиқмайдиган хотинни орзу қиладиган гастарбайтер эр Соҳибанинг жавобини беради ва ундан қутулади...

— Келинчакнинг исми Соҳиба экан-да?

— Ҳа. Орадан бир ой ўтиб, Соҳибага Тошкент вилоятида яшовчи Холбой деган йигитдан совчи келади. Холбой чет тиллар институтини битирган бўлиб, Тошкентдаги Италия фирмасида таржимон эди. Бир йил муқаддам хотини билан ажрашган экан. Бухородаги узоқ қариндошиникига келиб, Соҳиба ҳақида эшитганини, учрашганини, ёқтириб қолганини совчилар орқали айттиради. Соҳибанинг ота-онаси расмий ажрашмаган қизларини бир ой ўтар-ўтмас олис тошкентлик йигитга узатиб юбормасликларини билдиришади. Соҳиба ажрашиш фикридан қайтмаслигини, Холбойга турмушга чиқишини айтиб, икки оёғини бир этикка тиқиб тураверади. «Иноят мени хор қилди, Холбой қадримга етади! Биринчи турмушим бузилганидан кейин Бухорода қандай яшайман, ахир?!» дейди. Шу орада суд жараёни ўз-ўзидан тезлашади. Уч ой ўтгач, июнда ёш хотин иккинчи эрга — Холбойга турмушга чиқади. Италия фирмаси Холбойни хорижга жўнатишга қарор қилади. Тўйнинг учинчи кuni келин-куёв Европага йўл олади. Ушбу хат қўлга киритилгач, биз Соҳибанинг ҳам изидан тушдик. Одамларимиз Римга бориб келди. Биласизми, улар Италиядан қандай хабар жўнатишди?

Лобар амалдорга эмас, Иноятга кўз ташлади. Афтидан йигит рус амалдоридан юрак олдириб қўйган бўлиб, даҳшатли ҳукми кутарди.

— Бунинг собиқ хотини ўша таржимонга турмушга чиқмаган экан! — оғзидан пуфак сачратиб тутақди Анатолий Иванович. — Таржимон ҳеч кими йўқ етим! На Бухорода, на Тошкентда қариндоши бор! Соҳиба халқаро жинойатчилардан бирига хотин бўлган, эл-юртнинг, ота-онанинг кўзини шамғалат қилиш учун Холбойдан қўғирчоқ сифатида фойдаланишган. Ҳа, Холбой ҳеч қандай куёв эмас! Роль ўйнаб берган сохта артист! Мен ёрдам сўраб ташқи разведкага мурожаат қилдим. Ҳозирча Соҳибанинг иккинчи эри ким эканлигини аниқлашгани йўқ. У қирқ

## Қил устидаги тақдир V

беш-эллик ёшлардаги одам. Шахси аниқланмаган, тахминимизча, ўзбек. Дини — ислом. Олигарх бўлмасанда, ниҳоятда бой одам! Жиноят оламидаги авторитет!

— Кўп нарса аниқлабсиз, — деди Лобар. — Мен қандай ёрдам бера оламан? Халқаро қимордан кетганман, «казино»ларнинг эшиклари ҳам тақа-тақ беркилган. Халқаро жиноятчилар билан умуман алоқам йўқ.

— Менга тайинсиз гаплар гапирманг, — бош чайқади Анатолий Иванович. — Кўринишимдан бўлмагур валди-рашларни эшитадиганларга ўхшайманми?

— Мақсадингизни айтинг. Бу йигит бошимизда қачонгача сўппайиб туради? Жавоб беринг, ишига кетсин-да, долларини ишлаб, онасига юборсин!

— Ҳозирча у бизга керак, — деди Анатолий Иванович бир оз ҳовуридан тушиб. — Олдингизда бир-икки оғиз сўроқ қилсам.

— Хўп, — оёғини чалиштириб, диванга суянди Лобар.

— Москвада яшаган чоғларингизда, ҳужрангларга узун қора пальтоли кимса келганини кўрганмисан?

— Йўқ, кўрмаганман, — жавоб берди Иноят.

— Хотининг Россиядан осонгина учиб кетган. Унга кимдир ёрдам берганига ишонасанми?

— Юз фоиз ишонаман. — бош силкиди Иноят. — Соҳиба қариндошларига ҳам айтган экан, ҳеч ҳам қийналмаганини, кўрқмаганини, яхши одамлар ёрдам берганини.

— Хиёнатини сезганмисан?

— У биров билан юришига ишонмаганман. Нима бўлса, мен билан ажрашгандан кейин бўлган.

— Хатда ёзилган узун қора пальтоли киши Москвадаги ҳужрангларга келиб: «Эринг билан ажраш, сенга уйланаман, чет элда бой-бадавлат яшайсан», деса, сенингча, хотининг кўнармиди?

— Бардаги тушунмовчиликдан сўнг мени шунақанги ёмон кўриб қолгандики, оғзига келган гаплар билан ҳақорат қиларди. «Сенга тегиб нима кўрдим?!», «Эсиз, қанча йигитлар орқамдан юрарди, нега сени танладим?»,



Азамат ҚОРЖОВОВ

«Ажрашаман! Бир умр ҳеч кимга турмушга чиқмайман!  
Ҳамма эркак бир гўр!..»

— Бойга тегиб, кўзингни куйдираман, демаганми? —  
Анатолий Иванович Иноятдан кўз узмади.

— Демаган.

— «Сени ҳам, учта рус улфатингни ҳам ўлдиришади»,  
деб огоҳлантирмаганми?

— Соҳибадан ундай гаплар чиқмайди.

— У хорижда яшяпти! Эри халқаро жиноятчилардан  
бири, — деди Анатолий Иванович. — Хужрадан топилган  
хатда ёзилган «валинеъмат» ҳақида сенга бир оғиз ҳам  
гапирмаганми?

— Бир оғиз ҳам гапирмаган. Сиздан яшириб нима  
қиламан?

— Мен келтирган маълумотларда айтилганидек, у  
таржимонга турмушга чиқмаганига ишондингми ё сирти  
оқ, ичи қора бандамисан?

— Ишондим, ишондим.

— Нима учун дарров ишондинг? Шунга ўхшаш воқеани  
аввал эшитганмисан? Яъни Урта Осиёда тез-тез бўлиб  
турадими?

— Тез-тез эмас... — Иноят Лобарга қараб қўйди. «Бу аёл  
ким экан?» деб ўйлай бошлаган эди чоғи.

— Гапирсанг-чи! — койиди Анатолий Иванович.

— Аввал эшитгандим, йигирма ёшли қизга эллик ёшли  
пулдор уйланган. Бизда гап-сўздан кўрқишади. Шунинг  
учун пулдор «ёлланма куёв» топган. Куёв ёш йигит  
эмас, неварали эркак эканини келиннинг ўзи, пулга ўч  
онаси билган, холос. Сир кейинчалик очилган, унчалик  
шов-шув бўлмаган. Пулдор ҳақида «яна бир хотини бор  
эмиш», деб кўя қолинган.

— Кўрдингизми? — иддао билан деди Анатолий  
Иванович Лобарга.

— У уйланганми? — Лобар Иноятга ижирғаниб ишора  
қилди.

— Уйланганмисан? — сўради Анатолий Иванович.

— Шароитимни яхшилаسام уйланаман, — деди Иноят.  
— Шошиб нима қиламан. Кўрдик хотин қанақа эканини...  
— Юра, буни олиб кет, — буюрди Анатолий Иванович.  
Хонада Лобар иккиси қолишгач, малла чарм сумкасидан сурат чиқарди. — Шерхонова Соҳибанинг фотосурати.

Лобар оппоқ кофтада ўтирган гўзал жувоннинг ёндан туширилган суратига қараркан, юраги орзиқиб кетди: не ажабки, деворда «Kavkaz» сўзи жилоланарди. Жувон йигирма ёшларда бўлиб, сочи инглиз хонимларининг 1970-йилларда русум бўлган тўлқинсимон урфда турмакланган, маллага бўялган, товланарди. Қўлида ва кулоғида бижутерия тақинчоқлари кўзга ташланса-да, жувон бадавлат экани сезиларди. Кўзларида чақнаётган бахтиёрлик шуъласи ўйлантириб қўярди кишини. Нимадан шод: бойга хотин бўлганиданми, аввалги эридан мислсиз равишда шафқатсизлик ила қасос олаётганиданми?

— Машхур Бромптон Роудга ёндош кўчада жойлашган ресторан, — изоҳлади Анатолий Иванович. — Хабарингиз бўлса керак, Бромптон Роуд Римда эмас, Лондонда. Суратдаги «Kavkaz» ресторани соҳиби эса Пўлат Фазлиаҳмедов. Сиз уни танийсизми?

— Қаёқдан танийман?!

— Биз шуни ҳам аниқладикки, Пўлат Фазлиаҳмедов Рим шаҳридаги Витторио Венето кўчасида, ўн учинчи июнда юз берган отишмада ғойиб бўлган. Она шаҳри Грознийга ҳам, ресторани жойлашган Лондонга ҳам қайтмаган. Сиз, Лобар, шу ресторан эгасининг собиқ хотинисиз.

— Ё алҳазар, гап Шомил ака ҳақида кетаяптими? У қанақасига Соҳиба билан...

— Тўхтанг! — шартга гапни кесди Анатолий Иванович.  
— Соҳиба Шомил билан яшамайди. Каменкадаги суиқасддан кейин ўғлим ўқишга, Англияга жўнаб кетди. Бир неча йил шу баҳонада Лондонда яшаши керак эди. Унга қўриқчи тайинладим, суиқасдларга алоқадор барча

шубҳали шахсларнинг фотосуратларини бердим. Ўғлим сахий, очиқкўнгил йигит. Россиялик танишларини учратиб, улар билан «Кавказ» ресторанига кирибди. Биз бу пайтда аллақачон Соҳибанинг изидан тушгандик. Уни Италиядан ахтараётгандик. Ўша куни Иван ва дўстларидан атиги бир неча стол нарида ўтирган Соҳибани кўрган қўриқчи ўғлимни зудлик билан ресторандан олиб чиқиб, квартирамизга яширган. Суиқасд қилишга уриниш аломатлари сезилмаган, аммо ўғлимга Англияда ҳам ўлим таҳдид солаётганига, калаванинг учида Соҳиба деган юртдошингиз борлигига тўлиқ амин бўлдим.

— Англия полицияси нега жим?

— Қандай исботлайман? Ўта ваҳшийлик, ўта усталик билан қотилликни амалга ошираётган жиноятчиларни Соҳиба полициянинг босими остида топиб беради, дейсизми? Сиз, Лобар, Россиядан Қозоғистонга чиқиб кетасиз. У ёқдан Лондонга учасиз. Соҳиба билан учрашиб, ўғлим ва икки ўртоғи кимнинг қора рўйхатига тушганини аниқлайсиз. Қанча пул керак бўлса, тўлайман. Буюртма берувчини ва профессионал қотилларни топишимиз зарур.

— Ўғлингиз «айби» борасида қандай фикрда?

— Кимга нима ёмонлик қилганини, қандай қалтис ишга аралашганини эслолмайди.

— Ўғлингизга тўлиқ ишонасизми?

— Ишонаман. Нима, у энг яқин ўртоқларини ўлдириб, ўзига-ўзи суиқасд уюштирадими? Қолаверса, ўтган вақт мобайнида Иван Федерал хавфсизлик хизмати, милиция, прокуратура терговларига юз марта чақирилди, босган изи қайта-қайта текширилди. Органнинг фикрича, ўлдирилган йигитлардан бири йирик жинойий уюшмага алоқадор, шериклари унинг касофатига қолишган. Бироқ мен бутунлай бошқа одамдан гумондаман. Кўрасиз, орган эмас, мен ҳақ бўлиб чиқаман.

— Айб фақат Соҳиба Шерхоновадан қидириляпти, ҳм-м... — ўйга толди Лобар.

— Ўғлим ва дўстлари Соҳибани ертўладан судраб

чиққач, эртасига нотаниш валинеъмат пайдо бўлган. Ким ўзи у? Шундай кайфиятдаки, кимдир уч улфатнинг устидан арз қилса, учаласини ҳам биттама-битта ўлдирса! Майнавозчилик, жиннилик, бориб турган тентаклик!

— Тўғри, — елка қисди Лобар. — Улар Соҳибани хужрадан судраб чиқаришган, лекин дарров қўйиб юборишган. Ваҳшиёна қасосга ҳожат йўқ.

— Ёш хотинни ўзига оғдирган кимса руҳий касал, кутурган қонхўр, — деди Анатолий Иванович дастрўмолда пешонасини артиб. — Эҳтимол, уч ўртоқ кўзига ёмон кўрингани учун шугина баҳонада қон тўкаётгандир? Савдойилар бор, Лобар! У ёш келинчакка қанақа усул билан уйлангани ҳам далил эмасми? Соҳибани қамокқа тикқанимиздан сўнг ўлим машинаси тўхташига ишонмайман, чунки Соҳиба шунчаки баҳона объекти! Маъна, нега сиздан ёрдам сўрадим!

— Улар мен билан боғланади, деб ўйлаяпсизми?

— Йўқ, сиз улар билан боғланасиз.

— Қора қарталар-чи?

— Нима қора қарталар?

— Қора қарталарни юборган одам қиморга, эҳтимол, халқаро қимор ўйинларига алоқадор кимса бўлиб чиқса бу ишга киришганимда, у мен билан боғланиши эҳтимолдан холи эмас. Унутманг, қимор оламида мени жуда яхши танишади. Қаерга бормай, аввало, қиморхонадагилар хабар топишади.

— Шунақами?

— Шунақа деб ўйлайман.

— Сизга одам бераман. Ёлғиз жўнатмаслигимни фаҳмлаган бўлсангиз керак.

— Атрофимда махсус гуруҳингиз ишлайди. Шунинг назарда тутаяпсизми?

— Йўқ.

— Эркак ҳамроҳ керак эмас. Ҳамроҳидан кеча-ю кундуз айрилмайдиган аёл деб ўйласангиз, қаттиқ янгилашсиз.

— Розилигингиз учун миннатдорман.

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Аксинча, рози эмасман, Анатолий Иванович!

— Ҳар ҳолда, Англияга боришга рози бўлдингиз-ку, — деди амалдор. — Сизга кўрсатадиган охириги нарсам, бу...

Амалдор яна бир фотосурат чиқарди. Ун етти-ўн саккиз ёшлардаги соҳибжамол қиз денгиз бўйидаги кумлоқда, чўмилиш кийимида ўтирарди. Жилмайишида самимийлик сезилса-да, Лобар навниҳолнинг рус амалдорига хизмат қилишини ўйлаб, тасаввурини ўзгартирди.

— Исми Мадина, абхаз қизи, — дея ўрнидан турди Анатолий Иванович. — Шомилнинг ресторанида коса-товоқ ювувчи бўлиб ишларкан. Тагин у ҳақда ёмон хаёлга борманг. Лондонга жосуслик миссиясини адо этишга аввалдан юбормаганман, шахсан менинг Шомилда ўчим йўқ. Ўғлимнинг муаммоси чиқиб қолгач, Мадинани топдик. Ҳозир коллежда ўқийди, бўш вақтларида «Кавказ»да тирикчилигини ўтказади. У собиқ эрингизнинг ўйнаши эмас, деб умид қиламан.

— Олтмишга яқинлашаётган халқаро жиноятчининг маъшуқаси эмаслигидан умидвормисиз? — Лобар лаб бурди. — Шомил ака сиз ўйлаганчалик хотинбоз эмас.

— Москвадаги кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласида яшаётган келинчак ҳам суюқоёқ эмасди, — деди Анатолий Иванович. — Одамнинг ташқи кўриниши секин-аста ўзгаради, туйғулар, аниқроғи, нафс жуда ўзгарувчан мавҳум мавжудот.

— Пок келинни суюқоёқ деяпсизми?

— Касби шунақа эмас, албатта. Айтмоқчиманки, қонуний эридан воз кечиб, пулдор эркакка турмушга чиқди. Бу унинг хатоси. Бизга зарари тегадиган қилмишлари учун эса боши билан жавоб беради.

— Боши билан жавоб бермаслигига ҳаракат қиламан, — деди Лобар. — Ўғлингиз тирик! Сиз урушда ҳозирча Каменкадаги уйингизнинг синган ойнасидан бошқа ҳеч нарса йўқотганингиз йўқ. Унинг... Соҳибанинг тақдири чиндан-да меникига ўхшаркан. Учрашаман, гаплашаман,

тўғри келса, қалтис йўлларимни ҳам қўймайман, аммо юртдошимни сизга тутиб бермайман.

— Уларнинг найрангига... — оғиз очди Анатолий Иванович.

— ...ўйнамайман, — шартта жавоб қайтарди Лобар. — Пул учун яшамаслигимни биламан. Россияга қимор ва қонхўрлик билан боғлиқ қора кунларимни яқунлаб, ёруғликка чиқиш учун келганман. Сафарим фақат Россияда эмас, Европада ҳам давом этиши мумкин эди...

— Давом этади ҳам, — бош ирғади амалдор.

Лобар ўрнидан турди. Улар қўл қисишиб, жўнгина хайрлашдилар.

\* \* \*

Пастда бошқа машина кутмоқда эди. Лобар орқа ўриндиққа ўтиргач, ҳайдовчи елдек учирди. Пешин чоғи Домоделово аэропортидан ҳаволаган самолётнинг биринчи класс бўлимида Лобар ҳам бор эди. У Қозогистон пойтахтида ўзига ажратилган уйга кириб, бирпас мизғиди. Ҳамшира чақирилган эди. Яраси қайта боғлангач, авайлаб ювинди-да, иккита сафархалтага жамланган бир дунё либослардан Англия сафари учун мосларинигина танлади. Руслар алламбало кўйлакларни ҳам раво кўришганди. Булардан ташқари, пластик карта, нақд пул, Лондонда ишга тушадиган телефон — барчаси муҳайё эди. Кўзгуга қараган Лобарнинг бир нарсадан кўнгли тўлмади: унга худди Соҳибаники каби бижутерия етишмаётган эди.

Журналдан дўконларнинг телефон рақамларини ахтарди.

— Алло, бижутерия дўкони эшитади, — мулойим овоз қулоққа оқиб кирди.

— Кечқурун олтида дўконга бормоқчи эдим, — ташриф этиш вақтини айтди Лобар. — Дўкон очиқ бўладими?

— Биз еттигача ишлаймиз, ҳурматли харидор. Сиз учун буржингизга, касбингизга, соғлигингизга,

Азамат ҚОРЖОВОВ

этиқодингизга қараб, бижутерия тақинчоқларимиздан топиб беришни сидқидилдан уддалаймиз. Кумуш-симонлар, тилласимонлар қизиқтирадимиз? Минерал тошларнинг шайдосимисиз? Ёки...

— Роппа-роса олтида дўконингизда кутинг!

— Хўп, — хушмуомалаликни қўймади сотувчи.

Лобар овқатлангач, қарта ўйинлари хаёлидан нари кетмади. Назарида, у суперпрофессионал қиморбозлар давраси учун яроқсиз ўйинчига айланганди. Қартага ундовчи руҳий кучни сезмади. «Шоирлар илҳом келмаслигидан, ишчилар ишнинг ёқмаслигидан қайғуриши — бари бир гўр, — уф тортди у. — Қарта ўйнамаслик — орзуйимдаги бахт. Гуноҳлар учун илҳом келмаса, келмабди-да».

Юртига, Самарқандга кўнғироқ қилди. Москвадаги шифохонада онаси билан телефонда гаплашганида Россияда янги бизнес бошлашга тўғри келиб қолганига ишонтиришга уринганди. Онаси овозини эшитганданоқ унинг бемор эканини пайқади. «Қаердасан? Тўғриси айт!» — тергади бўғилган овозда. «Россиядаман, бир оз шамоллаганман, Парвиз яхшими? — гапни бурди Лобар ўшанда. — Мендан хавотир олаверсангиз, юрагимни эзасиз, холос. Минг марта айтаман, ёш қиз эмасман. Ҳаром-ҳариш йўлда ҳам юрганам йўқ. Яхши инсонлар билан бирга муаммоларимни ҳал қилаяпман».

Онаси бугун ҳам хавотир исканжасида эди.

— Нега телефон қилмайсан? Уйга қайтасанми, йўқми?

— қаттиқ-қаттиқ гапирди. — Аёл бошинг билан бир бизнес бошлайсан, бир қаёқларгадир йўқолиб қоласан. Мени ўйламанг ҳам болангни ўйла, барака топгур!

— Тўғриси айтинг, мени нима ишлар қилиб юрибди, деган хаёлдасиз, ая?

— Ёмон...

Лобар ўзини мажбурлаб кулди.

— Вой, ая-ей! Доим шунақасиз-а?!

— Сен ўзинг доим шунақасан! Нима етишмайди, айт!

– Етишади, ҳамма нарсa етишади.

Лобар онасидан қайта-қайта узр сўради. Парвизнинг ҳам овозини соғинганди, икки дақиқача гаплашди. Парвизга ёзги тўгаракда тасвирий санъатдан «беш» баҳо кўйишибди. Лобар беҳад шод бўлганидан ноутбук совға қилишга ваъда берди. Кейин ҳаётига ёлғонлар ёпирилиб кираётганини ўйлаб, шифтга термилганча ўй ўйлади. Ҳозиргина бижутерия дўкони сотувчисини ҳам алдаган эди. У дўконга 18:00 да бормоқчи эмасди. Телефонимни яширинча эшитишаётган бўлса, чалғишсин, деди. Онага ҳам, фарзандга ҳам ёлғон тўқиди. Ички овози сўйлади: «Қачон яхши аёл бўласан, Лобар? Чақиртиканлар ўсган сўқмоқларда сени отиб кетишади-ку, ахир! Улигинг кузғунларга қолади ёинки ўзингга ўхшаган малъунлар бензин сепиб, ўт кўйиб юборишади, ҳатто видолашув кунни — таъзия ҳам насиб этмайди сента...»

У 16:10 да уйдан чиқди. Тушкунлик вужудини чирмаб, кўнглига қил сиғмаётган эди. Кўчанинг кунботар томонида қурилиши тугалланмаган бино кўзга ташланди. Юқори қаватларида фишт тераётган қурувчилар кўринди. Лобар йўлакдан шошиб бораркан, қурилиш олдида такси тўхтаб, кимдир тушди, сўнг қурувчиларга қўл силкиб, алланималарни гапира бошлади. Лобар қадамини янада тезлатди, ҳалиги одам таксига қайтаётиб, беихтиёр атрофига кўз югуртирган ҳам эдики, Лобар қўлини кўтариб, «Тўхтаг!» ишорасини қилди. Киши таксининг эшигини тутган кўйи синчиклаб қаради, Лобарни танимади. Танимасди ҳам.

– Менда ишингиз борми? — сўради у қозоқ тилида.

– Таксингизда жой топиладими? — Лобар рус тилида сўзлаб, чиройли жилмайди. — Икки кўча нарида тушаман.

– Марҳамат. Лекин биз Қудайберди ўғли кўчасига бораяпмиз.

– Ойнакўлга яқинми? — журналдаги манзилни айтди Лобар.

– Унчалик узоқмасу... Икки кўча нарида ҳам эмас.



— Хўп, ўтирсам бўладими?

— Бўлади.

У Лобардан қаерлик экани, касби, ҳатто бошида эри бор-йўқлигини йўл-йўлакай суриштирди. Лобар бот-бот ёлгонларни қалаштирди. Қозоқ ишонмади чоғи:

— Аёллар овга чиқса, ёмон, — деди.

Лобар бекатда тушди-да, ўзини ҳеч ким кузатмаётганига амин бўлгач, бошқа таксига ўтирди. Анатолий Иванович уни Лондонга не ваядан Остона шаҳри орқали юбораётгани ҳақида яна ўйлади. Ҳақиқатан, катта ўйин бошланганга ўхшарди. Лобар гўёки лотереядан чиқиб қолди ва улар қартабоз аёлни жиноят тегирмонига ҳузур-ҳаловат ила ташлаб юборишди. Назарида, рус йигитларига уюштирилган суиқасдда баайни русларнинг ўзлари роль ўйнаётган эди. Хусусан, уч йигитдан бири, айнан тирик қолгани — қотил! Ёинки Ивандан ҳам кўғирчоқ сифатида фойдаланишяптими? Қонли томошалар бошида унинг отаси — Анатолий Ивановичнинг ўзи турган бўлса ажаб эмас. «Дўстларини ўлдиришди, навбат энди ўғлимга! Ҳаммаси Соҳиба деган жувоннинг пулдор эрининг иши! Пулдор ҳозирда Европада яшайди, дини ислом, у телба жиноятчи, келиб чиқиши Ўрта Осиё...» ва ҳоказо.

Лобарнинг гумонида Шомил ҳам йўқ эмасди. Балки барча қуроллар Шомилни нишонга олгандир? У Римдаги қотилликларда иштирок этгач, Анатолий Ивановичнинг орқасида турганлар ғимирлаб қолишгандир? Шомилнинг Римдаги можарода иштирок этиши рус амалдорларига қайси жиҳатдан боғлиқлиги ҳозирча қоронғи эди. Дюма ва Руслан Римдаги отишмадан аввал йўқ қилингани ҳам жумбоқни мураккаблаштироқда эди. Иваннинг ўзи маккорлик қилаётган бўлса, наҳотки, жамики терговчилар йигитчага осонгина чув тушишган? «Ё Шомил ака, ё Иван, ё Анатолий Иванович, лекин Соҳиба ва эри эмас», — деди Лобар ичида.

У жумбоқнинг жавобини Англияга бормасдан туриб ечишига кўзи етмади. Шусиз ҳам Шомилни топмоқчи

эди, ҳозирча рус амалдори совға қилган кемада тақдир уммонида суза қолади. «Менга тинч кунларимни қайтариб бёр! — дейди чеченга. — Умрбод тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқчиман! Атрофимда гуноҳ дарахтидан узилган қонли қарталарни қачон кўрмайман? Қартани унутишнинг йўли қаерда? Бировларни ўлдириб, ўзим ҳам отишмаларда кўз юмсам, қутуламанми? Атрофи тош билан ўралган орол... У қаер? Англиями?»

Тушида Омонгул опа айтган икки гап ҳам хаёлидан нари кетмаётган эди: «Шомилни ўлдира оладиган охирги аёлсан», «Сени аср намози қутқаради». Ҳа, дунё ўзгармоқда. Дунёни қонунлар қутқаради. Лобарни ҳам. У бир уйнинг бекаси бўлиб ўтириш ўрнига жинойтнинг асов отини чоптириб кетаётганида, кунларнинг бирида ногоҳон бўйнига сиртмоқ тушиб, маънавият водийсига асира бўлади... Ёки марҳумлар водийсига...

— Мени бижутерия дўконига олиб боринг, — илтимос қилди Лобар.

— Арзон тақинчоқлар дўконигами? — пешойнадан мўралади таксичи.

— Ҳа, фақат Ойнакўл кўчасидагига эмас.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай оғзидан сув отилиб турган аждарҳо ҳайкали яқинида тўхташди.

— Анави ойнаванд дўконнинг биринчи қавати бошдан-охир бижутерия, — деди таксичи. — Нефрит танлашингизни маслаҳат бераман. Буйракка даво.

— Буйрагим оғримайди.

— Унда лазуритни танланг.

— Қайси касалликка экан?

— Ўзимга қойилман! Эркак бўлиб мен биламан, сиз эса...

— Қўзни равшанлантиришини айтмоқчимисиз?

— Йўқ, унинг энг катта хосияти ҳомиладор аёлларни ёмон кўзлардан сақлайди. Лазурит — само тоши! Сизга омад, синглим!

Лобар тақинчоқлар дўконига кираётиб Соҳибанинг

фотосуратини кўз олдида жонлантирди. Унинг бижутериясида лазурит бормиди? Агар бор бўлса, гумондаги ёш хотин ҳомиладор. — Ўзларини дунёнинг бир четини кўтариб турган, деб ўйловчилар қиличини ҳомиладор аёлга қарши қайрадиларми? Ва бу аёл буткул бегуноҳ бўлса-чи? Тарихнинг кечаги жиноятчиси бугун қаҳрамонга айланса, Лобар ҳайрон қолмасди. У Шомилни дунё мамлакатлари бўйлаб, жиноят сўқмоқларидан ахтариб бораркан, мақсади фақат яхшилик бўлиши кераклигига асло шак келтиролмасди.

— Узуқлар, сирғалар, бўйин тақинчоқлари... Марҳамат, қайси бирларидан бошлайсиз? — хушқайфият-ла қаршилади сотувчи.

— Узуқлардан... Мен аввало бармоқларимни ўйлайман.

Шу он дўкон эшиги шиддат-ла очилиб, қора кўзойнак таққан баланд бўйли йигит кириб келганида, кесакидаги кўнғироқча безовта жиринглаб юборди. Ҳамма, шу жумладан, Лобар ҳам қайрилиб қаради.

— Мен билан юринг! — Нотаниш йигит Лобарнинг тирсагидан тутиб, қулоғига шивирлади: — Тақинчоқларни Франциядан оласиз.

— Кимсиз?

— Сафардаги соқчингиз. ИсмиМ Маҳмуд. Менга Анатолий Иванович топшириқ берган.

— Нега ишонишим керак?

— Ташқарида гаплашсак, дегандим.

Лобар ундан анқиётган қимматбаҳо атир исини ҳидлади. Бир кўнгли паспортини пештахта тагига отиб юбормоқчи ҳам бўлди-ю, шайтонга ҳай берди. Изсиз йўқотишса, қаерда, қачон ўғирлаб кетишганидан паспорти дарак беради. Бироқ ўлдириб кетишларидан қўрқар экан, нега ватандан чиқиб, хорижда юрибди? Бижутерияга измаиз келган йигит анойилардан эмас шекилли. Ўқ узилса, тепкида айб йўқ. Зеро, гиштни қолипдан қурбон кўчирган.

— Бугун кечкурун учасиз, — деди Маҳмуд.

— Буйруқни берган ўша Анатолий Ивановичингиз билан телефонда гаплашсам бўладими?

— Парижда гаплашасиз. Ҳозир у йиғилишда.  
— Мен Парижнинг «П» ҳарфини ҳам билмайман.  
— Тилингиздан илингирмоқчи эмасман, хуллас, қозоғистонлик сайёҳлар таркибида кетасиз, — деди Маҳмуд Лобарни машинаси томон етаклаб. — Анатолий Иванович сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш учун жонини жабборга бераётганини тушунинг.

Йигит машина эшигини очди.

— Биз чеченистонлик жиноятчи Шомилдан хавфси-раяпмиз. У Италиядан чиқиб кетгани ҳақида сигнал тушибди.

— Оббо, — нолиди Лобар, — нега йўқолиб кетган одамдан кўрқаяпсизлар?

— Шомилни билмайдигандек гапирасиз-а?

— Қаерликсиз? — сўради Лобар.

— Узр, фақат ерлик эканимни айта оламан.

— Ҳа, албатта, — кесатди Лобар ҳам. — Ҳарҳолда Марсдан эмаслигингиз кундай равшан.

— — Ўзбекча гапирганимдан ҳайратдамисиз? — Маҳмуд тезликни оширди.

— Аксинча, қозоқ тилида мурожаат қилганингизда ёқа ушлардим.

— Не ушун? Самарканга коп барамын. Озбектер жакси адамдар.

— Қозоқча гаплашолмаслигимни разведка ходимлари билишади. Кўр-кўрона талмовсирашни ёқтирмайман.

— Ҳм, разведка денг! Наҳотки, мен разведкачига ўхшасам?

— Бўлмаса, кимсиз?

— Жиноятчиман.

— Мен ҳам жиноятчиман, — деди Лобар. — Россияда бировларнинг кўлида қолиб кетганимдан сўнг ҳаётим буткул ўзгариб, тақдирим тасаввур қилиб бўлмас даражада чигаллашди. Оддий уй бекасидан шу тариқа қиморбоз, қартабоз, қотил, мафиоз аёлга айландим. Гуноҳларимга тавба қилганим ҳам иш бермагач, чет элларда нажот калитини ахтариб юрибман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Буларни биламан.

— Биласизми, йўқми, деб гапирмаяпман, Маҳмуд!  
Мен уй бекасидан чиққанман, сиз-чи?

— Филологман.

— Жин урсин, қанақа филолог? Устимдан кулаяпсизми?

— Анатолий Иванович сизга хат кўрсатдимми?

— Кўрсатди.

— Унда шундай сатрлар бор: «Се у Римъ кричатъ подь саблями Половецкими, а Володимиръ подь ранами. Туга и тоска сыну Глебову!» Тўғри айтдимми?

— Тўғри, лекин бу паролми?

— Қанақа пароль?

— Сиз ростдан ҳам Анатолий Ивановичга хизмат қилаётганингизни исботловчи, — деди Лобар.

— Ҳалиям ишонмаяпсизми? Марҳамат, Юрага кўнгироқ қилишингиз мумкин, — телефонини узатди Маҳмуд.

— Юра ҳам шунақа эди, — телефонни олди Лобар.

— Қанақа?

— Донишманд Менга Ницше ҳақида маъруза ўқиди.

— Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди, — Маҳмуд-машинани Лобар кўнган уй-кўчасига бурди. — Бола аввал боғчага боради, кейин ўрта мактабга. Ундан сўнг ё касб-хунар билим юртида, ё инситутда ўқийди. Ўртада ҳарбий хизмат ҳам бор. Балки у оила қуришга ҳам улгурар. Кунларнинг бирида жиноятчига айланиб қолади. Жиноятчи бориб тургани авом, эсипаст, қолоқ банда дегани эмас. Мендан Анатолий Иванович ёрдам сўради. Матн «Игор полки жангномаси»дан олинган. Русларнинг мумтоз адабиёти.

Лобар Юрага боғланди.

— Менга Анатолий Иванович керак, — деди у.

— Сиз ҳақингизда энди Маҳмуд қайгуради, — жавоб берди Юра. — Бугундан бошлаб мен бу рақамда бўлмайман.

— Режани батафсил айтишни ўрганинглар, — эътирозини билдирди Лобар. — Асосий дона сифатида

шахмат тахтасида мени олға сурдингларми, қаерга, қайси йўлдан боришимни билсам дейман.

— Режани батафсил билишни мен ҳам хоҳлардим, афсуски, иложи йўқ. Оқ йўл! Сизни телефонда ўзим топиб оламан.

Лобар нарсаларини йиғиштирди. Маҳмуд унга сайёҳлар таркибида эканини тасдиқловчи ҳужжат ва самолёт чиптасини узатди.

— Авиачиптами? Менинг номимга?

— Сизсиз ҳал қилишга тўғри келди, — деди Маҳмуд.

У ўттиз беш ёшда эди. Айтишича, ҳарбий хизматдан қайтгач, Шарқшунослик институтида ўқибди. Илмий иш бўйича Москвага кетиб, бир қизга ишқи тушибди. Уйланибди. Қизнинг отаси Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга Россияда ишлаб чиқарилган автомобилларни «қора бозор» орқали сотиш билан шуғулланаркан. Бир куни Марказий Осиёга куёвини ҳам олиб кетибди. Қоп-қоп пул ишлашибди. Дунёда осон пул топишнинг бундай йўлини кўрган Маҳмуд ўйлаб қолибди: «Ўқишдан мақсад нима? Яхши яшаш. Илмий ишни давом эттириш, диссертация ёқлаш, олим бўлишдан-чи? Яна ўша яхши яшаш...» Шундай қилиб, Маҳмуднинг дунёқараши ўзгарибди. «Барчаси яхши яшашга тақалар экан, минглаб китоблар ўқиб, саҳифа-саҳифа қоғоз тўлдириш ўрнига шартта яхши яшашнинг айнан ўзи билан шуғулланган афзал эмасми?» дебди у.

Машинафуруш қайнотага шогирд тушган аспирант икки йил дориломон яшабди. Хорижий русумдаги машинага, Москвадаги хусусий квартирага эга бўлиб, тушлиғи кечки овқати ресторанда тайёрланадиган бўлибди. Дунё Россияда ҳам алдамчи экан. Қайнота Тожикистондан қайтмабди. Кўп ўтмай тоғлар орасидан суяклари топилгани ҳақидаги хабар келибди, ҳатто шум хабар Россиядаги маҳаллий матбуотда ҳам эълон қилинибди. Маҳмуд ёлғиз ўзи машина савдоси билан шуғулланишни эплаёлмаслиги аён экан. Бунинг устига қайнотасининг

## Азамат ҚОРЖОВОВ

қарзлари ҳам бўйнига илинадиган бўлибди. Хотини билан жанжалларининг бошланишига ҳам баайни қарзлар сабаб экан. Қўчадан топилган зар-вафо қилармиди? Кунларнинг бирида хотини бағоят ўктам, бой, қўли узун киши билан топишиб олибди. Бу — ҳаммаси тугади, дегани экан.

— Барибир Москвада қолдим, — деди Маҳмуд.

— Чоҳ тубини янада чуқур қазибсиз-да, — яниб қўйди Лобар. — Одам ўз тақдирини ўзи яратади, деб шуни айтсалар керак.

— «Се у Римъ кричать подь саблями Половецкими...»  
Шу жумла мени қутқариб қолди.

— Ўзи унда қандай маъно бор экан? Очиғи, яхши тушунмадим.

— Қозоқ шоирларидан бири дostonнинг шу сатрини бутунлай бошқача изоҳлаганини ўқигандим. Рус тадқиқотчилари ёзганларидек, бунда Рим шаҳри ҳақида гап бормаган. Аслида «у Римъ» эмас, «урим» деган сўз бўлган. Половецларнинг, яъни қипчоқларнинг тилида «урим» ўрилган сочни, яъни «ўрим»ни англатади. Кечирасизу, — жангномада — муаллиф — Қадимги Русга ҳужум қилган Дашти Қипчоқ лашкаридаги жангчилар босқинчиликдан сўнг аёлларга зўравонлик қилгани назарда тутилган.

— Шунақа эканми? — бир қоши чимирилди Лобарнинг.

— Буни оддийгина «шунақа эканми?» дейишингиз малол келади.

— Нега?

— Ёш хотиннинг оти нима эди?

— Сизга ҳеч қандай маълумот бермайман, Маҳмуд.

— Хўп, исм-фамилияси шарт эмас. Қисқаси, ёш хотинни уч йигит ўғирлаб кетишмоқчи бўлишган. Кейин учаласига ҳам суиқасд уюштирилган. Ёш хотинга ўз ёрдамини таклиф этган киши қолдирган телефон рақами ёзилган қоғозча орқасига «Игор полки жангномаси» асаридан икки сатр келтирилган. Буни тасодиф эмас, деб ҳисоблашади. Мен ҳам шундай фикрдаман.

## Қил устидаги тақдир V

— Тавба, суиқасднинг бошида филолог турибди, демоқчимисиз? Қачондан бери олимларни ёппасига жин урди?

— Буни сиз Англияга бориб аниқлайсиз.

Лобар Остона аэропортидан Парижга учар экан, ўз ташвиши қолиб, бошқаларникига кўмилиб қолганини тушуниб етди. Гарчи Шомилга қарашли ресторанга бораётган бўлса-да, собиқ турмуш ўртоғини қайтиб ҳеч қачон учратмаслиги мумкин эди. Ун соатлик йўл ҳам, Франкфуртдаги қисқа танаффус ҳам Лобарни ҳолдан тойдирди.

— Париж аэропортида мени Лондонга элтиб қўядиган машина кутиб тургани йўқ, деб умид қиламан, — деди у Маҳмудга.

— Игнангизни санчмай қўя қолинг, сиз Парижни кўрасиз. Биз инсофсиз одамлардан эмасмиз.

— Аксинча, кўрмасам дейман.

— Бир бора кўришга миллионлаб инсонлар интиқ.

— Нима, уларнинг ҳам бошида менинг ташвишларим борми?

— Менга қаранг, Лобар, — қовоқ солди Маҳмуд. — Бу самолёт Парижнинг қоқ марказига бормайди. Аэропорт Париждан йигирма беш чақирим шимоли-шарқдаги Иль де Франс худудида. Ўйлайманки, Иль де Франс, Шарль де Голль, Руасси деб эшитгансиз. Ўзингизни авом қилиб кўрсатишдан фойда йўқ.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? — норозилик оҳангида сўзлади Лобар.

Маҳмуднинг энсаси қотди:

— Россияга нега келгандингиз?

— Бу шахсий ишим.

— Сиз халқаро қимор ўйинларида иштирок этган бармоқ билан санокли аёллардан бирисиз. Ҳал қилувчи «жанг»ларда голиб бўлгансиз. Тўғри, замонлар ўзгарди, казиноларда сизга ўхшаган қартабозларга ҳақ қолмади, лекин ўз вақтида ветеранга айлангансиз. Францияда кимларни танийсиз?



## Азамат ҚОРЖОВОВ

- Ҳеч кимни.
- Балки Шомил Францияга яширингандир?
- У ҳолда эртага ўлдириласиз.
- Қайси гуноҳимга товон тўлайман?
- Расмийларга малай бўлганингиз учун.
- Ҳа, унда Шомил билан келишиб кетамиз, чунки ҳеч қайси давлат расмийларига малай эмасман.
- Бундан чиқди, Иваннинг отаси жиноятчи экан-да?
- Бир гап айтайми?
- Ҳўш...
- Мен эркин шахсман. Хоҳласангиз, Францияда ростдан ҳам сайёҳ бўлиб қоламиз ва жамики суиқасдларни унутамиз.

Лобар кулиб:

— Шунинг ўзи суиқасд эмасми? — деди.

Парижда Лобарни, хусусан, Маҳмудни ҳам ҳеч ким кутиб олмаслиги лозим эди. Шарль де Голль аэропортининг иккинчи терминали эса фақат «Эйр Франс» авиокомпанияси самолётларигагина хизмат қиларди. Негадир ўша кунни Қозоғистон самолётига иккинчи терминал хизмат кўрсатиши айтилди. Маҳмуд эълонни эшитгач, хаёлга толди, аммо узоқ ўйлаб ўтирмай тетикланди.

— Кимга суиқасд қилиш ҳақида гапирдингиз, Лобар? — сўради самолётдан туришгач.

— Ҳужарлик қилаяпсиз, Маҳмуд. Ҳозирги аҳволингизда ўз бошингизни ўзингиз ейсиз. Эркин шахсман дейсизу кимнинг хизматидасиз? Анатолий Иванович деган амалдорнинг. Давлат ишлари бўйичами? Йўқ, қонундан ташқарида. Олдинда кимлар кутиб турибди? Жаҳон статусига эга киллер Шомил ака, ундан ҳам баттари, Россиянинг қоқ марказида ҳам одамларни бемалол ўлдирадиган, ҳатто етти қатлам ер остидан ҳам топадиган жинойи гуруҳ. Уларнинг йўлига кўндаланг бўлсангиз — ўласиз. Йўлдан чиқиб кетсангиз ҳам ўласиз. Агар мен билан мустақил равишда ишласангиз, яна ўша натижа — ўласиз.

- «Ўласиз» эмас, «ўлдириласиз».
- Масхарабоз экансиз, — ранжиди Лобар.
- Темирданмисиз? — жилмайди Маҳмуд.
- Сиз ҳам соғ қолмайсиз, демоқчимисиз?
- Албатта.

— Мени бўри деб тасаввур қилинг. Бир шер, нариги ўрмондаги бўрилар орасига бориб кел, деб илтимос қилди. «Майли», дедим. Чунки шундоқ ҳам ўша ўрмондаги бўриларнинг бирида ишим бор эди. Йўлда менга ит ҳамроҳ бўлди. Бўрилар галасига кирганимда, бегоналик қилсам-да, улар мени ғажимайдилар. Лекин итни кўрганда...

— Бўриларингизга кўп ишонманг, — деди Маҳмуд атрофга кўз югуртириб. — Иккинчи терминалдан биринчи марта ўтишим. Қалай, Франция ёқаяптими?

— Ухлашим керак.

— Тушгача, — таъкидлади Маҳмуд. — Бижутерияни унутасиз деб умид қиламан.

— Бижутериядан ўзимга кераклисини олиб бўлдим.

«Эйр Франс» самолётларига хизмат қилувчи иккинчи терминалда қозоғистонлик сайёҳлар юкларини олиш учун тўпланиб қолишди. Лобар билан Маҳмуд уларнинг сафида жимгина туришди. Сайёҳлар автобусга чиқиб, Париж ичкарасига йўл олишганида, Лобар:

— Тушгача бўлса яхши, — дея эснади.

— Сиз ҳақингизда эшитиб, бир нарсага қойил қолдим, — деди Маҳмуд. — Қартани ростдан қийиб юборасизми? Балки меҳмонхонада бир-икки кўл «қулс» ташлашармиз?

— Қайси саволингизга жавоб берай?

— Иккаласига ҳам.

— Қартани яхши ўйнайман, бу «Лобар — қиморбоз аёл» дегани эмас, — кўзларини юмиб, оҳиста сўзлади Лобар. — Дунёдаги ҳамма халқларда ўйналадиган қарта ўйинлари анъанавий, оддий усулларга асосланган. Менинг бахтсизлигим шундаки, «Қора қарта рақси» мактабида ўзим билмаган ҳолда таълим олдим. Эрим

мендан воз кечганида, оғир аҳволда қолгандим. Бир далаҳовлида ҳам асира, ҳам рафиқа бўлиб яшадим. У ердан рус кампир ҳам кўним топганди. Олтмишинчи йилларнинг афсонавий қиморбози экан. Бўш вақтларда эрмак учун қарта ўргатарди. Курортларда, маёвкаларда «Қора хотин», «Дурак», «Суvara» ўйнайдиган хотинларни эшитгандим. Рус кампир менга америкалик аёл уч юз хил қарта ўйинларини ўрганиб, Гиннес рекордлар китобига кирганини айтиб, алдади, қизиқтирди. Энди кўраяпманки, уч юз хил ўйинни ўрганиш қийин-мас. Ўйинларнинг хилларини қарта тарихи билан шуғулланувчилар тадқиқ қилишаверсин. Қиморбозга юзлаб ўйиннинг нима кераги бор? Кампиршо мени икки йўлдан баравар олиб кетди: қарта ўйинининг турларини миямга қуйди ва... ҳар бир ўйинда ютишнинг юзлаб усулларини ўргатди. Россиядаман, асираман, бўш вақтларимда кампир билан қарта ўйнасам ўйнабманда, деб гўрлик қилганман. Аслида қимор жодугарининг сўнги шоғирдига айланганимни англаб етмаганман. Мендан кейин бешқа шоғирд чиқмаган. Балои-қазолар шунинг учун бошимга ёпирилди.

— «Қора қарта рақси» мактаби билан Иваннинг ўртоқларига қилинган суиқасдга алоқадор қора қарталар бир-бирига боғлиқми?

— Америкада яшовчи ҳинду билан Ҳиндистондаги ҳинди бир халқми?

— Тушунарли. Францияда бир қиморбоз бор, орқаваротдан эшитганман. Исм-фамилияси Франсуа Эжен Видок. Ҳеч кимга ютқазмаган, дейишади. Уни енголсангиз, миллион доллар ишлардик. Марказий Осиёга миллион доллар билан қайтсак, анча қадрли пул...

— Иккинчи саволингизга жавоб шуки, сиз билан «қул» ўйнамайман, қиморга ҳам энди бегонаман. Францияликми, италияликми, зўрлар билан кўп тўқнашганман, кўп таклифлар тушган. Россияга келганимга қараб баҳо бермоқчи бўлдингиз, мен тўрдан қутулмоқчи эдим;

холос. Ниятим бойлик орттириш эмас. Пул юртимда ҳам қоп-қоп топилади. Яъни ҳалол бизнес билан.

— Ҳазиллашдим. Франсуа Эжен Видок қиморбоз эмас, тарихда яшаб ўтган жиноятчи амалдорлардан бири.

Лобар мийиғида кулиб, кўзини очди.

— Яшагингиз келаяптими, Маҳмуд?

— Нима, биз ўлимга кетаяпмизми?

— Аэропортда халқаро терминални наҳотки бирдан ўзгартиришган бўлса?

— Жинни, — деди Маҳмуд. — Мен ҳозир Россиянинг ҳимоясидаман, хавфсизлигим таъминлангани учун ҳам махфий ишни бўйнимга олдим. Халқаро терминални ўзгартирадиган жинойи тўда бормикан?

— «Сувара», «Сувара»... — Лобар уҳ тортди.

— Нима?

— «Сувара» боши йўқ ўйин, — деди Лобар. — Русча «свора» деган сўзнинг ўзбекча бузилган талаффузи. Филологсиз, буни мендан яхши тушунасиз. Кайфиятим тушганига сабаб шуки, пешонамга Иван, Маҳмуд деган авомларни ўлимдан қутқариш ёзилганга ўхшайди. — У автобус ойнасидан кўчага кўз қирини ташлади. — Ишқилиб, яхшиликка бўлсин.

— Мен...

— Сиз, Маҳмуд, Қозоғистон фуқароси, айни пайтда Россияга ёлланиб, Францияда миссиясини бажараётган филолог олим битта ўққа ўласиз. Қайси калла билан бу ишга рози бўлдингиз?! Институтингизга қайтсангиз-чи!

— Бир аёлни Ла-Маншгача кузатиб қўйганим учун ким ўлдиради?

— Агар вазият тақозо қилса, мени Остонада учратиб қолганингиз учун ҳам сизни йўқотишлари ҳеч гап эмас! Ла-Манш бўғози эмиш! Масалан, кимгадир гувоҳ керак бўлмай қолади, тамом-вассалом, тақдирингиз ҳал!

— Секинроқ, Лобар... — кўшни ўриндиқларга ишора қилди Маҳмуд.

— Хўп-хўп, юртингизга эсон-омон қайтиб кетсангиз, бас.

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Хой, мен боғча боласи эмасман-ку...

— Биологик жиҳатдангина боғча боласи эмассиз.

Лобар қанақа меҳмонхонага қўнди, бошини-да кўтариб қарамади. Сайёҳларнинг ҳар иккитасига битта хона берилган эди.

— Сизга бир кишилик номер, — калитни тутқазди Маҳмуд.

— Ювиниш, овқатланиш, мизғиб олиш учун фурсатдан унумли фойдаланинг. Роса чарчаганингиз кўзингиздан маълум. Ла-Маншгача қора кўзойнак керакми?

— Ойналари қорайтирилмаган машинада кетар эканман-да? Начора, қора кўзойнакка розиман.

Лобар йигитнинг малламтир кўзларига тикилди. Бир жуфт шаффоф тирикликнинг тубида безовталиқ сузиб юрарди: Афтидан Маҳмуд на жанг санъатида, на қочдиқувдиларда устаси фаранг эди.

— Лондонгача неча соатлик йўл? — Лобар хонаси сари юрди.

— Машинада ҳечам бормаганман, — эргашди йигит. — «Евростар» поезди икки ярим соат, автобус етти соат йўл босади. Машина, тахминан, тўрт-беш соатда етса керак. Уртада паромга ҳам чиқилади. Паром — сузувчи тошбақа.

Иккиси ичкарига киришди. Лобар:

— Курол топасизми? — деб сўради.

— Менга керак эмас, сизга ҳам.

— Келишиб олайлик, йўлда сиз — дарға, йўл бошлайсиз, мен — кема капитани, буйруқ бераман. Улар йўлимизни тўсишлари мумкин. Капитан сифатида сизга буюраман, сўзсиз бажарасиз. Акс ҳолда сизни уйламай-нетмай отиб қўйишларидан қўрқаман.

— Кимдир бизни кузатаяптими? Нега Европадан бунчалик чўчияпсиз?

— Изимиздан тушмаган, деб айтолмайман. Иван воқеаси анча чуқур ботқоққа ўхшайди. Биз ўлимга юборилган зомбилар бўлиб чиқмасак гўрга эди.

— Шунақа денг, — кўзгуга қараб соч текислаган бўлди

Маҳмуд. — Балки омадимиз чопар? Руслар тавсия этган йўлдан кетаяпмиз, қоидаларга риюя қилаяпмиз.

— Гап русларда эмас. Мени Москвада отиб кетишганидан сўнг қандайдир тўданинг кузатувидаман. Иван воқеасига менинг воқеамнинг алоқаси бўлмаса ҳам, битта «минус»и бор.

— Улар Қозоғистонга ҳам, Францияга ҳам изма-из келишган, шунақами?

— Ҳа, мени кузатган бўлишса, Францияга жўнаганимдан аллақачон хабар топишган.

— Илтимос, Москвадаги суиқасдлар бўйича тахминингизни рўй-рост айтинг.

— Биз ахтариб бораётган Соҳиба қотилликлар буюртмачиси эмас.

— Унинг эри-чи?

— Кулоқ солинг, Маҳмуд! Қартада «Лавина», «Ландскнехт», «Ла Крап», «Леопард», «Лесенка», «Лингелонге», «Лоба», «Лоо» каби ўйинлар ўйналади. Эътибор берсангиз, бу ўйинларнинг номлари «л» ҳарфи билан бошланади. Сизга бир сирни айтاي.

— Жон кулоғим билан тинглаяпман, — деди Маҳмуд.

— Қартага ишонманг.

— Шуми сир?

— Иван ва ҳамтовоқларига уюштирилган суиқасдларни қарталарга кўп ҳам боғламанг. Қотил кимнидир ўлимга маҳкум этганида, қора рангли қарта ташлаб кетар экан, бу қиморга ишора эмас. Нега деганда, эшитганмиз: суиқасддан аввал пат, апельсин уруғи, шунга ўхшаш алламбалолар жўнатишади. Пат паррандачиликни, апельсин боғдорчиликни англатмайди-ку! Нима учун қора қарта донаси қотилликнинг сабаби қимор эканини билдиради, деб ёпишиб олишган?

— Фақат қартага ёпишган эмас. Бу ерда «Игор полки жангномаси» ҳам далил.

— Шунинг учун сафарга қартабоз билан филологни жўнатишдими?

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бошқа маънода айтдим, Лобар! Ҳар бир кичик далил ҳам катталаштирилиб текширилаяпти.

— Агар Иван фожиасига қартанинг умуман алоқаси йўқ, деб топилганида эди, менга мурожаат қилишмасди.

— Ҳамюртингиз Соҳиба масаласини унутиб қўйяпсиз. Қарта, қарта деявермасдан Соҳибани ҳам ўйланг. У билан гаплашадиган одамлар танловида сиздан маъқули йўқ эди. Яъни, бошқа одам тополмаган бўлсалар керак, демокчиман. Сизни эса Россияда жиноят оламини тафтиш қилувчилар отнинг қашқасидек танишади, айниқса, бошингиздан ўқ еб, Москвада даволанаётган чоғингизда.

— Барибир «иш»дан қартанинг ҳиди келаяпти. Қора рангли қарталарни «Қора қарта рақси» билан боғлиқ деб ўйлаш телбалик! Мен ўрганган қарта ўйинлари «Қора қарта рақси» дейилишига сабаб — рақибнинг бошига қора кунларни солади. Бўёқнинг умуман алоқаси йўқ, эшитиб қўйинг шуни!

Маҳмуд бош қашиди. Ўртага оний сукунат чўкди.

— «Л» ҳарфи билан бошланадиган қарта ўйинларини бекорга санамадингиз шекилли? — эшикка юрди Маҳмуд. — Тушгача мизғиб олай, Ла-Маншгача машина ҳайдайман.

— Ўз исмим билан қарта ўйини ўйлаб топишим мумкин. Афсуски, бу ўйин ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Ҳамма ишларнинг калити — ҳаракатда. Энг эски ўйин билан ҳам миллионларни ютиб олса бўлади. Ҳозир қарта ўйинларидан икки юз хили кенг тарқалган. Уларнинг сонини ошириш, алифбосини тузиш фирт бемаънилик. Менимча, сизга ўхшаган олимлар киришган бундай илмий изланишга.

— Тушунарли... Лекин биттаси исмингизга мос экан?

— «Лоба»ми?

— Ҳа. Битта «р» етишмаяпти.

— У Америкача ўйин. Менга ёқмайди.

— «Маҳмуд» деган ўйин йўқми мабодо?

— «Мудак» дегани бор.

— Эй, мазах қилаяпсизми?

— Афсуски, мазах қилмаяпман, — диванга чўзилди Лобар. — Ростдан шунақа ўйин ўйналади.

— Сизни аниқ манзил томон ақлим билан бошлаб бораяпман.

— Сизни «мўдак» демаяпман, инсон! Бундай олиб қараганда, шу юришларингиз илмий ишларингизга кирадими?

— Илми ташлаб кетганимга беш йил бўлган.

— Қўйсангиз-чи, — эснади Лобар. — Илм сизни ташлаб кетгани кўриниб турибди-ю! Илтимос, эшикни қаттиқроқ ёпинг! Икки соат ичида умуман безовта қилманг.

Лобар ёлғиз қолгач, қулфни текшириб, ваннага бош суқди. Француз меҳмонхонаси дунёнинг бошқа мамлакатларидагидан ҳеч ҳам фарқ қилмасди: шампунлар, совунлар, турли ҳажмдаги момик сочиқлар. Ҳаққиға кўчганда, Лобарнинг кўнглига сайр-саёҳат сиғмасди. Бир вақтлар тўкин дастурхон, ҳашаматли уй, қўша-қўша машинага эга кишиларда ташвиш йўқ деб ўйларди. Четдан қараганда, Лобар ҳақида ҳам айримлар шундай хаёлга боришлари турган гап эди. Банкдаги юз минг доллардан зиёд пул, уй, машина, бизнес. Ўттиздан ошган эса-да, ёш ва соҳибжамол. Боши очиқ, эркин қуш, тергайдиган одами йўқ. Боз устига кимларнингдир, ҳаттоки хориждаги расмийларнинг ҳам иши тушади.

— Тентакман, — ёстиққа бош қўйди Лобар, — жонидан тўйган тентак, фирт аҳмоқ! — Чойшабни ғижимлаб, депсинди. — Ўзимнинг калламдан ўзим шўрва тайёрлаяпман.

У шифтга унсиз термилиб ётгач, телефонини қўлига олди. Қувоннинг рақамлари аввалги телефон билан бирга гўрга кирганди. Охирги огоҳлантирувчи кўнғироқдан сўнг йигитнинг пайтавасига қурт тушгани аниқ. Лобарнинг онасидан сўраб, Москвадаги шифохонада ётганидан хабар топган. Қозоғистондан сим қоққанини, янги



тижорат бошлаганини ҳам эшитган. Кувон ишонмаган. Ишонмайди ҳам.

Лобар беихтиёр уни Шомил билан қиёслади. Шомил истаса, Лобарни дунёнинг нариги бурчагидан ҳам ахтариб топган бўларди. Кувон ҳам кўлидан кўп иш келадиган тадбирли йигит, бироқ гоҳ хоҳиш, гоҳ пул етишмайди. Лобар унга ким? Хотин ҳам, маъшуқа ҳам, қариндош ҳам эмас. Гарчи опа-ука тутинган бўлишса-да, муҳаббатнинг рангсиз, ҳарир ришталари тақдир шамолларида ҳилвирайди. Ришталар оғир юлдузни ўз-осмонига тортиб келолмайди, кучсиз, ишончсиз. «У мени жондан ортиқ севадими?» — сўради Лобар шунда ҳам. «Йўқ», — деб жавоб берди кўнгли. «Менга уйланадими?» — Яна ўша жавоб: «Уйланмайди...»

Тўсатдан Шомилни ёмон кўриб кетди. «Шу қадар қудратли шахсми? Дунёнинг нариги чеккасидан ҳам ахтариб топадими? Йўқ, у ўз манфаатларига монанд келса, ахтаради. Акс ҳолда... Россияда бирга яшаган кезлари ёлғиз кампирга ишониб ташлади-кетди. Қора яхшилик одамни адо қилади. Менинг бахтимни ҳам Шомилнинг қора яхшилиги хатолар уммонига фарқ қилди...»

Лобар бировлардан айб қидира-қидира ухлаб қолди. 12:00 да Маҳмуд эшик қоқди. Улар кеч тушмасдан Лондонда бўлишлари лозим эди. Тушлик ҳам қилмасдан орқа эшикдан чиқдилар-да, машинага ўтирдилар.

— Мен ижарага олган энг яхши машина, — изоҳ берди Маҳмуд.

Иккови ҳам бошдан-оёқ либосларини алмаштиришган эди. Машинадан ажиб атир ҳиди анқирди.

— Шляпа ярашдими ишқилиб? — сўради Лобар.

— Синф, — бош бармоғини кўрсатди Маҳмуд.

— Нима дегани у?

— Класс, — йигит машинани кўчага ҳайдади. — Боя танқид қилганингиздек мени илм тарк этган, чаласавод филологга айланганман.

— Ла-Маншга эсон-омон кузатиб қўйганингиздан кейин эски касбингизга қайтинг. Ёшсиз, бошингиз бутун. Хавфли сўқмоқлардан юрманг.

— Насихат, насихат...

— Йўқ, илтимосим менинг.

Машина Париж канорасидаги тор кўчалар оралаб, айланма кўприкка етди. Кўприкда ҳам, унинг остидаги кўп чизиқли йўлда ҳам турли рангдаги катта-ю кичик машиналар гиж-гиж эди.

— Йўлда овқатланамиз, — деди Маҳмуд. — Юз қақиримлардан сўнг.

— Руслар хавфсизлигингизни тўлиқ таъминлаганми? — Лобар қора кўзойнагини тақиб, атрофдаги машиналарга қарай бошлади.

— Ҳаммасини улар ташкиллаштираяпти. Остона-Париж авиарейси, Париж-Лондон автотрассаси. Ишни ҳал қилсангиз Лондондан тўғри Остонага учасиз. Остонада тўрт томонингиз қибла.

— Анатолий Ивановичга розилик бермаганимда Парижни кўрмас эканман-да? Худди кўшни шаҳарда, Жиззахдами, Гулистондами юргандайман. Ҳис-туйғуларим қулфланиб қолди.

— Сизга яхши муомала қилишганини тушунинг, — олдиндаги машинага сигнал чалди Маҳмуд. — Саксондан оширсам бўлар, а?.. Хуллас, Анатолий Ивановичга рад жавоби берганингизда, Парижни ҳам, ватанингизни ҳам кўрмасдингиз.

— Кўрқиб кетдим.

— Беҳазил. Сизга нима учун Қозоғистондан кўнғироқ қилишга имконият қолдиришди? Уйингиздагилар қаерда эканингизни билишни исташди. Сиз янги бизнес билан юрибман, дедингизми? Менимча, Лондонда хатога йўл қўйсангиз, тижорий молларингизнинг орасидан гиёҳвандлик моддаси чиқса керак. У ҳолда аҳволингиз танг бўлади. Тошкент ёки Самарқанд халқаро аэропортида нозик қўлларингизга кишан урилади.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Хоҳлаган вақтларида мени йўқ қилишар экан-да? Ҳа, эски ҳунарлар.

— Хафа бўлманг, қоида шунақа.

— Биладан.

— Нега фақат мендан ташвишланаяпсиз? — Бир оз ўтгач, Лобарга кўз ташлаб қўйди Маҳмуд. — Бизга қоронғи бирор нимани билсангиз айтинг, мен етказай. Тагин бошингиз балога қолмасин.

— Доимий алоқдамисиз улар билан?

— Албатта.

— Битта муҳим гапни сўраб беринг.

— Ҳўш?

— Нега Антолий Иванович ва одамлари Соҳибанинг эри кимлигини аниқлашолмади? Ўлсам ҳам ишонмайман.

— Мен оддий дарғаман, уларнинг сирларидан тўлиқ хабардор эмасман.

— Сиздан сўрамадим. Улардан сўраб беринг, дедим.

— Узр, ҳар қадамда кўнғироқ қилолмайман.

— Мабодо ҳозир отишма бошланса-чи? Ўлиб кетганингиздан кейин кўнғироқ қилолмайсиз-ку.

— Оддий саволлар билан вақтини ололмайман.

— Оддий савол эмас! Ҳозироқ йўлимни ўзгартириб, дуч келган казинога кирсам, мен ҳақимда халқаро қиморбозларга сигнал кетади. Бошлигингиз гиёҳвандлик моддаси билан ушлаб бермоқчи экан, мен Иванни ўлдиришларини буюраман.

Маҳмуд ўнг қўлининг тирноғини гажиди.

— Иван бечорани сиз ҳам ўлимга маҳкум этмоқчимисиз? Мана, суиқасдларнинг калитини қаёқдан излаш керак!

— Балки.

— Балки эмас, ҳақиқатан. Оталар болаларнинг бошини ейди.

— Нега мени ўлдиришмаяпти? — деди Лобар. — Чунки кимларгадир керакман. Оддий келин эдим, шарқлик уй бекаси. Нима бўлдим? Манаман деган профессионал қартабозларининг ҳам пачавасини чиқариб бердим.

Кечирасизу тиланчилар ҳам «барон»сиз уюшолмайди, уларнинг ҳам ўз салтанати бор. Биз ҳозир қаердамиз? Франция деган давлатда. Аслида сиёсий жиҳатдан Франция давлати! Мисол учун, қайсидир тиланчи учун шу атрофлар ўз ҳудуди, гўёки давлатники эмас. Айни дамда бир безори болакайнинг ҳам ҳудуди. Бола ўзига ўхшаган болаларга нисбатан бу ерларга ҳукмдор. Бегона чурвақанинг оёғи етдими, уриб кўзини кўкартиради. Жиноят салтанатидаги қиморхоналарда кимларнингдир манфаатлари учун қарга ўйнаб, галаба қозондим. Улар яхшилигимни унутишмаган кўринадики, тирикман.

— Қиморбозларнинг ҳудудида юрибмиз, денг.

— Мен расмий шахс, тиланчи ёки бола эмасман.

— Унда Москвада нега отишди? — Маҳмуд Лобарнинг бошига кўз ташлади. — Сал бўлмаса ўлардингиз.

— Улар янги чиққан мустақил жиноий тўда эди.

— Жиноий тўдаларнинг ҳам мустақил ва қарамлари бўларкан-да?

Маҳмуд ташқарига туфлаб, машинани катта йўлдаги уловлар карвонига қўшди. Энди улар соатиға бир юз йигирма километр тезликда йўл боса бошлашди. Лобар Эйфель минорасига яна бир марта қараб қўйди. Миноранинг металл вужуди борган сайин рангсизланиб, губор ичра қолаётган эди.

— Менимча, сиз ўлгансиз, — деди Маҳмуд.

— Раҳмат, — тумшайди Лобар.

— Аёл сифатида.

— Дарров ўч олишни ёқтирар экансиз.

— Илм бўйича танқидингизга шама қилаяпсизми? — тезликни янада оширди Маҳмуд. — Ҳе йўқ, кўнглимга олмадим. Эски гапларни жиним суймайди. Илм йўлига кирган одам умрбод давом эттириши керак, унақа-бунақа! Нима, жангчи умрбод жанг қилиши керакми?

— Ўзингиз биласиз, — эснади Лобар. — Уйкуга тўймадим. Сал секинроқ ҳайданг.

— Кўрқаяпсизми?

— Синаяпман.

— Кимни?

— Кутинг, билиб оласиз.

Ярим соатча юришди. Лобар машина ўриндигига бош кўйиб кўзини юмган, ухляптими, уйғоқми, билиб бўлмасди.

— Ажойиб манзаралар, — оҳиста туртди Маҳмуд.

— Тепаликдаги уйларга қаранг! Францияга келсам, мактабдаги тарих китобларим ёдга тушаверади. Француз қироллари, рицарлар, қасрлар, қадимий халқ. Улар шу ерларда яшашган, нафас олишган. Боя айтганингиздек, ҳар бир қарич ер кимникидир бўлган. Ҳозир замон ўзгарган. На безори болани, на тиланчини учратасиз бу йўлларда.

Лобарнинг вужудини ҳам, руҳиятини ҳам оғир юк босмоқда эди, Маҳмуднинг минғиллашлари асаб торларини чертди. «Ақлли малай, — деди ичида. — Юрган йўлинг балчиқ, гапирган гапингда атирнинг ҳиди...»

Ҳақиқатан, Маҳмуднинг жағи очилди. Лобар унга кулоқ солмай кўйди. Кўп ўтмай сўради:

— Бу йўллардан неча марта ўтгансиз?

— Мақтанишмас. Учинчиси.

— Шўрлик... Ўйлаб кўрсам, аҳмоқ эканман.

— Нега?

— Москва-Остона-Париж-Лондон йўналишига кўнмаслигим керак эди. Отишмада қолмасак эди ишқилиб.

— Ҳали ҳам ўша ўйми?

— Афсуски, изимиздан тушишган.

— «Дум»имиз бор демоқчимисиз? — дея Маҳмуд пешойнадан қаради. — Қайси бири?

— Икки машина нарида келаётган ҳаворанглисини кўраяпсизми? Машиналарнинг русумларини билмасам ҳам, ҳарқалай қарталарни таний олганимдек, ранг-тусидан эслаб қоламан. Меҳмонхонадан чиққаннимизда, у кўчанинг чап тарафидаги ўттизтача машина орасида турганди.

Маҳмуд телефон рақамларини терди.

— Соҳибанинг эри ҳақида ҳам сўрашни унутманг,  
— Лобар пешонасига қўндирилган кўзойнагини олиб қўйиб, сумкасидан қарта чиқарди-да, чийлади. — Ёлланма куёв билан «олигарх»нинг аслида кимлар эканини билишим керак. Лондонга шабкўр қилиб жўнатишади-да, аллақандай шартлар қўйишади.

Маҳмуд телефонда французча гаплашди. Лобарга қараб қўяркан, хавотири ошаётгани сезилиб қолди. Уларнинг оёқлари остидаги ер сиёсий нуқтаи назардан Франция эканигина аён эди.

— Пасайтирамиз, — деди Маҳмуд газ педалидан оёқ бўшатиб.

— Соҳибанинг эри ким? — сўради Лобар.

— Аввал орқадаги «дум»ми, «дум» эмасми, аниқлик киритишим керак.

— «Дум» экани аниқ, Маҳмуд, — Лобар қарта доналарини унинг тумшугига нуқиди.

— Қартанинг нима дахли бор?

— Қимордан кетмаганимни тушунишлари керак.

— Қиморбозликни ташламаган экансиз-да?

— Изимиздан қуролли кимсалар тушганда, қимордан кетмаганимни фаҳмлатиб қўйишим шарт. Ҳар бир сонияда ўққа тутишлари мумкин, тушундингизми?

— Қуролланганини қаёқдан биласиз?

— Бир хўкиз айтган экан, подамининг орқасидан келаётган подачининг гаврони йўқ, деб. Шунда моллар экинзорга бурилибди-ю, бошларига таёқ тушибди.

Улар хийла секинлашса-да, ҳаворанг машина ўзиб кетмади.

— Қойил, — деди Маҳмуд. — Ростдан ҳам таъқиб қилишяпти. Қарта билан уларни алдамоқчимисиз?

— Ҳа. Энди ҳаммангизни ҳимоя қилишимга тўғри келади.

— Сизнинг ҳимоянгизга зор эмасмиз.

— Ҳўп. Соҳибанинг эри кимлигини айтарсиз?

— Бўри деган бизнесмен.

— Бўри унинг исмими?

— Ҳа. Танийсизми?

— Қаёқдан танийман! Яна қандай маълумотлар бор у ҳақда?

— Россияда яшаб, бойиб кетган. Тўрт марта уйланган. Ҳозир Англияда. Ёш хотини ҳам бирга. Россияда ресторанлар, боулингхона, бильярдхона... шунақа жойлар очган. Англияда ҳам, Италияда ҳам ошхоналари бор.

— Россия нега уни исканжага олмабди?

— Далил-йўқ. Суиқасдларнинг бошида турган одамнинг жилови Бўрининг қўлида, деган гумонлар бор, холос. Сиз Соҳиба билан гаплашиб кўрасиз. Натижа дарров чиқмайди, шунинг учун янги кўрсатмалар бўйича Мадина орқали қўнғироқлашиб турасиз.

— Анавилар отиб кетмаса, ўйиндан чиқасизми?

— Чиқаман.

Ҳаворанг машина тезликни ошириб, уларнинг ёнига ўтди. Лобар рулдаги кимсага қарамоқчи эмасди, аммо...

— Ҳий-ю-ҳуйт! — қичқирди ҳайдовчининг орқасида ўтирган мўйловли кимса. Хуштак ҳам чалди. — Салям!.. Салям-алаякум! Бирадарля!

— Бу масхарабоз нима қилмоқчи, а? — пешонаси тиришди Маҳмуднинг.

— Француз тилида «Тошингни тер, маймун» дейишни ўргатворинг, кимлигини эслатиб кўяман.

— Йўқ, — деди Маҳмуд, — француз тили ҳам, қўлингиздаги қарта ҳам иш бермайдиганга ўхшайди. Кўраяпсиз-ку, улар ўзбекча гапиришга чиранишяпти. Меҳмонхонада изимизни искашган, ярамаслар.

— Ундан ҳам аввал деяверинг. Яширинча сафарга чиққанимиз бир пул бўлди. Москвага келганимда Акбар деган йигит эшик тақиллатди. «Ҳа», десам, «Изингиздан тушган жосусман», дейди безрайиб. Бошимга ўқ узмасларидан илгари эса каттароқ тўданинг кузатувига тушдим. Хуллас, галактикамдан учиб чиқолмадим.

– Биз улардан ҳам катта тўданинг ёрдамидан фойдаланаётгандик.

– Демак, тўданинг катталигига эмас, тажрибасига қараш керак экан.

– Агар тўхтатишга уринишса, полициячи учрагунча қочишим тайинланган.

– Кечикдингиз, – деди Лобар. – Тўдангизга уят! Мен ҳам гердайиб уларингизга ишониб юрибман-а!

Дарвоқе, мўйловли кимса автомат қувурини кўрсатди. Ҳатто, қувурга бармоғини нуқиб: «Ямон! Жуда ямон!» – деб заҳарханда қилди.

– Аблаҳ! – сўкинди Маҳмуд. – Умуман тушунмаяпман! Бизни аниқлашга қандай улгуришди-я?! – Тезликни камайтириб, ён чироқларни ёқди. – Тўхтайман.

– Чўчқадан кейин ўнгга! – бақирди мўйловли кимса русчалаб. – Ҳозир тўхтама! Ошхонада гаплашамиз! Кўрқманглар, биз элчилармиз, холос.

– Нима қилай? – сўради Маҳмуд.

– Хув ана, чўчқа, – Лобар йўлнинг ўнг ёқасидаги кулранг бронза ҳайкалга кўз қадади. – Бир чақиримча юрсак, ошхонага етамиз. Қаранг! Далалар худди Россияникига ўхшайди-я!

– Қўнғироқ қиламан.

– Ўн дақиқада ёрдамчи кучларингиз келадими?

– Билмасам.

– Унда жиғига тегманг! Машинани бирдан буриб, қочсангиз ўн-ўн беш дақиқада қутулолсангиз қутулолдингиз! Шунда ҳам бошидаёқ отишни эплаёлмаса!

– Хўш, нима қилай? Уларни танияпсизми?

– Ит танийдими бу каламушларни! Қани, айтган жойига борайлик-чи, муддаолари нима экан элчи юборганларнинг.

– Чўчқадан бурилмасдан аввал тўхтаб кўраман. Ҳойнаҳой, катта йўл ёқаси, машиналар кўп, видеорегистраторлар бор.

– Имкониётингиз тўқсон тўққиз фоизга йўқолди.



Маҳмуд яна ёнчироқларни ёқди. Ҳаворанг машина орқада тўхтади. Мўйловли кимса тушиб, кеккайганча яқинланди. Қадамани олчоқларча босишига қараб бир умр бўғоз от минган деб ўйларди киши.

— Нега тўхтадинглар? — Лобарга энгашди у.

— Ким элчи юборганини билмоқчи эдик, — деди Лобар. — Мезбон кимлигидан беҳабар меҳмонда кайфият бўлмайди.

— Топинглар-чи, ким? — илжайди мўйловли.

— Сизни элчи қилиб юборганга қараганда, тузук одам эмас.

— Тўғри, мен ёмонман, у ҳақда эса ўйлаб гапириш керак, хоним! Тарбиясизлигим етмагандек учига чиққан хотинбозман. Хоҳласам, рулдаги олифтани ўлдириб, сизни исловотхонага ўғирлаб кетаман. Марселда сердаромад жойни биламан.

Лобар машинадан тушди. Мўйловли кимса уч-тўрт қадам тисланди-да, қўл қовуштириб:

— Ҳўш? — деди.

— Тилингизни суғуриш азоблими-ё терингизни шилиш?

— Иккаласи ҳам ўзингизга насиб этсин, — деди мўйловли.

— Муддаога ўтинг, жаноб!

Ҳаворанг машинадагилар сигнал чалиб, мўйловлига имо-ишоралар қилишди.

— «Қонундаги ўғри» ва сиздек қиморбозларни ўлдириш бошга битган бало бўлади, — деди у. — Ҳўп, ҳозирча шафқат қиламан. Марҳамат, анави ажойиб йўл ошхонасида эрингиз кутаяпти.

— Менинг эрим йўқ.

— Собиқ эрингиз.

— Ҳазил ҳам эви билан, — Лобар қарталарни беихтиёр аралаштирган эди, қизил фиштин валет чиқди. — У нима қилиб юрибди Францияда?

— Афсуски, бу саволни сизга бериш керак, — деди мўйловли.

## Қил устидаги тақдир V

Лобар рўпарасидаги бузуқ феълли бандани муқаддам қаердадир учратганига имони комил бўлди. Ҳақиқатан, Шомилнинг одамларидан биримикан?

— Биз танишмиз шекилли?

— Ҳа, сизни танийман, — жиддий тортди мўйловли.  
— Лекин мени билмайсиз, эслолмайсиз. Фақат бир нарсани айтаман: Россияда яшаганман.

— Шомил аканинг далаҳовлисида қўриқчи эдингиз?

— Ҳе-ҳе-ҳе, — ҳиринглади мўйловли. — Умримда қўриқчилик қилмаганман. Бунга масъулиятим етишмаслиги йўл қўймайди.

Ошхона олдида ўн чоғли машина турарди. Бола етаклаган эр-хотин чиқиб, машиналар сари юришди. Оқиш шим кийган, сариқ қўйлакли тепакал, қориндор киши ошхона эшиги олдида телефонда гаплаша бошлади. Ўтлоқда говмиш сигирлар ўтламоқда эди. Тераклар нафақат Россияни, она юртни ҳам эслатиб юборарди.

— Шу ошхонада кутаяптими? — ишонқирамади Лобар.

— Ичак-чавоқларим билан қасам ичаман, — деди мўйловли.

Кейин у лабларини ялаб, қўлини ошхонага чўзиб, манзират қилди-да, машинасига қайтди. Маҳмуд газни босиб, ура қочиб қолишини Лобар кўнглидан ўтказганди, шунинг учун:

— Қочиб кетсангиз бўларди, — деди машинага ўтириб.

— Ошхонага сизнинг ҳам киришингиздан қўрқаяпман.

— Номард эмасман, — норозилик-ла пўнғиллади йигит. — Эшитинг! — «Игор полки жангномаси»даги гапларнинг маъноси шуки, Олтин Ўрда жангчилари Қадимги Руснинг забт этилган ҳудудларидаги аёлларни, қизларни булғашган. «Се у Римъ кричатъ подь саблями Половецкими» деган сатрнинг тағмаъноси шунақа бўлишини рад этиш қийин. Анатолий Ивановичга айтганман. Ошхонадан икки оёқда чиқамизми ё усти ёпилган замбилдами, ҳозирча қоронғи. Москвада гастарбайтер бўлган келинчакни ҳимоя қилган шахс

қоғозча орқасида бекорга «Жангнома»дан парча ёзиб қолдирмаган. Тахминим исботланса, гап халқаро террорчиликка бориб тақалиши эҳтимолдан холи эмас. Қандай қилиб дейсизми? Ҳа, қандай қилиб бу ишга аралашганингизни тушунишингизни истардим, Лобар!

Машина ярим доир ҳосил қилиб, асфальтни гижирлатганча тўхтади.

— Ҳайдовчи машинада қолса бўладими? — сўради Лобар мўйловли кимсадан.

— У оддий ҳайдовчи эмас, «перевозчик», — деди мўйловли. — Шундай экан, шерик ҳам ошхонага киришга мажбур. Телефонини ўчирсин! Акс ҳолда, нағмаси ўлим билан якунланади.

Ҳаворанг машинадагилардан бирортаси ичкарига кирмади. Лобар ва Маҳмуд ошхонанинг ойнаванд эшигини енгил очиб, даҳлизга қадам қўйишди. Чапда одам бўйли кўзгу, ўнгда гардероб жойлашганди. Тўғридаги овқатланиш зали ўрадан кундалангига девор билан бўлинган эди. Девор шифтгача кутарилмаган бўлиб, нариги томонда яна бир зал кўзга ташланарди. Бироқ чироқлари ўчиқ бўлгани боис иккинчи зал куюқ соя қўйнида эди.

Чапдаги кўзгу ёнидаги эшикдан баланд бўйли хушсурат йигит чиқиб, бош қимирлатиб қўйди. Иккаласи унга эргашиб, нариги бўлмага юришди.

— Сиз у ёққа ўтмайсиз, — деди йигит Маҳмудга. — Анави столлардан бирига жойлашинг, тушлик келтиришади.

Ичкари бўлмада оддий стол-стуллар ўрнига юмшоқ диванлар қўйилганди. Катта залдек эллик-олтмиш чоғли хўрандага хизмат қилолмаса-да, қирқ киши жойлаша оларди. Айни дамда тўрда ўтирган, юзига ноутбук шуъласи тушаётган шляпали кишидан бошқа ҳеч зог кўринмасди.

— Шомил ака, — шивирлади Лобарнинг лаблари.

У йигирма қадамни босиб ўтгач, шляпалининг қаршисида серрайганча қолди. Шляпали томоқ қирдида, ноутбукдан бошини кўтариб:

## Қил устидаги тақдир V

— Салом, Лобар, — деди. — Қани, ўтир! Қирқ йилдан бери кутаяпман. Юртингдан чиқай ҳам демайсан.

— Сиз?..

Дарҳақиқат, шляпали кимса Шомилнинг шаҳсан ўзи эди.

— Ҳа, мен. Нима бало, улар ошхонада айнан камина кўзларим тўрт бўлиб кутаётганимни сир тутишдимми?

— Йўқ, лекин...

— Аввал мени эшит, Лобар! Ўзбошимчалик ҳам эви билан! Сен охири муқаррар ўлимнинг билан тугайдиган қалтис ўйинга қўшилдинг. Москвадан тўғри уйингга кетсанг бўлмасмиди? Энди жонингга ҳеч ким оро киролмайди. Нега бундай қилдинг?

— Ҳеч кимнинг ёрдамига зор эмасман, — деди Лобар ўксигандек. — Менинг ҳам ишонган куролим бор.

— Ишонган куролинг ўлган!

— «Ишонган куролим» деганимда, нимани тушундингиз? — деди Лобар.

— Қарталарни, — дея Шомил сумкага нафратомуз қаради. — Сени Европага юборганларнинг таклифига рози бўлганингадەқ қарталаринг ўлган.

— Йўқ, ишонганим у эмас... Демак, ҳар бир қадамимни кузатиб юрибсиз. Россияга сизни топиш учун боргандим. Қанча одам ўлиб кетганини ҳам билиб юрибсиз! Нега менинг ҳаётим сизникидан ажралиб чиқмаяпти! Боғлиқлик! Боғлиқлик! Қон! Мурдалар! Ҳаммасидан чарчадим!

Шомил ўқрайиб, уф тортди-да:

— Кўп вайсама! Ўтир! — деди.

Лобар жойлашгач, Шомил ноутбукни ёпиб, диван суянчиғига елка ташлади.

— Қулоғим сизда, — тоқатсизланди Лобар. — Қувонишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан киши. Буларнинг барчаси қачон тугайди?

— Сен қимор дунёсидан чиқиб кетдинг. Энди ўлдириласан!

— Марҳамат, отинг! Сизми ўша қотил?

— Томинг кетибди-ку! Одамларимга азиз меҳмонларим яқинлашиб қолдимикан, деб қўнғироқ қилганимда, улар машинада қарта машқ қилаётганингни айтишди. Агар ҳар бир қадамингни санаб юрганимда, сени шунчалик машаққат билан топармидим?! Нима ичасан?

— Ичмайман! Россияга Ноя деган кимсани, унинг «Викинг» тўдасини, сохта Шомилу ҳақиқий Шомилни ахтариб бордим. Мақсадим — учрашиш ва тинч қўйишларини сўраш эди!

— Кимни? — савол таъшлади Шомил.

— Қўпол қилиб айтганда, инсонларни! — деди Лобар.

— Бунинг нимаси қўпол?

Лобар Омонгул табибнинг ўлими, поччасига турмушга чиққан қиз, қўли мажруҳ қилинган қиморбоз, Шомил ролини ўйнаган Ноя, Рим шаҳридаги бойлик манзили — барчаси ҳақида киприк қоқмай, қисқача сўзлаб берди.

— Мени ҳалигача севасанми, Лобар? — шундан сўнг сўради Шомил.

— Асло.

— Мана буни қўпол жавоб деса бўлади. Ҳа, майли, чунки мен ҳам сени севмайман. Шунга қарамай, куёвга бермасликка тиришаман.

— Ундан кўра мен қўшилган ўйинни гапирсангиз бўларди. Хўш, нима учун ўлдирилар эканман?

— Римда бир аҳмоқдан бошқа ҳеч кимни отмадим. Кўриб турибсан, қўлларимда кишан йўқ. Гўшамга қайтиб, тинчгина яшамоқчи бўлганимда, Милан шаҳрида изимдан одам келиб, «Сенинг Лобаринг ўлим билан ўйнашиш учун Лондонга отланди», дейишди. Балки ишонмасан, мен Миланда «Ла скала» опера театрида кун ўтказиб юргандим. Анна Сергеевна эсига тушибди, деб кулгимни қистатма. Кампиршо операдан кетгач, меникига келган ва уни ҳеч қачон опера саҳнасида кўрмаганман.

— Лондонга жўнаганимни ким айтди? Бу жуда қаттиқ сир тутилаётган эди.

— Бир вақтлар мени «Моссад» ҳамкорликка таклиф этган.

— Исроил разведкасими?

— Барибир бошқа катта идораларнинг манфаатига ишлашга тўғри келди. Италияда мушкул вазиятга тушдим. Диққат билан эшит, Москвада сенга Гажар ўқ узган. У Римда яна абжирлик қилди ва Нояни ҳам, шотирларини ҳам отиб ташлади, яъни хўжайини-ю ўз сафдошларини аямади. Бироқ асл хўжайини Лондондан паноҳ топган Гена деган шахс эди, буни билиб қўй, Лобар! Мен эса Гена билан апоқ-чапоқ эдим. У Англияда яшашимга шароит қилиб берган, паспорт ҳам олиб берган эди. Афсуски, малайига айланганимни кеч тушундим. Хуллас, Римдаги хатомни такрорламайман. «Викинг» энди мавжуд эмас. Гена француз чолнинг бойликларига эга бўлгач, менга сим қоқиб, катта кўчани кўрсатиб қўйди. Полицияга тутиб бермаганига шукрона айтиб, Миланга яшириндим. Римдаги хунрезликдан сўнг Англияга қайтолмаслигим аниқ бўлди-қолди. Бир танишим бор эди, театр импресариолари билан оғиз-бурун ўпишган. Унинг ёрдамида вақтимни ажойиб маконларда тинчгина ўтказиб туришга аҳд қилдим. Мени йирик ташкилот ахтариб топди. «Моссад»нинг шубҳали таклифларини рад этгандим, буларга йўқ деёлмадим.

— Кимларга?

— Инглизларга. Сенинг Москвадан чиқиб, Лондонга йўл олганингни инглиз разведкаси аниқлади ва менга хабар беришди. Биз ҳозир Франция заминида турибмиз. Тайинки, Франциянинг ифлос пашшасини ҳам ўлдирмоқчи эмасман. Кейинги манзилим Туркия бўлади. Туркияда ҳам шўхлик қилмайман. Оқибатда, мени Франция, Туркия каби давлатларнинг хавфсизлик органлари таъқиб қилмайди. Оғайниларим шу ергача келишимга ёрдамлашишди. Гарчи англиялик бўлишса-да, ҳозирча Қиролликка ўтолмайман. Римдаги воқеадан сўнг рухсат йўқ.

Лобар тушунолмай қолди.

— Мен бир ҳамюртим билан учрашишга кетаяпман, — деди у. — Англияга қарши нима иш қилибман?

— Гена Россияда яшаган чоғларида порнографик фильмлар ишлаб чиқарувчи муртад эди, — давом этди Шомил. — Лондонга кўчиб ўтдию нафақат бизнесменга, ҳатто кўли узун олғирга айланди. У Лондондаги уйида ўтириб, «Витторио Венето, 136»даги пулларни кўлга киритди. Генанинг бахтига қарши, шу орада инглиз разведкасига бир маълумот тушган. Унга кўра Гена лақабли шахс террорчиларга пул ҳадя этиши мумкинлиги гумон қилинган. Генадан бировга, бировдан яна бировга. Охирги манзил — кўпоровчиларнинг ҳамени.

— Мен Генанинг уйига бораётганим йўқ-ку!

— Гена бир гап айтган эди: «Лобарни ўйиндан чиқариш учун турмушга бериш керак». Сенга куёв ҳам топиб қўйишган экан. Россияда яшовчи бизнесмен, миллатдошинг, ишқибозларингдан. Шу кўйи оила ва эрининг карьерасига кўмилиб кетишингдан умид қилишган. Кўриб турибмизки, сен «ЗАГС»га эмас, Лондонга, «Кавказ» ресторанига отлангансан.

— Гена мени танийдими? «Меҳрибончилиги» ансамни қотираяпти.

— Ха, танийди. Унинг таниш-танимаслигидан ҳам муҳими бор. Бу — Мадина.

— Эй Худойим-ей!

— Римга кетишимдан аввал ресторанимга Москвадан бир қиз келди. Кўҳликкина, ақлигина, ўн етти ёшда. «Лондондаги коллежда ўқияпман, бўш вақтимда ресторанда коса-товоқ юйиб, пул ишласам», деди. Уни ишга қабул қилишларини буюрдим: Яширмайман, асли абхазиялик бўлган муслима менга ёқди. Биз Темзада сайр қилдик, дилдан суҳбатлашдик. Москвадаги одамимдан уни суриштирганимда эса Мадинанинг айрим гаплари ёлғон бўлиб чиқди. У казиноларга тез-тез борадиган қиморбоз экан. Хўш, қиморбоз қиз нега

менинг ресторанимга коса-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирди? Умрини қимор бандаларини қон қақшатишга бағишлаган жаллоднинг уйига қайси шамол учирди? Бу саволга ҳам жавобни инглизлардан олдим. Фақат аниқ жавоб эмас, кўнглим тўлмади.

— Ҳаётингиз мен ўйлагандан ҳам мураккаблашиб кетибди, Шомил ака. Бунда ўзимнинг айбсизлигимни кўрганим учун муомалангизга ҳайронман.

— Эҳ, сизлар! Россиядан изимга жосус аёл юборилган. Унга мени ўлдириш топширилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аниқ жавоб эмаслигига далил шуки, жосус ё Мадина, ё сен бўлиб чиқасан. Қасам ичиб айтаманки, бошқа ҳеч ким эмас!

— Мен эмасман, хотиржам бўлаверинг.

— Бўни қаяқдан биласан? — нигоҳини ўқдек қадади Шомил.

— Қанақасига билмас эканман? Сизни бир бора тилга олишди, холос. Лондонда Пўлат Фазлиаҳмедов бўлиб яшаётганингизни айтишди. Уларнинг илтимосига шу сабаб кўндимки, ўртада ёш хотиннинг, менинг беғуноҳ ватандошимнинг тақдири ётибди. Сизни учратиб қолишни ҳам ўйладим. Фақат бу ўй кўнглимнинг ҳеч ким кўрмайдиган қаърида эди.

— Сен бошқа миссия билан кетаяпман, деган ўйдасан. Миссиянг бутунлай бошқача бўлиб чиқиши хусусида бош қотирдингми? Масалан, суиқасдлар шунчаки сени авраш учун тўқилган бўлса-чи?

— У ҳолда матбуотни ҳам алдаш керак.

— Матбуот алданишга шай турган ахборотга оч юҳ бўлса, додингни кимга айтасан?

— Балчиқ!

— Ресторанимга бориб, Мадина билан алоқа ўрнатишинг керакми?

— Ҳа! Лекин сизнинг масалангизда эмас! Бунда ўша ёш хотиннинг иши кўрилаяпти! Москвадаги суиқасдларда унинг ёки бадавлат эрининг қўли бор-



## Азамат ҚОРЖОВОВ

йўқлиги аниқланаяпти. Эридан ажрашиб, ўзидан анча катта эркакка турмушга чиққан Соҳиба деган жувон у! Ҳаммасидан хабардор экансиз, сиздан яширадиган гапим қолмади. Мадина менга ҳамроҳ бўлади.

— У билан гаплашдингми?

Лобар бош чайқади.

— Жуда яхши, — деди Шомил. — Римга кетмасимдан аввал у Ўрта Осиёдан чиққан Лобар деган аёл ҳақида эшитганини айтган эди. Ҳозир, менинг олдимда телефон қилиб, Ла-Манш бўғозига яқинлашиб қолганингни хаба берасан. Мумкинми ё фақат Лондонда телефонлашишинг келишилганми?

— Мумкин. Маҳмуд масаласи нима бўлади?

— Уни ўлдирамиз, — деди Шомил.

— Унда мен...

— Асабийлашма, бизни сотса, ўлдирамиз, — таъкидлади Шомил. — Италиялик импресариоларни гапирдим. Унақаларни Англияда менеджер, АКШ, Россия ва юртингда продюсер дейдилар. Номи турлича, вазифа эса битта. Маҳмудга бошқа ном эмас, бошқа вазифа топамиз, ташвишланма.

Лобар Маҳмуддан телефонни келтиришни сўради, бўйдор йигит бир зумда бажо қилди. Учинчи уринишдан кейин абхазиялик қиз гўшакни кўтарди.

— Алло... Салом, Мадина, — деди Лобар рус тилида.

— Ташрифимни айтишгандир? Мен Остонадан меҳмон бўлиб бораётган сайёҳман.

— Албатта, айтишди. Ҳозир қаердасиз?

— Ла-Манш яқинида, йўл бўйидаги ошхонада. Айтгандек, фотосуратингизда ажойибсиз. Менинг ҳам суратимни беришдими?

— Беришмади. Ижтимоий тармоқларда бормисиз?

— Афсус-надоматки, интернетга кирмайман. Мен ҳақимда аввалдан эшитгансиз, суратларимни кўргансиз, деб ўйлайман.

— Нега энди аввалдан танийман?

— Узр, машхурман, деб ўйлабман.

— Кутиб олишни илтимос қилишди, — деди Мадина. — Лондонни кўрсатишим керак. Албатта, ҳозир ҳам кутиб ўтирибман.

— Осиёлик «Қора қарта рақси» соҳибаси, қартабоз аёл — Лобарни эшитмаган экансиз, бир неча соатдан кейин ўзини кўрасиз.

— Исм-фамилиянгизни яқинда айтишди. Қарта ҳақида алоҳида урғу бериб гапираётганингизни тушунмаяпман, Лобар.

— Мен қартабоз аёлман. Таажжубга ўрин йўқ, чунки қартабозлар чўчқачиликдан ёки бижутериядан эмас, кўпроқ қарталардан гап очадилар. Шундай қилиб, сизни қаердан топаман?

— Лондон остонасида рақамимга кўнғироқ қиласиз, — қуруққина жавоб берди Мадина.

— Танишганимдан хурсандман.

— Мен ҳам.

Лобар телефонни ўчиргач, Шомил экранчадаги рақамларни кўчираркан, Лобарни уқувсизликда айблади. Чеченнинг наздида, у қарталар ҳақида ошқора писанда қилди ва Мадина ҳаммасини тушунди-қўйди.

— Абхаз қизини нариги дунёга жўнатмоқчимисиз? — тикилди Лобар.

— Йўқ.

— Ишончингиз комилми?

— Одамлар ўзларини ўзлари ўлимга маҳкум этишади, мен воситачиман, холос, — деди Шомил. — Ё ўтган йиллар ичида ваҳшийлашиб кетганга ўхшайманми?

Бу гап Лобарнинг нафсониятига тегди. Нима бўлганда ҳам, Шомил бир вақтлар ёрдам қўлини чўзган, шармандаликлардан қутқарган, бир ёстиққа никоҳли бош қўйган, маълум муддат кўнглини забт этган инсон эди.

— Кечирасизу, сиз дастгоҳ эмассиз, — деди Лобар.

— Гильотина демоқчимисан?

## Азамат ҚОРЖОВОВ

---

— Деб булдим.

— Қорин қалай?

— Оч, — дангал жавоб берди Лобар.

Имо-ишорага маҳтал йигит хизматга қанот қоқди. Дастурхонга тушлик тортилишидан аввал Лобар қўл ювишга чиқаётиб, катта залдаги Маҳмудга назар ташлади. Йигит бамайлихотир овқатланмоқда эди. Кўз кўзга тушганида, у индамади, Лобар ҳам ҳеч бир ишора қилмади. Ошхонада Шомилнинг бир қанча одамлари борлиги аниқ эди. Қолаверса, чечен айнаи дамда инглиз ташқи разведкаси ходимларининг ўнг қўлига айланганини-да яширмади. У ҳозир кучга тўлиб, Францияда пишқирганча ўтирибди. Ташқарида турган машиналардан бирига бомба ўрнатилганини суҳбатда бекитмади ҳам. Кимдир Шомилга халал берса, ошхона ва унинг теграсида қиёмат кўпиши ҳеч гап эмасди.

Лобар муздек сувга юзини чайди. Кўзгудаги толиққан аёл гўёки деди: «Нима қиласан энди? Орқага йўл йўқ. Тақдир поезди навбатдаги бекатда тўхтаб, оёқларингнинг чигилини ёзишингни кутаяпти. Кейин кетасан. Ажалинг етмагунча саргузаштинг давом этади. Бироқ қайғурма! Ҳаммаси гўзал ва табиий!»

Шомил компот ҳўплаб, Лобарнинг жойига чўкишини кутди.

— Парвиз қалай?

— Яхши, — Лобар бош қимирлатди.

— Омадли бола.

— Мени деб гўр азобларини бошидан кечиргани учун омадли ҳисобламайман.

— Анча орқага кетибсан, Лобарушка.

— Маҳмудни ўлдирмасликка сўз берасиз, — деди Лобар санчқини ушлаб. — Ваъдасида турадиганлардан эканингизни яхши биламан.

— Ундан сир яширмадик. Яъни халқаро жиноятчи Шомил икковинг йўлда тушлик қилганингдан Маҳмуд хабардор. Демак, ўлдирмоқчи эмасман.

— Аксинча, сир тутмагани учун жонига қасд қилмаса гўрга эди, деяпман ичимда.

— Уни қамаб қўяман. Бор-йўғи шу. Яна де, вақтинчалик уй қамоғи. Бадастир!

— Университет кутубхонасига қамаб қўйиш керак, — таъкидлади Лобар.

— Мени ректор гумон қилаяпсан чоғи?

— У институтни битириб, Москвага илм излаб борган. Мутахассислиги тилшунослик. Москвалик қизга уйлангач, Тожикистонга машина сотадиган қайнотаси сабаб жиноят оламига кириб қолган. Аро йўлда дарбадар кезиб, москвалик «шубҳали ишлар директорлари»га танилган. Анатолий Иванович ҳам бекорга уни танламаган. Маҳмуд илгари Францияга илмий ишлар билан келган бўлса керак. Вазифаси, мени яширинча Лондонга ўтказиб юбориш. Бечора адашган бандани аянг. У ҳам мусулмон фарзанди.

— Шунанга де. Францияни яхши билладими?

— Билгани учун ҳам мени етаклаб юрибди-да.

— Вазифаси сени Ла-Маншгача кузатиб бориб, Лондонга ўтказиб юбориш экан, ўзи-чи? Кейин нима қилмоқчи?

— Уйига қайтади. Бошқа нима? Сизнингча, у хавфли жиноятчи ёки разведкачими?

Шомил мийиғида кулиб, ликобчадан тузукроқ балиқ бўлагини ахтарди.

— Сен Лондонда Мадина ва Соҳибага учрашиб, ишингни битиргунингча уни ушлаб ўтирамиз. Москвадаги ҳомийлари кўнғироқ қилишса, Францияда илм ўрганаётганини баҳона қилади. Шунга рози бўлармикан?

— Рози бўлмаса, кўзларига тупроқ тўлдирасиз, — деди Лобар салат чайнаб. — Қаёққа ҳам борарди, бечора. Лекин уни умрбод илм-фанга қайтарсангиз, сиздан миннатдор бўлардим.

— Тупурдим илм-фанига, — Шомил лабини артди. — Ҳақиқий илм-фан нима эканини гумроҳлар қабрдагина тушунишади.

— Дунё диндан иборат эмас.

— Валдирамасанг-чи! Ким сенга амру маъруф қилди?

— Айтдим-қўйдим-да.

— Хулласи калом, гапнинг пўсткаллеси шундайки, сен Лондонда менга хизмат қиласан, келишдикми? Тагин буни кимларгадир хоинлик ҳисоблама. Сен ва мен бегуноҳ одамларни ўлимдан сақлаб қолган бўлиб чиқамиз.

— Руслар мени Англияга сайрга юборишгани йўқ. Улар қараб ўтиришмайди.

— Марҳамат, хоҳлаганча назорат қилишсин, — деди Шомил овозини пасайтириб. — Лондонга сенинг миянгда бормоқчиман. Анатолий Иванович Лондонда яшаб келаётган асли бухоролик бўлган гўзал ва сарвқомат Соҳиба билан танишасан, миллиардер эрини ҳам гапга тутасан, пайт пойлаб ёш хотиннинг кўнглига кўл соласан, Москвадаги даҳшатли суиқасдларга не чоғлик алоқадорлигини аниқлайсан, деб топшириқ берган. Миссиянгни бекаму кўст бажар, оқ йўл! Бироқ руслар сенга Мадинани ҳамроҳ қилиб берди, менинг ресторанимга ишга кирган қизни. Инглизлар айтмаганида, тўғриси, гафлатда қолишим турган гап эди. Нар и борса, уни қиморбоз қиз, деб ўйлардим. Фалакнинг гардишини қараки, қандайдир Иваннинг улфатлари ўлдирилиб, Мадина жосус экани сенга берилган топшириқдан аён бўлди. Худо ёрлақаган банда эканим шундан маълум. Сени танимас эмиш! У Лондонда кўзларимга қараб сен ҳақингда гапирганди.

— Баландпарвоз гаплар, Шомил ака.

— Нимаси баландпарвоз гаплар?

— Ўзингизни ҳам, мени ҳам. Инглиз разведкасининг малайига айлантираяпсиз!

— Италиядан уларнинг ёрдамида чиқдим. Нима зарил эди мендек одам билан ҳамкорлик қилишлари? Бундай вазиятда ёрдамларини рад этмадим, менинг илтимосим ҳам ерда қолмади. «МИ-6»даги бошлиқларининг

рухсатисиз, таваккалига мен билан ишлашаётганига ҳам шуқр қилаяпман. Сен-чи? Эртага Гена бир миллион долларни кўлдан кўлга ўтказиб, террорчиларга етказса, Европанинг қайсидир нуқтасида портлаш рўй берса, кўзлари жавдираб турган болакайлар ҳалок бўлишса, виждонинг қийналмайдами?

— Саволингиз ноўрин. Мен ҳар қандай ҳолатда ҳам раҳмдилман. Айниқса, болаларга.

— Кел, тортишмайлик. Айтганимни қиласанми?

— Хўп. Бошимга болга билан ураяпсиз-ку, иложсизман.

— Сен кўрқма, — Шомил кўрсаткич бармоғини шифтга ўқталди, — жонингга оро кириб, сени муқаррар ўлимдан қутқараяпман. Боя айтганимдек, Анатолий Ивановичнинг таклифига кўнган дақиқангдаёқ катта ўйинга қўшилган эдинг.

— Мени алдашганига барибир ишонолмаяпман.

— Иван ва улфатлари мишиқилар бўлса, ким уларга қайта-қайта, профессионалларча суиқасдлар уюштиради? Федерал хавфсизлик хизмати, милиция, ҳатто ташқи разведка ҳам ип эшолмаётганмиш. Чўпчак! Органлар оёққа турса, юртдошингнинг кимга турмушга чиққани, Англияда ким билан яшаётгани, фаолиятлари-ю жиноят оламига алоқадорлиги — ҳаммаси аниқланарди. Анатолий Иванович ўзидан кўрқиб, сени енг ичида, хос одамлари ёрдамидагина Англияга юборган. Бу Россиянинг илтимоси эмас, билиб қўй шуни! Бир ғаламис амалдорнинг пайтавасига қурт тушган. Қуртларни собиқ эр-хотинларга — сену менга тердирмоқчи, аблаҳ! Чучварани хом санабди!

— У ҳолда абхазиялик қиз давлат органи одами бўлиб чиқмас экан-да?

— Сен дарров саёзликка сузма, Лобар! Мен нега Франциядан Туркияга кетмоқчиман? Бир ҳикоят сўзлаб бераман, эшит! Кунларнинг бирида қайсидир мамлақатга сайёҳлар кириб келишибди. Улар ёшлигида каллакесар, талончи, ўғри, қиморбоз бўлишган экан. Топган ҳаром пуллари эвазига ҳар ким ўз юртида баланд-баланд

кошоналар қурдириб, дориломон умр кечиришган экан. Кўнгил ёзайлик, деб бир-биридан беҳабар ҳолда айнан битта кунда сафарга чиқишиб, битта меҳмонхонада учрашиб қолишибди. Йўқ, у меҳмонхона эмас, ўрмондаги ҳашаматли кошона экан. Кошона жуда-жуда таниш туюлибди. Ётоқхона қаерда-ю вино сақланадиган қазноқ қайси томонда — меҳмонлар кўзларини юмиб топиб боришибди. Дастурхонни безаб, еб-ичибдилар. Ёшликдаги хотиралар эсланибди, қарта ўйнашибди, чақчақлашибди, устма-уст вино ичилибди. Ҳар бири эҳтиёткор, тилига маҳкам, айёр, устамон экан, шунинг учун бир-бири ҳақида синчиклаб суриштирмасдан маълумот олишга тиришибдилар. Кимдир фермер, кимдир тилла кон соҳиби, кимдир завод-фабрика хўжайини экан, ҳаттоки, давлат амалдори бўлганлар ҳам бор эмиш.

«Келинлар, — дебди бири ярим кечаси, — ёшлигимиздаги «Ажал соати» ўйинини ўйнаймиз...»

Шомил йўталиб олди-да, сочиққа қўл узатди.

— «Ажал соати» ўйини ҳақида эшитмаганман, — деди Лобар.

— Тс-с... — лабига бармоқ босди Шомил. — Бу ўйинни ҳар ким ҳам тилга олиши яхшимас. Ахир, сен қимор оламидан кетмоқчисан, Лондон сафаридан кейин тинчлик керак, тинчлик. «Ажал соати» ўйини қоидаси шундайки, барча меҳмонлар стол атрофига жойлашгач, уларга уй эгаси қарта сузади. Биласан, қартанинг турлари кўп, аммо «Ажал соати» алоҳида ўйин тури ҳисобланмайди, шу боис у ҳақда эшитмагансан. «Шипшед» ўйнаганмисан?

— Йўқ.

— Қоидасини билсанг керак?

— Адашмасам, АҚШда ўйналади. Олтмиш бир очко тўплашга ўхшаш ўйин турларидан бири. Қиморхоналарда «Шипшед»ни учратмаганман. Интеллектуал гуруҳдаги ўйин, менимча.

— Шунақароқ. «Шипшед» аслида немисча қарта ўйини.

Айтмоқчиманки, «Ажал соати» худди ўша «Шипшед»га ўхшаб кетади. Қиморий ўйиндан кўра ақл чархлаш ўйинларига монанд. Фақат бу ўйинда соат ҳам иштирок этади. Мезбон ярим кечаси барча меҳмонга қарта сузади. «Шипшед»дагидек тўрт-бештадан кўп, яъни ўн иккитагача ўйинчи иштирок этиши мумкин. Ҳикоятимни давом эттиришга изн берасанми?

— Уни мен эмас, йўталигингиз бузди. Соғлигингиз жойидами, ишқилиб?

— Раҳмат, меҳрибон кўриниб кетдинг, — кесатди. Шомил. — Сен собиқ хотинимсан, биз ғайритабиий тарзда ажрашганмиз. Пешонамга сен билан яна неча марта учрашиш ёзилганини айтолмасам-да, кучқудратим сақланиб қолганини маълум қилишдан ўзимни тиёлмайман. Бугун мен разведка органлари билан ош-қатиқ бўлиб турган жойимда, улар билан ҳеч қандай ош-қатиқ эмаслигимни ҳам бемалол айта оламан. Шунақа гаплар... — Шомил сочиқни гижимлади. — Ҳикоятни эшит! «Ажал соати» ўйинида мезбон барча меҳмонга қарта сузиши, ҳар бир қартабоз соат занг ургунча очко тўплаши керак. Қимнинг очкоси соат занг ургандаги рақамга ноль қўшилганда неча сон келиб чиқса, ўшанга яқин бўлса, ғолиб ҳисобланади. Ғолиб энг кам очко тўплаган қартабознинг бошига олма, вино идиши ёки ананас қўйиб, тўппончадан ўқ узади. Кейинги ўйиндаги ғолиб кўкракка қўйилган тахтага пичоқ отади. Учинчи ғолиб эса учта пардадан бирига қилич санчади. Қайси бирида мағлуб бекиниб тургани мағлубнинг ўзигагина аён. Кўрдингми, одамлар нақадар телбалик билан таваккал қилишади. «Ажал соати»да ўлганларнинг мурдаси учун ертўлада ҳамиша гўр тайёр. Қароқчиларда раҳм-шафқат бўлмайди. Улар ҳеч кимга меҳр қўймай, ҳеч кимга руҳан боғланмай дўстлашадилар, бир тўдага тўпланадилар, борди-келди қиладилар. Куйиш-куюниш йўқ. Олтинлардан жудо бўлишса, ғазабланишади, гўзал хонимларни кўрганда,



кўнгиллари суст кетишади. Бироқ бу ҳолатларни на юракдан куйиш, на ишқ-муҳаббат дейиш мумкин.

«Ажал соати»да фақат мезбоннинггина омади кафолатланган эди. «Қанақасига?» дейсанми, Лобар? Шунақасигаки, у меҳмонлар учун қарта сузади, ўйинда иштирок этмайди. Кимки, қартада қатнашмаса, уни қандай енгиб бўлади?! Ўқ, пичоқ, қилич меҳмонларни ҳалок этса, кўмиш бир оз ташвиш тугдирмаса, бошқа иши йўқ уй эгасига.

Ўша кеча кутилмаганда воқеа бошқача тус олади. Мўйловдор қарта сузмоқчи бўлганида, чўлоқ қароқчи: «Мезбон менман, галварс!» деб бўкиради. Столга яқинлашаётган бошқа меҳмонлар ҳам таққа тўхташади. Ҳар бири ўзининг мезбон эканини даъво қила бошлайдилар. Баҳс-мунозаранинг ечими кўринмасди. Негаки, уларнинг ҳар бири шу уй эгаси эканига далил келтирар, буни қараки, даъволар ростдек кўринарди. Кўҳна замонларда телефон, интернет, кадастр ҳужжати деганлари йўқ эди. Воқеа кимсасиз ўрмонда қад ростлаган сирли уйда юз бераётганди.

«Қайси биримиз уй эгаси эканимизни исботлашнинг ҳозирча иложи йўқ, начора, — дейди соч-соқоли оқарган киши. — Бир вақтлар шунақа уйни орзу қилганмиз ва ҳар биримиз ўз ўлкамизда шундай кошона қурганмиз. Атрофда кўни-қўшни бўлса экан, гувоҳликка чақирсанг! Ёки хотин, бола-чақамиз борми? Бир неча соат олдин уйга кириб келганимизда, ҳар ким ўзича ичкари хоналарни айланиб чиқди. Кимнингдир қайсидир буюми, оёқ-қўл изи ётоқхонадан, чордоқдан, қазноқдан топилса, бу ҳам унинг уй эгаси эканини далилловчи ҳужжатга ўтмайди».

«Мен ўтинга чиққандим, қайтиб келсам, сизлар ўтирибсизлар», — дебди мўйловдор.

«Ўз уйимдаги ётоқхонада ётсам, сўрамасдан биринкетин бостириб кирдинглар-ку!» — ўшқирибди чўлоқ.

«Эрталаб саёҳатга кетгандим. Кечкурун уйимнинг чироқлари ёниқ эканини, мўрисидан тутун чиқаётганини

узоқдан кўриб, қанчалар ажабланганимни тасаввур ҳам қилолмайсизлар!» — столни муштлабди новча.

«Гап бундай, — дебди соч-соқоли оқарган, — орамизда мезбон бор. Мезбон мен эканимни қандай исботлаёлмаётган бўлсам, сизлар ҳам шундай ҳолга тушаяпсизлар. Кéлинглар, «Ажал соати»ни мезбонсиз ўйнаймиз! Кулоқ солсангиз, уйга отлиқ яқинлашаётганини эшитасиз! Эшикдан ҳозир у кириб келса, қартани сузади. Маъқулми, шунқорлар?»

«Маъқул, маъқул», — шовқин кўтаришибди меҳмонлар.

Шу пайт ташқарида чиндан ҳам от кишнабди. Кимдир эгардан гурсиллаб тушибди-да, уст-бошини қоқиб, уйга қараб юрибди. Ичқаридагилар ҳозир эшикни тақиллатади, дея хомтаъма бўлишибди: у ўз уйига келгандек остонадан хижолатсиз ҳатлабди. Ёмғирпўшини илгакка илиб, кўзгуга бир дам назар солибди-да, меҳмонларга юзланибди. Меҳмонлар «Воҳ!» деб юборишибди. Зеро, тақиллатмасдан келгувчи ҳусн-малоҳатда тенгсиз соҳибжамол экан. Бир вақтлар қароқчилар сафида шундай жувон бўлган экан. Эркак қароқчилар маликаи йўлтўсарни аллақачон нариги дунёга рихлат қилган, деб ўйлашаркан.

«Салом, оғайнилар! — дебди хоним эркакчасига. — Бу дейман, қартани менсиз бошламоқчи бўлибсизлар-да! Қани, ўтиринглар! «Ажал соати» ўйинига ўз вақтида етиб келганимдан хурсандман. Эски қадрдонларингни уйингга тўплаб, ёшликдаги ўйинни ўйнашнинг гаштини таърифлаб беролмайман! Вой, буларнинг оғизлари ланг очилишини! Йигитлик кучи кетиб, овсарлар тўдасига айландингларми, нима бало?»

«Қанақасига уйнинг эгасисан?» — жиғибийрони чиқибди мўйловдорнинг.

«Ўз уйимда меҳмондек ўтирганимдан ўлганим яхши!» — хитоб қилибди чўлоқ.

«Биз уйимиздамиз! Ким ишонмаса, бошини мажақлаймиз!» — ғавғо кўтаришибди бошқалар.

Оқ сочли киши ваъдани эслатибди. Соҳибжамол аёл қартани сузибди. Ҳлим ўйини бошланибди. Бироқ икки қароқчи-ҳалок бўлишгач, аёлдан ҳам-шубҳаланиб қолишибди. Унинг шеваси бегона эканлиги етмагандек, қазноқ қаердалигини ҳам билмасмиш. Ёшлиқдаги хотиралари-ку, буткул унутилган, ҳеч вақони эслол-масмиш.

«Ўйимда эркакча кийимда юраман, — дебди соҳибжамол. — Шунинг учун бирор хонадан аёл либосини тополмайсиз. Қазноқ қаердалигини билмаслигимни тушунса бўлади, чунки шу бугунгача мен учун хизматкор беминнат ишлаган. У ҳозир сизларнинг ораларингизда ўтирибди. Демак, мен ва хизматкорим мезбонмиз, қолган ҳаммангиз меҳмон! Ва ажал ўйинида давом этасиз!»

Эркаклар бир-бирига қарашибди. Улар шу аёлнинг хизматкори бўлиб, ажал ўйинидан қутулиб қолишни жон-жон деб исташар экан. Аёл жонсиз уй эмас-ку, қароқчилардан бири шартга туриб: «Хизматкори менман!» деса, индамай қўяверадиган.

«Ким у?» — сўрабди соч-соқоли-оқарган.

Аёл уларнинг орасидаги энг барно, энг ўқтам, энг ақллисини танлаб:

«Етиб келгунимча бунча томоша кўрсатмасанг, азизим! — дебди. — Менинг хизматкорим эканингни нега бир оғиз айтмадинг?»

Қиморда шафқат борми? Икковидан бошқа ҳаммаси қонга беланишибди. Йиллар ўтиб, кучдан қолган каллакесарлар на тўппончадан тузукроқ отишни, на пичоқни нишонга санчишни, на омадни жалб этишни уддалабди. Улар бир вақтлар ўзлари устомонлик билан эришган мавқедан эпсизлик туфайли қирилиб кетишибди. Лобар, сен Лондонда ўша аёлдек бўлишинг керак.

- Ҳаракат қиламан, Шомил ака, — чой ҳўплади Лобар.
- Ҳикоят менга ёқди. Шундай қилиб, уй эгаси ким экан?
- Қаёқдан биламан!
- Муаллифини-чи?

## Қил устидаги тақдир V

— Қаршингда ўтирибди, — деди Шомил. — Италияда тўқидим. Ишонасанми, сен ва мен ҳақимда бу асар.

— Асар? Ғалати эшитиларкан.

— Рус, инглиз, итальян, араб, турк қиморбозлари кимнинг уйида ўтирганини билмай ўзларининг касрига ўзлари ўлиб кетишини хоҳлайман. Афсусим шуки, энди сени шафқатсиз қарта ўйинларидан тўхтатиб қололмайман.

— Йўқ, бундан кейин қарта ўйнамайман, деганман. Ўзингиз ҳам айтдингиз, қарта ўлган.

— Қартасиз на Мадинани, на Генани қўлга оласан. Айниқса, Гена сени катта ўйинга ундаганда кўнишинг керак. У ҳозирда мени Италиянинг бир кунжагида касал итдек фингиб ётибди, деган хомхаёлда. Лондонда сени ёлғиз, нотавон кўргач, ошиғингга айланади-қолади. Қартасиз Генага умуман керак эмассан. Унутма, мен Францияга келганимни, Туркияга яширинмоқчи эканимни сен ва инглиз ташқи разведкаси ходимигина билади.

— Хўп. Ҳикоятингизнинг Мадинага боғлиқ жиҳати ҳақида ўйлаяпман.

— У ҳам ҳикоятдаги уйнинг меҳмони, — Шомил соатига қаради. — Кўп ушлансанг, русларда шубҳа уйғотасан. Телефон кодими қоғозчадан ўқи. Қолгани сенинг ва менинг танишган йилим. Охирги рақам эса ўғлингнинг туғилган йили. Керак бўлсам, телефон қиласан. Мен исталган вақтда бошқа рақамлардан чиқаман.

— Кўп нарса сизга боғлиқ, — ўрнидан турди Лобар. — Аэропортнинг иккинчи терминали ҳам ишингизми?

— Йўқ, иккинчи терминал сабаб сал қолди сизларни йўқотиб қўйишимизга.

Улар ташқари эшикка юришганида, залдан Маҳмуднинг қораси ўчганди.

— Шеригинг машинада кутаяпти, — деди Шомил. — Чизган чизигимдан чиқса, ўладиган қилдик. Белига автоматик бомба ўрнатишибди, дема. Юртдошингнинг ўзига хос сирлари бор.

— Юртдошимми у? Мен ўйлагандимки...

— Юртдош ҳисобламасанг ҳам бўлади. Хорижга кетиб, чет элликларга махфий хизмат қилаётганларни юртдош дейиш иснод. Хайр, Лобар! Мен сен чиқадиган эшикдан чиқмайман, бунга вақт керак.

— Омад тилайсизми?

— Йўқ, — бош чайқади Шомил. — Сенга омад тилагандан кўра ўзимга тиласам, тирик қоласан. Бу ўйинда қонли отишмалар қошинг билан қовоғингнинг ўртасида бўлади.

— Барибир орқамдан Лондонга бораркансиз-да? — деди Лобар.

— Аксинча, орқамдан Лондоннинг ўзи эргашиб юрибди, — кўз қисиб қўйди Шомил. — Ҳозирча умид қилма. Мени Буюк Британия ҳудудига киритиш махсус хизмат одамининг қўлидан келмаслиги мумкин. Омад у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам сув билан ҳаводек зарур. Қўлим шундай қичишганки, аблаҳлар учраса, Лондонда ҳам отиб ташлайвераман.

— Римда қонга ташна бўлдингизми?

— Асло! Мени икки аёл ёрдамида йўқ қилишмоқчи бўлаётгани исботланса, ўзларининг ҳолига маймунлар йиғлайди. Мен эркакман. Аёлларнинг қўли билан энгиш буюк давлатларга ярашмайди.

Шомил эшикни ёпди, Лобар очиқ ҳавога чиқиб, бир неча одим ташлади. Назарида, орқасида француз ошхонаси эмас, тақдир иншооти қад ростлаганди. Бир замонлар куёвига эргашиб Москвага келган келиннинг аянчли кечмишлари бошланганида, шу ерда муҳокама қилингандек, тархи чизилгандек, фатво берилгандек эди. Ҳозир Лобар изига қайтса, ошхонадан Шомилни тополармикан? Халқаро жиноятчи изсиз ғойиб бўлишга улгургандир? Хўш, нимасига ҳайрон қолади? Йўлини ўзгартириш Лобарнинг ҳам қўлидан келарди. Ҳақиқатан, нега энди саргузаштларини давом эттириши керак экан? Уйига қайтишига ким тўсқинлик қилади? Ҳа, фақат битта ғов — Лобар Осимова, яъни Лобарнинг ўзи, вужудидаги

## Қил устидаги тақдир V

қартага ташна руҳ! Бошига кулфат тушганларни ахтариб топади-да, уларни қарталар салтанатининг афсунгар ҳукмдоридек азоблардан халос этади.

Маҳмуд машинани қатордан чиқариб, Лобарга кўндаланг қилди.

— Марҳамат, мадам, — лутф кўрсатди у рулда ўтирган ҳолида эшикни энгашиб очаркан.

— Мадмуазель, миссис, сеньорита... Яна нималар деб атайсиз, билмадиму, аммо сизга тақдир кулиб боқди, жаноб аҳмоқ, — дарҳол чақди Лобар. — Кўрдингизми, ҳар бало учрайди разолат трассасида.

— Қорним тўйди.

— Ёруғ дунёдаги сўнгги овқатланишингиз бўлиши ҳеч гап эмасди.

— Оливье салати бир оз шўр экан.

— Балки салатга пешонангиздан тер томчилагандир?

— Хушмуомалаликка, ширин гапга, муросасозликка нима етсин! Дунё — бозор, охири — мозор, бўлмагайман ҳеч жинни, дилозор. «Хўп, акажон!», «Хўп, хўп!», «Сиз нима десангиз шу!», «Калитлар, калитлар! Сени ёқтирмайди кал итлар!»

— Томингиз кетибди.

— Янгисидан бор.

— Сизга ростакам ачинаман.

— Мен ҳеч нимани кўрмадим, эшитмадим, билмадим.

Ачинмай кўя қолинг!

— Лобар юзини четга буриб, деди:

— Бу гапларнинг ҳаммаси битта ўқ учун.

\* \* \*

Лобар Франция ва Англия ўртасидаги маълуму машҳур Ла-Манш бўғозига, Кале портига келган йили француз компанияси бир юз ўн икки метрли паромни қатновга қўйганди. Ҳаммаёқда унинг рекламалари учрарди. Шу он янги паромнинг сафарга ҳозирланаётганини овозкучайтиргичдан эълон қилишди. Қаҳвахона таш-

қарисида нафас рoстлаётган Лoбар рeкламада мақталган паромдан сўз очди. Аллақaeқдан хавотир-ла қайтган Маҳмуд янги паромда жўнаш режада йўқлигини, Дуврга қатнайдиган эски паромлардан бирини кутиш шартлигини мулојимгина тушунтирди.

— Ҳали ҳам ўзингизни менинг кузатувчим деб ҳис қиляпсизми?

— Бунга шубҳангиз борми? — жиддий тортди Маҳмуд.

— Шубҳага ўт тушсин! Сизни ўлдирмасликларини илтимос қилдим. Аввал руслар, кейин Париждаги ҳалиги кимсалар билан алоқани узинг, илмга қайтинг, тинч яшанг. Оқил инсонлар жинойтчиларга йўл кўрсатмайди, йўлдан қайтаради. Билдингизми?

— Билдим. Қутулдимми энди?

— Руслар кабинетларида харитага қараб ўтирибди. Бошқалар портда ҳам ҳозир у нозир. Худо-ё, тавба қилдим, ўлсам ҳам юртимда ўлай!

Лoбар денгиздан эсаётган шамолга юзини тутиб, осмонни қоплаган сийрақ оқ булутларга назар ташлади.

— Европанинг ювош булутлари шулар, — деди Маҳмуд қаҳва хўплаб.

— Менга қаранг, нега Калега келдик? Бировларнинг суҳбати қулоғимга чалинди. Франциядан Дуврга, Фолкстонга паромлар бир неча шаҳардан қатнаркан.

— Мен танламадим.

— Э, ҳа, Калени ҳам руслар танлашган. Ахир, режа уларники-ку! Нега жосусларини кўрмаяпман? Ё чиндан ҳам олис Москвадаги кабинетларидами?

— Ана, — кўли билан кўрсатди Маҳмуд бир одамни.

— Йўғ-е!

— Ҳув ана яна биттаси, — Маҳмуд мункиллаган чолга ишора қилди.

— Жиннисиз!

— Жинни аслида сизсиз, Лoбар!

— Одам нега дунёга келишини биламан, лекин ҳар доим ўзимга: «Биз нечун дунёга келдик?» деб савол

берганимда, бу биологик жиҳатдан тушунмаслигимни англамайди. Олим бўлсангиз ўзингизга, Маҳмуд!

Лобар ўрнидан турди-да, соҳилга жўнади. Биқинига улкан жимжимадор ёзувлар битилган оқ автобусдан сайёҳлар туша бошлашди. Улар орқага халта осган, кепкани бостириб кийган, қора кўзойнак таққан, шортик ва оқ кроссовкадаги хушчақчақ эркак-аёллар эдилар.

— Бекорчилар! — ижирганди Лобар ўзини асабийлашишдан тўхтатолмай.

— Бошингиздаги жароҳат битган-битмаганини у сўрадимиз? — етиб келди Маҳмуд.

— Нима-а?

— Ошхонадаги одам сўрадимиз, деяпман?

Шомил бир оғиз ҳам суриштирмагани ҳозир Лобарнинг кўнглида яна ўксиниш ҳисларини кўзгатди. Аммо:

— Мен унга ҳеч ким эмасман, — деб жавоб берди.

— Остона, Париж, Кале, Дувр, Лондон каби шаҳарлар тақдир йўлларингизда тизилди. Рўйхат узоқ давом этмасдан сиз ҳам илмга қайтсангиз бўларди.

— Мен саводсизман.

— У ҳолда мен ҳам авомман.

— Ким ҳисобланишингизнинг фарқи йўқ. Биз ҳозир хайрлашамиз ва қайтиб ҳеч қачон кўришмаймиз. Қандайдир калтабин кишилар ҳаётимда учрашидан хайратдаман. Бошқа хайратланадиган воқеа кутмайман ҳам.

Маҳмуд тишлариниғижирлатиб, Лобарнинг билагидан тортди.

— Балки русларни мен ўйнатаётгандирман? — деди у. — Ошхонада учрашган шахс ҳам мен билан музокара қилишга мажбур бўлган бўлса-чи? Сиз нималарга қодирлигимни кўрмаяпсиз.

— Кўлимни кўйворинг!

— Узр.



— Агар мен ўйлаган одам эмас экансиз, — деди Лобар, — демак, мен ҳам сиз ўйлаган аёл эмасман. Ишонмайсизми? Хоҳласам, бугун кечқурун Лондонда қартабозликни бошлаб, қимор дунёсини ағдар-тўнтар қиламан. Бу режада йўқ эди, тўғрими?

— Қарта ўнасангиз сизга нима бўлишини айтайми?

— Айтолмайсиз, — деди Лобар.

— Нима учун?

— Қарта доналарининг қўли, оёғи, тили, кўзи, сочи, қулоғи, қалби бўлмайди. Қарта, бу — сочи кал қилиб олинган аёл хизматкор, яъни кал чўри. Сиз қартага ўхшайсиз! Калсиз! Агар буни айб деб ҳисоблайдиган бўлсак, демак, айбингиз бор.

— Ҳақоратларингизга муносиб эмасман, Лобар! Русларнинг бир гапи менга ёқади: «Следи за языком».

— Тилимни тиймоқчимисиз?

— Йўқ, мен демократия тарафдориман. Демократия тилнинг эркинлиги эмас. Оғизга келганни гапиравериш тил эркинлигига кирмайди. Демократияни муглақ эркинлик деб, эр-хотин хоҳлаган жойида, масалан, кўчада ухламайди-ку!

— Одоб-ахлоқни сиз сўраяпсизми, мисье демократ? Балки жиноий ишларга аралашмасликни ҳам панд-насиҳат қиларсиз?

— Бўлмаса, ким айтади?

— Менга русларнинг «Давай, до свидания» деган гапи ёқади.

Маҳмуд қўлини чаккасига теккизиб, америкалик ҳарбийларга тақлидан масхаромуз честь берди.

Улар кутаётган паромга ҳам йўловчилар чиқа бошлашди.

— Бу «ҳомий»ингизнинг одамларига қарашли, — деди Маҳмуд. — Сизни оппа-осон ўтказиб юборишади. Менинг миссиям — паромга етказиш эди. Мана, етказдим. Қайтиб кўришмаслик, ҳар ким ўз йўлида омон бўлиш нияти билан хайрлашамиз. Оқ йўл тилайман! Лекин сиз савдойи экансиз. Ўрнингизда ҳеч бир аёл хорижда буна-

қа тентираб юрмасди. Жонингизни ўйламасангиз ҳам болангизнинг тақдирини ўйласангиз бўларди.

Шу пайт одамлар орасидан икки албан йигит чиқди. Иккаласи ҳам дордан қочганлардан эканини турқтаровати айтиб турарди. Бири нарироқда тўхтади, бўйчанроғи Маҳмудга уч қадамча яқинлашиб, кўзларини паромга қадаб, бузилган русча талаффузда:

— Ўртоқ Маҳмуд, биз билан кетишинг керак, — деди.

— Кутубхонагами? — сўради Лобар Шомилнинг одамлари эканига ишонч ҳосил қилиш учун.

— Худди шундай, хоним, — ҳирқироқ овозда, истехзо аралаш жавоб берди албан. — Нақ кутубхонанинг ўртасига. Хоҳлаганча китоб ўқиб ётади.

Маҳмуд яна бир неча дақиқа, Лобар то паромга чиққунича шу ерда туришини уларга маълум қилди. Ҳақиқатан, Лобарни паромга осонгина ўтказишди. У юмшоқ ўриндиққа ўзини ташлади-ю ҳаял ўтмай хавотир исканжасида қолди. Нимадир кўнгилдагидек эмасди. Портда Маҳмуднинг теграсида Шомилга хизмат қилувчи албанлар, паромда эса Анатолий Ивановичнинг одамлари. Маҳмудни қандайдир шубҳали кимсалар билан бирга кўришса, Москвага хабар беришмайдими? Аслида бунинг ҳалокатли зарари йўқдек туюларди. Йўлдаги махфий учрашув, Шомил Маҳмудни ҳам, Лобарни ҳам ўзига хизмат қилдиришга киришгани Анатолий Ивановичнинг топшириғини бажаришга халақит бермасди, назарида. Лобар Соҳибага учрашиб, Иванга таҳдид солаётган кучни аниқлашга уриниб кўради. Бу ишни Мадина ёрдамида амалга оширадими, Шомилдан кўмак сўрайдими, Анатолий Ивановичнинг нияти фақат ўглини қутқариш экан, кимлар қўллашининг фарқи бўлмаслиги даркор эди. Мабодо Шомилнинг тахмини тўғри чиқса-ю, Анатолий Ивановичнинг чин мақсади ўглининг ҳаётини сақлаб қолиш эмас, ундан хўрак ўрнида фойдаланиб, Шомил, Бўри, Гена кабилардан бирини ёки ҳаммасини йўқ қилиш бўлса, у ҳолда аҳвол чатоқ эди.

Лобар палубага чиққанида, паром соҳилдан узилди. У на Маҳмудни, на албанларни кўрди. Кўзининг остига ёмғир томчиси тушиб, худди кўз ёшидек оқди. Лобар адашган томчи хув наридаги соқчи кеманинг бошида, осмон тоқига илинган қуюқ қора булутдан учиб келганини тусмоллади. Кема томондан эсаётган шамол кучайиб, Лобарнинг сочини ҳилпиратди. Иккинчи томчи қаттиқроқ урилди.

У Англиягача бошқалар каби палубада сувни томоша қилиб, чақчақлашиб кетмади. Ўйин-кулги, сураткашлик, ширин ҳисларга чўмиш — ҳеч бири кўнглига ўтиришмади. Олдинма-кетин уфқ сари сузаётган кемалар алланечук маҳзун сирларга чулганган эди. Лобар ўз руҳиятини тадқиқ этаркан, кўнгли чўкаётганининг боиси, ҳозир ҳам, Лондонда ҳам кўзга кўринмас кучлар томонидан бошқарувда эканида эди. Ўзининг шу юриши турган-битгани ғалвали, қалтис ўйин эканини тушунмаслик учун дунё кўрган бўлиши ҳам шарт эмасди. Бунда нафақат қиморбоз, балки ҳеч кимга озор бермайдиган ҳалим, ҳалол шоир бўлганида ҳам, агар ўйин қон талаб қилса, ўлдириб юборилиши турган гап эди. Қайсидир Осиё мамлакатада қурбонлик қилинган шоир ҳақида ҳикоя қилишганди. Шоир яқинда урушлар битган ўз мамлакатада интернетнинг ижтимоий тармоқларидан бирида «профиль» очибди. Дўстларини кўпайтириш учун ҳаммани қабул қилаверибди. Охир-оқибат интернетдаги дўстлари мингтага етибди. Шоир мамлакатда кўзга кўринмаган, оддий қаламқаш саналаркан, бироқ ижодда юксак ўрни бўлмаса-да, иш жойи — сиёсий газета унинг нуфузини хийла ошираркан. Кунларнинг бирида шоир электрон разведканинг рўйхатига тушибди. Негаки, «профил»идаги дўстлари қаторида хорижда тиш қайраб юрган душманлар талайгина экан. Шундай қилиб, шоирнинг интернетдаги шарҳлари ва шахсий ёзишмалари кузатилибди. Шоир тилида ҳам, дилида ҳам ватанпарвар экан. Мамлакатига содиқ хокисор инсондан муҳолифатга

дўстлашишдек ишни кутиш эса, албатта, ҳақиқатга тўғри келмайди, аммо виртуал оламдаги ўз ўрнини англаб етмаган қаламқаш, ҳеч бўлмаса, виртуал оламда душманларга дўст-ку. Ҳар кун и ёв юзлаб мамлакатдаги юзлаб «профил»ларга кириб-чиқиб юраркан. «Чет элда қиладиган бошқа ишлари бўлмаганидан кейин интернетда фитнес-фасод билан кун ўтказишяпти», дейишаркан улар ҳақида.

Афсуски, шоир ўлдирилибди. Уни шаҳарда, куппакундузи, кимсасиз, сокин кўчада пичоқлашибди-да, ўлигини автомобиль сақланадиган икки гараж ўртасидаги орадиққа тиқиб кетишибди.

«Нима учун?» — энсаси қотиб сўраганди Лобар ўшанда.

«Ўлими керак бўлиб қолган», — деб жавоб берганди хикоя қилгувчи.

«Ўлим бир матоҳ эмас-ку, кимгадир керак бўлиб қолса?!» — ғазаби баттар тошганди Лобарнинг.

«У шоир эди, сиёсий газетада тер тўкарди. Ҳақиқий ҳаётда давлат душманларига дўст бўлмаса-да, виртуал оламдаги «профил»ида дўст эди».

«Қатл этишга булар асос эмас-ку, ахир?»

«Кўзичоқнинг айби шуки, бўрининг қорни очиққанида дуч келди. Душманни айблаш учун оқ кўйлак, қора бўйинбоғ, қора кўзойнак таққанларга баҳона керак эди. Кимдир шоирни ватанпарварлик ҳақида кескинроқ хат ёзишга ундайди. Шоир муҳолифатга хат ёзади ва ўлдирилади».

«Қотил хориждагилар эмас экан-да?»

«Албатта! У ўзи кўкларга кўтарган шахсларнинг қурбони бўлди. Шоирни ўлдиришгач, полиция телефон ёрдамида «профил»ни очади. Ёзишмалар оммага ошкор этилади: «Хориждаги илонлар билан интернетда дўст тутинган. Сўнгра уларни инсофга чақириб, таслим бўлишга ундаб, хатлар жўнатган, натижада ўлдирилган».

«Нақадар бўлмаган гап-а?»

«Нақадар бўлган гап! Шоир қаҳрамон сифатида улуғланди. Халқ уни хориждаги газандалар ўлдирганига

## Азамат ҚОРЖОВОВ

ишонди. Балои қазо интернетдан бошланди, дейишди. Ҳарбийлар эса шу баҳонада муҳолифатга қақшатқич зарба бериб, энг сараларини ҳалок этди».

Лобар ўзини шоир ўрнида кўрди. Хўш, уни ким махв этади? Хаёлан куйидагича рўйхат тузди: 1. АНАТОЛИЙ ИВАНОВИЧ. Агар Лобар Москвадаги амалдорнинг ўз ҳукуматидан яширинча Англияда ўйин қилганини фош этувчига айланса; 2. ГЕНА. Римдан келган пулларни террорчиларнинг ҳисоб рақамига ўтказганини Лобар аниқлаб, Шомилга, Шомил эса инглиз ташқи разведкасига етказишини билса; 3. БЎРИ билан СОҲИБА. Улар ҳақиқатан ҳам Анатолий Ивановичнинг ўғли Иванга ҳамда дўстларига Москвада суиқасдлар уюштирган бўлса ва Лобар Анатолий Ивановичнинг жосуси эканини сезиб қолишса; 4. ИНГЛИЗ ТАШҚИ РАЗВЕДКАСИ ХОДИМИ. У ўз бошлиқларига айтмасдан Шомилни ёллади. Иши пачава бўлиб, Лондонда қонли воқеалар юз берса, айбдорлиги сирлигича қолиш учун Лобарни ҳам, Шомилни ҳам йўқотади.

— Лобар чуқур нафас олди.

— Ҳаммамиз тош асрида яшаяпмиз, — деди ўзига-ўзи. — Қадимги тош асридан фарқи шундаки, бизнинг асрда қуролимиз эмас, қалбимиз тош. Тош қуролда битта, иккита, нари борса, ўнта одамни ўлдиришган. Юзлаб, минглаб, миллионлаб одамларни ҳалок қилиш учун тошқуролдан кўра тошдан қалб керак. У эса бор. Кўплаб кудратли шахсларда бор.

\* \* \*

Ёмғир ёғмади. Тез орада офтоб чарақлаб, атроф-олам кўзни қувнатиб юборди. Кўкни майда-майда, паға-паға булутлар қоплаганди. Лобар бошини кўтарганида, сайёҳлар уфқдаги девор мисоли қояларни бир-бирига кўрсатмоқда эдилар. Икки соатга қолмай Ла-Манш бўғозидан сузиб ўтиб, афсонавий Англиянинг Дувр портига яқинлашаётгандилар. Бироқ тоғлар кўринмади.

Ҳалиги оқиш қоялар «туманли Альбион» (айрим рус манбалари бўйича «туллак Альбион»)нинг баланд қирғоқлари бўлиб, тўлқинлар ювиб, улкан жарликлар ҳосил бўлган эди. Лобар негадир абхазиялик Мадинани порт терминалида учратсам керак деб ўйлади ва рақамларини терди.

— Йўқ, — деди Мадина, — Дуврда учрашишга келишмадик-ку! Лондонга келаверинг. Сайёҳларнинг автобусидан қолиб кетманг.

Пештоқига «Doyeg.Terminal 2» ёзуви битилган ойнаванд эшикдан залга кирди. Ҳар бир йўловчининг хужжати ва сумкалари текширилди. Лобар эринчоқлик ила илгарилар экан, сумкасига эмас, миясига «ноқонуний юк» ортиб бегона мамлакатга кираётганини ўйлаб, «Балки келажакда одамнинг хаёлини ўқийдиган ускуналар ҳам ихтиро қилинар», деди ўзича. Шундай ускуналар Лобарга ўхшаганларга чийилларди. «Миянгизда кимнингдир сирли топшириғи борлиги кўринаяпти, кечирасиз, биз ундан воқиф бўлишимиз лозим», деб талаб қилишарди полициячилар.

— Хоним, автобус кутаяпти, — деди бир эркак инглиз тилида. — Марҳамат!

— Меними?

— Сизни! Сизни! — қатъий оҳангда такрорлади эркак йўл кўрсатиб.

Лобар Каледда учратган сайёҳларга ҳамроҳ бўлиб, Англия ичкарасига автобусда жўнади. Лондонгача юз чақиримча юрилди. Икки соатга қолмай мамлакат пойтахтига кириб келишганида ҳаво-айниб, ёмғир майдалаб ёға бошлади. Лобар меҳмонхонанинг ташқи кўринишини кўролмади, автобус бино эшигида тўхтаганида, у мизғиётган эди. Хушчақчақ сайёҳларга эргашиб, пастга тушмоқчи эди, ҳайдовчи яқинлашди. Лобар оғир сумкалари йўқлигини тушунтирмоқчи бўлганди, у хат узатди: «Тушманг! Автобус меҳмонхона орқасига юради, ўша ерда учрашамиз!»

Ҳақиқатан, автобус меҳмонхона ёқалаб борди. Бир неча марта оҳиста бурилгач, тўхтади. Лобар бир сумкани елкага осиб, филдиракчалисини етаклаб, қора кўзойнагини таққанча тушди. Шу заҳотиёқ бир қиз чопиб келди-да, соябон тутди.

— Қора кўзойнакдан кўра соябон асқотади, — деди шўхчан жилмайиб. — Ёмғирни қаранг!

Мадинани ўн саккиз баҳор остонасида дейишган эди, фотосуратдан фарқли ўлароқ юзма-юз келганда бемалол йигирма-йигирма икки ёш берса бўларкан. Миллати абхаз бўлса-да, чечен, грузин, ҳатто ўзбек қизларига ўхшаб кетарди. Бўйи Лобарга тенг, қад-қомати келишган, дуркун эди. Дунё қиморхоналарига алоқадорлар орасида бағоят соҳибжамол қартабоз қизни Лобар илк марта учратиши эди.

Кўп қаватли бинолар қад ростлаган кварталдаги уйнинг ўн биринчи қаватига чиқиб, шинамгина хонадонга киришгач, Мадина ўзининг қартабоз эмаслигига ишонтириб, алдамоқчи бўлди чоғи, деди:

— Қарталару қиморбозлик ҳақида санъатни гапиргандек гапираркансиз, Лобар. Қарта деса кўнглим айнийди.

— Шунақами?

— Ҳа. Мендан анча каттасиз. Сизни «Лобар» деганимга хафа эмасмисиз? Эшитишимча, Ўрта Осиёда эркакларни «ака», аёлларни «опа» деб чақаришаркан.

— Марказий Осиёда, — хатосини тўғрилади Лобар.

— Вой, узр, Марказий Осиёда.

— «Опа» дейишингиз шарт эмас. Ёшингиз нечада?

— Ўн саккизга кирдим. Айтдиларки, «Кавказ» ресторанининг собиқ хўжайини Шомил сизнинг биринчи эрингиз экан.

— Биринчи эрим эмас. Лекин тўғри, биз бир вақтлар битта оила эдик. У ҳозир қаерда? Айтишдимми?

— Ўлибди, — деди Мадина. — Эшитиб аза тутганми, дея дарҳол боя кўзларингизга қарадим, йиғламабсиз.

— Римдаги воқеадан сўнг анча кун ўтиб кетди. Кўз

## Қил устидаги тақдир V

ёш тўкиш шартмикан? Қолаверса, у ўлмаган бўлса. Аллақаяёққа жуфтакни ростлаб қолганини телевизорда гапиришди.

— Римдаги воқеада эмас, бугун ўлибди, бечора, — деди Мадина.

— Бугун? Ким айтди?

— Ресторанда қулоғимга чалинди. Йўлда отишма бўлибди.

— Ишончли манба эмас, — деди Лобар. — Суриштирамиз.

— Ёлғон бўлиб чиққани яхши, — хайрихоҳлик билдирди Мадина.

— Шу вақтгача тирик юрганига ҳайрон эдим. — Лобар ҳаяжонланмасликка тиришарди.

— Ким нима деса десину у мард одам эди, менга феъли ёқарди. Ишонасизми, қўлимни сўрагани. Рад этдим. Қизи қатори бўлсам. Эркакларда уят нима қилсин, тўғрими? Кўпчилиги фақат ўзини ўйлашади.

— Англияга келишдан аввал турмуш қурганмисиз?

— Менми? Ўттиз ёшгача дунёни кўрмоқчиман. Турмуш қуриш қочмас.

— Буни маслаҳат бермасдим, — кийимларини алмаштира бошлади Лобар. (У ёлғиз қолгач, биринчи йиши — Шомилнинг рақамига кўнғироқ қилишни ўйларди.) — Мусулмон қизи шунақа гаплардан тортиниши, қисқаси, хаёлига ҳам келтирмаслиги керак.

— Нега?

— Гуноҳ.

— Гуноҳ дейсизми?

— Ёшсиз, қиз боласиз, ўзингизни асранг. Ҳар кимнинг қўлида кўғирчоқ бўлиб юришни истамасиз? Бузуқчиликнинг энг арзон ниқоби, бу — севги.

— Севги ҳақида шунақа фикрдамисиз?

— Ҳақиқий ишқ-муҳаббатни назарда тутмадим. Бот-қоққа ботган бўлсам ҳам, кўнглимдаги гул сўлимаган. Ҳақиқий севгига шак келтирмайман.

Иккиси ҳам назокатли жилмайиб қўйишди.



— Мени ҳеч ким қўғирчоқ қилолмайди, — деди Мадина.  
— Қўғирчоқ бўлмаслик учун ҳам Англиядаман, десам ишонаверинг.

— Тақдирдан қочиб юрибсизми?

— Узр, сиз ўзингиз қўғирчоқ бўлганмисиз?

— Жонимга қарта оро кирган.

— Қанақасига? — кўзларини катта-катта очди Мадина. — Ҳозиргина ичимда суюнаётгандим. Онам қиз болани орномус, ирода ва илоҳий куч балои қазолардан асрайди, дерди. Бунинг учун йигитлар билан ўртада масофа сақлаш, қатъиятли бўлиш, ибодат қилиш керак экан. Гапларингиз онамникига ўхшаётганида, тўсатдан «қарта жонимга оро кирди» дейишингиз совуқ сув қўйди устимдан.

— Ҳар доим ҳалол-пок юрсангиз, орзуларингиз ушалади.

— Қайси маданиятнинг шиори, тушунмаяпман? Кўнглингизга тегмасину, гапларингиз эриш туюлаяпти. Сизни кутиб олиб, Соҳиба билан учраштириб қўйишимни тайинлаганлар таржимаи ҳолингизни, қисқача бўлса ҳам, айтишди. Панд-насиҳатга уста экансиз, таржимаи ҳолингиз эса бутунлай бошқача, ҳатто, қўрқинчли. Сизни қўшмачи, шаллақи, эркакшода деб тасаввур қилгандим. Ишингизда ахлоқдан маъруза ўқийдиганлар ишламайди. Очиғи, ҳозир ҳам ақлим бовар қилмаяпти.

— Аёл бошим билан халқаро қимор ўйинларида қатнашганим — қиморбозликка иштиёқимдан эмас. Мен адашган аёлман, бундан тонмайман.

— Иштиёқингиз йўқдир, аммо панд-насиҳатингиз барибир одамга қандайдир...

— Тўхтанг! Менга замоннинг ҳам, мамлакату маданиятнинг ҳам аҳамияти йўқ. Дунёқарашим шунақа шаклланди, уни ҳеч ким ва ҳеч нима ўзгартиролмайди. Англияга келиб «оммавий маданият»га шўнғиёлмайман. «Бойфренд» деган сўзни охириги пайтларда кўп эшитаяпман. «Ким экан бойфренд деганлари?» деб қизиксам, у енгил ҳаётга мукқасидан кетган аёлларнинг

йигити экан. Йигит бўлганда ҳам ҳалол ошиқ эмас, бирга яшайдиган жазман. Хоҳласа келади, хоҳласа кетади, ўртада никоҳ ўқилмайди, оила қурилмайди, хуллас, зинокорлик, ҳаром ошиқлик.

— Менинг бойфрендим йўқ. Қолаверса, бойфрендларни сиз таърифлаганчалик деб ўйламайман.

— Дунё ранг-баранг эканини унутманг. Яхшилар даврасида ёмонлик, ёмонлар даврасида яхшилик бор.

Мадина овқат буюртирганди. Улар шу ерда тамадди қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ иш масаласида гаплашиб олишлари лозим эди. Соҳиба ҳар икки-уч кунда гўзаллик салонига таъриф буюриб, тирноқларига оро бердирар экан. Москваликлар Лобар ва Соҳиба баайни ўша салонда «тасодифан» учрашиши, танишиши керак, дейишибди. «Олигарх»нинг ёшгина ўзбек хотинини ҳуркитиб юбормаслик учун Лобар ўзини ҳамюрт сайёҳ сифатида кўрсатиши лозим экан.

— Менга бу режа ёқмаяпти, — деди Лобар.

— Ёқмаса, Москвага боғланаман. Балки айрим бандларига ўзгартириш киритиб беришар. Фикрингизни менга айтасизми ё аввал Москва билан ўзингиз кўнғироқлашиб...

— Йўқ, ҳозирча мен алоқага чиқмайман, уларга ўзингиз етказиб қўясиз. Мен махсус топшириқни бажаришга жўнатилган махфий агент эмас, оддий аёлман. Сизга айтишганми, йўқми, Россиядаги шифохонада даволанаётганимда, юқорида ишлайдиган катталарга кимдир мендан умид борлигини айтган, чунки ўтмишим қарта ўйинларига боғлиқ. Бошига оғир таъвиш тушган одамларнинг кўргиликларига қиморбозларнинг қўли бордек кўринган. Мана, илтимосларга биноан Англияга келдим. Асосий масала — амалдорнинг ўғлига таҳдид солишда гумон қилинаётган аёл билан учрашиб, гаплашиб олиш. Гаплашаману кетаман. Вазифам — шу.

— Жиноятчилар эски танишларингиз экан-да?

— Йўқ, воқеа жойидан қора рангли қарталар топилган.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Сиз координатасини аниқлаб кўйган ўша Соҳиба гумондорлар рўйхатига тушиб қолган. Русларнинг режаси бўйича унга ўзимни сайёҳ қилиб кўрсатмайман.

— Нимаси сизни қониқтирмаяпти? — елқа қисди Мадина. — Балки ўзингизни Лондонда яшаётган бирор қариндошингизникига вақтинча яшашга келган меҳмон қилиб кўрсатарсиз? Опаси ёки синглизининг чақалогига қараб туришга келганлар кўп-ку. Ўхшамайсизми? Ўхшайсиз.

— Бу ҳам мантиқсизлик.

— Қанақасига?

— Мени Соҳиба билан учраштиринг, у ёғини ўзим биламан. Москвадаги хўжайинларингизга тушунтирингки, сайёҳ йўқ, қартабоз бор. Шундан кейингина жумбоқ ечилиши мумкин.

— Сиз жосус вазифасидасиз. Қартабоз Лобар эканингизни айтиш нўноқлик, ундан ҳам ёмони, хавфли.

— Соҳибага ўзимни ким қилиб кўрсатишимдан қатъи назар жосуслик ичимда қолаверади.

Мадина ҳадиксираб қараб кўйди. Иккови бирпас индамай овқатландилар.

— Пулат Фазлиаҳмедов аслида чеченистонлик Шомил эканини қачон билгансиз? — сўради Лобар.

— Улар айтишди, — кунчиқарга бош ирғади Мадина. (Саволни эшитган заҳоти енгил сескангани Лобарга сезилди.)

— Жуда ҳам гўл экансиз, — деди Лобар.

— Нега? — овқатдан бош кўтарди Мадина.

— Сизни казинода кўрганман. Қиморни қийиб юборасиз.

— Мени-я?

— Ҳа, сизни, — ўқрайди Лобар.

— Ким биландир адаштираяпсиз, — лабини артди қиз.

— Мадина, гап бундай! Кимга хизмат қиласиз, мақсадингиз нима, мени қизиқтирмайди. Келинг, бир-биримизни алдамайлик-да, қарталарни очиб,

қисмат ўйинини ошқора ўйнайлик, шунда иккимизга ҳам яхши бўлади. Ўйлайманки, биз душман эмасмиз. Манфаатларимиз ҳеч қайси чорраҳада кесишмайди, гарчи юзма-юз, олис Лондонда, битта миссия иштирокчиси сифатида ўтирган бўлсак-да!

– Нима ҳам дердим. Ихтиёрингиз.

– Россияда бошимдан жароҳат олдим. Мендан ёрдам сўраб келган аёлни ўлдиришгани учун ғазабланиб, хавfli сафарга – Россияга отлангандим. Ва Москвада ўқ узишди, ўлмай қолдим. Эндигина оёққа турганимда, бошқа бир аёлнинг – Соҳибанинг ҳаёти йўлимда кўндаланг бўлди. Сафар харажатлари тўланиб, Соҳибага учрашишга имкон беришганида, қандай йўқ дейман? Уйга қайтишга қарор қилиб, илтимосни рад этганимда, Москвада менга қилич қайрашлари етмагандек бир бегуноҳ жувон ҳам ўлиб кетиши мумкин эди. Қайсидир маънода Соҳибага ёрдам бермоқчиман. Ишонмайман унинг қотилликларни буюртма бериш даражасидаги ёвуз ва телба жувон эканига.

– Қотилликларга буюртма! Ўҳ-хў, иш мен ўйлагандан жиддий экан.

– Сиздан сир яширмаяпман. Руслар Москвада бир оз муддат яшаган фаррош хотин, оқ-қорани яхши танимайдиган гастарбайтердан ўта оғир жиноятларни содир этишда шубҳаланишяпти. Шубҳаланишларига важ шуки, ўлдирилганлар ўз вақтида Марказий Осиёдан келган ёш хотинни қаттиқ хафа қилишган. Ёш хотин чиқиндихонада ишлайдиган эридан ажрашиб, сирли равишдахорижлик, ўзбекмиллатига мансуб «олигарх»нинг хотини бўлиб қолган. Аввал Италияда, кейин Англияда яшай бошлаган. Соҳибанинг жумбоққа айланган ҳаёти мени ҳам қизиқтириб қўйди. Унинг тарихини Москвада эшитган қуним Лондонга қанот боғлаб учгим келганди. Соҳибага тезроқ учраштиришингизни хоҳлайман.

– Бу қийин эмас, қачон уйдан чиқиб, қаерларга боришини биламан.

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— У ҳақда маълумот тўплашни қандай уддаладингиз?

— Ёрдан беришди. Шундай катта шаҳардан бир муҳожирни топиб, ортидан кузатиш қўлидан келади, деб ўйласангиз, кулгимни қистатган бўласиз.

— Мадина қултиллашиб бир стакан «кола» ичиб юборди.

— Лобар, — деди у, — казинода мени кўргангизни исботлай оласизми?

— «Кўрганман» дедимми, билингки, кўзларим гувоҳ, «Қайси казинода?» демоқчимисиз?

— Ҳа, қайси? — Мадинанинг ранги хиёл оқаринқиради.

— Шу саволнинг ўзиёқ қиморга алоқадорлигингиздан далолат. Ҳатто, «қарта деса кўнглим айнийди» деганингиз ҳам ўзингизга қарши хизмат қилади. Сирингизни сақлашга ваъда берсам, Англияга келишингизнинг, «Кавказ» ресторанига ишга киришингизнинг асл сабабини айтасизми? Ўйлангки, рўпарангизда сиздан сир бекитмайдиган чин опангиз ўтирибди. Сиз ҳам унга кўнглингизни очинг.

— Шомил оғанинг пинжига тикилмоқчи эмасдим, ташвишланманг, — аччиқланди Мадина. — Ҳаётимни қайтадан бошламоқчи эдим. «Кавказ» ресторанига ишга киришимга сабаб, унинг «Кавказ» ресторани эканида. Коллеждан бўш вақтларимда ўз ватандошларимнинг ресторанида пул ишласам дегандим.

— Аҳмоқ эмасман, — чимирилди Лобар. — Қарталарни очиб қўйинг! Ресторан ҳозир кимники?

— Гап бу ёқда денг! У Гена деган дасти узун бойники. Мулкдан умид қилиб, хомтаъма бўлманг.

— Оғзингиздан она сутининг ҳиди келаяпти, яхши қиз! Шомил акадан қолган гугуртнинг бир дона чўпи ҳам керакмас. Россия пойтахтида ўтирган амалдорлар сизни қандай топди?

— Мен қаёқдан биламан?! Буни ўзларидан сўранг! «Кавказ» ресторанини Шомил оға бошқа исм-фамилия билан юритаётганида, Россиядагилар тинчини бузиш-

маган. Тушунишимча, Лондонда Пўлат Фазлиаҳмедов номи билан яшаётгани русларнинг тушларига ҳам кирмаган. Италияда отишма бўлгач, ресторанга бир амаки келиб, ўзини москвалик деб таништирди ва Шомил офани суриштирди. Римдаги воқеадан сўнг Пўлат Фазлиаҳмедовнинг шахси сотилгани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Мени ҳам Шомил офанинг қўл остидаги россиялик хизматчи деб рўйхатларига тиркаб қўйишган.

— Ундан аввал сиз ресторан эгаси халқаро жиноятчи эканини билмагансиз, ишга дарсдан бўш вақтларда пул ишлаш учунгина киргансиз, шунақами?

— Сизнингча, мен ифлос жосусманми? Қартамни очдим. Очилган қарталарга ишонсангизгина талаб қилинг эди.

— Ғалати бўлса ҳам айтаман, ҳозирги вазиятингизда мендан қанчалик сир яширмасангиз, шунчалик ютасиз. Ўзингизни қартага алоқаси йўқдек кўрсатганингиз алам қилаяпти. Россиядаги казиноларда танишларим кўп. Москвада ўтирган лаванглар эса менга фотосуратингизни бериб хатога йўл қўйишди. Фотосуратингизни ва исм-фамилиянгизни танишларимга юбораман, тамом, қайси казиноларда жавлон ургансиз, пулни кимлар тиккан, қаердаги ноқонуний қиморхоналарга бош суққансиз — ҳаммаси тез орада аниқланади.

— Хўп. Москвада яшаган йилларимнинг охириги ойларида қиморбоз эдим. Пул тикадиган шоввоз бойваччалар билан биргаликда маҳоратимнинг орқасидан пул ишлаганмиз. Қарасам, сўқмоқнинг охири ўлим. Ҳозир ҳаммасини ташлаганман. Казиноларда кўп юрмаганман, ялт этдимусўндим. Ўша ерларда сизни гапиришган. Франциядан қўнғироқ қилганингизда аввалдан танимаслигимни айтдим. Нима, ҳаётини бошқатдан қураётган қиз дарров ўтмишини эслаб, қимор ҳақида валақлаши керакмиди? Лаънати қарталардан офиз очмаганингизда, мен ҳам миқ этмасдим, афсуски...

— Афсуски, ҳаётингизни бутунлай бошқа ўзанга буролмагансиз.

— Аввал рўйхатга тушганим учун мени осонгина топдилар. Демак, сизни Англияга юборган шахс рўйхатдан хабардор. Шубҳа-гумонингиз бўлса, ўшандан қолманг.

— Айтаётган рўйхатингиз ҳеч нарсага арзимаиди. Шомил ака аслида кимлигини биласизми?

Мадина елка қисди ва:

— Қайси маънода сўраяпсиз? — деди ишончсиз руҳда.

— У Россияда қиморбозларга қарши курашиб, катта жинойтларга аралашган, шунинг учун ахтаришяпти. Рўйхатига тушган қиморбоз борки, ўлдирилган. Мени ажаблантиргани, нега сиз айнан қиморбозлар кушандасининг ҳузурига келгансиз?

— Вой, қизиқ-ку... — ҳиринглади Мадина. — Кулоқларимга ишонмайман. Ким қиморбозлар кушандаси? Шомил оға-я?! У ҳолда нега тирик юрибсиз?

— Унутманг, мен «Қора қарта рақси» ўйинларининг устасиман, қиморбозлик бөшқа нарсая. Бирга яшаган йилларимда Шомил аканинг бир хизматкоридан қартани ўргандим, қиморни эмас. Кейинчалик бошқа тўдалар юз минглаб доллар нақд пул тикиладиган ўйинларда мендан фойдаланишди. Ё ўғлим гаровда бўлган, ё чаккамга тўппонча тиралган! Қарта ўйини ёрдамида қимор ўйналса, бир кун албатта қон тўкилади. Худога шукрки, Англияда саргузаштим тугайди, баридан қутуламан.

— Қисматимизнинг шу жойи ўхшаш экан, — лаблунжини йиғиштирди Мадина. — Мен ҳам қутуламан. Бутунлай! Аттанг, Шомил оға шу кунларингизни кўрмас экан-да.

Мадина хаёлга чўмиб, ушоқларни ўйнади. Лобар ундан кўз узмай сўради:

— Отишма қаерда бўлибди?

— Бунисидан хабарсизман. Италиядадир-да.

Шу кеча Лобар бошқа телефондан Шомилнинг

рақамини ўн марталаб териб, боғланолмади. Ойнаи жаҳонда ўрмон ёнғинлари-ю сув тошқинларини, автоҳалокатлару Афғонистондаги урушни, Мексикадаги дўконга ўрнатилган кузатув камерасида акс этган хунрезликни-ю ҳайвонот боғидан қочган илонни намоёиш этишди.

Шомилдан дарак йўқ эди. Лобар унинг ҳалок бўлганига ишоналмасди. Эҳтимол, Ла-Манш йўлидаги учрашув инглиз разведкасининг танқидига учраган бўлса, чалғитиш операцияси амалга оширилгандир.

Лобар ўйлади: «Совуқ хабар ҳақиқатга айланса-чи? «Қимор дунёсидан чиқиб кетдинг, энди ўлдириласан» дея огоҳлантирган Шомил аканинг ўзи аждаҳолар олдида ожиз қолдимми? Иш чатоққа ўхшайди... Майли, нима бўлса, пешонамдан. Ўзимга берадиган сўнги топшириқ — мендан фойдаланаётганларни қонуннинг қўлига топшириш! Хорижга қадамим етган илк кундан бошлаб бировларнинг қўлида ўйнадим. Ҳанузгача ўйинчоқман!»

Мадина эрталаб сим қоқди.

— Кечаги гапингизни Москвага етказдим, — деди у. — «Ҳамма гапни очиқ айтса, қайси аҳмоқ тан олади?» дейишди. Менимча, тўғри. Сиз айёрлик ишлатишингиз керак.

— Тан олдириш учун юборилмаганман. Москвадаги жаноб ҳаммасини очиқ гаплашишимга розилик берсагина, унга ишонаман, акс ҳолда мақсади ўғлига ёрдам беришдан кўра ундан тузоқ ўрнида фойдаланаётган бўлиб чиқади. Ҳар қандай калтафаҳмнинг ҳам бунга ақли етади. Масалан, сиз ўғлини кўрганмисиз?

— Йўқ.

— Мен ҳам. Москва яқинидаги ўрмонда ҳиндулар болтасида ўлдирилган йигит ва бир неча ҳафта ўтиб, шаҳар марказида сўйиб кетилган шериги ҳақида эшитганмисиз?

— Калтафаҳм бўлмасам ҳам, сизни тушунолмаяпман.

— Очиқ айтиш у ёқда турсин, мени тўғридан-тўғри элчи қилиб юборса ҳам адашмаган бўларди, — қатъий



эътироз билдирди Лобар. — Бугуноқ сирли ёш хотинга учрашишим керак. У ва эри ҳеч қандай айбдор бўлиб чиқмаса, зигирча ҳайрон қолмайман.

— Москвада ҳар томонлама гаплашмабсиз-да.

— Ойга яқинлашганинг сайин чўтири кўринади. Хўжайинингизга кўнғироқ қилсангиз, шуни айтишни унутмангки, ўғлини деса, менинг таклифимга кўнсин... Бизни соат нечада учраштирайсиз?

— Кутинг. У уйдан чиқиши керак.

Лобар лифтдан тушганида, соат миллари 10:20 ни кўрсатиб турарди. Ҳаво салқин, осмон булутли, кеча ёққан ёмғир буғланган, йўллар қуруқ эди. Лобар шаҳар ҳавосидан мириқиб симирди. Ла-Маншдан сузиб ўтаётгандаги тушкунлик тарқаб кетган, айти дамда у ўзини ўрмон қўйнидаги шердек ҳис этаётганди. Шоқол, айиқ, тулки, қуёнлар кўп эди атрофда.

Машина, автобус, мотоцикллар шовқин солаётган катта кўчага пиёда чиқиб, такси тўхтатди-да, Мадина айтган манзилни тушунтирди. Мадина шу тобда Соҳиба яшайдиган кўчада пойлоқчилик қилаётган эди. Одатда, бойвучча хотин чоршанба, жума, баъзан шанба кунлари тушга яқин эрининг ҳайдовчиси бошқараётган машинани бир қатор навниҳол дарахтлар қад ростлаган кўча бўйлаб ҳайдатса ва қизил супермаркетдан чапга бурдирса, бу «гўзаллик салонига бораяпти» дегани эди. Келишилганидек, Лобар гўзаллик салонига яқин жойда кутди. Ёзги, кузги кийимдаги ўткинчиларни кузатиб, нақ бир соат кутишга тўғри келди. Ниҳоят, Мадина «смс» жўнатди: «Бораяпти. Малла этик. Кармин рангли плаш».

— Жин урсин, кармин деганингиз нимаси? — кўнғироқ қилишга мажбур бўлди Лобар.

— Қизил ҳам, малла ҳам эмас, — деди Мадина уф тортиб.

Лобар гўзаллик салонига кириб, устки кийимини ечди-да, тўртта стулдан бирини эгаллади. Пардозчи қизлардан

бири тирноқларига қандай ишлов бердирмоқчи эканини инглиз тилида сўради. Салон Украинадан кўчиб келган қрим-татар аёлга тегишли эканини айтишганди.

— Тирноқларим мушукникига ўхшашини хоҳламайман, — деди Лобар рус тилида. — Квадрат қиласиз. Бўёқни кейин танлайман.

— Ўзимиздан экансиз, — табассум ҳадя этди қиз.

Журнал варақлаб ўтирган қрим-татар аёл ҳам маъноли қараб қўйди Лобарга.

Пардозчи қиз ишни бошлашга улгурмасдан эшик очилиб, қирмизи тусдаги калта плашда, малла этикли, сочи сариққа бўялган йигирма ёшлардаги жувон гул-гул яшнаб кириб келди.

— Ассалому алайкум, мана, мен! — деди у ўзбек тилида.

— Валайкум ассалом, хуш кўрдик, — алик олди салон хўжайини ҳам ўзбекчага тил айлантириб.

Лобар россиялик амалдорнинг ёлғиз ўғлига таҳдид солаётган «олигарх»нинг ёш хотинига тешиб юборгудек тикилди. Шу пайт Соҳиба Лобарни ҳайратга солиб, шундай деди:

— Сиз ҳам шу салонга келдингизми?

— Мендан сўраяпсизми? — Лобар кўзгу орқали кўз ташлади.

— Ана, топдим! — чапак чалди Соҳиба ўзбек тилидаги жавобдан терисига сиғмай қувониб. — Бу кишим ҳам ўзимиздан экан! — Кейин бирдан жиддий тортиб, стулга ўтирди. — Шунақа ҳазилкаш, шўхман, опа, хафа бўлманг.

Қувноқлиги зўрма-зўраки экани, ичини бир дард тирнаётгани Лобарга сезилди. Соҳиба кокаин ҳидлаган каби бурнини йлқис тортиб, ранги гезариб, атрофга ҳиссиз кўз югуртирди.

— Хафа эмасман, — деди Лобар ундан кўз узмай. — Ўзбекистонлик аёлни хорижда шод-хуррам, бахтли учратганимдан севинаман, албатта.

— Малол келмаса... ватанимизнинг қаеридансиз?

— Самарқанд, — Лобар атайин куруққина жавоб берди.

— Мен асли Бухороданман, — жилмайди Соҳиба. — Кечирасиз, айнан шу «Гўзаллик салони»ни қандай топдингиз? Аввал ҳам келганмисиз?

— Англияга биринчи келишим. Салонга ҳам. Бир танишим маслаҳат берди. У Лондонга мослашишнинг усуллари яхши билади. Биринчи шарти, хорижда ўз ватанинда юргандек юр. Иккинчи шарти, иложи борича тилини тушунадиганларингнинг ресторанига, қаҳвахоналарига, салонларига бор. Бизнес бўйича дунё кезаяпман. Англияда уч ойгача қолишим мумкин.

— Рекламамиз ҳам йўлга қўйилган-да, — гап қўшди қрим-татар хўжайин.

— Хитой фойдали эмасми? — Соҳиба дастрўмоли билан кўз атрофини артди. — Яқин, арзон, қулай.

— Англиянинг ҳеч нарсасини сотмайман. Тўғриси, Лондонда тажриба орттирмоқчиман. Малака ошириш институтлари деб эшитганмисиз? Лондон мен учун малака ошириш шаҳри.

— Бизнес яхши-да, оддий ишчиликдан.

— Албатта. Кимлардир чет элларга қора ишлар учун келаётганидан хафаман. Мана, ҳеч бўлмаса, сартарош бўлиб ишласин.

— Сартарошлик, ошпазлик, ҳатто энагалик ҳам санъат, — гап қистирди салон хўжайини.

Соҳиба бир муддат ўйга толди. Сўнг:

— Бизда имкониятлар кенг, — деди. — Лекин осонгина минг долларлик маош тўлайдиганларни ахтарганлар кўп. Ундан кўра ўн минг долларлик бизнесни йўлга қўйиш завқлироқ эмасми? Бошида пул бўлмайди, маошини йиғади, банкдан кредит олади, қийналади. Ниятга яраша, ҳаммаси амалга ошади. Касал бўлса, ўлса, бизнес оиласига мерос қолади. Ойликхўрга эса ҳеч нарса йўқ.

— Сиз ҳам имкониятлардан фойдаланаётган экансиз-да? — қармоқ ташлади Лобар.

Пардозчилар икки мижознинг тирноқларига ишлов беришга киришдилар. Украиналик қрим-татар хўжайин

икки мижозга — Лобар ва Соҳибага ҳар доим олий даражада ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш кераклигини ходимларига уқтирди.

— Имкониятлардан фойдаланиш қаёқда! — деди Соҳиба.

— Мен шу ерда яшайман, Лондонда.

— Фуқаролик олдингизми?

— Насиб қилса, яқинда.

— Қойил! — ўзини ҳайратлангандек кўрсатди Лобар.

— Ҳойнаҳой, куёв ўқишга келган бўлса, энди яшаб қолмоқчимми?

— У ўқимайди. Бизнесмен.

— Ҳм, — деди Лобар. — Унда яхши. Ишқилиб, инглиз эмасми?

— Инглиз эмас, — қизарди Соҳиба.

— Мен ҳам асли самарқандликман, — салон хўжайини уларга яқинлашди.

— Ў-ў, хурсандман, — ўзини севингандек кўрсатди Лобар. — Сиз ҳам Англиядан насибангизни териб юрибсизми?

— Уч йилдан ошди.

— Салон хусусий мулкингиз. Адашмадимми?

— Адашмадингиз. Англияга Ўзбекистондан эмас, Украинадан келганман. Аввалги замонда биз Самарқанд вилоятида яшаганмиз. Булунғурда, Жомбойда боладигим ўтди, бир оз вақт Самарқанд шаҳрида ҳам турдик. Кейинчалик Қримдаги қариндошлар чақириб, кўчиб кетдик. Отам киномеханик эди. Биласизми, умрининг сўнгги кунларида Ўзбекистонни кўп ёдга олди. Сизларга хушомад қилиш эмасу, дунёнинг ҳеч қаерида ўзбеклардек бағрикенг, меҳмондўст, софдил халқ йўқ.

— Раҳмат, — деди Лобар.

— Раҳмат... — зўрга миннатдорчилик билдирди Соҳиба.

— Жияним Қримда яшайди, — давом этди хўжайин. — Шаҳар департаментига ишга ўтган. «Одоб-ахлоқли татар қизига уйланишим керак» дерди. У ўзи шунақа шоввозроқ йигит. Буни қарангки, Ўзбекистондаги ўзимизнинг

татарлардан қиз топиб, Қримга келин қилиб олиб келди. Қиз бола деганда, уятчан, ширинсўз, иболи, ҳаёли қизни тушунарди. Мийасига шу нарса сингиб қолганда! Янги танишлари ичидаги ўзини бошқача тутадиган қизларнинг бирортаси кўнглига ўтиришмабди. «Вой шумтака-ей!» дедим. Тўйи роса қизиди. Ҳозир болалари бор, бахтли яшашади. Кўз тегмасин, туф-туф-туф!

— Нимасини айтасиз, — деди Соҳиба, аммо овози минғиллашга ўхшаб эшитилди.

— Сиз эшиқдан кирганингиздан билдим ўзбек эканингизни, — салон хўжайини Лобарга кўзгудан боқди. — Отам Қримга дам олишга келган ўзбекларни кўрса, шартга тўхтаб: «Ҳой, сен Тошкентдансан», «Сен Самарқанддансан», «Сен Қашқадарёдансан», дерди. Қайси вилоятдан эканини бирор марта адаштирмасди. Эҳ, умр сувдек оқиб кетди. Одам гоҳида болалигини, туғилиб-ўсган гўшасини қаттиқ кўмсайди.

— Ҳаммада шунақа бўлади. Қалб бор экан, кўмсайсиз, — маъқуллади Лобар.

— Мени бир савол қийнайди: нега умр кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади? — деди қрим-татар хўжайин.

— Ҳаётингизда куннинг зўрға ўтишидан қийналган, зериккан, кўнглингизга қил сиғмаган дамларни эслоласизми?

— Бунақа ҳолатга кўп тушаман.

— Айтмоқчиманки, умр сувдек оққани ҳам маъқул экан, — деди Лобар. — Одамнинг бутун умри зерикарли, азобли, кўнгилга қил сиғмайдиган даражада маҳзун бўлиб қолишидан Худо асрасин! Бир вақтлар кучсиз аёл эдим. Турмуш қурганимдан кейин икки йил ўтиб, эрим билан Москвага жўнадик. Эрим қурилишда ишлади, мен ҳожатхонада фаррош эдим. Кўп ўтмай бадавлат инсоннинг далаҳовлисига тушиб қолдим. Ёши улуғ рус кампир ҳам яшарди ўша ерда. Хуллас, ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди.

— Нима бўлган сиздек ўзбек аёлига?

— Ҳавотирга ўрин йўқ, бузукчилик қилмадим. Лекин...

афсуски, эрим билан ажрашдим. Раҳматлининг хатолари бошимга етди. Натижада бошқа одамга турмушга чиқишга мажбур бўлдим. Ёмонларни енгиб, яхшиларнинг пешанасидан ўпиб яшаш тақдиримга ёзилган экан. Агар ўн етти ёшимга қайтиб қолсам, ота-онам оқ қиламан деса ҳам кўр-кўрона турмушга чиқмасдим, кўлидан тайинли иш келмайдиган одам билан Россияга бормасдим. Аввал ўқирдим, сўнг касбим бўйича ватанимда ишлаб, фақат мени севадиган мард йигит билан оила қурадим.

Соҳиба киприк қоқмай тинглаб ўтирарди. Кўзларидаги қувноқлик сўнган, ранг-туси янада оқаринқираганди.

Кримлик салончи:

— Ҳаётингиздан энди мамнунмисиз? — дея савол берган заҳоти, Лобар:

— Ўзимни қатъиятли, профессионал ҳис этган кунимдан бери бахтлиман, — деб жавоб берди. — Агар аёл зотининг тилла-жавоҳири, муҳташам саройи, сон-мингта кийим-кечаги, фарзандлари, жондан ортиқ севадиган эри бўлса-ю, барибир ўзини ожиза, эртага баридан айриладиган омонат бахт эгаси ҳисобласа, тамом, у тўкис яшолмайди. «Бир соатда ўлишингни билсанг ҳам бахтлилигингча қол», дейман ундайларга. Ёзилган аёлга қон босими ошиш, қандли диабет, саратон, восвос, асабийлик — нечта касалликни санай, ҳаммаси ёпишади. Аёл ўзини енгиши керак, шунда ҳаёт имтиҳонларидан ўта олади.

— О, маладес! — қўллаб-қувватлади салон хўжайини. — Дунё кўрганингиз маълум. Кечирасиз, бизнеснинг қайси тури билан шуғулланасиз?

— Кийим-кечак, озиқ-овқат дўконларим бор эди. Ҳозир хўжалик моллари ишлаб чиқариш бўйича тажриба орттириш мақсадида юрибман. Лондон ҳам иқтисодиёт маркази, ҳам музей, ҳам истироҳат шаҳри. Шундай деб ўйлайман.

— Шундай, шундай, — такрорлади хўжайин. — Буни қарангки, ватандошлар менинг салонимда учрашиб

қолишди. Соҳибанинг бахтига ҳавасда эдим. Иккинчи турмушингиз бўлса-да, сизга ҳам ҳавас қиляяпман, хурматли янги мижозим!.. Исмингиз нима эди?

— Лола, — ёлғон ишлатишга мажбур бўлди Лобар.

— Қадрдоним Лола, — эркалади қримлик. — Соҳиба билан яқинроқ танишиб олинг, Лондонда яшаяпти. Ёрдами тегади.

— Танишганимдан хурсандман, — кулиб қўйди Лобар.

— Опа-сингил тутинамизми, Соҳибахон?

— Сиз нима десангиз шу, — лабида ним табассум кўринди Соҳибанинг. — Ростини айтсам, хорижда биринчи марта кўнглимдаги опани учратдим.

— Ие, мен-чи? Опангиз бўлмай қолдимми? — салон хўжайини нола қилди.

— Сиз опам эмас, холамсиз, — деди Соҳиба.

Аёллар шўх-шодон кулишди. Маникюр, педикюрдан сўнг қрим-татар аёлнинг ўзи қош теришда маҳоратини кўрсатди. Лобар ва Соҳиба хусн-малоҳатларига ҳайрон бўлганча кўзгуга термилдилар. Зеро, иккисига ҳам бунчалик пардоз-андоз зарур эмасди. Пардозчи қизлар чанокда қўл юваётган, хўжайин эса чашкасига қаҳва куюётган дам эди.

— Соҳиба, — деди Лобар паст овозда, — кўзларингиз тубида ғамни кўраяпман. Тинчликми?

— Сиз руҳшунос экансиз, — шивирлади Соҳиба. — Менга ёқиб қолдингиз, опа.

— Руҳшунослардан узоқроқман, — лабларини қимтиб, лаббўёқларни текширди Лобар. — «Аёл чидамли бўлиши керак!» Шиорим — шу. Кўпчилик аёллар муаммо гирдобида юради, шунинг учун кучлиларнинг ёрдамига муҳтож бўлишади. Ҳомиладормисиз?

— Қаёқдан билдингиз?

— Бижутериянгизда лазуритни кўраяпман.

— Лазурит орқали топдингизми? Жуда зеҳнли экансиз. Юзимга доғ тушмаган, қорним сезилмаган, қаёқдан билди экан, деб қўрқиб кетдим.

— Нега кўрқасиз? Бу сирми? — Лобар ўзини ажаблангандек тутди.

— Йўғ-е, ўзим шунчаки... — Соҳиба тақинчоқларига чалғишга уринди. — Тиллаларимнинг ҳаммаси уйда, Бухорода. Мен бижутерияга қизиқаман. Сиз-чи?

— Тақинчоқлар мен учун аҳамиятини йўқотган. Ҳаётингизни қримлик опага сўзлаб берганмисиз? «Ҳавасламан» деганига айтаяпман.

— Йўқ. Ёшман, бойман, хоҳлаган мамлакатимга саёҳат қила оламан. Балки шу жиҳатларимга ҳаваси келгандир.

— Лондонни яхши билсангиз, мени бир айлантирмайсизми? — сўради Лобар.

— Ўзим ҳам сиз билан қаерда, қандай қилиб холи гаплашсам, деб бош қотираяпман, — шивирлади Соҳиба.

— Бош қотираяпман, дейсизми? Келинг, бугун бирор ресторан, ошхона, паб, қаҳвахона, бар ёки павильонда ўтирамиз. Мен ҳозирча ишга тўлиқ киришганим йўқ. Вақт кўп, дардқаш кам. Нима дедингиз, Соҳибахон?

— Мен... нима десам экан... эримдан сўрашим керак. Кейин... ҳалиги битта-иккита ресторанга эрим билан борганимни айтмасам, кўчага деярли чиқармайди. Бар, павильон, пабни кўрмаганман ҳам.

— Шуниси яхши! Лекин Англияда ватандошингизни учратасизу бўш вақтингиз бўла туриб, эрингиздан қочиб чиқолмайсизми? Ёки куёвдан шартта рухсат сўранг! Бегона хотин деб менга ишқонмаса, майли, эрингиз билан танишаман. Балки бирга ўтирармиз, балки у билан аввалдан таниш чиқармиз. Менимча, бизнесимиз ҳам бир-бирига яқинроқ.

— У киши меҳмонхона бизнеси билан шуғулланади.

— Аттанг, мен учун нотаниш бизнес.

— Телефон рақамингизни беринг, кўнғироқ қиламан, — Соҳибанинг кўзлари олма-кесак терди.

Шу пайт салон эшиги очилиб, ўттиз беш ёшлардаги келбатли йигит бош суқди.

— Шофёримиз, — пичирлади Соҳиба ва ортига қайрилиб: — Ҳозир чиқаман! — деди унга.



Ҳайдовчи «Бемалол, бекам!» дегандек дарров эшикни ёпди-да, ташқарида, дераза олдида серрайганча кута бошлади. Лобар фаҳмладики, Соҳиба Бўрининг суюмли рафиқасидан кўра ҳарамиди сақланадиган канизакка кўпроқ ўхшайди. Шунчаки канизак, маъшуқа, ҳатто ҳақ-ҳуқуқсиз чўри бўлса ҳам майли, у чет давлатларнинг махфий хизматлари томонидан яқин-орада жисмонан йўқ қилинадиган қора рўйхатга тушган бахтсиз хотин эди. Москвадаги суиқасдларга Соҳиба фатво бермагани ҳам Лобарнинг дастлабки сезгилардан маълум бўлди-қолди. Бироқ ёш хотиннинг душманлари қасос ва кўрқувдан кўзлари кўр кимсалар эди. Улар ҳақиқатни Лобарнинг нигоҳлари ила кўришлари учун вақт керак: бугун, эртага, индин.

«Ҳомиладорлигини-чи! — куйинди Лобар. — Бўрининг касофатига уни отиб кетишмаса эди! Бошимга нимани ортгирдим-а? Мабодо Соҳибани сақлаб қололмасам-чи? Йўқ, уни ўлдиришса, виждоним ҳам, асабларим ҳам ортиқ бардош беролмайди. Шошиш керак! Францияда Шомил акага қўшиб Маҳмудни ҳам даф этишган бўлса, Анатолий Иванович «Ўғлим Иван қандай балои азимга дуч келган эканки, бу ишга тумшуғини тикқанларни бир бошидан қириб ташлашяпти», деб ўйлаши ва Бўрини ҳам, Соҳибани ҳам ўлдиришларига буйруқ бериши мумкин. Қўл остидаги саллохлар аллақачон пичоқларини қайраб, енг шимариб, буйруқ кутишяпти. Қолаверса, Маҳмуднинг аҳволи Шомил ака ҳақидаги миш-мишларга ҳам аниқлик киритади...»

Ҳарҳолда, Лобар шундай хаёлларни кўнглидан ўтказди. Соҳиба «Гўзаллик салони»дан чиққач, ҳайдовчи билан жўнаб қолганини кўриб, жинча енгил тортди. «Ҳеч вақони тушунмайдиган гўр қиздан ҳам баттар», — деди ичида.

Ўн биринчи қаватдаги ижара уйга қайтганида, қони гупуриб, кўзларида бурунгидек ўт чақнарди. Москвадаги шифохонада бошланган ланжлик ва тушкунлик ўрнини

шиддатли тўфон эгаллаб олганди. Кўзга кўринмас кучларга мутеликдан эзилиш уни безовта қилмаётган эди. Қарта доналари Лобарнинг қуроли. Анатолий Иванович ҳам, Шомил ҳам, жиноят сўқмоқларида ивирсиб юрган бошқалар ҳам — барчаси иккиюзламачилар эди. Аслида мақсадлари нима, хоҳлаётганлари кимнинг боши — тушуниксиз эди. Лобар ҳам қарталарини жанг майдонига киритиб, ўзига керакли вазиятни юзага келтиришни ўйлаб қўйди.

— «Қабиҳиш»ни охирига етказиб, Осиёга чиқмагунимча «туманли Альбион»дан Москвага кўнғироқ қилмоқчи эмасдим, — деди Лобар телефонда Мадинага. — Ута муҳим гаплар туғилиб қолди. Ҳозирнинг ўзидаёқ улаб беришингиз шарт.

Мадина шахсан Анатолий Ивановичга боғланолмасди. Лондондаги иш юзасидан бошқа одам масъул қилиб тайинланганди.

Гўшакни Юра кўтарганида, Лобар салом-аликни насия қилиб, деди:

— Иш салкам пишди, сиз ўйлаган жувон айбдор эмас.

— Бизга айтишдики, бугун бор-йўғи бир-икки оғиз гаплашгансиз, — Юранинг тўнг овози эшитилди. — Айбдор эмаслигига исботингиз йўқ. Қандай ҳам бўлиши мумкин? Ҳатто, «Кавказ» ресторанига нега борганини ҳам сўрамагансиз.

— Ҳаммасининг вақт-соати бор. Соҳиба жабрланса, ўртамизда жарлик пайдо бўлади.

— Ўша жарликка ўзингиз қулайсиз. Хоинлик қилмаслик тўғрисида шартнома имзолагансиз.

— Мақсад қасос олишми ёки Иваннинг ҳаётини сақлаб қолишми? Буни унутманг!

— Мақсад, албатта, иккинчиси. Биз Лондондан жуда узоқдамиз. Минглаб чақирим наридан сезишимизча, сиз Москвадагидан анча ўзгариб қолгансиз. Ўзингизни адвокат ҳам, жосус ҳам деб ҳисобламанг. Янги

фалокатларнинг олдини олиш учун Россиядаги ягона вариант сиз эдингиз, чунки қора қаргалар калаванинг учини топишда фақат сиз асқотишингиздан далолат беради.

— Сиз ҳам ўзгариб қолибсиз.

— Мен бунинг учун маош оламан, — деди Юра. — Сиз эса нуқта қўйишингиз ҳеч гап эмас.

— Умримгами?

— Йўқ, унинг умрига.

— Менга қаранг...

— Ўпкангизни босинг, — жеркиди Юра. — Энг камида, бизга гастарбайтер хотин Москвадаги ертўлада яшаган дамларида хужрасига кимлар келгани-ю қандай ёрдамлар таклиф этишгани ва эрининг яширин фаолияти ҳақида маълумот керак. Бир жиҳатдан ҳақсиз, ҳеч қандай айбдор эмасдир, очилмаётган кулфнинг калити ундан чиқмайди ҳам деёлмайман.

— Менга йўлбошловчилик қилган Маҳмуд қаерда?

— Қаердалигига қизиқсангиз, — ўйиндан фожиали равишда чиқариласиз. Одамларимизни режадан ташқари ҳолатда сўраб-суриштиришингиз, бу — разведка демакдир. Биз хушёр ва кучли дўстларингизмиз. Яхшиси, Маҳмудни суриштириш ўрнига Швейцариядаги банкларнинг биридан ўзингизга ҳисоб рақам сўранг.

— Қон тўкилмаса бас, келишиб кетамиз...

— Яна бир гап! «Талаба»миз ҳали-ҳамон махфий квартирада жон сақлаяпти. Ишни тезроқ ҳал қилмасангиз, йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаб, уни эсон-омон отасига етказиш ҳақида қайғурамиз. У ҳалок бўлгандан кўра бошқалар ҳалок бўлгани маъқулроқ. Илиқ гапларингизни гастарбайтер хотиннинг қабртошига ёзгунча бугун-эртан ўзига айтиб кўринг.

Лобар телефонни тумбага қўйиб, у ёқ-бу ёққа юрди. Кечкурун «Кавказ» ресторанига бормоқчи эди. «Лобарни турмушга бериш керак, куёв ҳам тайёр» деб лоф урган, Шомилни Пўлат Фазлиаҳмедовга айлантириб, Лондонда

яшаттирган, сўнгра Римдаги тузоққа юборган, бир вақтлар Россияда беҳаё фильмлар суратга олиш билан шуғулланиб, эндиликда террорчиларга Бурбон чолнинг бойликларини ваъда қилаётган Гена лақабли шахсни кўрмоқчи эди.

Бироқ 16:30да, Лобар кўчага чиқишга отланаётганида телефон жиринглади. Бу Соҳиба эди.

— Опа, — деди у ҳаяжонини яширолмай, — эрим кетди. Ихтиёримизда икки соатлик имконият бор. Илтимос, менга ҳозир вақт ажратинг. Рухшунос бўлмасангиз ҳам, ёрдамнингиз керак. Худого ишонасизми?

— Ишонаман.

— Сиримни сақлашга қасам ичасизми?

— Учрашайлик, қасам ҳақида юзма-юз гаплашамиз, — мулойим сўзлади Лобар. — Нега ўз ватандошимни, синглимни, бир неча ойдан сўнг фарзанд кўрадиган бўлажак онани бадном қилишим керак экан? Сизга ўхшаган қизларнинг, келинчакларнинг, ёши катта аёлларнинг қанча-қанчасига ёрдамим теккан.

— Опа, сизни менга тақдирнинг ўзи етказди, — йиглаб юборди ёш хотин.

— Йигламанг, — юпатди Лобар. — Йиғи билан иш битмайди. Айтинг, қаерга борай?

— «Гўзаллик салони» уйимга яқин. Сиз ҳам ўша атрофда турасизми?

— Жуда ҳам яқин эмас. «Монтана» чорраҳасидан ўнгда.

— У ёқларни билмайман. Салон жойлашган кўча бошидаги қизил супермаркетнинг иккинчи қаватида, эскалатордан чиқиш жойида учрашайлик. Бўладими?

Икки аёлнинг учрашувига лоқайд Лондон ўз ташвишлари ила банд эди. Лобар уйдан чиқиб, одамлар оқимига кўшилди-да, икки юз қадамлар юргач, биринчи учраган таксига кўл кўтарди. «Кэб» айтилган манзилга элтиб қўйди. Лобар атрофга алангламасдан, қизил супермаркетнинг қора ойналарида акс эттирилган ёзувларгагина бир қур назар ташлаб, уч эшикнинг

чеккароғидагидан кирди. Биринчи қаватдаги озиқ-овқат бўлимига бурилиб, ичимликлар томон юрди ва бир шиша олмали сидр харид қилди. Сидрдан кечқурун татиб кўришни кўнгли тусади. Бироқ ортидан одам кўйилганини текшириш бирламчи мақсади эди ва режасига зиғирча таъсир этмайдиган далилни ахтариш Лобарга нега керак, ўзи ҳам тушунмасди. Ким кузатишидан қатъи назар у бирибир ҳозир Соҳиба билан учрашади ва дардиний тинглайди. Генанинг кирдикорларини очишга киришган инглиз разведкаси, албатта, Лобарни ҳам кўздан қочирмаётган бўлса керак. Балки супермаркетнинг кузатув камераларидан фойдаланишаётгандир? Соҳибанинг изидан тушган Анатолий Иванович одамлари эса фақат Лобарга суянмаётгани Мадинанинг ахборот тўплашларидан ҳам кўриниб турарди.

— Ё ҳеч ким йўқ, ё мен гўлман, — деди Лобар ва эскалатордан иккинчи қаватга кўтарилди. Ҳайвон автоматларининг жетонлари кассаси ёнидаги ишқибозлар сафида Соҳибанинг хавотир инган чеҳраси кўринди, либослар сотиладиган ойнали бўлмалар томон юришга ишора берди у.

— Қийналмасдан топиб келдингизми, Лола опа? — деди Соҳиба бурчакка етганларида.

— Раҳмат. Нима гап ўзи, Соҳибахон?

— Менга маслаҳат беринг, опа. Жуда қийналаяпман. Ёмон хаёлларга борманг, енгилтак эмасман. Эрим, оилам, бошпанам бор, лекин... қандай тушунтирсам экан... қулга ўхшаб қолдим. Бир кун келиб ўлигим бегона ўлкаларда қолади ё бир тийинсиз кўчага қувиламан. Сизнинг гапларингиз менга жуда ёқди. Ўн етти ёшингизда кўр-кўрона турмушга чиққанингиздан нафратланишингиз... Қисқаси, мен ҳам сиздек бўлмоқчиман. Чет элда қандай яшашни, вазиятдан чиқишни ўргатинг, ўтиниб сўрайман. Мен ҳам қўлимдан келганича ёрдам бераман, агар Лондонда бирор нима керак бўлса... Илтимос, опа! Бировга суянмасам, ўлиб қоламан.

— Суҳбатимизни ёлғондан бошламоқчи эмасман, — дона-дона сўзлади Лобар. — Исмин Лола эмас, Лобар. Салонда алдаганимнинг сабаби, у ердагиларни танимасдим. Исминни бйлишларини хоҳламадим. Сиздан эса сир бекитмоқчи эмасман.

— Россияга борганингиз ҳам ёлғон эмасми?

— Ёлғон эмас.

— Тақдиримиз ўхшаш экан, қаттиқ таъсирландим, Лобар опа. Мен соддаман. Шу соддалигимга яраша ўжарман. Ўзимга ўзим чоҳ қазияпманми, деб ич-этимни еб юрибман. Бу гапларни ҳеч кимга, ҳатто ота-онамга ҳам айтмаганман, айтолмайман ҳам.

— Тинчроқ жойда ўтириб, бафуржа гаплашиб олсак, — деди Лобар. — Айтадиган гапингиз кўпга ўхшайди.

— Ресторанга боришга кўрқаман. Бугун биринчи марта уйдан сўроқсиз, чиқишим. Эрим менга тўлиқ ишонади, бунақа юрганимни хаёлига ҳам келтирмайди. Кўриб қолса, тамомман.

— Тўртинчи қаватда қаҳва ичишга қалайсиз? — юқорига им қоқди Лобар.

— Тўртинчи қаватда шунақа жой борми?

— Супермаркетга кираётиб, ойнага қарадим. Унда қайси қаватда нималар жойлашгани ёзилган экан.

— Эскалатордан жимгина чиқишди. Бўш стулга ўтириб, аччиқ қаҳва буюришди. Соҳиба кўзларини артарқан:

— Салондагилар сиз ҳақингизда у-бу нарсаларни билишларини нега хоҳламадингиз? — деди.

— Одамлар қайси сирларимни билишларини хоҳласам, ўшаларнигина айтаман.

— Бизнес билан ҳам шуғулланмайсизми?

— Бизнес асосий касбим эмас.

— Хавфсизлик хизматида ишлайдиган бўлманг тагин!

— Соҳиба хаёлига келган шубҳани тилига чиқарди.

— Ҳеч қайси давлатнинг ҳеч қайси органидан эмасман. Боя телефонда қасамни гапирдингиз, келинг, қасам ичмасдан, ҳаммасини очик гаплашайлик, сиз ҳам шундай қиласиз. Розимисиз?

— Розиман. Менга ёрдам берсангиз бўлди.

— Нима учун сизга айнан мен керак бўлиб қолдим? — қаҳва хўтлади Лобар: — Англияда аёллардан сирдошингиз йўқми? Қариндошларингизга телефонда ёрилишингиз ҳам мумкин эди.

— Бошқаларни гапириб ҳам ўтирмайлик, Лобар опа. Салонда гапларингизни эшитиб, йиғлагим келди. Охирги вақтларда тушкунликка тушганман, жуда ёмон тушкунлик. Дунё кўзимга тор кўринаяпти. Қисмати ўзимниқига ўхшайдиган сиздек аёл борлигини сезардим. Мана, учратдим. Гап шунчаки эрим билан ўртамиздаги муносабатларга бориб тақалмайди. Бу ерда гап кўп.

— Ўзингизни давлат органлари ахтариб келадиган деб ҳисоблашингиздан ҳайрон эмасман, аммо қизиқаяпман. Асосий муаммонгиз қандайдир жиноятга аралашиб қолганингиздами? Гоҳида одам ўзи истамаган ҳолда бирор жиноят иштирокчисига айланади.

— Жиноятга аралашганим йўқ. Эрим мендан йигирма саккиз ёш катта, элликка кираётган эркак. Етти ухлаб тушингизда ҳам кўрмаган усулда менга-уйланган. Келажакимни тасаввур қилолмаёпман. Қандай йўл тутишга бошим қотган.

— Рухшуносларга ўхшаб сизни тушкунликдан чиқаришим, худбинликка ўргатишим ва ўзингиз учун яшашга даъват этишим керакми? Бу муаммо эмас. Муаммо бутунлай бошқа нарсада.

— Нимада?

— Уни севасизми?

— Мен-а? Йўқ... севмаганман.

— Бойлиги учун турмушга чиқдингизми?

— Айтдим-ку, етти ухлаб тушингизга...

— Ҳадеб бир гапни такрорлайверманг! Эрингиз ҳақиқатан ёши катта эркак, сиз эса йигирмага ҳам кирмай ажрашган келинчак бўлганингиз учун у ёлланма куёв топган. Ёлланма куёв тўй куни роль ўйнаб берган. Кечаси чимилдиққа ҳозирги эрингиз кирган. Тез орада

қари эрингиз билан чет элга жўнаб кетгансиз. Ўшандан бери хорижда ота-онангизни-ю ўзингизни алдаб яшаяпсиз. Шуми менинг тушимга кирмаган усул?

— Сиз... кимсиз? — ўрнидан туриб кетаёзди Соҳиба. — Буларни қаждан биласиз?

— Ўтиринг! — Лобар Соҳибанинг биллагидан тутиб, қоғоздек оқарган юзига кулимсираб тикилди.

— Мени қандай танийсиз? — Соҳиба атрофга ёрдам илинжида мўлтиради, бироқ ҳеч кимни чақирмади.

— Бу саволни «Салонда алдаганимнинг сабаби, у ердагиларни танимасдим» деганимдаёқ беришингиз керак эди. Сизни таниганим учун ҳам ҳақиқий исмиمنى яширмаётганимни таъкидлаяпман.

— Мен... кета қолай, опажон...

— Тинчланинг, Соҳиба, — деди Лобар босиқлик билан. Сўнгра сумкасидан «Кавказ» ресторанида туширилган фотосуратни чиқарди. — Бу суратдаги сиз. Девордаги ёзув — «Кавказ». Сурат Лондонда туширилган. Соҳиба, мен Россиядаги қиморхоналарни зир титратган Лобар деган аёлман. Эҳтимол, эшитгандирсиз?

— Й... йўқ.

— Яхшилаб кулоқ солинг! Қўлимдан кўп иш келади. Сиз ҳақингизда Россияда эшитдим ва Англияга учиб келдим. Москвада яшаган кезларингизда эрингиз сизни бир қути сигаретга алишган экан. Кечаси учта йигит ўз ишратхоналарига олиб кетишмоқчи бўлганида, тасодиф билан қутулиб қолгансиз. Эрингиздан ажрашиб, Бўрига турмушга чиққансиз. Эндиликда россияликлар ўша уч йигитга уюштирилган суиқасдларда сизни айблашапти. Сизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайман. Қўлимдан келганича қутқариш менинг асосий мақсадим, тушунарлими? Бунинг учун бир тийин талаб қилмайман. Менга ростини сўзласангиз, бас! Одам ўлдирган бўлсангиз ҳам яширманг. Тушунаман, чунки бир неча йил аввал ўзим ҳам қотиллик қилишга мажбур бўлганман.

— Нима қилибман уларга... россияликларга?



## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бири Москва яқинидаги ўрмонда ҳиндулар болтасида ўлдирилган, иккинчиси ресторандан чиққанида сўйиб ташланган. Учинчиси, яъни Иван деган йигит тирик. Унинг жонига ҳам икки марта қасд қилишга уринишган. Биринчисида, тўшпончадан ўққа тутишган, иккинчисида, Москва атрофидаги махфий квартирасида бекиниб ўтирганида снайпер ўқи башарасини ялаб ўтган.

— Иван, ҳа, исми Иван эди биттасининг... Бунақа ишларда менинг айбим йўқ. Қанақасига мен... — Соҳиба кўрқув ва ҳайронликдан бақа бўлиб қолганди.

— У катта амалдорнинг якка-ю ёлғиз зурриёди. Буни ҳам биласизми?

— Кимнинг қанақа зурриёди экани билан нима ишим бор? — Соҳиба юзини тўсиб, инграб юборди. — Мен... мен айбдор эмасман ахир, Лобар опа! Шунча гафто етмагандек... энди тухматга ҳам қолдимми? Наҳотки, бировларнинг ўлимида айбланиб қамалсам?

— Қамоқдан умид қилманг. Улар сизни ўлдиришмоқчи.

— Ўлдиришмоқчимми? — ялт этиб қаради Соҳиба. — Милиция-ходимлари... шунчаликка-борадими?

— Ҳамма гап шундаки, милиция ҳам, федерал хавфсизлик хизмати ҳам қотилларни тополмаган, сизларни ҳам айбдор демаган. Жабрланувчининг падари бузруквори қўлидаги ҳокимиятдан фойдаланиб, ўглини сақлаб қолишнинг ноқонуний йўлига ўтди. Бор куч, бор имкониятини ишга солиб, худди мафия сардорларидек ҳеч нарсага, ҳеч қайси қонунларга қараб ўтирмоқчи эмас. Кимдан шубҳаси бўлса, йўқотиб юбораяпти. Энг муҳими, ўгли тирик қолиши керак. Узун-қулоқ гапларга кўра уч йигит сизни қаттиқ хафа қилгани учун ўлимга ҳукм этилган.

— Мен ўч олаяпманмикан?

— Эҳтимол, эрингиздир. Русларнинг тахминича, Бўри сиз учун ҳамма нарсага тайёр. Қўлидан ҳар бало келади. Сизни хушнуд этиш учун уч йигитни ўлдиришни буюрган.

— Эрим... У ҳақда аниқ ҳеч гап айтолмайман, чунки меҳмонхона бизнеси билан шуғулланишини биламан, холос... Кейин у... — Соҳиба бир зум ўйга толди. — Э, ҳа, гап бу ёқда экан-да!

— Нимадир эсингизга тушдими?

— Куёв ролини ўйнаган йигитни Италияда ўлар ҳолатда дўппослаб кетишган кунлари Бўри ака ичига чироқ ёқса, ёришмай юрди. Мен буни шогирдига ачинаяпти, десам, орқаларидан одам тушганидан асабийлашган экан-да! «Нима хоҳлашади ўзи мендан?» деб телефонга бақиргани ҳам эсимда. Кейинроқ билдимки, дўппослаганлар Бўри ака билан мени сўраб-суриштирган.

— Ҳа, сизлар тўғрингизда маълумот олиш учун Холбойни ахтариб топишган. Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Унинг исми Холбой эмас, Турғун. Ҳаммани алдаганмиз. Тушунмаяпман, тушунолмаяпман. Биздан шунчалик ваҳшийликни кутишлари...

— Эрингизнинг исми Бўри эканини яқинда аниқлашди, адашмасам, Турғун айтган. Кейин яна бир гап! Москвада айтишгандики, одамларнинг кўзини ёлғон куёв билан шамғалат қилиб, аслида халқаро жиноятчига хотин бўлгансиз. Мен Россияда эканимда руслар Бўрини «халқаро жиноятчи» деб атаган.

— Нега унда Бўри акани Россияда, Италияда, Англияда — ҳеч қаерда қамоққа олишмади?

— Агар эрингизнинг айбдорлигига тирноқча далил бўлганида эди, аллақачон Россия қамоқхонасида ётарди. Ҳукумат қараб ўтирадимиз! Италияда яшайдими, Лондонга бекинадими, бефойда эди.

— Демак, милициянинг далили йўқ, Иваннинг отаси ўз билганича иш тутаяпти. Ким айтди экан-унга биз қабиҳлик қилган бўлишимизни?

— Сизга ҳаммасини тўлиқ тушунтираяпман-ку, Соҳиба.

— Ўч олиш учун ўлдириб юбориш айтишга осон, Лобар опа! Ҳайронман, қандай ишонишди менинг айбим борлигига? Бўри акани халқаро жиноятчи, дейишибди.

Қанақасига халқаро жинойтчи бўлиши мумкин? Пулини кўпайтириш учун ташкилотларнинг пулларини еб юборганини эшитганман. Бу анча олдин қилинган. Бу халқаро жинойт эмас-ку!

— Юраклари «Бўри қотил! У ёш хотинчаси учун йигитларни ўлдирди!» деб бонг ураяпти. Давлат органлари «Қотилликларда Бўри айбдор эмас», дейишса, Иваннинг отаси Бўри ва сизга ёпишиб олганча қўймапти. Ким айтганлигига келсак, отангизга ёзган хатингиз уларнинг қўлига тушган. Менда тахминлар кўп. Сизга ҳақиқатга яқинини айтаяпман.

— Хатни атайин ташлаб қўйгандим. Унда бор ҳақиқат ёзилмаган.

— Тушунмадим. Бу билан нима демоқчилигингизни биласизми ўзи?

— Ҳеч кимни ўлдиртирмаганман, лекин хатни атайин ташлаб қўйганман. Бўри ака буюрмаган, у кишининг хабари йўқ. Далил қолдирганимни билса, қайтанга мени жазолайди.

— Хат ташлаб қўйишдан мақсад-муддаонгиз нима?

— Хатни ўқиганлар қисқа муддатда ажрашиб кетишимда эримнинг кечириб бўлмас айби борлигини билишсин, дегандим. Аслида калта ўйладим. Турмушим бузилишига ўзим айбдорман. Шу кўйларга тушиб, жазосини тортиб юрибман.

— Хатда бор ҳақиқат ёзилмаган бўлса, эрингиз нега русларга бу тўғрида индамади? Россияда биринчи эрингизни, яъни Иноятни кўрдим. Иваннинг отасининг қўлида сизнинг расмингиз, хатингиз ва биринчи эрингиз бор. Элдан яширган никоҳ сиригиз аллақачон маҳаллангизга ёйилди, деб ҳисоблайверинг. Бу ҳам етмагандек, Иноят сизни ва иккинчи эрингизни Россияда ўта оғир жинойтларда айблаб, зимдан қидиришаётганини ҳам қавму қариндошига айтади. Бухорога яқин ўртада кўнғироқ қилдингизми?

Соҳибанинг ияги қалтираб, кўзларидан ёш томчилади.

— Опа, мен бахтсизман...

— Айбдор эмаслигингизни Иваннинг отасига исботлашимга, бундан кейин тинчгина яшашингизни таъминлашимга кўзим етиб Лондонга келдим. Бошоғриқ воқеани яхши тугатиб, ватанга қайтишим керак.

Соҳиба бошини кўтарди.

— Улар орқамиздан сизни юборишдими ё фақат халоскорликка келдингизми, ишоналмаяпман, — деди кўз ёшини тўхтатолмай.

— Мен жиноят олами вакиласиман, лекин ҳалол йўлга қайтаяпман. Эрим мени қиморга тикканини ўқиганингизни хатда ёзгансиз. Йиллар ўтди. Дарбадарлигимда қиладиган сўнгги ишим — сизни қутқариш! Ищонаманки, ҳеч кимни ўлимга буюришга ҳақдингиз сизга сизга. Тафсилотларни эшитганимдаёқ айбдор эмаслигингизни уларга айтдим. «Лондонга бор-да, ҳамюртинг билан гаплаш! Биз Иванга таҳдид солаётган кучларни йўқ қилишимиз керак!» дейишди. Менга ҳақиқатни гапирмасангиз, эртан-индин ҳаётингизда фожиа юз беради. Бўри ҳам, сиз ҳам ўлдириласиз. Кўраяпман, тирик жонларни ваҳшийларча қатл этишни ҳеч кимга илтимос қилолмайсиз. Афсуски, руслар буни тушунишмайди. Сиз ё қотилсиз, ё ўзингиз ҳам билмаган ҳолда қон тўкилишларга сабабчи маъбудасиз.

— Нималар бўлаяпти-я? — Соҳиба ҳиқиллади. — Энди нима қиламан, опа?

— Бўри нега сизни айнан «Кавказ» ресторанига олиб борди? — дея Лобар фотосуратни яқин сурди.

— Мен ўлдиртирмаган эканман, бундан чиқди, ҳамма айб эримдами? У атайин «Кавказ» ресторанига бошлаб борган демоқчимисиз?

— Шундай бўлиб чиқса ажабмас. Иван ҳозир Лондонда яшаяпти. Сизлар «Кавказ» ресторанига борганларингизда, у ҳам ўтирган. Бу сурат Иваннинг шахсий кўриқчиси томонидан туширилиб, Москвага юборилган. Иванни эса одамтопмас квартирага бекитганлар. Россиядаги

суиқасдлардан қочиб, Лондонга келса-ю бир неча стол нарида Соҳибахоннинг шахсан ўзини учратса, утақаси ёриладими, йўқми?

— Ахир, Бўри ака мени севмайди-ку! Менинг баҳонамда ўйин қилиб юрганига ҳам кўзим етмайди. Шунчаки ўзбек миллатига мансуб, ёш, чиройли қиз керак эди унга. Эришди! Ифлос йўл билан бўлса ҳам эришди!

— Нега қарғаяпсиз? Ҳали уйга кетаман, деб ҳам қоларсиз? Тахминимча, бу ишлар ёпилмагунча Иваннинг отаси Иноятни кўйиб юбормайди, Бухорога қўнғироқ ҳам қилдирмайди. Балки миш-мишингиз шахрингизга етиб бормагандир?

— Бунинг энди нима фойдаси бор?! Мен Бўри ақаникидан кетолмайман.

Соҳибанинг йиғлаётганига одамлар қарай бошлаган эди, Лобар:

— Йиғини тўхтатмасангиз чиқиб кетишимизга тўғри келади, — деди.

— Хўш...— титради Соҳиба.— Ҳеч кимни ўлдирмаганимни айтаяпман... Кутулдимми улардан?

— Ҳозирча иқрор кифоя эмас. Яна бир далилни эшитинг. Икки йигит ўлдирилган жойлардан ҳам, Иванга суиқасд уюштирилган маконлардан ҳам бир донадан қора қарга топилган. Киллер ҳар сафар қора қарга ташлаб кетиш орқали ўзидан белги қолдирадиган устаси фаранг кимса. Тўппонча-ю милтиқ ишлатиш, пичоқбозлик, ҳиндуларнинг болтасини узоқдан бехато отиш унга чўт эмас. Бунинг устига кимлардир унга тинимсиз ахборот етказиб туради. Мен эса қаргаларнинг устасиман. Дунёда қимор салтанати борлигини ҳам билиб қўйинг! Руслар мени бекорга танламади. Сиз — Соҳиба, ҳозирнинг ўзидаёқ Бўри қаерлик эканини, қайси ташкилотларда ишлагани, қиморбозми, миллатчими, руҳан соғломми, хуллас, билганларингизни гапириб беринг. Суиқасдларга алоқаси борлигини аниқлайманми, йўқми, ўлим ўйинидан сизни эсон-омон олиб чиқишга

ҳаракат қиламан. Лондон менга бегона, аммо шу ерда юз бераётган воқеани уй деб тасаввур қилсангиз, мен бу уйнинг бекаларидан бириман. Ҳар ким ўзига ёққан инсонларни ҳимоя қилишни истайди. Хатингизни ўқиганимда, тақдирингиз меникига ўхшашлигидан, сиз салонда таъсирлангандан юз баравар мутаассир бўлдим. Хоҳласангиз, Бухорога кетиб, гуноҳларингизга тавба қиласиз-да, эл қатори тинчгина яшада давом этасиз. Хатда ёзилишича, сиз тикувчисиз. Бойнинг ҳарамида эркисиз яшагандан кўра ўз меҳнатингиздан келган ҳалол нон ва эркинлик яхши эмасми?

— Орқага йўл борми, опажон? — деди ниҳоят Соҳиба.

— Сизниқидан оғир вазиятлардан чиққанман, йўл топиб бераман, — Лобар дастрўмол узатди. — Ўзингизники ҳўл бўлиб кетди, меникини ишлатинг. Москвада қолдирган хатингизда тўлиқ ёзилмаган ҳақиқатга ҳам қизиқаяпман. Қаҳвани ичинг. Хоҳласангиз, юз-қўлингизни ювиб келинг.

Соҳиба ювиниш хонасидан дарров қайтди.

— Хатни ўқиган бўлсангиз, — деди у ўзини босиб олгач, — Иноят билан қандай оила қурганим, Россияга нега келганим, мени ярим ҳазил, ярим чин ҳолда бир қути сигаретага алмашгани — барчасидан хабардорсиз. Бошимдан кечирганларимни сизга оқизмай-томизмай ҳикоя қиламан. Таржимаи ҳолимдан бохабар опамдан гап бекитиб нима қилдим. Мудҳиш ҳаётномамда Бўри ака ҳақида ҳам маълумотларни ўрни-ўрни билан қўшиб бораман. Биласизми, Иноятга... эримга хиёнат қилганман. Ёшлигимдан эрка, тантиқ, ўз айтганидан қолмайдиган қиз эдим. Ҳар доим эркалигимни сездирмасликка уринардим. Отам бой-бадавлат эмасди. Шундай экан, нималарнинг орзусида яшашимни дўст-дугоналарим эшитса, ўстимдан кулишарди. Икки қаватли қасрда туришни, турли-туман қимматбаҳо либосларим бўлишни, тез-тез чет элларда дам олишни кўнглим тусарди. Орзуларимни гапирсам гапим тугамайди. Тақдир тақозоси

экан, Иноятга узатворишди. Иноят янги куёвлигидаёқ Россияга кетиб қолгач, қайнонамнинг феълига-ю ёлғизликка чидаёлмай жанжал қилдим ва Москвага кетишга рухсат беришларига эришдим. Яшашимиз итникидан баттар эди. Иноят чиқиндихонада ишларди. Мен эса подъездларни ювадиган фаррош бўлдим. Ишимнинг оғирлиги айтишгагина осон. Шунга қарамай, кўз ёшларимни ҳеч кимга кўрсатмай, аламимни ичимга ютиб, ишлайвердим. Қаёққа ҳам борардим! Ватанга қайтсам, битта молнинг пулига куйган қайнонам теримга сомон тикиши, ота-онамдан гап эшитишим, кўни-кўшни, қариндошлар олдида иродасиз, куйдирги келин деб ном олишим аниқ эди. «Россияда ҳеч ким сенга осон иш, катта маош тайёрлаб қўйгани йўқ», деб юз марта гапирганларнинг олдида юзим шувут бўлмаслигини кўп ўйлардим. Ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборган аянчли воқеа чошгоҳ вақтида юз берди. Одатда подъездни юқори қаватдан бошлаб тозалардим. Ўша кун иттинчи қаватга етиб, мажолим қуриди, кўлим совуқдан кўкариб кетганди. Зинага беҳол ўтириб, деворга суяндим. Кўзимда ёш, бирпас мизғибман. Чарм қопламали эшиклардан бири очилганида, ўрнимдан турмоқчи эдим, мадорим етмади. Хонадондан чиққанлар мени пайқамай, бўсағада тўхташди. Қулоғим қар эмас. Хоҳламасам ҳам уларнинг сирли суҳбатини эшита бошладим. Улардан бири — уйдан чиқаётгани аёл, ичкарида қолаётгани эркак эди.

«Нима бўлса бўлди, — деди аёл ўзбек тилида. — У билан гаплашиб кўраман. Сен ҳадеб аччиқланаверма. Етар шунча қон тўкканинг!»

«Кимнинг қонини тўкибман, опа?! — эркакнинг зардали овози эшитилди. — Оиламга илон мисоли кириб, ишончимни қозониб, энди лаънати юристларини ишга солишини кўрмаяпсизми? У битта нарсга тушунмайди: мендан пулни қонунан ундиришига ишонади, бун иудалайди ҳам. Шуми ғалабаси? Ўз-ўзига гўр қазиш-ку, ахир!»

«Сен ҳеч кимни ўлдирмасликка ваъда бергансан! Умринг судларга қоришиб ўтаяпти. Хайр! Бир гапни чайнашни ёқтирмайман. Яна беш дақиқа гаплашсам, қон босимим ошиб йиқиламан».

«Тўғри, ўз қўлимни қонга бўямайман...».

«Бировларга буюриб ўлдиртирган ҳам қотил, буни менга бир вақтлар ўзинг айтгансан! Яна бир марта хайр! Мен кетдим...»

Аёл бир қадам ташлади-ю сесканиб тушди. Бир-биримизга илонни кўргандек тикилиб қолдик. Меҳмон илкис тўхтаганидан ҳаммасини тушунган эркак подъездга отилиб чиққанча икки сония миқ этмади.

«Кечирасизлар... Мазам қочиб, ишлолмаяпман, — инқилладим мен. — Ҳозир кетаман... пастда шу уйнинг ертўласида яшаймиз... хўжайиним билан...»

«Хўш, «Тез ёрдам» чақирасанми?» — аёл уй соҳибига маъноли боқди.

«Сиз бораверинг! У билан ўзим...» — деди эркак ва меҳмонни лифтга кузатиб қўйди.

Мен зўрға оёққа турдим-да, деворга суяндим. Аҳволим борган сайин оғирлашаётган эди. Ҳалиги аёлга эргашиб лифтдан тушмаганимга афсусландим. Уй соҳибни мен томон секин яқинлашди. Эллик ёшларни қоралаган, юз-кўзида тўқлик, маишатпарастлик уфураётган миллатдошимга кўрққанча термилдим. Бир дақиқа бурун уларнинг оддий оилавий можаросини тингладимми ё бир жиний режадан воқифга айландимми, миям мушоҳада этишга қодир эмасди.

«Ўзбекмисан?» — сўради у.

Мен бош ирғадим.

«Бир-икки ойдан бери подъездни сен ювасан, тўғримми?»

«Ҳа... кетақолай, амаки... Пастда эрим кутаяпти...»

«Йўқ, йўқ, шу аҳволда кетсанг мен учун номардлик бўлади, — деди у. — Уйимга, беш дақиқага кирасан, сенга дори бераман, сўнг кетаверасан. Қара аҳволингга!»



Бегона эркакнинг уйига ёлғиз киролмасдим. Шу пайт подъездаги иккинчи эшик очилиб, олтмиш-етмиш ёшлардаги руе аёл кўринди. Эркак подъезд фарроши ўзига юртдош чиқиб қолганини, зиналарни юваётиб, камқувватлик важдан ҳолсизланиб йиқилганини, ёрдам бермаса бўлмаслигини, «Тез ёрдам» ўрнига яқин-атрофдаги клиникада ишлайдиган шифокор дўстини чақиртиришини шундай таъсирли ифодаладики, аёл менга ачиниб, шу дамдаёқ бир ёнимдан суяди.

Эркакнинг уйи тўрт хонали эди. Ҳар бир хонаси дид биланбезатилиб, замонавий жиҳозлар жойлаштирилганди. Ҳавода сигарета ҳидидан ташқари ажиб хушбўй ис ҳам сузиб юрарди. Шу уйнинг ертўласида яшаётганим учун ўзимни гадодек ҳис этдим. Бой-бадавлат юртдошимнинг меҳрибончилиги кўнглимни юмшатган эса-да, бўсағада қандайдир олғир хотин ҳақида гапирган таҳдидомуз гаплари юрагимга гулгула солаётганди. Хонадонда биздан бошқа аёл киши-ю болаларни учратишни умид ҳам қилмадим.

Ваннахонадан — кейинги — чоғроқ — хонага кирдик. Жигарранг тўшамали диванга ётқиздилар, шу ондаёқ қаддимни ростладим. Тўрга тушган ҳашаротдек нукул қутулишга уринардим. Кўшни аёл иссиқ чой узатди, Бўри ака гўшакни кўтариб, шифокорга сим қоқди. Кўшни эркак ва аёл подъезднинг янги фаррошини — каминани танимаслиги, ёш хотинлар мусофирчиликда оғир меҳнатга уннаб кетишаётгани, ақлларини ишлатиб, пул топишнинг ўзларига муносиб йўлларини қидиришлари кераклиги хусусида гаплашдилар. Гап орасида Бўри ака жавонни титкилаб, ваъда берган дорисини олди. Қиммат дори эди шекилли, кўшни аёл оғзидан суви оқиб мақтади, ҳамиша топилмаслигидан нолиди, мен эса, унинг назарида, эркакнинг чексиз илтифотига сазовор бўлган бахтли аёл эдим.

Кўп ўтмай кўшни хотин чиқиб кетди. Шифокордан дарак йўқ эди. Дори таъсирида бўлса керак, танамда куч-

қувват уйғонди. Тинимсиз ютина бошладим. «Шу уйда яшаганимда, қалампир қўшилган иссиқ шўрва ичиб, кўрпага бурканиб, диванда уч кун ухлардим», деган ўй ўтди кўнглимдан. Қисматимга хўрлик ёзилганидан ич-ичимдан ўкиндим. Оғир меҳнатга дуч келганимнинг айбдорларини қидирдим. Ота-онам бой бўлганида ёки Иноят жарақ-жарақ пул топганида эди... Ҳа, эсимни таниганимдан бери айбни бошқалардан ахтариб ўргангандим. Шунда еңгил тортардим ва инжиқ феълим учун гуноҳкор эмаслигимдан, мени бировлар шу кўйга солганидан пинҳона мамнун бўлардим.

«Исмим Бўри, — деди уй эгаси. — Тирноқча ҳам ёмонлик қилмайдиган яхши бўриман. Врачдан умид қилма, у келмайди. Қаерликсан?»

«Бухоролик. Келмайдими? Унда мен...»

«Менинг ўзим врачман. Исминг нима?»

«Соҳиба».

«Ёшинг нечада?»

«Мен... мен кетаман...» — эшикка чиқмоқчи эдим, Бўри ака кўлимдан тутиб, диванга куч билан ўтиргизди, истеҳзоли кулди. У отам қатори бўлишига қарамай аёллик уят-номуси устун келиб, кўрқув чулғаган эди танимни.

«Оббо, жинни-ей! — бош чайқади Бўри ака. — Мендан кўрқаяпсанми? Отангдан катта одамдан-а?! Унутма, Бухорога кўп борганман, тузини татиганмай. Юртдан чиқиб кетганимга ўн беш йилча бўлган, виждон, имон, гурур сақланиб қолган. Подъездда суҳбатимизни эшитдинг. У менинг опам. Россияда ўқиб, яшаб қолганига ўттиз беш йил тўлади яқинда. Биз ёмонлаган аёл эса хотиним. Товламачилик қилиб мендан олти миллион рубль ундираётгани учун опамга жаҳл қилдим. Тагин ростдан ҳам хотинини ўлдиради, дема! Жинниманми?! Сендан исмингни, ёшингни, қаердан эканингни бекорга сўрадим. Айниқса, нотаниш аёлнинг ёшини сўрамаслик керак. Коньяк ичасанми?»

## Азамат ҚОРЖОВОВ

«Ичмайман», — йиғламсираб жавоб бергандим, Бўри ака қаҳ-қаҳ урди-да, пешанасига шапатилади...

«Узр, минг бор узр! Совқотган меҳмонларга спиртли ичимлик таклиф этиб ўрганиб қолганман. Европанинг касри! Ўзимизникилар барибир ҳаммадан яхши. Онам «Ҳе, ўл бола бўлмай», деб қарғарди. Синфдош қизларнинг сочидан тортсақ, «Ўлдираман, эшак!» дейишарди. Бировни кўчада дўппосласанг, ўткинчилар бақиришарди: «Ўлдириб қўйма, хўв!..» Ҳар бир гапида «ўл» деган сўзни ишлатадиганларни кўп кўрганман. Бирортаси одам ўлдирмаган. Айтмоқчиманки, Европанинг урф-одатларини ҳам тез ўзлаштирдим, ўзимизникиларни ҳам эсдан чиқармадим».

Бўри ака Россияга қандай келиб қолганимни сўрагач, қисқагина сўзлаб бердим. Яқинда никоҳ тўйи ўтган келинчак эканимни эшитгач, хуштак чалиб қўйди. Шундан сўнг мардлик, олижаноблик, оила мавзуларида қисқа нутқ ирод қилди. Хотинини кўчага ташлаб қўйган эрларни аёллар сафиға—ҳам,—эркаклар қаторига ҳам қўшолмаслигини айтди. Ҳақиқатан, Бўри ака кучли инсон бўлиб кўринди кўзимга. Бироқ бизнинг оилавий шароитимизни ҳам тушуниши керак эди. Қарз кўтариб элга тўй берган эрим катта миқдордаги пулни қаердан топиши мумкин эди? Банкдан кредит олиш, режали иш қилиш, ўқиш-ўрганиш, сабр — хуллас, ўйлагани булар эмас, қаердадир катта ҳақ тўланадиган иш бор, ахтариб топиши лозим эди.

«Мисол учун, сенинг эринг пастда кутаётгани йўқ, кутмайди ҳам, — деди Бўри ака. — Танимасам ҳам айтаманки, ўзига яраша рашкчи, гурурли, гумончи. Шунақами, Соҳибахон? Минг афсуски, дунёда сенинг эринга ўхшаган бетайинлар кўпайиб кетган. «Кашф эт!» дейишдими, кашф этиш керак. У-чи? Чиқиндихонада йигирма минг рубль маош берармиш, деганларини эшитган куни чилласи чиқмаган куёвлигига ҳам қарамай авиакассага чопди. Уни яхши кўрасанми?»

Бўри аканинг саволига жавоб бермадим.

«Шунақа, — рўпарамга ўтириб, оёғини чалиштирди. — Мазанг қочиб, меникига кирганингни эшитса, тўполон кўтаради, шунинг учун меҳмоним бўлганингни айтма. Даволанишингга пул керакми? Сенга ўн минг рубль совға қиламан. Эвазига ҳеч нарса сўрамайман, ҳеч нарса! Дунёда яхшилар борлигини ҳам кўр-да, бундоқ!»

«Уйга кетай, Худо хайрингизни берсин...» — ёлвордим кўз ёшларимни артиб.

«Ертўлани уй дема, ориятим кўзийди, — қовоғи уюлди Бўри аканинг. — Нега бу кўйга тушиб юрибсан? Чилланг ҳам чиқмасдан куёвинг Россияга кетиб қолгани учунми? Ҳечам-да! Сен қуруқ ваҳимасан! Муаммолар оғир-босиқлик, совуққонлик, жиддийлик билан ҳал этилади. «Вой дод, эрим кетиб қолди!» деган айюҳанносдан фойда йўқ. Эр ботқоққа ботса, орқасидан жўнаш шарт эмас. Эр тўғри йўлни танласа, бир жиҳатдан хотинини қутқарган саналади. У нотўғри йўлдан юрдими, хотини ҳар бир дақиқа тугул ҳар бир сонияда хавф остида қолади. Менга барибир деган эркак эса даъюс. Соҳиба, сенинг калланг яхши ишламайди».

«Ҳа, калла йўқ, — дедим алам билан. — Кетай ўша калласизнинг олдига...»

«Шошма! Бир жияним бор, хотинидан ажрашган, — тишини тили билан тозалади Бўри ака. — Боши айланиб Россияга келиб қолган экан, орқасига бир тепиб қайтариб юбордим. «Тил ўрган, ҳунар ўрган, касб эгалла, шундан сўнг дунёнинг нариги чеккасига бормайсанми!» дедим. Афсуски, Соҳибахон, оилали экансан. Бўлмаса, шу жиянимга бошқариб, сени ўзим келин қилардим».

«Ажрашганларни топиш қийин эмас, хоҳласангиз ўзим топиб бераман, ҳозир кетақолай», — деб қайта-қайта ялиниб, охир-оқибат ижозат олдим. Бўри ака бўсағада кўярда-қўймай чўнтагимга икки минг рубль тиқиштириб, деди:

«Ким хафа қилса менга айт, хўпми? Уйимга фаррош

## Азамат ҚОРЖОВОВ

керак эди, истасанг ҳар кунни бир соат супуриб-сидир, ойига ўн беш минг рубль ишла. Подъездингни ҳам юваверасан. Фақат битта шарт: эринг билса, нотўғри тушуниб, оилангдан уруш-жанжал аримай қолади. Мендан олган пулларни қайнонанига эмас, ўз онанига юбориб, йиғиб қўясан. Бунақа эрларга ҳам, оналарга ҳам ишонма! Улар гоҳ билиб, гоҳ билмай хотинфурушлик қиладилар. Исабот керакми? Онасининг гапига кириб, сени ёлғиз ташлаб кетди-ку! Бу бошланиши! Шахсан мен хиёнат қилган ёш хотинларни кўп учратганман. Мисоллар келтирсам, менга ҳам, сенга ҳам уят. Бошқа мавзуда гаплашганимиз маъкул».

Ертўлада уч кун иситмалаб ётдим. Ишонасизми, Иноят шифокор ҳам чақирмади. Айтишича, дўхтирлар йигирма хил қиммат дори ёзиб берармиш. Ҳарҳолда йиғлаганимга чидаёлмай дорихонадан иситма дори, спирт келтирди. «Нозиксан, салга касал бўласан», деб қовоқ-тумшугини осилтирди. Бидонда ташиган овқатларига қалампир солиб ичдим, қайноқ сувга оғиз-бурнимни бугладим, тез кунларда оёққа турдим. Ишлашим керак эди. Бўри ака зимдан кузатиб юрган экан, касалликдан кейин ишга чиққан куним ёнимда тўхтади.

«Ҳалиям йўталаяпсан-ку», — деди раҳми келиб.

«Йўқ, яхши бўлиб қолдим», — жавоб бердим бошимни кўтармай.

«Меникига кирганингни эрингга гуллаб қўймадингми?»

«Йўқ», — дея полтаёқ ва челақни кўтариб, лифтга шошилдим.

«Ачинаман, — сигарет ёқди Бўри ака. — Унақалар хотинларини навқирон йигитлар ичкиликбозлик қиладиган ошхоналарга бемалол ишга жойлаштиришади. Бирор чол билан ота-болаларча гаплашаётганини кўрганда эса рашклари кўзиб, жанжал бошлашади. Бу сенга аҳмоқлик бўлиб туюлмайдими?»

Лифт тугмачасини босдим. Бадавлат инсон учради, бир соатлик фаррошлик учун ўн беш минг рубль таклиф

этмоқда. Соғлигим, обрўйим, бахтим учун қайғуришичи? Хорижда бундай валинеъматлар ҳар кимнинг ҳам йўлидан чиқавермайди.

Бўри ака ичимдаги ёзувларни ўқигандек, деди:

«Соҳиба, жиддий таклиф! Менга ишга ўтасанми, йўқми? Тўғриси айтсам, ишинг фақат супур-сидирдан иборат эмас, кир-чиримни ҳам ювасан. Тоғорада эмас албатта! Кир машинам бор. Яхши ишласанг, қўшаман. Қийналган юртдошимга ёрдам бермасам, бу юракни нега кўксимда кўтариб юрибман?!»

«Раҳмат, лекин... — чайналдим мен. — Қизларингиз йўқми?»

«Фарзандим йўқ, Соҳиба... — Бўри аканинг овози сезилар-сезилмас титради. — Шу ёшимгача тўрт марта оила қурдим. Бизнес бор, пул бор, машина, уй-жой бор, бахт йўқ. Бутун умримни бизнесга тикиб, тақдиримни ўйламай қўйдим. Шуниси яхши. Нимагадир чалғишим керак-ку».

«Ярангизни тирнадим, кечирасиз...»

«Ҳечқиси йўқ. Мен қаторилари ҳозир сендек келинининг қўлидан чой ичишаяпти. Нима гуноҳ қилган эканман, деб ўйлаб қоламан. Сен, ҳатто, уйимга киришга ирганаяпсан, фаррошликка ҳам кўнмаяпсан. Мен шунчалик кўрқинчлиманми? Яширмайман, сени кўриб, худди аввал ўғлим бўлгандек, сен келинимдек туюлиб кетдинг. Сен ҳар куни бир соат ишлаб кетсанг, ўша бир соатда ўзимни отадек сезиб, бир... қандайдир... ҳеч бўлмаса... умримдан армоним йўқолса, дегандим».

«Хўжайинимдан сўраб кўрай, — дедим ноилож. — Рухсат берса, балки ишларман».

«Нега сўрайсан? Сўрама! — бошини оғир чайқади у. — Бир соат меникида ишлаганингни эринг қаёқдан биледи? Айтдим-ку, маошингни онангга яширинча юборасан, йиғиб кўяди. Юборолмасанг менга айт, ходимларимга тайинлайман. Пул етиб борганини онангдан телефонда аниқлаштирасан. Омаднинг орқасидан келган қўшимча

ўн беш минг рублни қайнонангга қўшқўллаб тутқазишни хохламайсан, буни тушунаман. Эртага қайнонанг сени хайдаб, эрингга бошқа хотин олиб берса, пулларингнинг хузурини кундошинг кўрадимми? Гапларингга қараганда, қайнонангга ёқмайсан, Россияга жўнашингни айтган кунингдан юрагида нафрат ҳам пайдо бўлганига шакшубҳа йўқ».

Лифт келди, унга чиқмадим. Қаршимда бир айёр турганини фаҳмласам-да, ваъдасидаги маоши ширин туюлаётган эди. Лифт ер қаърига равона бўлгандек гувиллаганча қайтиб келмади.

«Хўжайинимдан сир яшириб ўрганмаганман».

«Эшигим тагида ўтирганингни пайқамай қолганимдан кейин кузатув камераси ўрнатдим, юр, кўрсатаман, — Бўри ака билагимдан тутди. — Вой, юрсанг-чи! Яна ўша кўрқишми? Одамни ёмон уялтирасан-да, Соҳиба! Биздан фақат яхшилик чиқади! Келиб-келиб сенга ёмонлик қиламанми?»

«Қўйсангиз-чи! Кирмайман» деганимга қарамай Бўри ака уйига йўл бошлади. Биз эски танишларга ўхшардик. Мен лифт томонга юрмоқчи бўламан, у йўлимни тўсиб, уй эшигига манзират этади. Кулгим қистайди. Элликдан ошган одам ҳам шунақа жинни бўладими? Айна дамда Бўри аканинг уйига оёғим тортаётганини ичимда тан олмасдан иложим йўқ эди.

«Манави мониторга қара, — у уйидаги компьютерни кўрсатди.— Тўртта кадрдаги жойларни танияпсанми? Бир эшигимнинг орқаси, сен йиқилган подъезд. Иккинчиси, «дом»нинг олди. Учинчиси, машинам сақланадиган майдон. Анави «жип» меники. Тўртинчисини топ-чи?»

«Билмасам...»

«Сен яшайдиган жой-ку, танимадингми? — жилмайди Бўри ака. — Ана, эшикларинг! Бугун ҳужрангдан чиққанингни уйимда ўтириб кўриб қолдим. Фақат қаттиқ илтимос, Соҳиба, кузатув камералари ўрнатганимни бировга айта кўрма. Ҳаммаси яширин камералар. Қонунга зид, тушундингми?»

«Булар нега керак?»

«Сен учун!» — деди Бўри ака.

«Мен учун бўлса, ҳаммасини олиб ташланг».

«Олмасам-чи?» — илжайди Бўри ака.

«Мени кузатишдан мақсадингиз нима ўзи? Яхши одамман, дейсиз. Ҳечам ўхшамаяпсиз-да!»

«Ҳазиллашдим. Дарров жаҳлинг чиқмасин. Бунинг бари хавфсизлик учун. Россияда жиноятчилар кўп. «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», дейдилар. Эринг қачон ишга кетади, қачон қайтади, буни ҳам биламан».

Бора-бора Бўри аканинг уйига бемалол кириб-чиқишга ўргандим. У ҳар гал мени мақтар, бошқаларни балчиққа қорарди. Бир ой тўлмасдан онамга маошимни жўнатди. Узининг телефонини улаб берганида, онам билан йигирма дақиқача гаплашдим. Шартлашганимиздек на онамга, на эримга Бўри ака ҳақида оғиз очдим. У кишидан нима ёмонлик кўраяпман? Барчаси яхшилик. Кўнгли ўксик бадавлат ватангадога малҳам эдим ўзимча.

Бўри ака ўз ҳаётини секин-аста варақлади. У шўролар даврида ватанимиз ва Қозоғистондаги турли ташкилотларда хўжалик мудир, омбор мудир, иш бошқарувчи, яна алламбало ёғли жойларнинг масъуллари лавозимларида ишлаган экан. Давлат мулкани еб қўйганини яшириб ўтирмади. Айтишича, камомад чиқишига тепадагилар ҳам сабабчи бўлармиш. Фалон-суммали молни қабул қил деса, буйруқ ноқонунийлигига қарамай бажариш шарт эмиш. Оқибатда Бўри акани ҳар икки мамлакатда ҳам неча йиллардан бери қамоқ кутаётган экан. Уни кўпроқ аёлларнинг бевафолиги ҳамда бойлик учун ошиқ бўлиши эзарди. Мен бир соатлик фаррошликка ўтганимнинг иккинчи ҳафтаси Бўри аканинг хотини нақ олти миллион рублни ундирганини опасидан эшитдим. Опаси онда-сонда келар, Бўри акадан фарқли ўлароқ менга юртдош, миллатдош сифатида эмас, чўри деб қарарди. Яхши жиҳатлари шу эдики, жеркимасди, сир яширмасди, турли оқилона маслаҳатлар берарди.



Лобар опа, ҳикоямни тинглаётиб, бизнес ва яшашдан мақсад бобида бирор мантиқли гап эшитсангиз, билингки, бу Бўри-аканинг опасидан ўтган фикрлар!

Кунларнинг бирида, кечқурун Бўри ака уйига чақирди. Мўътабар меҳмонлар келиб, қозон-товоқни ёлғиз эплаёлмаётганмиш. Бу вақтда подъездларни супуриб, хужрамда овқат пишираётгандим. Иноят ўша Иван ва икки ҳамтовоғи билан қайсидир барда ичиб ўтирганини ҳамкасбидан эшитиб, дилим хун бўлган лаҳза эди. Шартта ертўладан чиқиб, биринчи подъездга киришимга ва лифтда еттинчи қаватга кўтарилиб, Бўри акага ёрдамлашиб, минг-икки минг рубль кўшимча пул ишлашимга вақтим етарди, ортиб ҳам қоларди. Гарчи бадавлат инсонлар меҳмонларни хизматкорсиз кутмаслигини тушунсам-да, атайин мени йўқлаётганидан қувонаётгандим.

«Соҳибжамол жувонни қаердан топдинг?» — сўради тепакал, хўппасемиз эркак мен Бўри аканинг меҳмон-хонасидан коса-товоқларни йиғиштириб чиқаётганимда.

«Унга тил теккизманглар, — деди Бўри ака. — Шусиз ҳам нариги дунёмиз куйиб ётибди. Сен ҳам, мен ҳам дўзахга тушамиз».

Улар беўхшов кулишди, қадахлар жаранглади. Бу ерда кўпроқ қолишим хавфли эди. Идишларни ювиб, иккинчи овқатни солаётганимда, эшик кўнғироғи жиринглади. Бўри аканинг ўзи эшик очди. Мен Турғунни ўша куни учратдим. Баланд бўйли, хушсурат йигит нозик дид, фаҳм-фаросат эгаси бўлиб кўринди. Ошхонага киргандан менга кўмаклашди. Иккимиз меҳмонларга ноз-неъмат ташиб, дастурхонга жойлаштираётганимизда, кичик хатоларга йўл қўйсам, дарҳол тўғирлаб юборарди. У тажрибали официантми, қўли гул ошпазми, билолмай қолдим. Кимдир кўнғироқ қилган эди, итальян тилида жавоб берди. Меҳмонларга русча; менга ўзбекча гапираётган йигитдан камчилик ахтаришга уриндим. У ажрашганди. Фикримча, ажрашганларнинг феълида нуқсони бўлиши лозим эди.

Аксинча, йигитга тобора маҳлиё бўла бошладим. Орадан икки соат ўтса-да, кетишни ўйламаганим ҳам ҳайрону лол этди мени. Ахийри, ўзимни қўлга олдим-да, Бўри акадан ижозат сўраттирдим. Турғун бир зумда меҳмонхонадан қайтиб чиқди-да, қўлимга пул тутқазди.

«Тоғам сизни лифтгача кузатиб қўйишимни тайинлади, — деди у. — Пастга бирга тушсам, эрингиз ёмон хаёлга бораркан. Тоғам кўпни кўрган инсон, ҳаммасини тушунади».

Пул учун ишлаётган мендек жувон йигитнинг қўлидан хизмат ҳақимни олишга уялдим. Турғуннинг ўзи тутқазиб қўйди. Подъездда лифт кутаётганимизда, бир-биримизга қарамадик. Ўртада ҳаё пардасидан кўра қизиқсиниш оҳанрабои қийнарни.

Лобар опа, Россияда эримга хиёнат қилганимни айтдим. Хиёнатим шу эди. Эрли жувон Бўри ака ва жияни каби шахслар билан яширинча гаплашиши, кечаси етти ёт бегонанинг уйидаги ошхонада пишир-қуйдир қилиши, квартирадан бирга чиқиши — мен буларни хиёнат деб ҳисоблайман.

Энди мудҳиш воқеага тўхталсам. Ўша кеча ертўладаги бошпанамга тушдим-да, эшик қулфига калит солаётиб, қоронғи кунжакда кимдир пойлаётганини кўнглим сизди.

«Ким бор?»

Ёқамга туфладим.

Ҳеч ким жавоб қайтармади. Бир қадам ташлаб, ёғоч куракни кўрдим. Ингичка жонсиз буюмни одам гумон қилганимга тушунолмадим, менга нимадир бўлаётган эди. Шунда ҳақиқатан ҳам кузатишаётганини англадим: Бўри аканинг яширин кузатув камераси! Дарвоқе, қаердадир, сал юқорироқда, иккинчи қаватдан бўртиб чиққан кондиционер тагига ёки ундан сал наридаги телевизор антеннаси дастасига ўрнатилган миттигина шаффоф кўз орқали ҳозир мени Бўри ака уйида — еттинчи қаватда ўтириб томоша қилаётган бўлса ажаб эмасди.

«Бу одам энди ҳар бир қадамимга термилиб ўтиради»,

деган ижирғанғаннамо хаёл ўтди кўнглимдан. Маошига кул бўлиб, ўзимни ҳар қўйга солаётган бенаво эдим.

— Қўзимга уйку илинмади. «Бахт менга қиё боқадими?» — шу ҳақда ўйлардим. Нега тақдирим Иноятникига қўшилиб, Россияда фаррош ва уй хизматкори бўлишдек шўриш пешанамга ёзилди? Маҳалламнинг чевари эдим-ку!

Бўри аканинг фикрича, ўзим айбдорман. Ўзга юртларга сайру саёҳат учунгина келишим мумкин эди. Йўқ, мен қора меҳнатларга қўмилган ҳаётни яшаб ўтишга мажбур эдим, қаерга қадамим етмасин, машаққат қаршиларди. Шу тариқа хаёлим яна Бўри ака ва жиянига илондек ўрмалади. Ё турмушга чиқмаган қиз, ё бева бўлганимда чиндан-да бадавлат кишилар танловига тушармидим? Уларга келиннинг бойлиги, насл-насаби, касби — ҳеч бирининг қизиғи йўқ эди. Тоғаси хотиндан қандай куйган бўлса, жияни ҳам шундай куйганга ўхшарди. Ҳокисорлигимга, меҳнатқашлигимга, эртага хилма-хил шартлар қўйиб, пул ундирмаслигимга ишонишарди. Ҳашаматни кўрмаган жувон бир умр қулимиз бўлиб яшайди, деган фикр олижанобликлар ортига яширинганига ҳам ақлим етарди. Қозонда пишиб турган ошни сузишларини айтишинг шарт эмас, очлигинг кўзингдан билинса, ошпаз капгирга қўл узатар экан.

Кечаси Иваннинг машинаси хужра ёнида тўхтаганида, шифтга термилиб, кўзимдаги ёшни сидириб, хаёл суриб ётардим. Иноятни ташлаб қўйишга келишди, деб эшикка ҳорғин юрдим. Эрим россиялик уч бойваччанинг текинхўрига айланганига ҳамон ишаноламасдим. Чиқиндихонага ташланган хужжатни топиб берганига шунча илтифотми?

Зулфинни туширганимда, чақирилмаган меҳмонлар — Иван ва икки ҳамтовоғи бостириб киришди. Ораларида Иноят йўқлиги етмагандек учаласи ҳам маст эди. Иноятни сўрасам, «Биз билан кетасан», деб билагимга чанг солди Руслан. Уни силтаб ташладим. «Эринг барда сени бир

қути сигаретага алмашиди, — деди Дюма. — Алдасам, тил тортмай ўлай! Биз билан кетмасликдан бошқа чоранг йўқ!»

Хатда ёзганман: кайфи ошган эрим тунги барда ўз «валинеъматлари»дан сигарета сўраган, улар «соҳибжамол хотинингнинг эвазига сигарета топиб келамиз», дейишган. Бунини ҳазил деб ўйлаган Иноят қўл силтаб, «Хўп! Хўп! Яна нима истайсизлар ўзи?» деб кулган: Ароқнинг, йўқ-йўқ, ароқдан олдин иродасизликнинг, сўқирликнинг, ақл етишмасликнинг касофати эди бу!

Улар менга ташланганларида, одамларни ёрдамга чақирдим. Афсуски, овозимни ҳеч ким эшитмади. Руслан оғзимга рўмолимни тикди-да, хужрадан судраб чиқди. Ўшанда қандай аҳволга тушганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бошимдан кечирган даҳшатли лаҳзаларни умр бўйи унутмасам керак. Россияга келган кунимга лаънатлар айтганимни хатда ўқигансиз, Лобар опа!

Шукрки, биринчи қават деразасини очган рус кампир мени кутқарди. У: «Ҳой, касал авлод! Бечорани уй тагидаги ертўладан ўғирлаш сенларга қанчалар қимматга тушишини эртага билиб оласанлар! Отасининг пулига қутурган кўпмақлар! Ҳолларингга маймунлар йиғлайди, янги фашистлар!» деб сўқди.

Босқинчилар мени ташлаб, қочиб қолишди. Рус кампир милицияга қўнғироқ қилмоқчи эди, муаммо керак эмаслигини, эримнинг ўзи айбдорлигини айтдим. Бир соатдан сўнг Иноят гандираклаганча қайтди. Бетинг-кўзинг демай тармашгандим, қайтанга мени восвосга чиқарди. Бу ҳазил эмиш! Ҳеч қандай кўрқинчли жиҳати йўқ экан. Агар ўша кеча ҳамтовоклари хўрлаганларида, юзим қора бўлиб, бир кун ҳам яшолмасдим, ўзимни осиб ўлдирардим. Даъюс эр жасадимнинг устида эплаб йиғлаёлмасди ҳам.

Отамга хабар берганимда куёвидан ғазаблангани рост. Бироқ Иноят билан телефонлашгач, жаҳлидан тушди. «Иноят менга айтган сафсаталарини сизнинг ҳам

## Азамат ҚОРЖОВОВ

қулоғингизга кўйди, иккимизни ҳам алдади у қасамхўр. Одамга алам қилгани, Иноят мастми, соғми, ҳеч замонда хотинини ҳам ўртага кўйиб гаров ўйнайдими?» дедим отамга.

Лобар опа, отамга жўнатилмаган хатимнинг охирини ёддан биламан: «Қадримни бир қути сигаретага тенг қилган хотинфуруш билан яшамайман, ота! Мени кечиринг! «Россияга бораман», «Россиядан олиб кетинг» дея бошингизни қотириб юбордим. Ҳозир кўзимга фақат жоним кўринаяпти! Бугунги «ҳазили» эртага чинга айланади! Мен кўрқаяпман, жуда-жуда кўрқаяпман. Қанийди тинч, осуда маҳалламда эмин-эркин, бежавотир юрсам, тикувчилигим орқасидан аввалгидек аёлларга ёрдамим тегса, азиза бўлсам! Аёл кишининг, айниқса, ёш келиннинг ўрни уйида экан. Сиз: «Дарров қайтма! Бундан бу ёққа ҳеч ким хафа қилмайди!» дейсиз. Буни йўл харажатларини ўйлаб айтаётганингиз учун хўрлигим келади. Сизнингча, Иноят уларни дўст тутиб, ҳазиллашган экан, лекин бошимга бало ёпирилгани чин-ку! Шунинг ўзи менинг Россиядан кетишимга, касофатлардан узоқлашимга етарли эмасми? Иноят бу ерда паспортимни бермаётган экан, сиз у ёқда: «Аҳмоқчиликни йиғиштиради», деб ишонсангиз, кўнглим эса кўнмаса, нима қилай, айтинг? Иноятнинг мақсади, мени бир йил олиб қолиб, ҳовуримдан тушириш! Сизники-чи, ота? Кеча бир одам эшик тақиллатди. Узун қора пальто кийган, бўйинбоғли, жиддий киши. У: «Сизни манави суратдаги йигитлар ўғирлаб кетишмоқчи бўлибди, ростми?» — деб сўради зўравон бойваччаларнинг расмини кўрсатиб. Мен чақирилмаган меҳмонни милициядан деб ўйлаб, Иноятнинг қамалишидан, хужрада ёлғиз қолишдан кўрқиб, ёлғон гапирдим. Нотаниш киши кетди. Кетаётиб, телефон рақамини қолдирди. «Фикрингиз ўзгарса, менга кўнғироқ қилинг. Биз учаласининг ҳам қулоғидан чўзиб кўямиз», деди. Гаплари тағмаъноли, кўзлари кўрқинчли эди. Қизиги, нега у менга меҳрибон?..»

Лобар опа, узун қора пальтоли киши келмаган, уни тўқиб чиқарганман. Эртасига, туш чоғи Бўри ака подъездга имлаб чақирди. Кайфияти бузилган, қовоғи солиқ эди. Тунги воқеадан кейин унинг ҳам уйига кирмоқчи эмасдим. Эракак зоти борки, кўнглим қолганди. Аммо зўравонлик воқеасини эрталаб компьютерида кўриб қолганини айтди ва учала босқинчининг ҳам кўзини мошдек очиб кўйишини совуқ оҳангда тушунтиргач, ортидан эргашдим. Россияда уй-жойи, машиналари, бизнеси бор. Илк учрашувимиздан кейин бир кечада ҳаммаёққа яширин камералар ўрнатиб қўйганига ҳам ҳайратлангандим. Оддийларнинг иши эмас бу. Мендак ожиза аёлга, миллатдошига, юртдошига ғамхўрлиги-чи!..

«Россиядан кетаман, бир кун ҳам қолмайман», — деб йиғлаб юбордим мени хужрадан тортиб чиқараётган уч барзангини монитордан кўрганимда.

«Сенга айтгандим-а, бу эринг бир кун келиб хотинфурушликка қўл уришини! — Бўри ака креслога ясланди. — Отанг ҳам унга ён босаётганига лолман, Соҳиба! Гап нимада?»

«Ажрашиб кетишимдан кўрқаяпти. Қайнонамнинг охирги чақаларини йиғиб, етмаганига қарз-ҳавола кўтариб самолётда келганман. Уриш-жанжал билан дарров қайтсам... уйим бузилади.»

«Йўқ! — ўрнидан турди Бўри ака. — Бунақаси кетмайди! Сенга йўл пули бераман. Жиянимга айтаман, Домодедовадан учуриб юборади. Гурур ҳам керак-ку, ахир! Ажрашиб бахтсиз бўлишдан жуда кўрқсанг, жиянимни сенга уйлантираман. Турғунни кўрдинг! Яхши йигит! Яқинда Италиядаги фирмага ишга кетади.»

«Ҳеч кимга турмушга чиқмайман...» — дедим юзимни тўсиб.

«Эшит! Агар ажрашиш фикринг қатъий бўлса, бир неча ойдан сўнг Бухорога совчи боради. Қайтадан тўй қиламиз. Қасам ичаманки, сен маҳаллангда, қавму қариндошининг олдида битта рўзгорни эпюлмаган

## Азамат ҚОРЖОВОВ

келин деган тамға остида юзинг шувут бўлиб юрмайсан. Тургун билан Италияга жўнайсан. Бир неча йил ишлаб, Тошкентга қайтасанлар-да, шаҳар марказидан уч-тўрт хонали уй олиб, бахтли ҳаёт кечирасанлар. У Тошкент вилоятидан эканини айтдим? Иши доим хорижий фирмалар билан боғлиқ. Гоҳ Тошкентда, гоҳ хорижда ишлайди. Топиш-тугиши зўр. Мен ҳам қараб турмайман».

Лобар опа, сизнингча, Бўри акага нима деб жавоб берганман? Кўнганманми? Асло! Бўри аканинг уйини кўзимда ёш билан тарк этдим. Ғам ва аламдан кўз олдимни туман босганди. Кўргиликларни ҳеч кимга айтолмасдим. Ёш оиламни сақлаб қолиш учун Иноят одамийлик сари кескин ўзгариши, истакларимга қулоқ осиб, мени Россиядан олиб кетиши, ўз маҳалламизда яшаб, муносиб касб билан шуғулланиши лозим эди. Йўқса, оёғимга ётиб, ялиниб-ёлвориши ҳам таскин бермасди. Бўри ака қиёфасидаги шайтон ажрашишимни сўраб турганда Иноят қилча ўзгармади, менинг бировлар билан гаплашиб юрганимни билмаса ҳам, балки фикри айниётгандир деб ботқоққа ботмаслигимга ёрдамлашиши керак эди.

Бўлмади. Юртимга қайтдим. Бўри аканинг буйруғига биноан Тургун мени кузатиб қўйди, қўлимга қирқ минг рубль (пулнинг жами қийматини самолётда билдим) бераркан, жилмайиб:

«Пуллар Бўри тоғамдан, — деди. — Ягона илтимос шуки, бизни ҳар қандай вазиятда ҳам сир тутасиз. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда гуллаб қўймайсиз. Тоғам айтган бўлса керак, омбордан камомад чиқиб, иши судга ошган. У ёққа борса, Тошкентда ҳам, Олма-отада ҳам катта муаммога дуч келади. Москвада подъезд ювувчи бўлиб ишлагансиз, лекин еттинчи қаватдаги квартирада ҳар куни бир соат фаррошлик қилмагансиз, Бўри тоғамни танимайсиз, суратини ҳам кўрмагансиз. Мени эса Россияда учратмагансиз, Тошкентда танишиб қолгансиз. Келишдикми? Ҳозир оилангизнинг тақдири қил устида. Агар ажрашиб кетсангиз, ўзим сизга уйланаман. Тоғам

Москвадан Миланга кўчиб кетаяпти. Биз оила курсак, ё Римда, ё Миланда яшаймиз. Ўйлаб кўришингиз учун бир ой вақтингиз бор, Соҳиба! Мен эркакман! Бировнинг хотинини йўлдан урмайман. Бу гапларни «қачонки, ажрашсангиз» деган маънода гапираяпман. Хор қилган эр билан ортиқ яшаёлмаслигингизга кўзим етади».

«Бундай гаплар... қанчалик оғир ботишини биласизларми? — деб йиғладим. — Ишласам, пулларингизни албатта қайтараман...»

«Кемангиз чўкаяпти, — деди Турғун. — Бизнинг кемага ўта қолганингиз маъқул».

Шундай қилиб, уйга келдим. Иноят билан яраштиришга кўпчилик унади, узилган ипни тугунлатмадим. Иноят хотинига қарши қанчалик жиноят содир этган бўлса, мен ҳам қолишмаётган эдим. Бўри ака билан муносабатим, Турғуннинг кузатиб қўйиши, пул, ажрашиш фикри...

Турғун иш бўйича Тошкентга келганида, Бухорога ҳам борди. Бу вақтда мен судга ариза бергандим. Хилват қаҳвахонада бирга ўтирдик. Турғун чўнтагидан янги телефон чиқарди-да, Бўри акага улади. Ўшанда нима гаплар бўлганини тузукроқ эслолмайман. «Бахтингни албатта топасан», «Европадаги университетда ўқийсан», «Дунёни кезасан» каби жумлалар гапирилди.

Қаҳвахонадаёқ қароримни айтдим. Ўз устимдан ҳукм ўқиб, кўчада бахтиёр кетиб бораётганимда, ҳеч ким: «Ҳой, беваликни орзу қилган бебош! Бир марта оғзинг куйгани етмагандек энди чала таниш йигитга турмушга чиқаяпсанми? Наҳотки, унинг ваъдаларига осонгина учаётганингни кўрмайсан? Ким ўзларининг хизматкорига олам-жаҳон бахт тухфа этади?!» демади.

«Қариндошларим мени Холбой дейишади, чунки оёғимда каттакон холим бор, — навбатдаги сирини айтди Турғун. — Уйдагиларингиз исмимни сўраса, Холбой деяверинг. Холамлар совчиликка келганда кўрасиз, «Холбойжон» деб шунақа эркалаб гапиришадики...»

Биз кулишдик.



Биз ошиқ-маъшуқ бўлдик...

Ҳа, ҳаммаси ёлғон эди: куёв сохта, совчилар ёлланма, тўй кўзбўямачилик, «ЗАГС»дан эса ўтилмаган. Буларнинг бир ўйин эканини сезганман, аммо ишонмаганман. Аввал Италияда яшадик, кейин Англияга кўчдик. Турғунни охирги марта тўйдан сўнг, Римга учиб келганимизда кўрдим. Биринчи куниеқ у ғойиб бўлди. Юзидаги ниқобни сидириб, ҳақиқий куёв кимлигини айтганида, зўравонлик билан эмас, айёрлик-ла ўғирланганимни англадим. Бўри акага: «Иложсизлигимдан фойдаландингиз, майли, қисматимга розиман, лекин шогирдингиз... аблаҳ шотирингиз қайтиб кўзимга кўринмасин», деганман. Юрак ютиб айтган қаттиқ гапим бор-йўғи шу! Бошқа бирор сўзни, агар у пахтадан дағалроқ бўлса-да, ишлатолмайман. Ҳам кўрқаман, ҳам фойдасиз эканини тушунаман. Мен замонавий қулман, Лобар опа! Ўз хоҳишича нафсининг; ҳою ҳавасининг кули, қолаверса, ўтмиши шубҳали бўлган ёлғончи ва иккиюзламачи кимсанинг ёш, соҳибжамол, забонсиз қули...

Соҳиба ҳикоясини яқунлаб, рўпарасида киприк қоқмай ўтирган Лобарга аянчли тикилди. Ўксиб-ўксиб йиғлашни истаётганини пайқаш мушкул эмасди.

— Демак, Бўри фақат сизга қарши жиноят қилган, — деди Лобар. — Суиқасдларга унинг алоқаси йўқ?

— Мен учун одам ўлдирмайди, — ҳиқиллади Соҳиба. — Кимман унга? Балки эртага... — Жувон қорнини силади. — ...эртага болам дунёга келса ҳам, у воз қечар мендан... Буни кутса бўлади... Янгисини топиб олади.

— Мактубингиз ҳамон шубҳалигича қолмоқда.

— Бўри ака билан тили бир демоқчимисиз?

— Унчаликмас. Хатда сиз нега рус классикларидан бирининг асаридан парча келтиргансиз? Хотирам панд бермаса, у ерда «Се у Римъ кричатъ подь саблями Половецкими...» қабилидаги шеърыйми, насрийми сатр бор эди.

— Бўри аканинг севимли сатрларини ёзиб қўйгандим. Мени ўша пайтда, Москвадаги ҳужрада ўғирлаб кетса, топиш осон бўлсин, деб...

— Энди бу эртак! Биринчидан, сиз Бўри аканинг ўғирлаб кетишига ишонмаганиз, Турғунга турмушга чиқишингиз қутилаётган эди. Иккинчидан, хат русларнинг қўлига тушган, шунга қарамай на милиция, на федерал хавфсизлик хизматининг тиши ўтган. Тўғрида, тарихий «жангнома» орқали сизнинг нима демоқчи эканингизни туш қўрибдими улар?

— Мана, сиз топиб келдингиз-ку! Бундан олдин Лондондаги қайси ресторанга боришимизни аниқлаб, расмга ҳам туширишибди.

— Сурат Иваннинг тансоқчисининг иши. Аниқроғи, «Кавказ» ресторанида сизларни учратишлари мутлақо тасодиф... Тўхтанг, Бўрининг «Кавказ» ресторанига алоқаси бор-йўқлигини аниқловчи бирор далил айтоласизми?

Соҳиба бошини чангаллаб, бир нуқтага тикилганча қолди. Кейин узун уҳ тортди.

— Бирга яшай бошлагач, ишлари ҳақида гапирмай қўйди, — деди қизарган кўзларини пирпиратиб. — Москвада ўтмишини гапирган инсон ҳозир эслаттирмайди ҳам. «Қайси мамлакатда қанақа айб қўйилганини иккинчи сўрама» деган. Бахтли яшаётган эмишмиз. Умримиз шундай шоду хуррамликда давом этармиш.

Соҳиба соатига кўз ташлади.

— Узоқ ўтириб қолдим, Лобар опа. Уйдан сўроқсиз чиқишимнинг оқибати ёмон. Ҳозирча ҳеч нимага тайёр эмасман.

— Изингиздан тушганларга айтаман ва ҳаётингизни сақлаб қоламан, — деди Лобар. — Лекин ёмонларга ишониб бўладими. Сизларни йўқотишса, мени ҳам нариги дунёга жўнатишга уринишади, чунки гувоҳман. Лондондаги суиқасддан хабардор шахсга қотиллар илтифот кўрсатишмайди.

- Худо сақласин.
- Ҳа, Худо сақласин.

Соҳиба ўрнидан туриб, сумкасини қучди. Бижутерия тақинчоқлари масхаромуз ликиллагандек бўлди.

- Иккимизнинг қисматимиз ўхшаш экан, - Лобар ҳам оёққа қалқди. - Ўйлаб кўрсам, хорижда қиладиган ишимиз қолмади. Сўнгги чора - шартта уйга қайтиш.

- Сиз ҳам ажрашишни маслаҳат бераяписизми?

- Нега энди? - деди Лобар. - Мен оилавий ишлар билан шуғулланмайман. Юртга қайтиб, бахт топишингиз мумкин. Акс ҳолда, қочоқ Бўрининг уйида эркисиз маъшуқа бўлиб яшайсиз ва ўзингиз айтгандек, бир кун келиб, кўчага қувиласиз. Ундан ҳам баттари, гапларингизга кўра Бўри гиёҳванд. Врачман деб лоф урган омбор ўғриси учига чиққан хотинбоз ҳам. Умри судларга қоришиб ўтаётган кимсага эрта-индин автоматдан ўт очилса, ўқлардан бири сизни ҳам тешиб ўтиши ҳеч гап эмас. Фақат сизнигина тешмайди, ҳомилангиз бор. «Худо сақласин» деб ибодат қилган одам яхши фикрларга итоат ҳам қилиши керак-да, синглим.

- Узр, мен... кетолмайман.

- Начора, унда мен ҳам Лондонда қоламан, - деди Лобар. - Кўпга эмас. Бу ишни тез орада якунлайман.

Улар эскалатор олдида тўхташди.

- Бой яшаш учун чет элларда сарсон юрган соҳибжамол нега тилла тақмайди? - сўради Лобар.

- Очигини айтсам, бир кун келиб, Бўри ака қувиб юборса, тақинчоқларим бу ерда кўрган кунларимнинг тўлови бўлади.

- Очигини аллақачон айтгансиз, - мийиғида кулди Лобар. - Москвада олти миллион рубль ундирган хотин нима бўлди? Тирикми?

- Ҳақ-ҳуқуқини биладиган аёл экан. Бўри ака тирноғини ҳам теккизолмади. Мен бошидан Бўри акага кул сифатида келганман, қуллигимча қоламан.

- Бунча ўзингиздан жирканмасангиз?! - ранжиди

## Қил устидаги тақдир V

Лобар. — Адашган аёл адашганлигини тушуниб етдими, тўғри йўлга чиқиб олишнигина ўйлаши керак. Менинг кўнғироғимни кутинг.

— Қош қўяман деб кўз чиқариб қўйманг. — зорланди Соҳиба. — Бутун ҳаётимни сизга ишондим! Тагин мени... бундан ҳам баттар аҳволга солманг! Ишондим сизга, опагон!

— Қўрқманг, ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Бўрининг опасидан ўрганган биргина гапингизни эшитдим, у ҳам бўлса, гўзаллик салонида айтилди: «Бизда имкониятлар кенг, лекин минг долларлик маош тўлайдиганларни ахтарганлар кўп». Аслида ўзингиз ҳам маош ахтариб юрибсиз. Яна бир тоифа бор: «Мен ёш танламайман, аввал турмуш қурган бўлса ҳам майли, муҳими, тўк яшасам, денгиз бўйларида дам олсам, роҳат-фароғатда юрсам бас!» Ва ҳоказо! Ўйлайманки, сингилжон, сизни қутқариш унчалик қийин эмас. Менга ёрдам берасиз, шарт шу!

— Бўри ака ҳақида маълумотлар етказиб бераманми?

— Менга унинг «Кавказ» ресторанига алоқадорлиги керак. Россиядаги суиқасдлар масаласида ҳам далил шарт, жуда ҳам. Эҳтимол, у ниманидир билар? Кузатув камералари ўрнатган экан, кичик фигура эмас.

— Кетақолай... Эртага яна гаплашамиз.

— Сизга омад тилайман, — қўлини оҳиста қисди Лобар.

— Хайр; — эскалаторга қадам ташлади Соҳиба.

\* \* \*

Лондон осмонида булут қуюқлашиб, ёмғир ёға бошлади. Лобар серёғин шаҳарга кўниккан оломон орасидан хаёлчан ўтиб борарди. Супермаркет елимхалтасидаги сидр идиши ёнбошлаб қолди. Лобарга ўз ўтмиши, дунёқараш, ҳиссиётлари, ҳатто ташқи кўриниши ҳам ёқмаётган эди. Муаммолар кўп, уларнинг илдизи инсон ўзи қоникмайдиган ҳаёт тарзида яшаши эмасми?

Ўзгартириш керак! Ҳаммасини! Шундай йўл танлаши даркорки, бахт эшик қоқиши тайин бўлиб қолсин. Бунинг учун хорижда тенгирашни—йиғиштириши, оиласи даврасига қайтиши, ҳалол меҳнатга кириши, муқаддам уч марта турмуш қурганини унутиб, ўз тенги билан яна оила куриши лозим. Эл қандай яшаса, шундай яшамоқ хайрли. Лондондек улуғ шаҳар билан декорация қилинган чақиртиканакли сўқмоқлар керакми унга?

Лобар икки юз қадамлар юргач, мраморсимон плита қопланган, олдида ёш дарахтлар ёмғирдан ялтираган баланд бино тагидаги ўриндиқ бўшаганини кўрди. Ижара уйига боришга оёғи тортмаётган эди: ё истироҳат боғи, ё дарё бўйи... Тақдирнинг ўзи ўриндиқни бўшатди.

У ўриндиқ четига чўкиб, сидр идишини бирпас томоша қилгач:

— Ичмайман, — деди хаёлий товушда. — Ягона йўл — покланиш. Хайрли ишни шу ичимликни ичмасликдан бошласам-чи? Мени аср намози қутқариши тушимга кирди. Ҳозирча ибодат қилолмайман. Жойнамозни тўшайдиган қўлим кир, қонлар қоғиб қолган. Ўғри қиз қариса отин бўлади, деб энди туппа-тузук отин ойи бўлмоқчиманми? Балким... Ҳе, йўқ, шунчаки дайдиб юришларга нуқта қўйиб, бир ишнинг, масалан, савдонинг бошини тутсам... Цех қурсам ҳам бўлади, кучим, укувим етади. Ҳа, энг тўғри йўл — шартга кетиш! Бу йўлларни, бу шаҳарни, бу одамларни ташлаб кетиш. Ўғлимни соғиндим... Менда ҳам юрак бор!.. Эҳ, бу Соҳиба деганни ҳам аро йўлда ташлаб кетолмайман-да! Нима қилсам экан?

Соқолли кимса ўриндиқнинг нариги четига омонат чўкиб, алланима деб минғирлаган эди, Лобар тилини тушунмаслигини айтди. Қараса, ичимликка кўзини лўқ қилаяпти.

— Пиёниста тиланчимисиз дейман? — Лобар чуқур тин олди. — Кимдир бойлик ахтариб келган шаҳарда, кимдир тиланчи бўлиб яшар. Олинг! Мен ичмайман!

Соқолли кимса бош силкиди-да, қопқоқни шошапиша очиб, сидрни қултиллаиб ичди. Лобар ўрнидан тураркан, алланечук енгиллик ҳис этди. Биринчи галда Мадинага қўнғироқ қилади. Анатолий Иванович шубҳагумонларини ўзгартирсин, Соҳибани рўйхатдан ўчирсин.

Сўзлашув чоғида Мадина тўнини тескари кийди ва Лобарни лаққа тушувчи ғўрга чиқарди.

— Мен ҳам кўпни кўрганман, — овозини баландлатди Лобар. — Бўри тўғрисида аниқ бир нима деёлмасам-да, Соҳиба ҳақида айтаман: у қотил эмас. Соҳиба билан яна гаплашиб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳозироқ Москва билан боғлан! Ёки алоқачининг телефон рақамларини бер!

— Соҳиба билан яна учрашган экансиз, демак, Москвага ҳисобот берасиз, аммо адвокатлик қилаётганингиз ҳеч кимга ёқмайди.

— Ким эканлигимни айтайми?

— Қани, айтинг-чи!

— Яхши аёлман. Шу вақтгача ёмон бўлган эканман, бугун, шу соат, шу дақиқада ўзгардим. Соҳиба мени ўзгартиргани йўқ. Аввалдан ўзимдан норозилик бор эди, кумсоатимдаги охирги кум зарраси тўкилиб бўлди.

— Қартабозликдаги муваффақиятингизга ҳавасим келган.

— Ҳатто, супермаркетдан олган сидрни ҳам бир дайдига совға қилиб юбордим. Ичиш, агар у шампан виноси бўлса ҳам, гуноҳ.

— Гуноҳ? Сизни бунчалик ҳазилкаш деб ўйламагандим, Лобар!

— Жиддий гапираяпман.

Мадина қотиб-қотиб кулди.

— Нега куласан? — аччиқланди Лобар. — Мен миссиямни яқунладим ҳисоб. Москва билан бир оғиз гаплашаман! Соҳиба айбсиз! Эри унинг учун одам ўлдирадиган савдойилардан ҳам эмас. Соҳиба ёш ва гўзал аёл сифатидагина керак унга. Хоҳлаган вақтда ҳайдаб

Азамат ҚОРЖОВОВ

юборади, фахмлаяпсанми? Қисқаси, қотилларни бошқа ердан ахтарсин.

— Кармин рангни билмаслигингиздан бир қотгандим, сидрдан иккинчи марта ичагим узилди. Унинг таркибида спирт бўлгани учун ичмадингиз-да, шартта бошқа кишига бердингиз, тўғрими? Опам бу ҳақда кеча-ю кундуз маърузалар ўқирди. Унинг гапларидан келиб чиқсак, иккала ҳолат ҳам гуноҳ. Спирт ичмасдан спирт бериш — иккаласи ҳам бир натижа! Шундай экан, сиз ҳеч қандай покланган эмассиз, ботқоғингизга тиззагача ботиб турибсиз.

— Ниятим ҳам ботиб турибдими?

— Вой, ниятингизни қаёқдан биламан? — ҳиринглади қиз.

Шундагина Лобар унинг маст эканини сезди.

— Бугуноқ гаплашишим керак, — деди Лобар ўзини босишга уриниб.

— Гаплашинг, гаплашинг, лекин... қандай боғланасиз? Бу осонмас... Қочиб ҳам кетолмайсиз, боғланиш ҳам осонмас...

— Ҳозир қаердасан, Мадина?

— Туғилган кунда.

— Мен қайси жойдасан деган маънода сўраяпман. Туғилган кунми, жанозами, менга фарқсиз. Улар арзандасининг жонини сақлаб қолиш учун бунчалик бепарволик билан қараб ўтирмайди. Соҳибага бир гап бўлса, соғ қолмайсан.

— Менми?

— Ҳа, сен!

— Ҳозир... бир дақиқа... — Мадина четроққа чикди шекилли, бир неча сония ўтгач, босиқ оҳангда деди: — Нега қичқирасиз? Ҳаммаси яхши! Фақат бу ишни бир-икки кунда тамомлаб бўлмайди, бунча шошмасангиз-а? Эр-хотиннинг орасига кириб боринг, юртдош сифатида ишончларини қозонинг, кейин...

— Бунгача Соҳиба ўлдирилса-чи?

— Лондонда-я? Москвадаги тўра халқаро можарога аралашиб, умрини қамокда ўтказсинми?

— Анча ақлли бўлиб кетибсан, — деди Лобар. — Бир нарсани унутма! Москвадаги тўранг Соҳиба ва эрини шу ерда йўқ қилса, сен айтган халқаро можарода айбланмаслик учун яна икки кишини ўлдиради. Иккови ҳам ўзларининг қўғирчоқлари. Бири сен, бири мен.

— Нотўғри! Менинг қочиб кетадиган жойим бор.

— Гўрми?

— Нима? Қанақа гўр?

— Кел, менга Маҳмуднинг махфий рақамларини бер, у билан гаплашай! Сен билан валақлашишдан фойда йўқ. Бошқа ҳамма ишларингга-ю тўра-пўраларингга тупурдим. Изимга қайтиб кетмоқчиман.

— Маҳмудни танимайман.

— Танимайсанми?

— Менга нималар ҳақида гапираяпсиз ўзи?

— Бўлди, сени тушундим.

Лобар телефон тугмасини босди-да, бир муддат тўхтади. Йўловчилар туртиниб-суртиниб ўта бошлашди. Кимлардир узр сўрар, кимлардир «Йўлни тўсмасанг-чи» дегандек тўнғиллаб қўйишарди.

— Такси! — қўл силтади у.

Бромптон Роуд орқали «Кавказ» ресторанига ҳайдатди. Шомил Пўлат Фазлиаҳмедов номи билан хўжайинлик қилган ресторан хувиллаб ётгандек кўринарди. Эндигина остона ҳатламоқчи эди, телефон жиринглади.

— Бизга янгилик бор экан, — иддао аралаш гап бошлади Юра, — қулоғим сизда?

— У қотил эмас, — деди Лобар ва телефон экранчасига қараб қўйди: кўринмас рақамлар. Назарида, Анатолий Иванович ўша кундан сўнг Юрани бошқа мамлакатга (лекин Англияга эмас) юбориб, қўнғироқ қилдираётган эди. Эртага ишнинг пачаваси чиқса, Лобарга ҳам, Мадинага ҳам ҳеч ким Россиядан сим қоқмаган...

— Бу янгилик эмас, — деди Юра. — Умуман, ҳеч вақога



арзитайдиган узук-юлуқ товушлар. Сиз топширилган ишни бажармаяпсиз. Ўртадаги келишувнинг мукофоти-ю оқибатларини англаб етгансиз, деган ўйдаман. Шу ўйда қолишни истайман.

— Телефонда гапираверайми?

— Марҳамат!

Лобар қандай қилиб Соҳиба Москвадан Тошкентга, Тошкентдан Бухорога етиб келганини қисқача сўзлади. Кейин Холбой (унинг асл исмини айтмай кўя қолди) билан турмуш қургани-ю куёв сохта бўлиб чиққанини, Римдан Лондонга кўчишганини, Бўри ёш хотини учун ҳеч кимдан қасос олмаслигини гапириб, Соҳиба Москвадан кетгач, изини руслардан яшириш учун никоҳ ўйини ўйнамаганини ҳам тушунтирди. Соҳибанинг сирини очиш — унинг тирик қолишига патта эди.

— Ёш хотин бойликка ўч, шу касали учун «олигарх»нинг тузоғига тушган, — такрорлади Лобар. — Маҳалла-кўйдан ўзларича уялган айрим уятсиз кимсалар куёвликка йигирма беш-ўттиз ёшли йигитларни юбориши аввал ҳам кузатилган ҳодиса. Бунинг учун Соҳибани кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли жиноятларда айбашларингиз ақлга сиғмайди. Эр-хотинни ўлдириб бўлса-да, Иванни қутқарамиз дейсиз, қандай телбалик! Соҳиба менинг синглим эмас. Уни ўлдиришни айтиб менга аччиқ қилишингиз эса мутлақо довдираш!

— Ҳеч ким довдирамаяпти, Лобар! Вазият сиз ўйлагандан чатоқ.

— Иваннинг душмани Соҳиба билан эри эмас, вассалом.

— У ҳолда ким?

— Мен детектив эмасман. Буюрилган вазифани бажардим. Энди орани очиқ қилиш масалаларига тўхталсак.

— Сиз Россияда мутлақ эркинликка эга бўласиз. Ҳали казиноларга кўп келасиз, ноқонуний бизнесдан тушадиган даромадларни ҳам соғинасиз.

— Йўқ, мен чиркин йўлдан қайтдим, агар кимгадир

яхшилиқ қилиш учун юришга тўғри келса ҳам! Хуллас, тезроқ уйга қайтишим керак.

— Бунга мен рухсат беролмайман.

— Биламан, хўжайинингиздан сўрайсиз. Кўнғиронингизни кутаман. Унгача бирор ресторанда кечки овқатни еб, Лондонда сайр қилмоқчиман. Бундай шаҳарларга келиш ҳар доим ҳам насиб этавермайди.

— Охирги марта қиморхонага кирмоқчимисиз?

— Асло! Иван ҳозир ҳам Лондондами?

— Уни суриштирмаслигингиз керак.

— Жин урсин, — захарханда кулди Лобар. — Наҳотки, Маҳмуд менинг яхши аёл эканимни айтмаган бўлса?

— Шунақа денг... — Юра бир нафас жимиб қолди (унга кимдир гап ўргатаётгандек туюлди). — Кузатиб кўйгач, қаерга лангар ташлашини айтгандими?

— Маҳмудми? Йўқ, у сирли инсон экан. Хўжайинларига содиқ. Суриштирсам, жосуслиқда айбламоқчисиз, аммо Маҳмуд ажойиб тилшунос ҳам. Хатдаги шеър масаласида гапим бор эди. «Игор полки жангномаси»нинг «иш»га алоқадорлигидан хабардорсиз.

— Бир дақиқа!

— Маслаҳатлашинг!

Орадан икки дақиқача ўтгач, Юра гўшакка оғиз тутди.

— Эшитинг, — деди у, — Маҳмуд Францияда йўқолиб қолган. Сиз билан кетаётганида, ортидан ҳаворанг машина тушганини хабар берганиди, сал кейин эса ҳаммаси жойида эканини айтганиди.

— Кўнғироқ қилгани эсимда. Қўрққанга қўш кўринади, дейишади. Биз ҳеч қандай саргузаштсиз, портга эсон-омон етиб олдик. Яширинча йўлга чиқишдан ҳам мақсадларингиз шу эди.

— Бироқ бу ёғи сал сирлироқ. У кечқурун Каледан қайтиб, Париждаги сиз кўнган меҳмонхонага жойлашганини, кутубхонага қатнашини айтган. Охирги марта гаплашганимизда кутубхонада эканини, докторантура ёдига тушиб қолганини гапирган. Бу бизга

шубҳали туюлди. Яширмайман, Парижда бир оғайним яшайди, собиқ ҳарбий. Унга Маҳмуднинг «анкетаси» ва фотосуратини юбордим. Дарҳол текшириб кўрди. Айтишича, Маҳмуд сиз билан меҳмонхонадан чиқиб кетган кўйи қорасини кўрсатмаган. Кутубхонага қадам ҳам босмаган.

— Бу менинг муаммом эмас.

— Сиздан шубҳаланаяпмиз. Париж-Кале трассасида қандайдир воқеа содир бўлган ва сиз уни қаттиқ сир тутаяпсиз.

— Қандай воқеа? Мен тирикман-ку.

— Маҳмуд ўлган бўлиши мумкинми? — овози кўтарилди Юрнинг.

— Бунисини билмайман. Уни назорат қилиш сизларнинг вазифангиз эди. Агар бизга кимдир таҳдид солганида, мен нега Лондонда сизларнинг топшириқларингиз билан соғ-саломат юрибману у ғойиб бўлган? Қасд қилувчи кимса даргадан ҳам кўра менга кўпроқ қизиқарди.

— Ҳм-м... Шомил ҳақида янги маълумотга эгамиз, эшитасизми?

Лобарнинг юраги дук-дук ура бошлади, нафас олиши ҳам тезлашди.

Телефонини бир кўлидан иккинчисига ўтказар экан, ёлғондан уҳ тортиб:

— Доим шунақа, — деди. — У билан ажрашиб кетганимга минг йил бўлди. Ҳали-ҳамон Шомилнинг номини айтиб безовта қилишни ёқтиришади.

— Сизга ҳам, бизга ҳам маълумки, у Римдаги отишмада Пўлат Фазлиаҳмедов номи билан иштирок этган. Эшитишимизча, номаълум йўл орқали Францияга кириб келган ва қандайдир жиноий тўда билан тўқнашувда ўлдирилган. Мурдаси қаерда эканини ҳозирча ҳеч ким аниқ айтиб беролмаяпти. Матбуот ҳам жим. Биз айтдик, полициядан Шомилнинг қисмати хусусида хабар топиб чиқишади.

— Ўлганини мен ҳам Мадинадан эшитдим.

– Тушунаман, саволим жуда содда. Барибир сўрайман: Шомил сизга кўнғироқ қилмадими?

– Қулгили савол.

– Ўлимидан олдин, демоқчиман. Парижда эканингизда, Дуврда, Лондонда...

– Москвада йўқолган собиқ хотинининг инглиз компаниясига тегишли рақамларини қандай топади? Сехргарми?

Юра қоғоздаги матнни ўқиётган суҳандон каби давом этди:

– Шомил ўлиши муқаррар эди. У билан бирга судда жавоб бермаслигингиз бизга боғлиқ.

– Қисқаси, нариги дунёдан кўнғироқ қилса, албатта айтаман. Иваннинг отасига шуни етказиб қўйингки, мен унинг битта илтимосига кўнганман, бошқаси ўтмайди. Хайр!

– Тўхтасангиз-чи! Бўри Соҳибага қачон уйланган дедингиз?

Лобар айтди.

– Шубҳа йўқ дейсиз, чуқурроқ ўйлаб кўрмабмиз-ку! – ҳаяжонланди Юра.

– Яна нима?

– Нега тўй уч ой ўтгач бўлган? Пулдор одам сарвқомат жувон қўлдан чиқмаслиги учун тўйни тезлатиши керак эди-ку?! Бундан чиқди, Бўри Россиядан кетиб, Италияга жойлашгандан кейингина суиқасдларга буйруқ берган, Соҳиба ҳам она юртида эди.

– Миямни ачитиб юбораяпсиз. «Ундай бўлган, бундай бўлган!» Бугуноқ Бўрининг ҳам ўзидан сўрайман, қутуламан. Бўладими?

– Фақат ўзингизнинг тарозингизда ўтирган ҳолда гаплашинг. Сизни бежизга танламадик.

– Хўп, сизга таъзим қиламан. Соҳибанинг бир тола сочи ҳам тўкилмаслиги шарт билан.

Лобар йилларга чўзилган қора саргузаштлари хотима топиши кутилаётган ресторанга кираётганда аср вақти

бўлган эди. У хўрандалар ўтирган столлар оралаб тўрга юрди. Вужудида кўринмас ўт-олов ёнарди. Негадир хўрандалар ҳам, официантлар ҳам унга анграйиб қараб қолишди. Қаердадир ликобча плита устига тушди. Лобар охирги стол сари одимлаб бораркан, ликобча синган томонга бургутлардек виқор-ла кўз ташлади. Мадина шу ерда экан. Лобарнинг кўриб қолишидан чўчиб, ресторан ичкарисига қочди.

— Салом, хоним, — чопиб келди официант. — Нима буюрадилар?

— Ҳамма овқатларинг кавказчами? — рус тилида сўради Лобар.

— Таомнома... Унда баъзи бир... — чайналди официант.

— Қаерликсан?

Официант Лобарнинг саволидан ҳам кўра ўткир нигоҳидан ўзини йўқотиб:

— Сербиядан, — деб жавоб берди.

— Ресторан хўжайинини бу ёққа чақир! Чеченистонлик Шомилни «Қора қарта соҳибаси» сўраб келибди, де. — Лобар шошилган официантни тўхтатди. — Мен узоқ кутолмайман. Шамол каби учиб келсин!

Лобар соатдан кўз узмади: ваъласида кўзда тутилган муддат тугаган он рестораннынг янги хўжайини — Гена ўтирган хонага кириши лозим эди. Шу тобда у ўзининг ёлғиз ва ҳимоясиз эканини ҳам ўйлаб кўрди. Бир ўйиндан иккинчисигача, кичик қиморхонадан каттасигача ўтмишда кимлардир кўриқлагани афсоналарга доя бўлгандир, эҳтимол. Ҳозир-чи? «Даъвонг нима?», «Ким юборди?», «Аввалдан сенда ўчимиз бор эди!..» — каби хитоблар янграйди: ё кўчага қувиб солишади, ё полицияга чақишади, ё ўлдиришади.

Сал кам бир дақиқадан сўнг сербиялик официант қайтди.

— Марҳамат, ортимдан юринг, — деди у.

— Рус тилида қойиллатиб гапираркансиз, — эргашиди Лобар.

— Онамдан ўрганганман.

— Ҳеч ким оналарга тенг келолмайди, — жилмайди Лобар. — Айниқса, улар ўз фарзандларининг бахтини ўйлашларини бошқаларнинг меҳрига қиёслаёлмайман.

Официант индамай йўл бошлашни афзал билди. У гапиришга чўчиётгани яққол сезиларди. Пишир-куйдир билан банд ошпазларнинг ёнидан ўтаётганларида, Лобар:

— Онанг кўз ёш тўкишини истамасанг, бу ердан кет, — деди. — Сен учун ҳаётда нима муҳим? Онангнинг ҳаёtimi ё ўзингнинг орзу-ҳавасинг?

Официант тўхтади. Лобар у қараётган томонга бурилди.

— Бировларни кўрқитишдан нима наф сизга? — деган хитоб эшитилди.

Вақирлаб қайнаётган қозон ёнида, ошпазлар сафида турган оқ халатли савлатдор эркак теграсидагиларга кўз қисиб қўйди. У Гена экани аёни ошкор бўлди.

— Мени оддийгина Гена деб чақира қолинг, — қўл узатди халатини ечаркан. — Баъзан ўз қўлим билан балиқ шўрва қайнатаман. Сиз — ўзбекларда эркаклар палов пиширишади.

Лобарнинг бўйи унинг елкасидан келди. Қизғиш сочи орқага таралган, қуралай кўзли бу одамнинг офтоб кўрмаган оппоқ юзи ошхона тафтида хиёл қизарганди. Нигоҳида на ҳадик, на хайрихоҳлик кўринарди. Шомил билан қандай танишди экан? Сохта хужжатларга таяниб, чечен жиноятчисини Лондонга олиб киргани ҳам қалтис таваккал эмасмиди? Ва нега энди фаолияти халқаро террорчилик ташкилотига тақалди? Ким ўзи бу Гена? Россияда беҳаё фильмлар ишлаб чиқаришга ҳисса қўшган ҳамда шоу-бизнес продюсери эди, Англияда меҳмонхона, ресторан бизнесига суқилиб кирди. Бурбон чолнинг пулларини қўлга киритгач эса қўпоровчиларнинг ҳисоб рақамига ўтказмоқчи. Инсониятда нима ўчи бор унинг? Балки барчаси бизнес ипларининг манфаат

илгаклари орасидан ўтишидир? Денгиздан тўрни кўтаришгани сингари ипни тортганларида, илгакларнинг бир учи боғланган қутилар шарақлаб очилиб кетади. Қай бирларидан олтинлар, қай бирларидан худди граната илгагини тортганларидаги каби портлашлар отилиб чиқади, ўлим парчаларини ёғдиради.

— Лобар, — кўришди меҳмон.

— Англияга хуш келибсиз, — зўрма-зўраки жилмайди Гена. — Кабинетда гаплашамиз. — Бир қўлини эшикка тугди у. — Сиз билан шундай кунда, бадбўй ошхонада учрашиш хаёлимга ҳам келмаганди.

Шомилнинг собиқ хонасидаги малла диванга рўпарама-рўпара ўтирдилар. Гена такаббурлигидан қолмай суянчиққа елка ташлаб, қўлларини қағотдек ёйди, оёқларини киборларча чалиштирди. У инглизларга ҳам ўхшаб кетарди. Лобар ойнаи жаҳонда тез-тез кўринадиган америкалик машҳур сиёсатчилардан бирига менгзади.

— Худо раҳмат қилсин, — деди Гена официантга қаҳва қуйишни имлаб. — Шомил яхши одам эди. Ундайлар кўпроқ якка бўридек изғийди. Афсуски, умри қисқа экан, олтмишга ҳам кирмади.

Официант чиқиб кетди.

— Каллани ишлатганида, — давом этди Гена, — мафия сардори бўлиб етишарди. Ҳеч бўлмаса, олигархлар даврасида ўтирарди керилиб. Бугунги дунёда пул топиш осон, мансаб ҳам кўп қийнамай насиб этади. Киллер бўлиш... Э Худойим, нима деган гап-а! Ҳали-замон киллерга бошпана бердинг деб мени ҳам полиция тутиб кетса керак. Бироқ айбим йўқ. Ҳеч нарсадан беҳабар бир бечора тадбиркорман. Топган пулларига ресторан очсин, продюсерлик қилсин, бизнесга жуда ҳам ақли етмаса, Швейцария банклари билан ишласин эди. Фоиз ҳисобига ҳам кун кечираётганлар бор-ку. Шўро даврида бизда — Россияда ҳам, бошқа республикаларда ҳам рэкет, мафия, уюшган майда жиноий тўдалар бижғиб ётарди. Улар пулдорлардан «солиқ» йиғарди. Энди улар йўқ.

## Қил устидаги тақдир V

Автобусларда киссавурларни ҳам учратмайсан, дейишади. Қонунлар кучайиб, жиноятга имкон кам қолди. Яна бир сабаби, пул топишга йўллар вариант-вариант бўлиб келди. У бозордан бу бозорга мол олиб сотса, жарақ-жарақ пул. Тиқилинч автобусларда сасиб чўнтак кесишга не ҳожат? Ёки мафияга бало борми? Супермаркетлар, меҳмонхоналар, ресторанлар, заводлар, фабрикалар, ундан ташқари минглаб соҳалар пайдо бўлди: интернет бизнеси, телекоммуникация, автомобиль савдоси...

— Бу ерга қайси шамол учирганини сўрамайсизми?  
— Лобар мезбоннинг гапини кесди. — Мен дунёни ўзимнинг нигоҳим билан англайман, ўзимнинг қаричим билан ўлчайман. Кечаги мафия сардорлари бугун мулк эгалари экан, дунё бўйича ўнтадир, элликтадир, юзтадир. Бизнесменлар-чи? Неча миллион? Ҳар ким нима қинғирлик қилган бўлса, эртами-кечми жавоб беради. Улар поп қиёфасига кирадимиз, бир юмалаб бизнесменга айланадимиз, фарқи йўқ. Фаолият уларга вақтинчалик ниқоб. Хуллас, ваъзингизни йиғиштиринг. Ишга ўтайлик..

— Ўлган одамни жўрттага суриштиришларини ёқтирмайман. «Чеченистонлик Шомилни «Қора қарта соҳибаси» сўраб келибди» дейишди. Сиз театр сахнасидаги актриса эмассиз. Мен ҳам майнавозчилик қилинадиган шахс эмасман.

— Лекин унинг шамоли учуриб келди...

— Дағдагангизга қараганда, муддаонгиз пул! Агар дағдаға қилмаганингизда ҳам мақсадингиз барибир пул бўларди. Бунга асло ажабланмайман. Ҳамма нарса пулга сотиб олинадиган дунёда кесак дардида юрмайсиз-ку! Аммо қойил. Мен ўйлагандан чидамли экансиз.

— Мақсадим пул эмас, — деди Лобар.

— Унда нима? Қарта ўйнаб, Шомилнинг ресторанини ютиб олмоқчимисиз? Барибир пулга бориб тақалаяпти-ку. Ўйласам, ақлдан озаман. Сиз кимсиз? Нега ҳамма жойда арвоҳ мисоли кезиб юрасиз?

— У қани? Саволимга жавоб беринг.



— Ким? — қўллари диван суюнчигидан туширган Гена олдинга энгашди.

— Шомил ака қани деяпман. Нима, исмини сизга хижжалаб талаффуз қилиш керакми?

— Шомил ака? — Гена кулиб юборди. — Шомил ака йўқ. У мавжуд эмас. Абадий муддатга мавжуд эмас.

— Мен Россияда яраландим, — жароҳатига нуқиди Лобар. — У ёққа Шомил аканинг манзилгоҳини ахтариб боргандим. Ягона мақсадим — бундан кейин тинч яшаш. Калавасидан чувалашган иплар янги-янги бегуноҳларнинг оёқларига илакишиб, қоқилиб йиқилишга мажбурлаяпти, шунинг учун қаеридан бошлаб ўт қўйиш яхшироқ экан, демоқчиман, тушундингизми? Энди ипларни битта калавага ўрашнинг имкони йўқ. Одамлар ўлди, яна ва яна жувонмарг бўлмоқчи. Москвада Нояга учрашгандим. Афсуски, Ноя ўз нафсининг жонбози экан, маълумотлар оғзимдан чиққан заҳоти бошимга ўқ узди, шифохонага бир ой тушовлади.

— Ҳой Юлий! — чақирди Гена.

Бир йигит кириб келди.

— Текшир уни, — буюрди Гена Лобарга имо қилиб.

Йигит шкафдан металл ахтарувчи ускуна олиб, Лобарнинг кийимлари устидан юргизди.

— Тоза, — деди у бош силкиб. Ва дарҳол хонани тарк этди.

— Ўлмаганингиз учун менга раҳмат айтинг, Лобар, — чашканинг қулоғидан тутди Гена. — Пуф-ф... пуф-ф... Қайноқ қаҳвани ҳам, совиганини ҳам ичиб бўлмайти.

— Раҳмат нима кароматингиз учун?

— Ҳозир билиб оласиз. — Гена баланд овозда чорлади: — Гажар! Қорангни кўрсатсанг-чи! Тирикмисан?

Хонага Ноянинг собиқ шотири Гажар кириб келди. Черковга қадам қўйган куёв мисоли сипо кийинган эди. Икки қадам нарида тўхтаб, қора бўйинбоғининг тугунини оқ кўйлак ёқасига кўнгилдагидек ўрнаштирди: да:

— Салом, — деди Лобарга ҳиссиз нигоҳ ташлаб. — Қўрқманг, бу сафар сизни отмоқчи эмасман.

— Унга мен буюргандим, агар Лобарни отишга тўғри келса, ярадор қил, деб. Гажар буйруқни бекаму кўст бажарди.

Лобар жиноят ўрмонидаги Гажар лақабли махлуқни учратганида ғазабдан титрасам керак, деб тусмоллаганди. Вужудини бўш қўйиб, ўзини совуққонларча тугган эди, гупиллаб ура бошлаган юрак дарров совиди. «Фақат қўрқоқ ва ҳовлиқмаларгина бундайларнинг қаршисида хаяжонланади», деган ўй ўтди кўнглидан.

— Мен қўрқмайман, — деди Лобар Гажарга нафратомуз қараркан, — сен у дунёнинг ғамини есанг бўларди.

— Раҳмат. Аслида мен отишда бир миллиметр ҳам хато қилмайман, — Гажар шимиға қистирилган тўппонча дастасини кўрсатди. — Ўпкангизни босиб ўтиринг, қиморбоз хоним!

Лобар «пуф, сассиқ» дегандек беписанд қараб қўйди.

— Сизни ёлғиз деб ўйлаганимиз йўқ, — деди Гена. — Шунга қарамай Англияда қандай пайдо бўлиб қолганингизни сўриштирамаймиз. Муҳими, бизнинг меҳмонимизсиз. Шомилдан қандайдир тинчликни тиланиб юрган экансиз, ўша тинчликни биз берамиз. Розимисиз?

— Шомил аканинг ўлганига ишонтира оласизми?

— Франциядан фотосурат жўнатишдими? — сўради Гена шотиридан.

— Кутаяпмиз, — четдаги стулга ўтирди Гажар. — Уларда қандайдир муаммо туғилган шекилли.

— Қандай муаммо?

— Шомилни отган йигитнинг ўзи ҳам яраланиб, ҳозир ярасини даволаш учун биқиниб ўтирганмиш. Менимча, телефон ҳам ишлатолмаётгани учун бизга далил юборолмаяпти. Полиция изғияпти. Тушунишимча, французларнинг хавфсизлик хизмати ҳам хитланган.

— Уни Шомил яралабдими? -

— Шомил.

— Хомкалла! — тиззасига урди Гена. Кейин Лобарга қараб илжайди. — Кўрдингизми, сизни ўзимизга яқин олиб, бемалол гапираяпмиз. Шунини ёдда тутингки, Шомилнинг изидан биз қотил юбормадик. У Франция орқали Англияга киришга уринди. Англиянинг эшикбони менман. Нега менга боғланмай аллакимларга ўралашади?! Оқибати учун жавоб бермайман. Қотиллик қонлари оёғига илакишган кимса сенинг қароргоҳингга келаётса асабинг кўзир экан. Унга нима ёмонлик қилибманки, бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этадиган ишга тортиб кетмоқчи.

— Шунақа фикрдамисиз? — ижирғанди Лобар. — Қотил ёллаганингизни айта туриб тонаётганингиз тушунуксиз.

— Хомкалла, бу — Шомил!

— Римда уни учратиб, ҳафсалам пир бўлди, ҳа, фирт аҳмоқ экан, — гап кўшди Гахар. — Шу вақтгача ўлиб кетмаганига ё кўлга тушмаганига долман.

— Римда кўлини қонга ботирди! Гахар гувоҳ! — деди Гена. — Агар ўлдирмоқчи бўлганимизда, Гахар уни Италияда отиб ташларди. Фазабланаётганим сезилаяптими, Лобар? Сиз Фолкстон қарталаридан аниқлаб берган манзилга тақдир тақозоси билан собиқ эрингиз ҳамборди. Бурбон чолнинг ҳаром пулларини олайлик-да, сўнги марта қиморга тикиб, қимор билан видолашайлик, дедим. Шомил Нояни ҳам, йигитларини ҳам ўлдирди. Сиз учун ўч олди чоғи. Охир-оқибат, ҳамма ишни булғади. Бир кун келиб шундай бўлишини унга юз марта айтганман.

— Ўлган бўлса билай, кейин кетаман, — деди Лобар.

Гена лаб буриб, бошини сарак-сарак қилди.

— Фақат шунинг учун келмагандирсиз?

— Шунинг учун бўлса-чи?

— Менга Рим ҳам, Италия ҳам керак эмас, ҳаммасидан тўйганман, деганди у Нояга, — деб Гахар лабига сигарета қистирди. — Мақсади — тинч кўйишларини сўраш экан. «Битта сиз билан эмас, «Викинг» билан

ҳам, Шомил ака билан ҳам орани очиқ қилмоқчиман», дея Ноянинг бошини қотиргани эсимда. «Уйимга одам юбормаслигини, мендан ёрдам сўраганларни қийратмаслигини сўрайман» ва ҳоказо гапларни чайнади. Унга тинчлик кераклигига ишонмайман. Лобар — уруш маъбудаси!

— Наҳотки?.. — сохта ҳайратланди Гена.

— Ҳа-да! У ўзини тинч қўйишларини ҳар кимдан сўраб, Шомил билан орани очиқ қилишни хаёл суриб, дунё кезиб юрибди, — пиқ-пиқ кулди Гахар. — Улай агар, бунақаси учрамаган! Тинч яшашни истаган аёл уйида бола боқиб ўтиради. Унга қиморхоналарда жайра пишириб қўйибдими?! Шомилни ахтариш ҳеч қачон тинчликка талпиниш ҳисобланмайди. Шомил, бу — жиноят машинаси дегани.

— Латифабоп гаплар, — кулгига жўр бўлди Гена ҳам.

— Демак, мен тентакман, шундай демоқчимисизлар? — деди Лобар.

— Ҳар ким ҳам тентаклик мақомига эришолмайди, — елкалари силкиниб, юзи печ олдидагидек қизарди Генанинг. — Бу осонмас!

— Табриклайман, Лобар! Сиз тентаксиз! — кеккайди Гахар. — Фақат тан олиш керак, қартани зўр ўйнагансиз. Бундоқ қараганда, қарта сизни ўйнаган. Ресторанга кириб, ўзини қандай таништирганини қаранг, Гена! Тиз чўкиб юборишимизга сал қолди-я!

Лобар ундан кўз узмасдан сабр-ла ўтирарди.

— Сиз «муқаддаслар рўйхати»га ҳам чиппа-чин ишонасиз, — деди Гахар. — Гўёки «муқаддас аёл» эмишсиз, ўлдириш мумкин эмас экан. Лекин бу қоидага ким бўйсунди? Менми, Генами? Ёки Ноя тан олганмиди? Сизни ўлдирдик дейлик, ким бизни жавобгарликка тортади полициядан бошқа? Полиция эса икки дунёда ҳам «муқаддаслар рўйхати»ни тузиб, машҳур қарта жодугарларининг исм-фамилиясини тиркаб қўймайди.

— Ё тавба, — Лобар уҳ тортиб диванга суянганча шифтга кўз ташлади, — ёш бола экансизлар-ку!

— Шомил ҳам ўлди, ким қолди сизга ён босадиган? — таажжубланди Гена кўзларини чақчайтириб. — Халқаро қиморбозларми? Қани улар? Умуман олганда, «халқаро террорчи», «халқаро қиморбоз», «халқаро балои баттар» деган жумлалар таъбимга ўтирмайди.

— Реанимацияда хушимга келганимда, — вазмин сўзлади Лобар, — бошимда терговчилар тўпланди. Ким ўқ узганини сўрашди. Мен Володя деб жавоб бердим, фотороботини тайёрлашларига ҳам ёрдамлашдим. На Ноянинг, на Гажарнинг исмини айтдим. Володя — йўқ одам. Нима учун ҳеч кимни сотмадим?

— Жиноий гуруҳни фош этадиган бўлсангиз; вақт-соати келиб, албатта ўлдиришларини тушунгансиз, — жавоб берди Гена.

— Тўппа-тўғри! У ерда Лобарни сўйиб кетишга тайёр йигитлар пайт пойлашаётганди, — бидиллади Гажар.

— Тушунтиролмадим. Мен ҳозир қаердаман? — деди Лобар.

— Рўпарамизда, — Гажар тутун пуфлади.

— Қамоқдаги Гажар менга керак эмасди, уни яна бир марта очиқда кўрсам дегандим. Мана, нима учун сотмадим.

— Хўш, нима қиласиз? — безрайди Гажар. — Ўчингизни оласизми? Полицияга арз қилган бўлсангиз, ҳозир улар ташқарида пойлаб туришгандир-да?

— Йўқ, шунчаки башарангга бир қараб қўймоқчи эдим. Полицияни аралаштириш ниятим бўлса, Москвада айтардим.

— Ҳе-ҳе, башарамга нима қилибди? — Генага қараб қўйди Гажар. — Ўша куни Ноядан яширинча «Тез ёрдам»га хабар бермаганимда, қон йўқотиб ўлардингиз. Яхшиликка ёмонлик қайтаришингиз жуда осон экан.

Шу пайт Генанинг телефонида мусиқа чалинди. У нариги томондаги киши билан саломлашгач, бир дақиқача кулоқ солди, сўнг:

— «Сариқ уй»да гаплашамиз, оғайни, — деди.— Сюрприз бор... Томдан тараша тушгандек меникига меҳмонга келди. Эсингдами, сенга келинликка номзод бор дегандим, самарқандлик аёл. У ҳозир ёнимда ўтирибди... Ҳа, уйлангансан... У ҳам сенга тегмоқчи эмас. Кечкурун бирга овқатланиб, эрмакка қарта ташлашсак дегандим. Шунча эшитиб юрганимиз аёлнинг сеҳргарлигини бир кўрайлик.

Гена телефонини чўнтагига тикиб, чапак чалди.

— Шомилга ўз вақтида бир таклиф ташлаганман, — деди у. — «Лобар сени ахтариб Россияда Ноя-поя деган қаланғи-қасанғиларнинг ҳузурида хор-зор юрганмиш, ундан кўра уни турмушга бериб, оилага банд қилиб кўяйлик», деганман. Менда бир ажойиб куёв бор эди. Кўп йиллар Питерда яшаган, кейин Москвага кўчган. Ҳозир Лондонда. Миллати ўзбек. Фуқаролиги Россия...

— Исми нима? — сабри чидамади Лобарнинг. «Наҳотки, у Бўри бўлиб чиқса?!» деган хаёл шу ондаёқ гумон осмонида портлади.

— Афсус, бир неча ой бурун уйланди.

— Уйлангани билан нима ишим бор? Ким у?

Эркаклар қаҳ-қаҳ уриб кулишди ва қўл ташлашди.

— Менга орқаваротдан куёв топганингизда Шомил ака нима деди? — газабини ютди Лобар.

— Нима ҳам дерди? — кифт учирди Гена. — У отангиз ҳам эмас, эрингиз ҳам. Бечоранинг виждони кўп қийналарди. «Бир аёлнинг ҳаётини барбод қилдим», деб мана шу столни муштлаганида, Ер шарининг нариги томонида зилзила бўлган.

— Бўри деганлари бунинг банкдаги юз минг долларини эшитиб ошиқ бўлганига кафолат бераман, — иршайди Гажар.

— Исми Бўри денг! — Лобар дастрўмолини қаттиқ гижимлади.

— Ўзим айтмоқчи эдим, Гажар, — пўнғиллади Гена.

— Тур, ҳозироқ машинани ҳозирла, биз «Сариқ уй»га

жўнаймиз. Ҳақимулла Масъуд билан бўладиган қиморга Бурбон чолнинг пулларини тикаман. Биламан, полиция бу пулни жиноий йўл билан топилган деб иш кўзғатиши мумкин. Бироқ Бурбон чол даъвогар эмас. Ноя кабиларнинг ўлдирилишига эса пулларнинг алоқаси ҳам йўқ. Лобар мен томонда ўйнайди. Меҳмонга Мадинани бераман. У Лобарга қарши қарта ташлайди.

— Араб шайхи бизнинг одамга ишонадими? — эшикда тўхтади Гахар.

— Бу ёғига бурнингни тикма! Жўна! — шанғиллади Гена.

Лобар тақдир чорраҳасида, ниҳоят, сариқ чироқ ёнганидан қони жўшиб, тўлғонди. Ҳақиқатан, саргузаштлари охирига етиб қолган эди.

— Менга қарши аёл қартабозни ўйнатмоқчимисиз? Арабнинг ўзи-чи?

— Жаноб Ҳақимулла Масъуд қарта бобида нўноқ. Бунинг устига у ўла қолса ҳам аёллар билан ўйнамайди.

— Бир вақтлар Муҳаммад Ваҳбо деганлари бўларди, шунақа фикрга ёпишиб олган қуруқ ғояпараст. Ғояси ҳақ ғоя экан, ўзи ҳам қиморга яқинлашмаслиги, аёлларни ҳам йўлатмаслиги керак эмасмиди? Ҳеч бўлмаса, аёлларнинг кўли билан қарта ўйнамаслиги, пул ишламаслиги лозим эди. Мен ундайларни чириган дарахтга қиёслайман. Мева беришни даъво қиладиган чириган дарахт!

— Бу гапларни нега менга айтаяпсиз? Уларнинг дунёқараши учун жавобгар эмасман.

— Мадина деганингиз ким?

— Шошилманг, танишасиз, — кўз остидан маъноли боқди Гена.

— Нега жанобингиз унга ишониши керак?

— Эшитинг, ҳали айтганингиздек, бу гапларингиз ҳам айни дамда ўз қаричингизнинг маҳсули. Туринг, сизни ўша кошонага бошлаб борай, сўлим ва хилват жой. Шифохонада ётавериб роса зерикиб, бирйўла Европада қарта ўйнашни ният қилганингизни яхши тушунаман.

— Москва ҳам Европа.

— У ҳолда Аляска ҳам Сибирь, — деди Гена.

Улар «жип»га чиқишди. Рулда Юлий бор эди, холос. Лобар Мадина ва бошқалар «Кавказ» ресторанидан турли вақтда, турли йўналишларда чиқиб кетганини тусмоллади. Ҳарҳолда, Россиядан келгувчи қартабознинг ёлғиз эмаслигига ишончлари комил эди чоғи. «Дум» ким бўлиб чиқиши мумкин? Шомилнинг одамлари, Лондон полицияси, Генанинг Россиядаги душманлари, хусусан, Ноя тўдасининг қолдиқлари. Эҳтимол, Лобарнинг ҳам ўз тўдаси бор деган гумондадирлар.

«Қаердадир инглиз разведкаси ҳам ортимиздан илакишиб юрибди, — хаёлидан ўтказди Лобар. — Улар энди Генани осонликча қўйворишмайди. Ҳакимулла Масъуд кўпоровчиларнинг хазинабони, бу — аниқ! Гена унга Бурбондан тушган пулларни қимор орқали тақдим этмоқчилиги сезилаяпти. Пуллар арабнинг ҳисоб рақамига ўтиши учун мен ютқазишим керак. Наҳотки, Мадинага шунчалик ишонишса?!»

Чет эл жосуси бирор мамлакатдан ўзига одам ёлласа, унга ҳақ тўлашда гоҳида қимор йўли танланар эди. Бу ҳақда қачонлардир Шомил айтгандики, чет элдан келган жосус ватан хоинига қарта ўйинида, бильярдда, от пойгасида атайин ютқзади. Лобар фаҳмлади: Гена ҳам эски усулдан фойдаланаяпти. У ортидан кузатишаётганини аллақачон тушунган. Бинобарин, Римдан тушган пулларни ортиқ сақлаёлмайди, Ҳакимулла Масъудни Лондонга юборган экстремистлар раҳнамоси ҳам узоқ кутолмайди. Гена ҳам эндиликда Англияда қолмоқчи эмас, шоша-пиша қочиб кетиш эрта-индин бирор юртда интерполнинг тўрига тушиш демакдир. Лобарнинг ақли етарди, жиноятчилар иш пишгач, сўнгги марта катта найранг қўллаб, шундай бир мамлакатга жуфтакни ростлашадики, Англияга тутиб беришмайди. Фаҳш ва ҳаромхўрлик ортидан кун кечириб келган Генанинг бу дунёда ёлғиз суянчиғи қолгани тайин эди: у ҳам бўлса, кўпоровчилар. Гена ҳомийлик



қилиб, уларнинг ёрдамида Шарқдан бошпана топмоқчи эканини Лобар тахмин қилди. Бироқ очиқдан-очиқ ҳомийлик ботқоқни янада чуқурлаштиради. Генанинг ноқис ақли фикрлар заминини теранроқ қазийёлмайди. У баҳонага суянмоқчи: Лобар келди — қарта ўйналди.

Машина тез орада Бромптон Роуддан бошқа бир шоҳкўчага чиқди. Лондон оқшом кўйнида юз минглаб чироқларга бурканиб, товланиб, солланиб ётарди. Лобар шаҳардан четга чиқишаётганини тушунди.

— «Сариқ уй» пойтахтда эмасми?

— Йўқ, — деди Гена, — оролчада жойлашган.

— Денгизга жўнаяпмизми?

— Сунъий кўлга.

— Қаерда экан у?

— Бунинг сизга фарқи йўқ.

— Англияда хўжайин менман, демоқчимисиз?

— Сиз билан ади-бади айтишмайман. Чунки пулларим ҳозир кўлингизда. Туркиядан ташриф буюрган араб сандигимни бўшатиб кетишини истамайман.

— Қиморни танлаб бекор қилибсиз.

— Ахир, ўз оёғингиз билан келиб қолдингиз. Боз устига, Масъуд тикаётган пул эс-хушни ўғирлайдиган даражада. Сизга қаттиқ ишонаяпман, Лобар!

— Менга ишонинг, қартада ютаман, аммо...

— Нима аммо?

— Ҳакимулла Масъуд овсар эмасдир? Кўра-била туриб, рақибига қарши рақибининг одами билан ўйинга тушиши... Ишнолмаяпман.

— Мен Масъудни тузоққа илинтириш учун, — деди Гена, — унга Мадинани ўйинга туширишни ишонтиришга бир ой вақтимни, миллионлаб асаб толаларимни сарфладим.

— Барибир Масъуд аҳмоқ бўлиб туюлмапти.

— Бир нарсани тушунмаяпсиз. Кўли устун келса, олижаноб арабимиз Мадинага етмиш минг доллар мукофот беришини ваъда қилган. Бунча пул учун Мадина сизнинг тит-питингизни чиқариб қўймасин. Эҳтиёт бўлиб ўйнанг.

## Қил устидаги тақдир V

– Маҳалламизда бир шоир йигит бўларди. У ижарада яшагани учун кўп вақти иккинчи иш жойида пул ишлашга кетаркан.

– Шоирнинг нима дахли бор?

– Агар шарт-шароитимни яхшилаб олсам, эртаю кеч ижод қилардим ва буюк шоирга айланардим, деган гапидан кўнглим айниган. Ҳеч қайси соҳада пул одамни улғайтирмайди.

– Нотўғри. Пулнинг кучи билан одам бўлганлар сон-мингта.

– Ўша шоирга янги уй қуриб берсам, бир қарич ҳам юксалмасди. Полвон бўлиш учун яхшигина овқатланиш керак, лекин ношудларнинг кўп овқат ейиши полвонликка эмас, мечкайликка, хўппасемизликка олиб боради.

– Фалсафангизни йиғиштирсангиз-чи! Пулнинг кучи зўрлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

– Яхши. Мен Мадинага ўз улушимдан ўтгиз минг ваъда қиламан. Шарт шуки, мени енгсин. Етмиш минг доллардан илҳомланган қизча юз минг долларга қанчалик куч топишини кўрамыз.

– Эй! Эй! Сиз унинг қизча эканини қаёқдан биласиз?

– Россия қиморхоналарига тумшуғини тикқан қиморбозларнинг орасидаги хотин-қизлар ҳақида ахборот тушиб туради. Энг ёши, бу – абхазиялик Мадина эди. У ҳозир Лондонда, «Кавказ» ресторанида, яъни сизнинг қўл остингиздаги хизматчи. Яқин кунларгача Шомил аканинг ходимаси ҳисобланганидан ниҳоятда ҳайронман. Шомил ака қиморбозлар билан мутлақо келишолмасди.

Гена ўриндиққа елка ташлади-да, кула бошлади.

– Қойил! «Мадина ким?» деб лақиллатдингизми? Сиздан кўрқиш керак, Лобар! Ёруғ дунёни комедия сахнасига айлантириб юбораяпсиз. Нақадар ажойиб томошалар! Буни кутмагандим! Фақат яширманг, ресторанга кириб келганингизда Шомил ўлганини ҳам билганмидингиз?

– Унинг ўлганини ҳозир ҳам билмайман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ўлигининг суратини тез орада кўрасиз. Телевиденияда ҳам намоёниш этишса керак. У Мадинанинг қиморбоз эканидан хабар топганида, ўлдиармиди? Масалан, сизни йўқ қилиш у ёқда турсин, севарди, десам ҳам бўлади.

— Тавба қилганларни кечира олади, — тик қаради Лобар.

— Мадина қандай ўйнайди? — кўзларини олиб қочди Гена.

— У билан бирор марта қарта столида ўтирмаганман. Билишимча, Мадина Москва қартабозлари мактабидан етишиб чиққан, Кавказ қартабозларига ҳам, инглизларга ҳам алоқаси йўқ.

— Сиздан кучсизми, йўқми? Аниқроқ гапирсангиз-чи!

— Россияда мендан кучсиз эканини айтишган, Англияда тайёргарлик кўрмаган бўлса, ҳозиргача бир нави. Ҳакимулла Масъуд қартада нўноқ экан, қимордан бошқа эрмак тополмабдими?

— Шу гапни сиз айтманг.

— Қанча тикдингиз?

— Олти юз минг. Фунт стерлингга эмас, «яшил»да.

— Ўҳ-ҳў, қолганлари қаёққа кетди? Фолкстон қарталарининг калитини топганимда, димоғимга миллион долларнинг ҳиди урилганди.

— Оббо, айёр хотин-ей! — бармоғини ўқталди Гена. — Мабодо Марказий разведкада ишламайдиларми?

— Юристингиз Бурбон чолнинг пуллари ўтадиган йўлақларни пол латгада артиб чиққандир? Қонунни бузмасангиз, сизга ит индайдими! Лондонда ялло қилиб юрибсиз-ку!

Шу дамда Генани телефонга сўрашди. Юлий «Нокиа»ни орқага узатди.

— Алло, — кўз ёшларини артди Гена, — нима дейсан? Ҳа, қаерга жўнатишларингни Юлий тушунтиради. Менинг маҳоратим билан тайёрланганми, мен татиб кўраман.

У телефонни ўчиргач, Лобар:

— Шўрвами? — деб сўради.

— Шўрва, шўрва, — деди Гена ташқарига қараб. — «Сариқ уй»га келтириб беришади. «Парижда қайнаган шўрва» деган иборани эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Менинг шўрвам Лондонда қайнаган... Сиз Бўрини қаёқдан танийсиз? У ҳам ўтмишда қиморбоз бўлганми?

— Бўрини мен танийманми? Ҳечам-да, — ўзини ажабланганга солди Лобар.

— Назаримда, сиз уни ҳам яхши танийдиганга ўхшаяпсиз.

— Қанақасига?

— Самарқандликсиз, тўғрими?

— Тўғри, лекин ҳар бир ҳамшаҳримни танишим керакми?

— Иккалангиз ҳам анча йиллардан бери хорижда яшаяпсиз, Москвага тез-тез борасиз, «қора бизнес» атрофида ўралашасиз.

— Бўри деган кимсани учратмаганман. Буни сиздан яширишдан нима наф? Тушунишимча, ҳозир бизни юзма-юз қиласиз.

— Демак, Бўрига ҳеч қандай алоқангиз йўқ.

Лобар киноюмуз кулиб, деди:

— Сиз мени Бўри билан таништирмоқчи бўлгансиз, эрга бериш ниятингиз ҳам бор эди, мен тушимда кўрибманми уни! Қайси қозонда бирга қайнагансиз?

— Бизнес.

— Бизнес, бизнес...

Қирқ-қирқ беш дақиқалардан сўнг икки тарафида қўшқаватли ҳашаматли уйлар жойлашган мавзегга етдилар. Дарахтлар шох ташлаган тор кўчага бурилиб, ҳовлиларни ортда қолдиришди. Ёмғирдан ивиған барглари машина чироқлари ёруғида ялтирарди. Гена ойғани ярим тушириб, ўпкасига ҳаво тўлдириб, «Оҳ! Оҳ» деб завқланди.

— Жаннатнинг иси келаяпти.

— Дўзах ҳам узоқдан хушбўй ҳид таратади, — унинг

хузурланишини оқламади Лобар. — Бузуқчилик қиладиганлар ҳам, ҳалол-поқ хотинлар ҳам бир хил атирдан фэйдаланиши-фикримга-мисол.

— Сиз жаннатга бораяпсиз.

— Шаккоклик қилмасликни маслаҳат бераман.

— Худога ишонасизми дейман?

— Бу гапни қирқ йиллар бурунги чувалчанг уялмай-нетмай гапираяптими? — уҳ тортди Лобар.

— Туппа-тузук заҳар экансиз-ку, — тумтайди Гена ойнани кўтариб. — Шомилдан ўтгани аниқ. Бирортангизга ишониб бўлмайди. Ҳаммангиз фирт хавfli кимсаларсиз!

— Хафа қилган бўлсам узр, — тил учида кечирим сўради Лобар. — Мен даҳрийлар билан муроса қилолмайман.

— Нима, бу юришга динингиз рухсат берадими? — ўшқириб юбораёзди Гена. — Телбалик-ку!

— Ота-онам мактабга жўнатаётиб, аёло баҳоларга ўқишни ва одобли қиз бўлишимни тайинларди. Мен ҳар доим «беш» ололмасдим. Баъзан ўғил болаларга ҳиринглардим ҳам. Ўшанда ота-онамни йўқ деб ҳисоблаганманми?

— Ҳа-а, бирор гуноҳни-била-туриб-қилар экансизларда?! Вой, аблаҳлар-ей! — сўқинди Гена. — Ҳақиқатан, Шомилни ўлгудек диндор деб ўйлаш мумкин, касби эса турган-битгани қароқчилик. Бировнинг номида бўлса-да, ресторани бор эди. Шунда ҳам тинч ўтирмай устимдан хўжайинлик қиларди. Римда нима бўлди? Чўчқа балчиқ билан, қассоб қон билан экан.

Лобар унга аввалгидан-да аччиқ жавоб қайтармоқчи эди, дарахтзор тугаб, кундуздек ёритилган оролчадаги сариқ иморат кўринди-ю тили танглайга ёпишди. У умрида кўплаб башоратларни эшитганди. Шулардан бири атрофи сув билан ўралган тошлоқда ўлиши ҳақидаги машъум фол эди. Ишонмасликка қанчалик тиришмасин, тақдири азалдаги мудҳиш воқеадан башоратгўйнинг оғзи ила огоҳлантирилгандек туюлаверарди. Саодатга эришиш учун у нафақат қимордан, оддий қарта ўйинларидан ҳам воз кечмоғи даркор эди. Ҳозир-чи? Шомилнинг

илтимосини, Анатолий Ивановичнинг топширигини ёддан чиқармай қиморхонага кириб бормоқда. Гарчи асл мақсади ёш хотиннинг умрига зомин бўлгувчиларни тўхтатиш эса-да, танланган йўл қонунан тақиқланган қон сачраган зим-зиё сўқмоқ эди.

— Оролча... — деди Лобар сув билан қуршалган, атрофига қайроқтош терилган иншоотдан кўз узолмай.  
— Мана у... Айтилган жой...

— Бунинг ичидаги сюрпризлар олдида ташқариси ҳеч гап эмас, — истехзоли кулди Гена.

Электрон дарвоза очилгач, «жип» икки энлик кўприкдан ўрмалади. Иккинчи дарвоза ҳам ўз-ўзидан очилди. Юлий ҳовлида машина билан овора бўлди, Гена Лобарни остонага бошлади.

— Бу уй сизга бегона, — деди Гена оч сариқ деворларга-ю оппоқ шифтдаги биллур қандилга, қимматбаҳо портретларга-ю ҳашамдор диванларга имо қилиб, — аммо мантиқан олганда, сиз уйга бегона эмассиз.

Лобарнинг вужудида алланечук совуқ, алланечук шарафбахш туйгулар жўш урди ва ўлимга тайёр эканини юракдан туйди. Гажар ўқ узганида, кўзларидан ўт чақнаб кетган эди. Сониянинг ўндан бир бўлагиди хаёлидан бир неча ўй ўтганди: «Менга учқур темир тегиб кетдими?», «Электр симими ё ускуналардан бири портлаб, металл бўлак бошимга урилдими?», ҳатто «Калтакесак ҳамла қилдими? Бунча кучли тишламаса!..» деб ҳам ўйлаганди. Ва оний лаҳзада ҳушидан айирилиб, реанимацияда кўзини очганди.

Бугун жўнгина ўлиб кетмасликни кўнглига тугаркан:

— Мен ҳеч қаерга бегона эмасман, — деди. — Бегоналик ҳақида сиз ўйлаб кўришингиз керак.

— Хабарингиз борми?

— Нимадан?

— Бу кошонани Шомил олаётганди.

— Хабарим йўқ. «Бегона эмасман» деб бошқа маънода айтдим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Маъноларни бугун кўп топамиз, ҳозир эса... — Гена кўл узатди. — Телефонни топширинг!

Узун бўйли, қора қош, калбош хизматкор яқинлашиб, совуқ нигоҳини қадади. Гена Лобарнинг телефонини унга отиб, буюрди:

— Кечадан бери кимлар билан гаплашганини аниқлаб, ўн дақиқада менга ҳисобот беринглар... Сиз — Лобар, ичкари хонага киринг, қарта меҳмонхонамизда ўйналади.

Лобар телефонига ўттиз бешта нотаниш рақамни сақлаб қўйган бўлиб, Соҳибанинг исмини инглизчасига «Сара» деб рўйхатга киритганди. Юра эса кўринмас рақамлардан кўнғироқ қилган.

— Бу нимаси? — тўхтади Лобар. — Ҳаддингиздан ошаяпсиз.

— Ким ҳаддидан ошаётганини кўрамиз, — дея Гена Лобарнинг биллагидан чангаллаб, тилларанг нақшинкор қора эшикка судради.

— Қўполлик қилишга ҳаққингиз йўқ! — Лобар исканжадан қутулолмади.

Гена эшикни бир уриб очди ва Лобарни итариб юборди. «Қора қарта соҳибаси» ярми шахматнусха очиқ пол, ярмига гилам тўшалган чатишма услубда зийнатланган кенг, чароғон хонага — юмшоқ ўриндиқлару ёғоч мебеллар, гулдасталару портретлар билан безатилган меҳмонхона бўсағасида мункиб йиқилаёзди. Тўрадаги малла стол атрофидаги сарғиш ўриндиқларда уч киши ўтирарди. Лобар биттасини, яъни чап кўзи моматалоқ Мадинани таниди, иккитасининг кимлигини гумон қилди: ташқи кўринишидан араб миллатига тортадигани Ҳакимулла Масъуд, унинг рўпарасида ўтирганча ортига қайрилиб қараган миқтидан келгани Бўри...

Араб томоқ қиргач, қаҳвасига бамайлихотир кўл чўзди. Мадина бошини эгди. Бўри олдинга бурилиб, қаҳвасидан хўплади ва Лобарга қарамасдан бўш ўриндиқни кўли билан кўрсатди.

— Кел, ўтир!

— Салом, — деди Лобар.

Ҳеч ким алиқ олмади.

— Қачон улгурдинг? — Мадинадан кўз узмасдан ўриндиққа чўкди Лобар.

Мадина кўрқа-писа Бўрига кўз ташлади.

— Бир-бирингни танийсанми? — кўзларини лўқ қилди Бўри.

Лобар унинг ошқовоққа ўхшаш юзига, ахлоқ-одобдан йироқ нигоҳига зимдан разм солгач, стол устидаги қарта қутисига қаради.

— У менга ўхшаб адашганлардан. Россияда қарта ўйнаб кўйган бир бечора абхаз қизи.

— Шунақа де, — нафратли илжайди Бўри. — Сенга айтишган бўлса керак, ўтган замонларда мухлисинг бўлганман. Ишонасанми, ишонмайсанми, сенга уйланиш режамда бор эди.

— Ҳа, айтишди, — деди Лобар. — Ҳақ гапдан хафа бўлмайсизми?

— Қулоғим сенда.

— Эшитиб, энсам қотди. Сиз қанақа одамсиз? Ўз фикрингиз йўқми?

— Бу билан нима демоқчисан?

— Дўқ-пўписа билан ҳеч нарсага эришолмайсиз. Агар ёнимда юрганингизда сизга ўхшаш қанча-қанчаси аянчли ҳолга тушганларини кўрардингиз.

— Ўв, мени кўрқитмоқчимисан?

— Ҳеч кимнинг ноғорасига ўйнамасдан ўзингиз учун жавоб беришни ўрганинг, Бўри ака!

Хонага Гена кирди.

— Ҳой-ҳой, ҳозир урушнинг мавриди эмас, — деди қўлини артиб. — Бугун ҳаммасига улгурамиз, ҳаммасига! Масъуд жаноблари кутиб қолмаслик учун ишни аввало қимордан бошласак.

— Биз бундай келишмаганмиз, Гена. — ғазабдан қизарди Бўри. — Иккови юзма-юз бўлди, эшитайлик-чи, нега булар менинг оиламга бурунларини суқишаяпти?

— Ҳа, дарвоқе, — Гена Лобарга илжайди, — нега бугун



супермаркетда Бўрининг хотини Соҳиба билан махфий... жуда-жуда махфий тарзда учрашдингиз?

— У-яқинда ўлдирилади, — жавоб берди Лобар.

— Нега ўлдирилар экан? — бўғриқди Бўри. — Мадина айтган москвалик йигитлар учунми?

— Йўқ, сиз учун.

— Нималар деб алжираяпсан?

— Мадина бу ўйинда ким? Бир кўғирчоқ! У Россиядан келган алоқачига чув тушди. Мен эса кўғирчоқ эмасман. Мақсадим, фурсат борида бегуноҳ Соҳибани кутқариб қолиш. Унинг эри ўлса ўлиб кетаверсин! Чунки у... — Лобар Бўрига бармоғини ўқталди. — ...яъни сиз ўзингизга ўзингиз гўр қазиб бўлгансиз. Марҳамат, кафанингизга ўралинг-да, лаҳадингизга тушинг.

— Ҳой, нималар деб алжираяпсан? — ўшқирди Бўри. — Ким ўзига гўр қазибди? Менми? Бекор айтибсан! Кимларнинг ногорасига ўйнаб юрганингни билмайманми?

— Дўқ-пўписадан фойда йўқлигини-ю кунингиз битгани менга боғлиқ эмаслигини ўйлаб кўринг. Валақлашишни ёқтирмайман.

— Мадина икковинг кимнинг айғоқчиси эканинг аллақачон ошкор бўлган. Бошқаларни овсар санаб юргунча ўз касб-корларинг билан шуғулланишларинг керак эди. Аёл ақллилик қилган иш аввалдан ёқмаган менга.

— Кулоғингизга танбур чертаяпманми? Мадина кимларнинг қўлида кўғирчоқ эканидан ўзининг ҳам хабари йўқ. Жосуслигини фош этдим деб дўппингизни осмонга отишга шошилманг.

Бўри қизариб-бўзариб чўнтагидан тўппонча чиқарди.

— Эй! Ўзингизни боссангиз-чи! — хитоб қилди Гена. — Уйимда қурол ишлатишларини ёқтирмайман.

— Ё Аллоҳ... — деди Ҳакимулла Масъуд ўрнидан туриб. У ҳам лоқайд ва ҳиссиз кимса экани маълум бўлди-қолди. Гудранганча нари кетди.

— Боя айтган гапларингни тақрорла! — Бўри қурол оғзини Мадинага қаратди. — Отолмайди дема! Ҳаммасидан тўйганман! Емаган сомсам учун россияликларга пул тўлаганимдан кўра тўккан қоним учун Англия суди олдида жавоб берганим маъқул!

Ранги оқарган Мадина аччиқ ютиниб, кўзларини пирпиратганча Лобарга нигоҳ ташлади. Кейин бошини эгиб сўзлади:

— Уни Москвадан юборишди... Қозоғистон, Франция, кейин бу ерга... Ла-Манш орқали... Данилов Анатолий Иванович деган киши... Россияда, вазирликда ишлайдиган амалдор... Ўғли Иванов Иван Анатольевич... Москвада шу йил май, июнь ойларида... эшитишимча... билишимча...

Тутилиб қолган эди, Гена қўлларидан тутди. Масъуд эса гиламдан ўтгач, шахматнусха мармар пол устига етди ва энди кўраётгандек оёғи остига қизиқсиниб қарай бошлади.

— Кўрқмай гапиравер, мен шу ерданман, — Гена Мадинага кинояомуз шивирлади. — Бунинг устига қартадан бугун етмиш минг доллар ютуқ олишинг кутилмоқда. Лобар ҳам сенга қанақадир ўттиз минг долларни ваъда қилди. Ютқазсанг эмас, ютсанг, яъни уни енга олсанг! Қойил қолгани учун соъға! АҚШга кетасан. Англиянинг «об-ҳавоси» худди Россияники каби сенга ёқмаганига шоҳидмиз. Бахтли бўлай десанг билганларингни очиқ гапир, шунда бир томчи ҳам қонинг тўкилмайди... — У Бўрига мурожаат қилди: — Дўстим! Тўппончангизни туширинг! Хонимлар бизни жинойтчи деб тасаввур қилишаётганини ўйласам, кулгидан ўзимни тиёлмайман. Жинойтга аралашганимизда Лондонда тараллабедод юрармидик?

— Хўп, Генага ҳурмат бажо келтираман, — Бўри тўппончасини қўйнига солди.

Ҳамманинг кўзи Мадинада эди.

— Май, июнь ойларида Иваннинг икки дўсти

ўлдирилган. Улар уч дўст бўлишган. Фақат Иван тирик қолган. Қотил ким, буюртмачи ким, аниқланмаган. Иваннинг отаси ёшгина гастарбайтер аёлдан шубҳаланган. Чунки уни уч дўст фожиадан сал олдин ишратхонага ўғирлаб кетмоқчи бўлган. Шундан сўнг аёл эри билан ажрашиб, бадавлат инсонга яширинча турмушга чиққан. Ўша бой одам... Бўри бўлади. Отаси ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Иванни Россиядан узоққа — Англияга юборган. Ишботи бўлмаса-да, билганки, уч дўстни гастарбайтер аёл иккинчи эрига... қўлидан ҳамма иш келадиган Бўрига айтиб, ўлдиртirmoқда. Соҳибани Лондонда учратиб қолишгач, Иваннинг ортидан юрибди, дея кўрқиб кетишган. Лобар эр-хотиннинг даврасига кириб, сирларини билиб олиш учун юборилган. Мени Лобарга йўл кўрсатувчи қилиб тайинлашди. Соҳибанинг қачон, қаерга боришини Лобарга мен айтдим. Супермаркетда нималар ҳақида гаплашган, аслида Лобарнинг бошқа нияти ҳам борми, йўқми, қасам ичаман, беҳабарман. Айбим — русларнинг олдида ожиз қолганим. Бошқа иложим-йўқ-эди.—Улар-амалдорнинг-эрка-ўғли ҳаётини сақлаб қолиш учун Бўри ва Соҳибани йўқ қилишмоқчи эканини Лобардан эшитдим. Қонли ўйинга аралашиб қолишимни сезганимда ҳеч кимнинг илтимосини бажармасдим.

— Нега улар Москвада туриб, айнан сени ўзларига ёллашди? — сўради Гена.

— Иваннинг отаси юқори доираларга алоқадор киши. Махсус хизматларда ҳам танишлари бор. Унга Лондонда одам керак бўлиб қолганида, махсус хизматдагилар мени тавсия қилишган.

Гена завқланиб хуштак чалди.

— Россиядек бепоён мамлакатдан неча минглаб одам Англияга келади, лекин Мадинани махсус хизмат одамлари танир эканлар ва айғoқчи сифатида фойдаланишга тавсия этишар экан. Буни қандай тушунмоқ лозим?

## Қил устидаги тақдир V

— Жосуслар Шомилнинг изидан тушиб, у Лондонда бошқа ном остида яшаётганини аниқлашган, — деди Маина кўз ёшларини артиб. — Мен Англияга келганимда, «Кавказ» ресторанига ишга ўтишимни, ресторан хўжайини — Пулат Фазлиаҳмедов номи билан юрган Шомил ҳақида маълумот бериб туришимни айтишди. Йўқса, казиноларга боғлиқ жиноятларим учун Россияда «иш» очиларди. Опам Кавказда яшайди. Поччам экстремизмга аралашиб қолганида, зўрға оқланди. Қисқаси, кичик илтимосни бажарганимда, менинг ҳам, опамнинг ҳам бошига ташвиш тушмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди. Бундан «махсус хизмат ходими» деган хулосага бормасликларингиз керак. Мен оддий қизман. Таржимаи ҳолим ҳам яхшимаслигини айтаяпман-ку! Қанақасига Англияга юборилган жосус бўлишим мумкин? Шунчаки фойдаланишди. Агар махсус хизматда фаолият юритадиган жосус бўлганимда, мени вазириликдаги аҳмоқ амалдорга тавсия этишармиди? Жосуснинг шахси қаттиқ сир сақланади.

— Қўйсанг-чи, ақл ўргатишни! Уларга Шомил ҳақида маълумот бердингми? — енгил туртди Гена.

— Шомил дарров Италияга кетиб қолди ва... қайтмади.

— Россиялик жосуслар мени ҳам сўрадиларми?

— Йўқ.

— Нега?

— Билмасам.

— Чунки камина жиноятчи эмас, — кўксига урди Гена Лобарга қараб. — Ўлдирилган иккита маишатпараст ўспириннинг қонини Бўрининг пешанасига ким суртмоқчи бўлса, у тентак. Римдаги қирғинда ҳам мен айбдор эмасман. Бурбон чол орқали бўлса ҳам айбимни бўйнимга қўйишарди-да, тўғрими, эй инсонлар?!

— Кўрдингми? — деди Бўри Лобарга ғазабнок қош қоқиб.

— Йўқ, — бош чайқади Лобар, — бу маълумотлар сизнинг оқ, бизнинг қора эканимизни англамайди.

Супермаркетда Соҳиба билан дилдан гаплашиб, унинг айбсиз эканига ишонч ҳосил қилдим. Телефонда Мадинанинг алоқачисига айтдим, афсуски, уларни тўхтатолмаганга ўхшайман. Тез орада Бўри ака ва хотини отиб ўлдирилади. Вақт борида Соҳибани сақлаб қололсам, бир умр виждон азобида қийналмайман. Бечора алдовларга чув тушиб, отаси қатори одамнинг хотини бўлди. Шу ҳам етмагандек Иван ва ҳамтовоқларининг хунига қолиб ўтирибди.

— Тушунмадим, сен ўзингни халоскорман, демоқчимисан? — Бўрининг кўзлари қисилди. — Соҳиба айбсиз экан, деясан. Мен-чи? Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман. Италияда Турғунни дўшпослашгани учун ҳам, менга бу ерда суиқасд уюштирмоқчи бўлишаётгани учун ҳам жавоб беришади. Ўғлини-ю ипириққи улфатларини ўлдириб менга нима зарил? Битта арзон жувон учунми? Ё Иван деганларида бошқа бир хусуматим бормиди? Йўқ ва яна минг марта йўқ! Танаймайман ҳам, кўрмаганман ҳам!

— Кузатув камерасида ҳам кўрмаганмисиз? — деди Лобар.

— Аблаҳ! Ҳаммасини оқизмай-томизмай сўзлаб берибди-да!

— Сиздан фарзанд кутаётган шўрпешанани ҳадеб сўкаверманг.

— Лондондаги уйимга ҳам кузатув камераси қўйганман! — бақирди Бўри. — Хоббим шунақа! Кўчадан қайтганимда текширсам, Соҳиба қаёққадир чиқибди. Сўкиш гапми, оғзидан қони келгунча тепдим! Супермаркетга чиқишдан илгари кимгадир дард-ҳасратини телефонда айтаётганини акс этган лавҳа ҳам компьютеримда! Тўғри, унга уйланиш учун ўз номимдан совчи қўймадим. Шунга нима бўпти? Орзуйи чет элларда яшаш, ҳашаматга бурканиш эмасмиди? Гастарбайтер эрини нега ташлади? Эри уни бир кути сигаретага алишмоқчи бўлгани учунми? Шуми баҳонаси? Оиласини мустаҳкамлаб, бахтли яшаб

кетса бўларди. Бир қути сигарета қўпол ҳазил эди. Нима етишмасди Соҳибага? Тайёр бойлик! Тайёр бой эр! Шунинг учун ҳам Италияда унга куёв Турғун эмас, мен эканимни айтишганида, йиғлаб-сиқтамади, тўполон кўтармади. Ҳақ-хуқуқини талаб қилса, одам савдосида айбланиб, ё Италияда қамоқда ўтирардим, ё ватанга депортация қилинардим. Нега бундай бўлмади? Соҳиба орзуиغا эришди! Мен орзусига етказдим! Мен! Ҳа, мен! Энди орзудаги ҳаётга эришиб, тўйиб қолдимми? Чет элда яшаш учун ҳомийлик қиладиган, мерос қолдирадиган ва кейинчалик ёш эрга алмаштирилса бўладиган тўнка эмасман! Бойлик учун турмушга чиқадиган қизларга, ажрашган жувонларга ишонаманми? Ушаларга-я?! Энг қизиги, шунақалар учун Россияда одам ўлдираманми? Оддий шахс бўлса ҳам майли, юқори доирадаги амалдорнинг ўғлини-я?! Соҳиба — менинг хотиним! Хоҳласам Европада, хоҳласам Америкада бирга яшайман! Ураман ҳам, сўкаман ҳам! Нима дейсан? Нима қилиб берасан? Оиламга тумшуғингни тиқишни, кимларгадир қўшилиб мендан шубҳаланишни, уларнинг ўқларига нишон қилишни кўрсатиб қўяман! Гена мақтаса, сенга уйланишни орзу қилибман. Худо бир сақлабди-да, заҳар жодугардан.

— Сизни субутсиз, фаросатсиз, виждонсиз десам, турган-битганингиз ҳайвондан фарқ қилмас экан, — деди Лобар.

Бўри унинг ёқасига чанг солиб, қарталар устига энгаштирди.

— Бир умр қарталарга ишониб яшамоқчимисан? Шунинг учун сени қадрлашадими? — Тўппончасини чиқариб, Лобарнинг чаккасига босди. — «Муқаддаслар рўйхати»даги аёл эканингни, бунинг учун сенга бир юз йигирма минг доллар берилганини, ҳеч ким хафа қилмаслиги кераклигини — барчасидан хабардорман. Лекин тепкини боссам...

Шу пайт калбош хонага кирди.

— Нима гап? — ялт этиб қаради Гена.

— Унинг телефониға «смс» келди, — деди калбош.

Лобарнинг телефони экранчасида—шундай—ёзув турарди: «Соҳибани ўлдиришимизни хоҳламас экансан, Бўри билан яқиндан таниш ва биз уни шовқинсиз тинчителишимизга шароит яратиб бер».

Гена телефон экранчасини Бўрининг тумшугиға тутди.

— «Қора қарта соҳибаси» тўғри гапирган чоғи. Сизни қатл этишмоқчи.

Лобар қарта доналаридан бирини Гена томонга чертиб юбориб, деди:

— Дўстингизға тушунтиринг, ўлимдан кўрқмайман. Яхшиликча, мен билан муроса қилсин.

— Қўйворинг, барибир уйимда қон тўколмайсиз, — Гена Бўрининг елкасига кафт қоқди. — Ундан кўра қарта ўйинидан олдин бафуржа гаплашайлик. Балки Лобар сизға ёрдам берар, а?

Бўри гавдасини кўтариб, ёқаларини текислади. Ҳамон полдан кўз узмай телбавор юрган арабга кўз қирини ташлаб:

— У билан айнан бугун қарта ўйнашингиз шартми? — деди. — Кўраяпсиз-ку, ишларимиз ҳаёт-мамот ўртасида.

— «Ишларимиз» жумласи нотўғри, «ишларим» деяверинг.

— Сиз ҳам мендан шубҳаланаяпсизми? — ранг-қути учди Бўрининг.

— Масъуд жаноблари, — арабни инглиз тилида чақирди Гена, — келинг, қартани бошлаймиз. Ҳаёт ташвишларидан бошим тарс ёрилиб кетмаслиги учун ҳам ўйнаймиз.

— Гена... — деди Бўри ўпкалаб.

— Хабар юборган кишини аниқлашнинг иложини тополасанми? — Гена калбошга ўгирилди.

— Интернетдан жўнатилган, иложи йўқ, — лабини чўччайтирди калбош.

— Хўш, ўшаларнинг хабарими? — Гена Лобарга юз бурди.

— Савол мантиқсиз, — деди Лобар газаб устида ўтирганига қарамай ҳамон вазминликни бой бермай. — Телефонимга бошқа ким «смс» юборади?

— Қўнғироқ қилиб, Бўрининг айбсизлигини тушунтиринг уларга, — телефонни узатди Гена.

Лобар ҳам, Мадина ҳам Юрага боғланолмади.

— Бўри, — Гена ўйчан ҳолда тикилди дўстига, — менга ростини айтоласизми?

— Ниманинг ростини? — тўлғонди Бўри.

— Россияда гиёҳванд модда савдосига аралашганмисиз?

— Менинг ўз бизнесим бор, қорадорига қўлимни булғашга кўзим учиб турибдими?!

— Аралашмаганмисиз, йўқми? Аниқ жавобингизни кутаяпман.

— Аралашмаганман, Гена. Нима гап ўзи?

— Икки йигитни ўлдириб, воқеа жойига қора қарта ташлаб кетишгани мени ҳам қизиқтириб қўйди. Бир оз шуғулландим. Маълумотлар ёлғон чиқмаса, қора қарталар йирик тўданинг иши. Тўда эса гиёҳванд модда савдоси билан шуғулланади. Уларнинг изи ҳам топилмаётганига сабаб — учинчи йигит, яъни суиқасдлардан тирик қолган Иван. У ҳукуматни чалғитиб, фожианинг айбдорлари бошқалар эканини исботламоқчи.

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — енгил тортди Бўри. — Амалдорнинг эркаси балои баттарларга аралашган. Икки ҳамтовоғи кимнинг қурбони бўлганини у яхши биледи. Ҳақиқатни айтса, отасининг шаънига доғ тушади, ўзи ҳам қамалади. Нима қилиб бўлса ҳам бошқа важ топиши керак. Ўша мен ва хотиним бўлди.

— Ҳа, отаси иккови жон-жаҳди билан тиришаётганга ўхшайди. Агар сиз гиёҳванд моддалар билан шуғулланмаган экансиз, қора қарталарга алоқангиз йўқ. Ва қурбонсиз, холос.

— Шунақага ўхшаб қолди.

— Бошқа вариантлар жуда заиф. Шуниси ишонарли.

— Иваннинг ўзи зўрга омон қолган-ку, — эътироз билдирди Лобар.



— Ҳамма шунга ишонаяпти-да! — Гена кўзларини чақчайтирди. — Иван ва отаси буни уддалаган. Мен Россиядаги танишларимдан суриштирдим, улар москвалик уч йигит гиёҳванд моддалар савдосига алоқадор бўлиши мумкинлигини қайта-қайта айтишди. Ишнинг пачаваси чиққач, Иван икки ҳамтовоғини йўқотиш йўлини танлаган бўлса керак, дейишяпти. Мен мурожаат қилган одамлар жиноят оламининг сувидан ичиб улғайган қашқирлар.

— Иван ва отасининг иши! — муштлари тугилди Бўрининг. — Нега менга буларни энди гапираяпсиз, Гена?

— Узр, фикрим билан бирга юраман, — деди Гена. — Ундан ўзиб, сал олиндроқ сизга ҳеч нима деёлмасдим.

Меҳмонхонага араб миллатига мансуб узун бўйли навқирон йигит кириб, Масъуднинг кулоғига энгашди-да, ўз тилида пичирлади. Гена ҳам шотирига ишора берди. Бир неча сониядан сўнг улар тортишув юз бермагандек қарта ўйинига киришдилар. Лобар ва Гена девор томонда ёнма-ён ўтирдилар. Уларнинг рўпарасидан Мадина билан Ҳакимулла Масъуд жой олишди. Сал наридаги диванга чўккан Бўри тинимсиз уҳ тортарди.

— Мадинанинг кўкарган кўзлари виждон азобидан қийналаяпти, — деди Гена. — Илтимос, унга кўзойнак беринглар.

Катта кўзли нимқора кўзойнак келтиришди.

— Мен билан қандай муроса қилмоқчи, тушунмаяпман, — жиғибийрони чиқди Бўрининг.

Қарта сузишни Мадина бошлади. Лобар унинг кўлларидаги қарталар «Рояль» услубида чийланишига ҳафсаласизлик ила қараб ўтирарди.

— Дарвоқе, қандай муроса? — Гена Лобарга яқин сурилган эди, елка елкага тегди. — Ёш хотинни ота-онасиникига юбормоқчимисиз?

— Бировнинг фарзандини чет элга алдаб олиб кетиб, хўрлагани етмагандек, ўққа тирик нишон қилаётгани

жаҳлимни қўзғаяпти, — деди Лобар. — Иккови ҳам ватанга қайтсин. Нобакор эр жамики жиноятлари учун суд олдида жавоб берсин. Қамоқ муддати тугайди, бу юришлари эса...

— Полициячимисан? Осмонни кўтариб турган бўлсанг ташлаб юбор! — Бўри тишларини гижирлатди.

— Инсонда виждон полицияси бўлмаса ҳам қийин экан, — Лобар қарталарни олди.

— Ютқазиб қўймайсизми? — Гена унинг қўлидаги қарталарни кузатди.

— Аёл бошинг билан қарта ўйнаб юрибсан, виждон борми сенда? — Бўри минғирлашдан тўхтамади. — Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Генага қимордан ютиш учун керак-да, акс ҳолда...

— Илтимос, уни чалғитманг, — деди Гена. — Хоҳласангиз, шўрва ичиб, мириқиб чекинг. Ўз қўлим билан пиширган шўрвамни келтиришганга ўхшайди. Димоғимга ҳиди урилди.

Биринчи ўйинда ҳеч ким ютмади. Иккинчисида Лобар сездики, Мадина қарталарни сиртидан танимоқда. Ҳозиргина янги қутидан олинган қарта доналарини таниш учун ўткир кўз ҳамда ҳаддан ташқари зийраклик керак эди. Кўпгина қиморхоналарда янги қарталарни чийлаётган қартабоз тирноқлари билан тирнаб белги қўйса, баъзилар «бармоқ изи» йўлини қўллаб, қўлга суркалган махсус бўёқлардан фойдаланишарди. Учинчи ўйинда Мадина олтмиш беш минг доллар ютди. Ҳақимулла Масъуд ҳам Генага тақлидан ўз ўйинчисининг пинжига суқилиб, қарталардан кўз узмас, аммо ўргатишга журъат этолмасди. Найранг кезиб юрганини Лобар дарҳол фаҳмлади. У қандай найранг? Қарталарда на тирноқнинг, на бўёқнинг аломати сезилади.

— Шундай қилиб, Маҳмудни танимайман, дегин, — ниҳоят, Лобар Мадинага гап қотди.

— Энди ҳеч ким эмасман, — Мадина нимқора

кўзойнак ортидан қараганида, жонсарак кўзлар фирром ўйинни сездириб қўйди. «Нега уларнинг ҳийласини биледмаяпман?» — ўйлади Лобар. Сиртида эса:

— Ҳеч ким эмаслигингни тушунганингдан хурсандман, — деди. — Сени алдаган эдим.

— Қайси гапингизни назарда тутаяпсиз? — хавотирланди қиз.

— Вақт-соати етса биласан. Мен тез ўзгарувчан, шамол қаёққа эсса, ўша ёққа учадиган қоғоз парчаларига ишонмаганман. Бундан кейин ҳам ишонмайман.

Ўйин бир соат давом этгач, тамадди қилиш учун танаффус эълон қилинди. Шу хонанинг ўзида стол безатилган эди. Калбош ноутбук кўтариб кирди.

— Яна нима ғавғо? — пешанаси тиришди Генанинг.

— Фотосурат юборишди, — деди калбош.

— Шомилнинг ўлигими?

Хашак устида чалқанча ётган Шомилнинг тасвири ноутбук мониторида намоён бўлди. Қўлида рўмолча, кўзлари бир нуқтага қадалган, оғзи хиёл очик. Уқ унинг кўксига теккан, кўйлагига қондан ивиб кетганди. «Францияда учрашганимизда йўталганди, дастрўмолга чалғиганда отиб ташлашибди-да», деган ўй ўтди Лобарнинг кўнглидан.

— Шомил шу ҳолида рақибини яралабдими? — қўлини иягига тиради Гена.

— Отишма қисқа бўлибди, — деди калбош. — Ўлаётиб ўқ узган.

Бўри ҳеч кимни кутмай икки рюмка ароқни жиғилдонига қуйиб, Лобарга кўзларини лўқ қилди. У ҳар доим қалтис ишларга аралашган, аммо омаддан нолимаган кишилардан эди.

— Ўтиринглар, муроса бўлса, муроса-да! Бугун байрам авжига чиқади! Тонггача! — хириллади у.

— Қўлимни ювишим керак, — Лобар ювиниш хонасига йўл олди.

Эшикни ёпгач, бўғзига тикилган йиғини зўрға ютди.

«Наҳотки, ҳаммаси тамом? — ичида қон йиғлади. — Алвидо, Шомил ака!.. Барибир сизга раҳмим келади... Ким бўлсангиз ҳам!.. Мен охири марта уриниб кўраман. Айтганингиздек, бу ерда ўзимни уйнинг эгасидек тутаман. Улар эмас, мен мезбон бўлиб чиқаман. Ишонганинг ўлди, дегандингиз. Йўқ, тирик. Мен на қартага, на сизга ишонганман. Ишонганим, бу — ўзим...»

Шу пайт заиф гингиллаш қулоғига чалинди. Лобар кўзларини очди. «Нима у?» Овоз раковина тагидан эшитиларди. Энгашиб қаради: қўл телефон скотч билан маҳкамлаб қўйилган эди. Экранчаси ёниб-ўчди, гингиллаш такрорланди. Лобар телефонни ажратиб олдида, яшил тугмасини босди.

— Салом, — деди нариги томондаги киши, — овозингни кўтармасдан гапир, эшикнинг орқасидагилар эшитмасин.

— Ким бу? Шомил ака?!

— Ҳа, менман. Сен билан йўлда хайрлашганимдан сўнг вазиятни ўзгартиришга тўғри келди. Менга ким ёрдам бераётганидан хабардорсан. Бошлиқлари унинг ишидан хитланиб қолишди. Лекин нима қилаётган бўлса, Англиянинг манфаати учун.

— Сизга ёрдам берган махфий агентнингми?

— Оббо, бунақа содда эмасдинг-ку! — нолиди Шомил.

— Узр, ҳаяжондаман... Менга қандай қилиб телефон қилдингиз?.. Қизиқ...

— Унинг ёрдамчилари уйга яширин камера, телефонлар ўрнатишди. Ҳозир сени кўриб турибман. Сени йўқотиб қўймаслик учун шундай қилишини дўстимдан сўрадим. Бўрини ўлдириш ҳақидаги ёлғон «смс»ни эса ноутбукдан ўзим юбордим. Иван Анатольевич деган шахснинг қаердалигини аниқлашни ҳам дўстимдан илтимос қилдим. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Йигитча қорадори савдосига аралашган ҳамтовоқларининг касрига қолганга ўхшаяпти.

— Камера қани? — аланглади Лобар.

— Ҳаво туйнугига қара!

— Тугмачами? Кўрдим.

— Энди яхшилаб қулоқ сол! Сен ювиниш хонасига кирганингни кўриб, раковина остидаги телефонга кўнғироқ қилдим. Гена — халқаро террорчиларга олти юз минг долларни ошқора бераяпти. Шундай усулда бераяптики, уни террорчиларга ҳомийликда айблаш осон эмас. Айби исботлангунча пуллар қўлдан қўлга ўтиб, турли ирмоқларга бўлиниб кетади ва бу ирмоқлар битта қўлга қуйилади. Қўлда террорчи аталмиш тимсоҳлар яшайди. Пуллар уларга ўтиши учун Мадина қиморда ютиши керак. Гена атайин ютқазиш йўлини танлаган.

— Атайин ютқазишми? Гена томондан мен ўйнаяпман-ку! Мадина профессионал қартада нўноқ бўлишига қарамай негадир устун келаяпти.

— Генанинг ёқасига митти видеокамера қадалган. Мадина нега кўзойнак таққанини фаҳламадингми? Генанинг видеокамерасидаги тасвир орқаларингдаги деворга ўрнатилган осма телевизор экранида кўрсатилаяпти. Мадина сендан сал юқорироққа аланглаётганини сезмаслигинг учун кўзойнак тақтиришди. Араб — террорчиларнинг янги кассири. Ҳозирча шундай тахмин бор. Дўстим «Бу тахмин эмас, айна ҳақиқат, бошлиқларим чора кўргунча пуллар террорчиларга етиб боради», деяпти. Шунинг учун у кутишни истамай, меъ билан яна ва яна таваккал қилаяпти. Ҳозир энг яхши чора — сен ютқазмаслигинг керак.

— Тушунарли.

— Кассирнинг айбини исботлаш ҳам осон эмас. Кимларга ҳомий экани, илгари қанча-пул бергани ҳам ноаниқ. Гена Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон каби бир неча мамлакатда бизнес қилмоқчи. Англиядан ўша мамлакатларнинг бирига кўчиб кетмоқчи. У бизнесини йўлга қўйиш учун туркиялик араб орқали кимларгадир боғланган. Ўшалар халқаро террорчиликда ҳеч ким шубҳаланмайдиган Генадан фойдаланишяпти.

— Камерасини ёқасидан юлиб оламан, — деди Лобар.

— Шошилма! Ҳеч нарсани сездирмасликка мажбурсан! Уқдингми? Дўстим мени Англияга яширинча киритди. Унинг ташкилоти — «МИ-6» ҳам, полиция ҳам, «Ми-5» ҳам айна дамда менинг изимдан тушган. Каминани халқаро жиноятчи, жаҳон статусига эга киллер, сохта ҳужжатлар билан турли мамлакатларда яшовчи товламачи деб билишади. Ишимни яқунлаб, зудлик билан Англиядан чиқиб кетишим керак.

— Тўхтанг, очиқ гаплашайлик! Нима бўлса бўлди.

— Қанақа очиқ гап?

— Нега Лондон полицияси ҳам, хавфсизлик хизматлари ҳам сизни қидиришяпти-ю яна ёрдам ҳам беришяпти?

— Ҳаяжонланганингдан миянг ишламаяптими? Италияда инглиз ташқи разведкаси ходими билан дўстлашдим. У бошлиқларига айтмасдан мен билан ишлаяпти. Мақсади — террорчиларга ҳады этилаётган пул масаласи, ҳомийларнинг шахси, манфаатдорлиги, қолаверса, «Кавказ» ресторани атрофида ўралашаётганларнинг қайси террорчилик ташкилотига ёки қайси давлатнинг разведкасига хизмат қилаётганини аниқлаш, фош этиш. Гарчи Генани қўлга туширишда менинг ўрним беқиёс бўлса-да, ёрдамимдан фойдаланиш учун бошлиқлари дўстимга рухсат бермаслиги аниқ эди. «Бошимда кимлар борлигини ўзим ҳам билмайман» деган Гена ҳақиқатан сирли шахс. У ва арабнинг айбини исботловчи етарлича далил йўқ. Менинг эса шахсим аниқланди, Римдаги қотилликни ҳам бўйнимга қўйишмоқчи. Бурбон чол ўла қолса ҳам гувоҳлик бермайдиган кас. Лекин менга гувоҳнинг кераги йўқ. Айбсизлигимни исботламайман ҳам.

— Тушундим.

— Агар наф чиқмаса, улар сени ҳам, Мадинани ҳам ўлдиришлари мумкин. Мени Англияга киритган дўстимнинг иккита шарти бор: биринчиси, Генанинг кирдикорини имкон қадар фош этишим, иккинчиси, ҳеч кимни ўлдирмаслигим. Ҳозир тиззамда овозтиндиргич ўрнатилган иккита «Кольт» тўппончаси турибди. Уйдан икки юз қадам наридаман. Ваъда бермаганимда, бостириб

Азамат ҚОРЖОВОВ

кириб, сен билан анави абхаз қиздан ташқари ҳаммасини отиб ташлардим. Буни истаяпман! Улар тамом бўлган кимеалар! Сени ўлдирмоқчи бўлишсагина ваъдамни бузаман. Уйингга эсон-омон жўнатиб юборишим керак. Мени қонсираган дема! Шунчаки ишимни якунига етказмоқчиман. Шундан сўнг иккимиз икки томонга кетамиз.

— Қон тўкилмасин, илтимос, — деди Лобар.

— Вақт бўлди, чиқ! Уйин охирида шу хонага ёки иккинчисига кир! У ерда ҳам телефон бор. Мабодо отишма бошланса, ўзингни стол остига ташла. Қўлингга қурол олма! Мендан олдин Британия махсус хизмати йигитлари бостириб киришлари ҳам мумкин. Улар ҳозир сизларни пойлаётими, йўқми, билмайман. Мендан бошқалари кирса, қўлида қурол ушлаган жон борки, пешонасидан дарча очиб қўяди. Отишмада қурол ушлаган фуқаро кийимидаги бегона кишидан оқ ёки қора экани сўраб ўтирилмайди.

— Яхши, — деди Лобар ва телефонни қувур ортига яшириб, ювиниш хонасидан-чиқди.

Дастурхон атрофидан жой олишгач, Гена виски қуйиб узатди.

— Ичмайман, — рад этди Лобар.

— У бугун сидр ҳам ичмади, — деб Мадина кўзойнагини ечди. — Айтишича, покланмоқчи эмиш. Спиртли ичимлик динда ман этилган.

— Ажойиб кўзойнак экан, — Лобар кўзойнакни оёқ остига ташлаб, қарсиллатиб синдирди. — Нимани яширмоқчисан?

Мадина ва Гена ташвишмонанд кўз уриштиришди.

— Ҳеч нимани, — гулдиреди Мадина.

— Кўзингнинг жароҳатиними? У кимга керак? Аввал қалбингга боқ, кимсан ўзи? Жароҳатларинг мадда боғлаб, тез орада ўласан.

— Ҳарҳолда бошим бутун, — Мадина Лобарнинг ўқдан олган жароҳатига ишора қилди.

— Жанжални тўхтатинглар, — деди Гена, — икковингиз ҳам бир йўлдасиз. Ҳеч кимнинг бурни қонамайди. Бу бир қимор уйини. Мен Лобар ҳақида кўп йиллардан бери эшитаман. Ҳатто афсоналарга айланган. Учратсам, уни ўзимга қиморбоз қилиб, бир марта бўлса ҳам катта қиморга пул тикмоқчи эдим. Мана, орзуйимга эришдим. Биринчи фаслда Мадина устун келгани вақтинчалик ҳолат деган умиддаман. Лобар барибир енгади. Остонада кўполлик қилганим учун узр сўрайман. Агар жаноб Масъуднинг пулларини ютса, Лобарга шу уйни совға қиламан. Эркак битта гапиради.

Бўри Лобарга қарата масхараомуз илжайди, Ҳакимулла Масъуд кавшанишдан тўхтамади, қўлтиғидан ўтказилган малла ғилофдан қора тўппонча дастаси кўриниб турган Гажар шўрва сузаётиб пиқ этиб кулиб қўйди. Лобар қўлларини чалиштириб, бамайлихотир сўзлади:

— Шундоқ ҳам бу уйнинг эгаси менман.

Эркаклар қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

— Лобар, — деди Гена, — шу феълингиз ёқиб қолди. Тушкунликка тушмайсиз, чуқур ўйлаб ўтирмайсиз, дунёнинг исталган мамлакатига оддий бир масала бўйича ҳам бориб келишдан эринмайсиз.

— Йўқ, айтган хусусиятларингиз ўзингизники, мен бошқачаман.

— Лондонга келганига икки кун бўлмай мени ҳам топди, «Кавказ» ресторанига ҳам тикка кириб борди, — Бўри гапга аралашди. — Шаҳарни бунчалик яхши билиши ақлга сиғмайди. Буларнинг бари унинг жосус эканини англатади. Осонгина қўлга туширдик. Аёлдан донишманд чиққанми? Ҳе ўргилдим афсонавий шу хотиндан!

— Соҳиба барлару паблар тушига ҳам кирмаганини айтганида, хурсанд бўлдим. Лондонда бир йил яшаса ҳам истироҳат боғларию музейларга эркин чиқишига ишонмайман. У орзу қилган бахт сароб. Ўзига ҳам, ҳали туғилмаган боласига ҳам раҳмим келади. Шукрки, тўғри йўлга қайтса, бахтини топади.



— Ўрнида бўлолмаганинг учун шунақа хор бўлиб юрибсан, — афтини бужмайтирди Бўри.

— У ҳақ, — деди Гена. — Айтгандай, Лобар, боя Мадинага «Ҳеч ким эмаслигингни тушунганингдан хурсандман, сени алдагандим» деб нимани назарда тутдингиз?

— Мадина ўйлайдики, мени Россиядан Англияга юборишган, — Лобарнинг юз-кўзида совуққонлик зоҳир бўлди. — Аслида улар юборишмаса ҳам келардим. Бировнинг илтимоси билан Лондонда юрганим йўқ.

— Фельингиздан адашмабман, — қадаҳ кўтарди Гена. — Уларнинг илтимосисиз келганингизда ҳам шу сценарий такроланарди. Фақат Бўри бунчалик ғазабланмаган, аксинча, ёш хотинини унутиб, сизга ошиқлик даъво қилган бўларди.

Ўйинга турганларида Мадина ва Лобардан бошқа ҳамманинг кайфи чоғ эди.

— Ҳой, кайфиятни кўтарсангиз-чи! — яна елкама-елка ўтирди Гена. — Қартадан кўлингиз чиқиб, қизалоққа ютқазиб қўйманг-тагин.

— Хоҳлайсизми, уни эрмаклаб ютаман, — деди Лобар.

— Хоҳлайман, — сохта кулди Гена.

— Яхши... — Лобар диванга суяниб, Мадинага боқди. — Қани, қартани суз, адашган банда!

Мадина бу сафар «гармошка» услубида қарта чийлади. Мазкур услубдан Лобарнинг кўнгли айнирди. Бир вақтлар Абхазияда пок ҳолида дунёга келган, отаси туфайли Москвада жиноий тўдага ўралашиб қолган, ўз бахтини емираётган қизга айна дамда раҳми ҳам келди. Бироқ кўнгилбўшлиги Бурбондан қолган пулларнинг террорчиларга ўтиб кетади дегани эди. Олти юз минг доллар — террорчиларни қутуртириб юборадиган залворли афюн эди.

Лобар қарталарни очиб ҳам кўрмади.

— Ҳе-хе-хе, қарайлик-чи, — кўл узатди Гена.

— Тегинманг, — деди Лобар. — Уни қандай ютишимни томоша қилмоқчимисиз, марҳамат. Профessional

қартада аҳмоқларгина «гармошка» услубида қарта чийлайди. Унинг қўлида қандай қарталар тўпланди, менга нималарни сузди, очмасдан кўриб-билиб турибман.

— Бўлиши мумкинмас, — тутакди Гена. — Мен ҳам кўз узмадим. Чалкаштирилаётган қарталарнинг ҳаммасини эслаб қолиш, бу... алжираш! Пулларимни ютқазиб қўйишингизга хотиржам қараб ўтиролмаيمان.

— Нега асабийлашасиз? Мен ютаман! Шу керак-ку, сизга. Унинг қўлидаги қарталарга томошабин сифатида қарадингиз, мен, ўзингизга маълум, «қора қарта рақси» соҳибасиман.

— Йўқ, бундай таваккал қилиш керакмас!

— «Муқаддаслар рўйхати»га кирганим учун ҳадя қилинган ҳаром пулларни бераман, кўрқманг. Ундан ҳам ортиқ ютқаза бошласам, хўп, айтганингиз бўлади. Мен аввал-бошдан қартадану қиморнинг жамики турларидан нафратланганман. Бугун сўнгги марта мажбурман.

Мадинанинг қовоқ-тумшуғи осилди. Тилни тушунмайлиган Ҳакимулла Масъуд ҳам Лобарга ўқрайиб қарай бошлади. Мадина дастлаб ўттиз минг тикди. Кейин яна йигирма минг доллар ташлади. Ҳақиқий пуллар ўрнида «Беш минг доллар» деб ёзилган оддий қоғозлардан фойдаланишмоқда эди. Ютуқ юз минг доллардан ошса, мағлубнинг ҳисоб рақамидан ғолибникига пул ўтказишга келишиб олгандилар. Сўнгра ўйин яна давом этарди.

Лобар қартани очиб ҳам қарамасдан ўйнади. Чийлаётганда қўлидаги қарта кучли шамолда қолган китоб саҳифаларидек варақланар. «6», «7», «8» каби рақамлар, йигит, аёл, шоҳ суратлари шиддат ила алмашар, гоҳ пул санайдиган машинканинг овозига, гоҳ вентиляторнинг ҳавони ёриб, совуқлик пуркаётганга ўхшаш саси эшитиларди.

Лобарнинг ютуғи бир юз саксон минг долларга етганида, ўйинни чўзишнинг маънисиз экани маълум бўлди. Унинг қандай қилиб ютаётгани Бўрини ҳам маҳлиё этиб қўйганди. Ҳамма қимор столини қуршаб олганди, калбош ҳам, Ҳакимулла Масъуднинг йигити

ҳам. Фокус кўрсатаётган кўзбойлогичга болалар қандай қизиқса, бу уйдаги кимсалар ҳам шундай эдилар. Лобар дунёни унутиб, илҳом-ва-хаёлот оғушида ўйнарди. Уни қимор не кўйларга солмади. Йўқолган бахтини, қайтмас ёшлигини, бир замонлар Россияга келгандаги беғубор даврини — барчасини эслади, ўртанди, унсиз, кўзёшсиз, лабларнинг ҳаракатисиз йиғлади...

Бир пайт эшик қарсиллаб синиб тушди. Уй аҳли ток ургандек сапчиб эшик томон баб-баравар ўгирилди. Остонада иккала қўлида тўппонча тутган Шомил турарди. Бир вақтлар Лобарга илк марта дуч келгандаги каби узун плаш кийиб олганди.

— Соқчининг оёқ-қўлидан отиб шол қилдим, — деди у. — Ҳозирча ҳеч ким ўлгани йўқ. Келинлар, шу ишни қурбонсиз яқунлаймиз. Лобар, ёнимга чоп!

— Бекор қилаяпсан, Шомил! — ўрнидан турди Гена. — Барибир Англиядан чиқиб кетолмайсан!

— Гена, — дея Шомил унга газабнок тикилди, — бахтинг шуки, сен билан шуғулланмайман. Мени ўз ўйинларингнинг актёрига айлантирганингни бошиданоқ сезганман. Италияда ўлдирмаганингни ҳам жуда яхши тушунаман. Гўрим сал нарироқда бўлиши керак эди. Хўш, Лобар, кетасанми?

Гажар йўлбарсдек чаққон эди. Лобарни ўзига жонли қалқон қилиб, тўппончасини чиқаришга улгурди.

— Сени Римда отиб ташлашим керак эди! — бўкирди у Шомилга. — Қўлингдагини ташла!

— Ташқаридаги соқчини ўқлар ёрдамида вақтинчалик хушсиз қилганимни кўр, — деди Шомил битта тўппончасини ташлаб, иккинчисни кўшқўлаб ушлаганча нишонга оларкан. — Иш деган мана бундай бўпти! Сен эса Москвада аёл кишининг бошига ўқ уздинг. Қаерда кўргансан, бошга ўқ узиб «ўйиндан вақтинча чиқариш»ни?! Эшитишимча, «муқаддаслар рўйхати»га ҳам ишонмас экансан. «Ким ҳимоя қилади Лобарни?» деб томоғинг йиртилгунча бақирибсан.

Гажар тўппончаси оғзини Шомилга қаратган заҳоти

ўқ узилди: Гажарнинг боши силтаниб, жонсиз гавдаси полга гурсиллаб қулади.

— Сен чиқадиган эшикдан чиқмайман, бунга вақт керак, дегандим, Лобар, — деди Шомил. — Вақт келди. Юр! Сени эшиккача кузатиб қўяман. Нариги хонага чиқишинг билан бу ерда яна бир ишимни охирига етказаман.

— Буларни нима қилмоқчисиз? — сўради Лобар.

— Айбини бўйнига олмаганларни отиб ташлайман, — жавоб берди Шомил. — Чунки мен ҳукумат эмасман. Анави Бўримми? Маҳмуд ҳамма бало ўшандан чиққанини айтди.

Қўлини кўтариб турганларнинг четдагиси — Бўрининг ранги қув ўчди.

— Мен... мен... айбдор эмасман, — йиғламсиради у.

— Нега айбдор эмас экансан! «Се у Римъ кричатъ подь саблями Половецкими, а Володимиръ подь ранами. Туга и тоска сыну Глебову!» Бу гап танишми сенга? Қипчоқлар русларни қириб ташлагани ҳақидаги тарихий воқеага ишора эмасми? Сен Москвада кимларни қириб ташладинг?

— Сиз... бунга ағдармоқчимисиз? Тўғри, у менинг севган гапим, лекин... нималар бўлаяпти ўзи? Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман!

— Алдама! Москвадаги икки йигитни ўлдиргансан. Тан оласанми ё судсиз ўлиб кетасанми?

— Хотиним ёлғиз... Қорнида боласи бор... Раҳм қилинг! Мен ўлдирган бўлсам Худо урсин!

— Нима қилай, Лобар? Вақт тигиз! — Шомил тўппончасини маҳкамроқ ушлади.

— Шу ерда Соҳибага кўнғироқ қилиб, унинг жавобини берсин, — деди Лобар. — Агар оила керак бўлса, бу одамнинг ўзи ҳам юртига қайтсин. Жиноятлари учун жавоб бериб, қамоқдан кейин, агар истаса, оиласи билан яшасин. Ўйлайманки, Соҳиба бундай эр билан энди бир кун ҳам яшамайди.

## ХОТИМА

Эртасига Лобар ва Соҳиба аэропортга йўл олишди. Лобарнинг шахси йигирма тўрт соат сир тугилишига эришилганди. Ярим йўлда қаҳвахонага кирдилар. Шомил шу ерда Лобар билан видолашмоқчи эди.

— Алвидо, Лобар, — деди чечен. — Дунёда халқаро қиморбозлар қолмади. Казинолар ҳам секин-аста ёпилиб, Ер юзидан буткул йўқолиб кетади. Сен ҳам энди ҳадеб чет элга чопавермай, уйингда ўтир. Ҳалол пул ишлашнинг йўллари кўп. Масалан, бизнеснинг сирларини қунт билан эгалла! Қартадек мураккаб нарсани ўрганган сендек аёлга бизнес нима деган гап! Фақат ростини айт, мендан хафа эмасмисан?

— Йўқ, — Лобарнинг кўзларига ёш қуйилди.

— Йиғлама... Парвизга салом айт, юзидан ўпиб қўй. Ноутбукни менинг номимдан совға қилма. Уни камида генерал бўладиган қилиб тарбияла! Бўшанг йигит бўлиб қолса мендан кўрасан!

— Хўп... Дўстингиз Англиядан эсон-омон чиқариб юборишига ишончингиз комилми?

— Сенга «Моссад»нинг таклифи ҳақида гапиргандим.

— Энди Исроил учун ишлайсизми?

— Йўқ, араб тилини мукаммал ўрганаман, холос, — кўз қисди Шомил.

— «Игор полки жангномаси»даги сатрлар иш беришида Маҳмуднинг роли катта бўлди, а, Шомил ака?

— Ҳа, у йигитдан профессор чиқади, албатта келгусида бировларнинг нағмасига ўйнаб қўймаса.

— Мадина ўттиз ёшгача турмуш қурмоқчи эмасди, афсуски, ниятига эришди, — рўмолчасини олди Лобар.

— Унга шартни тўғри қўйдим, — деди Шомил ҳам рўмолчасини чиқариб йўталар экан. — Ё Гажарни отганимни ўз бўйнига олиб, менинг ўрнимга қамалади, ё менга қарши айғоқчилик қилгани учун жойида отиб ташлайман. Адашган банда тўғри жавобни танлади.

Ҳарҳолда Гена, Ҳакимулла Масъуд, Бўри кабиларга ўхшаб қамоқда кўп ўтирмайди, чунки у бир кишини «ўлдирди», холос.

Ўрниларидан турдилар.

— Анави ёш хотин учун Бўридан нимадир ундириш керак эди, — деди Шомил сāl наридаги Соҳибани кўрсатиб:

— Кўлида хунари бор, бахтини топиши қийин эмас, — кўз ёшларини артди Лобар. — Бўрининг пулига зор эмас.

— Тўғри, — деди Шомил, — у кечса, номард бир эрдан кечаяпти. Иван Анатольевич отасидан юз ўтирдик! Жаноб амалдорнинг ўғли икки ҳамтовоғи дастидан қорадори савдосига аралашиб, итдай ўлиб кетишига сал қолди. Иванга гал келганда, отаси гиёҳфурушларга пулларни топиб берган, худди аввалги қотилликдек икки ёлғондакам суиқасд уюштириб, ўғлини ҳам қурбон қилиб кўрсатган, гўёки шармандали сири очилишидан халос этган. Ҳатто, сени юбориб, ўғлининг айбсизлигини исботлаш учун қотилликни Бўри ва хотинига ағдаришга уринган, кўрқитиш йўли билан пул талаб қилган гиёҳфурушларни эса мантиқан очикда қолдирган. Ўрнида бошқа одам бўлганида Иваннинг айбини яцирмасди. Унга гиёҳфурушларни қўлга тушириш ҳеч гап эмасди. Федерал хавфсизлик хизматига икки қотилликнинг айбдорлари, гиёҳфурушлик, Ивандан марҳум ҳамтовоқлари йўқотган пулларни талаб қилишаётганини айтса бас эди. Амалдор ёлғиз ўғлининг қамалишидан, ўз номига доғ тушишидан кўрқди.

— Ҳа, ўғлидан тириклай айрилмасди ҳам, — деди Лобар. — Юра алоқадан йўқолганида, дўстингиз уни ҳам, Иванни ҳам биз учун топганини сезгандим. «МИ-б»нинг ҳодимисиз қийналиб қолардик.

— Айнан сени Лондонга юборишларининг тўлиқ версиясини айтайми?

— Айтганларингиз тўлиқ версия эмасмиди?

— Анатолий Иванович «Кавказ» ресторани атрофидаги можароларни эшитган. Ёш хотиннинг отасига ёзилган-

## Азамат ҚОРЖОВОВ

мактуби топилгач, Бўрини айблашга асос топилган. Бўри Генанинг таниши. Улар «Кавказ» ресторанида тез-тез тамади қилишади. Сен эса Англияга мени ахтариб боришга тайёрсан. Анатолий Иванович сени ёллаш ҳақида ўйлаб қолади. Бошқа бир ёлланма қотил сени ҳам, Бўрини ҳам ўлдириб, айбни ёш хотинга ағдаради. Бўри ва сен ошиқ-маъшуклик қилган бўлиб чиқасан.

— Соҳиба одам ўлдиролмайди, унга ҳеч ким ишонмасди.

— Албатта. Улар яна бир мактуб ёздирардилар ва Соҳибани кўпқаватли уй деразасидан ташлаб юборишарди. Эри ва ўйнашини рашқдан ўлдириб қўйган ёш хотин қамалишдан кўрқиб, ўз жонига қасд қилган бўлиб чиқарди.

— Бундай бўлиб чиқмагани учун Оллоҳга шукр.

Улар кўл қисишди.

— Балки яна учрашиб қолармиз, — Шомилнинг ажин тушган юзида сезилар-сезилмас табассум ўйнади.

— Йўқ, — деди Лобар. — Ўрним ўз уйимда, оиламда.

Шомил жойига ўтирди. Лобар шартта бурилиб, Соҳибанинг ёнига кетди. Сўнг сумкаларини кўтариб, эшикка юрдилар. Лобар охирги марта Шомилни кўриш учун қайрилиб қараганида, чеченнинг ўрни бум-буш эди.

### *У китоб тугади*

## МУНДАРИЖА:

|   |     |
|---|-----|
| <b>XI қисм.</b> Бир одамнинг икки сояси ..... | 3   |
| <b>XII қисм.</b> Ёш хотиннинг гуноҳи .....    | 85  |
| <b>Хотима</b> .....                           | 276 |



*Адабий-бадиий нашр*

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

# **ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР**

**V китоб**

*Қисса*

Мухаррир: О.Қанаев

Тех.муҳаррир: Н.Қодирова

Бадиий муҳаррир: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Г.Қурбанбаева

Рассом: Д.Эшматов

Босишга берилди 28.10.2016. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Virtec Times Uz” гарнитураси. Шартли босма табоғи 17,25.  
Нашр босма табоғи 17,5. Адади 4000. Буюртма № 42.

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.*

*Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*Дизайн-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*